

А. КАТТАБЕКОВ, В. РАҲМОНОВ

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

8- СИНФ УЧУН  
(ДАРСЛИК-МАЖМУА)

Тўлдирилган ва тузатилган 3- наشري

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ "ЎҚИТУВЧИ" 1997



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ**

*Мутал Бурҳонов муסיқаси      Абдулла Орипов сўзи*

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

**НАҚАРОТ:**

Олтин бу водийлар—жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

**НАҚАРОТ:**

Олтин бу водийлар—жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

## МУҚАДДИМА

Даврнинг ижтимоий муаммолари ва адабиёт. Инсоният тарихининг ҳамма босқичларида бадиий адабиёт санъат турларининг бири сифатида ижтимоий тараққиётда катта ўрин тутиб, фаол роль ўйнаб келган. Бунинг сабаби шундаки, бадиий адабиёт ижтимоий онг шаклларида бири сифатида муайян тарзда ижтимоий борлиқни акс эттиради. Шунга кўра адабиёт бошқа санъат турлари каби жамиятдаги ижтимоий онг тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади, ўзгаради. Адабий жараён—ижтимоий жараённинг ўзига хос инъикосидир. Ҳар бир янги давр ёзувчилар олдига ўзининг долзарб вазифаларини қўяди, ўзи учун муҳим бўлган мавзу ва муаммоларни илгари суради, янги тамойилларни, янги усул ва ҳаётни идрок этиш тарзини сингдиради. Шунинг учун ҳам инсониятнинг кўп асрлик тараққиёти давомида адабиёт, айниқса, ишланадиган материал, мавзу нуқтаи назаридан жуда кўп ўзгаришларга дучор бўлади. Айтайлик, Навоий даврида теурий шахзодалар ўртасида тахт учун кураш авжга минган бўлиб, маърифатпарвар, одил шоҳ ҳақидаги орзу шу замоннинг ва шахсан Навоийнинг асосий идеали эди. Худди мана шу сабаб—тахтдан ҳунарни устун қўйган Фарҳод, адолат бобида тенги йўқ Искандар образлари адабиёт майдонида пайдо бўлди.

1905 ва 1917 йилги рус инқилобий тўнтаришлари даври адабиётга инқилобий мавзунин олиб кирди ва бу мавзуга мурожаат қилиш ёки қилмаслик ёзувчининг ижтимоий-сиёсий қарашини белгилайдиган мезонга айлантирилди. Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, адабиётдаги асосий мавзу янги тузумни мустаҳкамлаш, эскирмиш фош этиш, инқилоб "ғалабалари"ни ҳимоя этиш бўлиб қолди. 20—30-йилларда бу мавзуда ўнлаб, юзлаб асарлар яратилди. 30-йилларда мажбурий жамоа хўжаликларини тузиш сиёсати адабий майдонга А.Твардовскийнинг "Узоқ-узоқларда", Ғ.Ғулумнинг "Кўкан" поэмаларини, А.Қодирийнинг "Обид кетмон" повести, А.Қаҳҳорнинг "Қўшчинор чироқлари" романини юзага чиқарди. Уруш даврининг асосий муаммоси душман устидан ғалаба қозониш—адабиётнинг ҳам бош муаммосига айланди ва ҳ. к.

Адабиётнинг ижтимоий ҳаёт муаммолари билан алоқадорлигини мажбурий қонун даражасига кўтариш ва фақат шуни талаб қилиш санъаткор имкониятларини чегаралаб қўйиши ҳам мумкинлигини унутмаслик керак. Худди мана шу талаб пировард-оқибатда собиқ шўро адабиётини кундалик ижтимоий воқеаларнинг қули, шарҳчисига ва шу тариқа ҳукмрон мафкуранинг югурдагига айлантириб қўйди.

Аслида эса тарихий жараён шуни кўрсатадики, адабиётнинг ҳамма давр ва ҳамма тузумлар учун бирдай долзарб бўлган умумбашарий муаммолари бор ва мана шу муаммолар

кўтарилган бадий адабиётнинг умри боқийдир. Юнон фожианависи Софоклнинг "Шоҳ Эдип" асари эрамиздан олдинги III асрда яратилган, ammo у бугунги томошабин қалбини ҳам ларзага солади. Навоийнинг беш аср илгари битган ғазаллари дилимизни яйратади, чунки улар бир сониялик ўткинчи мавзулар эмас, умумбашарий ва ҳамма даврда ҳам бирдай қадрланадиган мавзуларга бағишланган.

Адабиётнинг давр ижтимоий ҳаёти билан алоқадорлиги унинг иккинчи муҳим хусусияти—маърифий, билим бериш аҳамиятини ҳам келтириб чиқаради. Ammo бу билим бериш ўзига хос усул билан амалга оширилади. Айтайлик, фан ва унинг тармоқлари бўлган фалсафа, жамиятшунослик, табиатшунослик ҳам бадий адабиёт каби ҳаёт, жамиятнинг ижтимоий муаммолари ҳақида маълумот беради. Ammo ҳаёт фанда илмий тушунчалар, ахборотлар тарзида акс этса, адабиётда у бадий образ қиёфасида гавдаланади. В.Г.Белинский таъбири билан айтганда, фан "нима бўлганини" тушунтирса, адабиёт "қандай бўлганини" тасвирлайди. Фан бераётган ахборотни инсон ақли билан қабул қилади ва таҳлил этади. Адабиёт ҳам ақлга таъсир этади, уни бойитади, ammo у санъат бўлгани учун ахборотни тўғри миёга бермай, олдин ҳиссиётга таъсир этади, қалбни жунбушга келтиради ва шу орқалигина ақлга таъсир қилади, уни бойитади. Ойбек машҳур "Наъматак" шеърда "ҳаётда тўсиқларни енгиб яшашни ўрганиш керак" деган хулосани миёмизга жойлайди. Ammo бу фикр санъаткорлик билан, гўзал образларга бурканган ҳолда олдин қалбимизни ларзага келтириб, сўнг шууримизга етиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, адабиёт ўзи яшаётган давр ижтимоий муаммоларидан четда туролмайди, ammo унинг қули ҳам бўлиб қолмаслиги, ҳаётнинг қандайлигини эмас, қандай бўлиши кераклигини куйлаши, ҳамма давр ва ҳамма халқлар учун бирдай қадрга эга бўлган мавзулар устида ишлаши зарур.

Ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат. Адабиёт ҳаётнинг инъикоси бўлгани билан унинг суратга туширилган айнан нусхаси эмас. Ҳаётдаги ҳодиса ва шахслар фаолияти аслида қандай кузатилган бўлса, шу ҳолатда кўчириб олинмайди. Ижодкор ҳаётдаги маълум воқеадан ортиқча ўринларини, кераксиз тафсилотларини, аҳамиятсиз эпизодларини олиб ташлаб, уларни маълум бир ғоя ва образлар атрофига тўплайди. Бу жараёнда у воқеаларни танлаш, типиклаштириш, индивидуаллаштириш, умумлаштириш, сюжет қуриш, яхлит композиция яратиш, характерлар чизиш ва уларни ўзаро мулоқотга киритиш каби бадий ижоднинг ўзига хос усулларидан фойдаланади.

Бадий ҳақиқат дегани шу даражада ўзар ва нозик ҳодисаки, ҳатто ҳаётда ҳақиқатан бўлиб ўтган, фактлар билан тасдиқланган воқеа-ҳодиса асарга кўчганда бадий ҳақиқат даражасига ўсиб чиқмай қолиши мумкин. Бадий ҳақиқат бўлиши учун у воқеаларнинг реал эканлиги етарли эмас. Агар ёзувчи мазкур воқеанинг худди шундай бўлганлигини, бошқача бўлиши мумкин эмаслигини образлар ва шартларнинг ҳатти-ҳаракатлари,

гап-сўзлари ва бадий мантиқ орқали асослаб, шунга китобхонни ишонтира олсагина, у бадий ҳақиқатга айланади. Масалан, П.Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романида Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо каптархонада юрганида икки терак бўйи жардан қулаб кетиб ҳалок бўлади. Бу тарихий факт "Бобурнома"да қайд этилган. Аммо бу воқеа романга шундай олиб кирилса, у ўқувчини ишонтира олмайди ва, бинобарин, бадий ҳақиқат бўла олмайди. Чунки ўқувчида бир қатор шубҳали саволлар туғилади: уруш кетаётган давр бўлса, тахт хавф остида пайтида наҳотки ҳукмдор каптар ўйнаб юрган бўлса!? Худди мана шу жойда бадий тўқима деб аталмиш муҳим восита ёрдамга келади. Ёзувчи бунинг сабабини ўзи топиши, уни бадий асослаган ҳолда тўқима сифатида сингдириб юбориши керак. П.Қодиров худди шундай қилади: Умаршайх тахт таҳлика остида қолганини сезиб, ҳарбий ёрдам сўраб бошқа ҳукмдорга мурожаат қилиши керак. Чопар юборса, вақт ўтади, албатта энг қулай йўли мактубни каптар орқали жўнатиш (каптарлар илгари почтачи ўрнида ишлатилганини эшитгансиз). Бунинг устига бу — ҳарбий сир, жиддий иш—бошқа одамга ишониб бўлмайди. Шунинг учун шахсан ўзи мактубни жўнатиш учун каптархонага кирганда, тагидан катта дарё оқиб ўтиб, нураб қолган каптархона тўсатдан қулаб тушади. Ана энди биз бу воқеага бирмунча ишонишимиз мумкин. Шу романдаги кўприк қулаб кетиб, Шайбоний қўшини талафот кўриши, Бобурнинг эгачиси (опачаси) Хонзода бегимнинг Шайбонийхон ҳарамига тушиб қолиши воқеалари тасвирида ҳам ёзувчи ана шундай бадий тўқимадан фойдаланади.

Кўриниб турибдики, бадий тўқима дегани—йўқ жойдан тўқиб чиқарилган деган сўз эмас. Тўқима мантиқ асосида воқеанинг, шахс фаолиятининг моҳиятидан, вазиятидан келтириб чиқариладиган ёзувчи фантазиясининг маҳсулидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаёт ҳақиқатига амал қилиш бу ҳали бадий ҳақиқатга эришилди дегани эмас. Ҳаёт ҳақиқати ижодкорнинг фантазияси, билими, маҳорати ёрдамида бадийят "қозон"ида қайнаб чиқмаса, у етук асар эмас, оддий фактлар йиғиндиси бўлиб қолаверади.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Адабиёт нима учун доимо жамиятнинг ижтимоий муаммоларига алоқадор бўлади? Бу унинг қайси хусусиятидан келиб чиқади?
2. Долзарб муаммо баҳонаси билан даврнинг ўткинчи муаммолари ортидан қувиш тўғрими? Бундай уриниш қандай нуқсонларга олиб келиши мумкин?
3. Адабиётнинг умумбашарий ва ҳамма даврлар учун долзарб мавзуларидан қайсыларини биласиз? Шундай асарлардан мисол келтиринг.
4. Адабиётнинг маърифий, билим бериш хусусияти фан ва унинг тармоқларидаги шу хусусиятдан нимаси билан фарқ қилади?
5. Ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқатнинг қандай фарқи бор?
6. Адабиётда бадий тўқиманинг қандай ўрни бор? Мисоллар ёрдамида изоҳлаб бering.

## „АЛПОМИШ“ ДОСТОНИ

Ўзбек халқи икки минг йиллик ёзма адабиёт ижодкорларинигина эмас, кўплаб йирик оғзаки дoston ижодкорларини ҳам етиштириб берган.

Машҳур „Гўрўғли“ туркумидаги қирқдан ортиқ дostonларнинг ранг-баранг намуналари, айниқса композицион мукамаллик ва мураккаблик намунаси бўлган, яратилиши жиҳатидан жуда қадим замонларга бориб тақаладиган „Алпомиш“ дostonи диққатга сазовордир.

Бош қаҳрамонларнинг ватани бўлмиш Бойсуң тоғи ва яйловлари тасвири, Қўнғирот элатининг ўн олти уруғининг қадимийлиги талқини (Бойсари бошлиқ чорвадор бойлар Кашалга бориб яхши яйлов экан деб экинзорга молларни ёядилар) мазкур дoston қаҳрамонларининг ўз авлод-аждодимиз эканлиги миллий фахримиздир.

„Алпомиш“ дostonи Ўзбекистон Республикасининг барча кенг яйловли ерларида дostonчилар томонидан куйланиб келинган кенг қамровли, хилма-хил нусхалари бўлган эпосдир. Бу дostonга айланган қадимий ривоятни тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчириб, тўлдириб, силлиқлаб, бадиий сайқал бериб, бойитиб келатган халқ шоирлари жуда кўп. Шундай йирик дostonни ўз хотирасида сақлаган, ўз шеърини қудратини ифодалаб, асарни эл мулкига айлантиришга ҳисса қўшган шоирлардан бири Фозил Йўлдош ўғлидир.

„Алпомиш“ дostonининг Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги нусхасини 1927—28 йилларда Маҳмуд Зарифов Ҳоди Зарипов раҳбарлигида ёзиб олган. Мазкур дoston тузилишига кўра, икки мустақил асар деса бўладиган йирик ҳажмли икки қисмдан иборат. Биринчи қисмнинг қисқача мазмуни шундай:

„Бурунги ўтган замонда ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағин икки ўғил пайдо булди, каттақонининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари—иккови катта бўлди. Бойсариси бой эди, Бойбўриси шой (шоҳ) эди, бу иккови фарзандсиз бўлди“.

Мазкур элдаги бир тўйда тўй эгалари вориси йўқлиги туфайли Бойбўри ва Бойсарига мулозамат кўрсатмайдилар. Улар фарзандсизлик дашномини эшитиб, ака-ука ворис топиш ния-

тида уч кун йўл босиб Шоҳимардон пирнинг равзасига<sup>1</sup> бориб, қирқ кун ётиб олиб, худодан фарзанд тилашади. Қирқинчи куни мақбарадан овоз келади: „Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас эгиз берди. Бойсари, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди“...

Шундай қилиб орадан бир йил ўтмай Бойбўри Ҳақимбек ва Қалдирғоч исмли икки фарзанд эгаси, Бойсари ой Барчин номли қиз отаси бўлиб қолишади.

Ҳақимбек ва қизлар олти ёшга етганида мактабга беришади. Бир куни Ҳақимбек китоб ўқиб ўтириб, сахийлик ва бахиллик ҳақида сўз кетганида, отаси: ким сахий ва ким бахил дейилади?— деб сўрайди. Жавоб орасида молядан закот бермаган киши ҳам бахил бўлиши маълум бўлади. Шоҳ Бойбўри, укам Бойсарининг номи бахилликка чиқиб кетмасин, менга номига бўлса-да „Ўз розичилиги билан бир улоқни закот деб берсин“ деб ўн тўрт маҳрамини Кукқамаш кули ёнидаги яйловга—Бойсариникига жўнатади.

Бойсари: „Бувақа бидъатлар<sup>2</sup> қаердан чиқди?!“ деб аччиқланади ва маҳрамларнинг ярмини ўлдириб, қолганларини жароҳатлаб жўнатиб юборади. Ўз юртимда акамга закот<sup>3</sup> бериб яшагунча, қалмоқ юртига бориб, жузья<sup>4</sup> бериб яшайман, деб Бойсари ўн минг уйли Қўнғирот эли билан кенгашиб, Кашалга кўчиш маслаҳатини қилади. Чапанитоб Яртибой, қаерга десанг, биз бирга кетамиз, дейди.

Шундай қилиб Бойсари ва унинг эли Кашалга кўч-кўрони, от-улови, йилқи-қораси билан, бола-чақаси билан жўнайди. Улар Чилбир чўлига Ойна кўли яқинига келиб ўз чорваларини бу ердаги экинзорларга ёйиб юборадилар. Чунки бу чорвадорлар экин нималигини билмайдилар ва табиий яхши ўсган ўт деб ўйлайдилар.

Экинзор эгаларининг арз-додини тинглаган қалмоқ шоҳи Тойчихон ўз мирғазабларини Бойсарини тутиб келишга юборади. У ялиниб-ёлбориб, жаллодлардан шоҳга ариза ёзишга бўш қўйишларини сўрайди. Шоҳ Бойсарининг аризасини ўқиб, унинг гуноҳларини афв этади ва ўн минг уйли бу элатта ўз мамлакатига дориломон яшаш ҳуқуқини беради.

Қалмоқшоҳ мамлакатига шу подшоҳликнинг устувлари бўлган полвоңлардан тўқсон киши бўлиб, уларнинг энг кучлилари Сурхайил кампирнинг етти алп ўғлони эдилар: „Каттасини Кўкалдош дер эди, ундан кичкинасини Кўкаман дер эди, Кукқашқа дер эди, Бойқашқа дер эди, Тойқашқа, Қўшқулоқ, кенжатоини Қоражон дер эди“.

<sup>1</sup> Равза — мақбара.

<sup>2</sup> Бидъат—янги расм-русум.

<sup>3</sup> Закот—ўз эҳтиёжидан ортиқ бойлигининг 2,5 фоизини муҳтожларга бериш.

<sup>4</sup> Жузья—мусулмон юртларида бошқа дин вакили тўлайдиган солиқ.



Сурхайил кампир шоҳдан рухсат олиб, Бойсари даргоҳига тўққиз кампирни ияртиб боради. Илдам борганидан олдинроқ етиб Бойқадам, Изиқути ва бошқа тўққиз кўпкак кампирни роса ўртага олиб талаб ташлайди. Бойсариникида Барчинга кўзи тушган Сурхайил мақсадга кўча қолади ва унинг боши бўш бўлса, Қоражонга унаштирсак деган таклифни ўртага қўяди. Боши бандлигига боқмай, кампир бойбичани кўнишга қистайди. Қайтаётиб, Қоражонга „Мен ўзбакни қизини сенга унаштириб, рўмол боғлаб келдим“, деб ёлғон гапиради. Ўгли онасининг гапига ишониб, куёвчасига кийиниб Бойсари хонадони атрофида ҳалак ва хижолат бўлади. Алданган Қоражон Кашал ғорига бориб воқеанинг учини чиқаради. Кўкаман бу гапни эшитиб Кўкдўнан отини миниб йўлга тушади. Бойсари хонадони ёнидан ўтаётиб Барчинни кўради ва бир коса қимиз сўрайди. Қиз унинг баланд-паст гапини эшитиб, „Кетгин, бадбахт, келган йўлдан қолмагин!“ деб қувиб солади.

Изаза бўлган аш Кашал ғорига бориб иниларига „ёрилади“. Тўқсон аш ғойибона Барчинни талашиб, ёқалаша бошлайдилар. Эртаси барча алплар йиғилиб Бойсариникига келадилар.

Кўкаман Бойсарига қараб:

—Келган бой, сенинг бир қизинг бор экан, қани биримизга берасанми, баримизга берасанми?—дейди. Бойсари эртагача муҳлат сўрайди. Эртаси алплар яна ёпирилиб келгач, Барчин отасига қараб: „Алпларга ўзим жавоб берайин“ дейди.

Барчин алпларнинг энг зўри Кўкалдошдан олти ой муҳлат сўрайди. Улар кўнишади.

Барчин ўн йигитга ўн бедов отни бериб, хат ёзиб Алпомишга жўнатади: „Олти ойчалик йўлга келдим, қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин“. Тўқсон кеча-кундузда хабарчилар Қўрғирот элига Бойбўриникига келдилар. Чопарларни Бойбўри давлатхонасига тушириб, зиёфат қилиб ётди. Йигирма кунда ҳам жавоб бўлмайди. Ариза сандиқда қолиб кетди. Чопарларни бу ҳақда оғиз очмасликка кўндириб, орқасига қайтарди.

Алпомишнинг синглиси—Қалдирғоч бир куни канизлари билан сандиқни очиб, хатга кўзи тушди. Уни олиб Ҳақимбекка элиб берди. Йигитча ўн тўрт ёшга кирган эди. У олти ойчалик йўл эканлигини билгач, иккиланиб қолди. Қалдирғоч Ҳақимбек авзойини кўриб ҳақли таъна қилади. У „Яёв бораманми?“ деса, Қултойнинг олдига жўнатади. У Бойбўри буйруғича иш тутиб, Ҳақимбекни дўппослаб қайтариб юборади. Яна Қалдирғоч: бир қўлга кучинг етмадими, деб уни уялтиради. Сўнг Ҳақимбек Қултойни кўтариб уриб, Бойчиборни туттириб олади ва ўн тўрт ботмонлик ёйини ҳам олади. Йўлда кетаётиб чилтанларга дуч келади. Чилтанлар каромати билан Барчин ва Алпомиш руҳлари тушда гаплашишди. Барчин алёр айтиб Алпомишга коса узатди... . Алпомиш ва Барчин бир хил туш кўришди...

Ниҳоят у Чилбир чўлига етди ва Бойсарининг чўпони Кайқубодга йўлиқди. Шу кечани чўпонлар қўшхонасида тонг оттирди. Саҳарда Алпомиш, Барчин ва Қоражонлар туш кўришди...

Алпомиш Муродтепага яқинлашаётганида ирим қилди: „Шу тепага отим чиқолса—ёримни оламан, чиқолмаса—бориб нима қиламан?“. Оти тепага чиқди. Алпомиш тепа ёнида ёнбошлади...

Туш кўриб уйғонган Қоражон ўн уч махрами билан овга жўнаб, Муродтепага яқинлашди. Алпомиш ва Қоражон сўрашиб, танишишади. Савол-жавобда Қоражон Алпомишни таниганини, отаси Бойбўрилигини, Қалдирғочни билишини айтганда Ҳакимбек ҳайрон қолади. Қоражон сирни айтақолади:

— Мен ҳам хотинини талашиб ётган тўқсон алпнинг бири бўламан. Қирқ чилган қавму қариндошинини тушимда кўрсатиб, сенинг билан дўст қилди.

Қоражон Алпомиш билан танишиб, дўстлашиб, уни ўз чодирига олиб боради. Эртаси куни Алпомиш ўз келганидан хабар бериш учун Бойчиборни миңдириб Қоражонни Бойсариникига юборади. Барчин Қоражон боришидан, Бойчибор эгасининг йўқлигидан роса умидсизланади. Қоражондан совчилик хабарини чин эшитгач, хушҳол бўлади. Уни зиёфат қилади. Дастонда воқеа шундай давом этади:

Қоражон айтди: — Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг муҳлати бўлса битиб қолди, сен нима жавоб айтасан?

— Барчин айтди: — Алпомиш келса келибди-да, Алпомиш келди, деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кета берайинми? Бу алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни қилган кишига тегаман. Хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин. Шу сўзимни хон тўрамага айтиб бор, — деб бир сўз айтиб турган экан:

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,  
Ботирни ингратар найза яраси.  
Келган бўлса Қўнғирот элнинг тўраси<sup>1</sup>,  
Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси,  
Бобохон тоғидан пойга қиламан.  
Кўздан ёшин мунчоқ-мунчоқ тиздирса,  
Қушқанотнинг қуйруғини суздирса,  
Бобохондан пойга қилиб ўздирса,  
Оти илдам бойваччага тегаман.  
Мендайн оймнинг ҳолин билганга,  
Оша юртдан меҳнат<sup>2</sup> тортиб келганга.  
Душманларга қора кунни солганга,  
Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,

<sup>1</sup> Тўра — 1. Шаҳзода, шохнинг фарзанди; 2. Зодагон фарзанди.

Мен тегаман шул ёйандоз<sup>1</sup> полвонга.  
 Мендайн ойимнинг ҳолин билганга,  
 Мени излаб оша элдан келганга,  
 Ғаним кўрса қиёмат кун солганга,  
 Оша юртдан излаб ҳалак бўлганга,  
 Минг қадамдан танга пулни урганга.  
 Мен тегаман шул қирағай<sup>2</sup> мерганга.  
 Саваш бўлса, бул шубониб чиққанга.  
 Кураш қилиб тўқсон алпини йиққанга.  
 Мен тегаман нор билакли полвонга.  
 Шул сўзимни айтиб боргин тўрамга,  
 Зоғ ҳам бўлса қўна берсин гулшанга,  
 Баб-баравар қилдим яхши-ёмонга.  
 Мен тегаман тўрт шартимни қилганга.  
 Айтиб боргин излаб келган султонга,  
 Отин тоблаб кира берсин майдонга,  
 Хабар бергин бари қалмоқ душманга,  
 Талаб қилса, бари келсин майдонга,  
 Ҳеч қайси ҳам қолмасинда армонда.

Шу сўзни Барчиндан эшитиб, Қоражон айтди: — Бу ўйни сен ўнғай топдинг, аёллиқ қилиб, мен шуну дейман, деб Алпомишнинг этагидан ушлаб ўтирганда, ҳодиса<sup>3</sup> ишлар пайдо бўлар эди. Бу ишнинг бинойи бўлди, — деб отланиб бораётиб эди, бир кам тўқсон алп келаётиб эди, Қоражоннинг олдидан чиқиб қолди. Тўқсон алпнинг зўри Кўкалдош туриб айтди:

— Қоражон, қаёқдан келаяпсан?

Қоражон айтди: — Ўзбакнинг қизиникидан келаяпман.

— Ўзбакнинг қизининг муҳлати битди, учрадингми, нима жавоб айтди?

— Ўзбакнинг қизига учраб келаётибман. Ўзбакнинг қизининг айтган сўзи шу бўлади: „Пойга қиламан, отини ўздирганга тегаман; курашда алпларнинг барини йиққанга тегаман; ёй тортишса, ёйи синмай қолганга тегаман; минг қадамдан танга пулни урган қирағай мерганга тегаман“, деди.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алп айтди: — Ўзбакнинг қизини кўнгли менда: пойга бўлса, ўзиб келмоқ Кўкдўнаннынг тани; кураш бўлса, тўқсон алпнинг бирини қўймасдан йиқмоқ фақирнинг тани; ёй тортишганда ҳам менинг ёйим синмай қолади; минг қадамдан танга пулни депти, беш юз қадамдан танга пулни ураман, минг қадамга борган сўнг, чоғлаб қўйиб юбораман, бу ёғини мужмалтоб қилиб оламан. Сен бу остингдаги олачани қаёқдан олдинг? — деди.

<sup>1</sup> Ёйандоз — ёй отувчи, мерган.

<sup>2</sup> Қирағай — моҳир.

<sup>3</sup> Ҳодиса — кутилмаган, ногаҳоний.

— Қўнғиротдан Алпомиш деган дўстимиз келган экан, бу шунинг оти.

— Алпомиш келдими?

— Келди, — деди.

— Шу юртлардан шул отни миниб, хотин олиб кетаман деб аҳмоқ бўлиб юрурми?

— Шу отни миниб келган экан, — деди.

Кўса синчи деган синчиси бор эди, синчисига айтди:

— Тушиб ўзбакнинг отини кўр қани.

Тушиб Бойчиборни кўрди: қаричлаб кўрди: сағрисининг устидан қулоғининг ўртасигачайин тўқсон олти қарич чиқди: айил тортуви олтиш уч қарич чиқди. Сағрисини силаб, бурнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб кўрдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти буклам-таклам бўлиб ётир.

— Ўзбакнинг оти қандай экан? — деди.

— Ўзбакнинг оти андай экан, ўзбакнинг қизига бурилмай қўя қол, — деди.

— Чинингни айт, — деди.

Отни таъриф қилиб, чини шул, деб бир сўз айтиб турган экан:

Йилқичинда<sup>1</sup> ўзи келган синлидир,  
Тубишқон<sup>2</sup> туёқли, марол беллидир,  
Аросат кунинда ажаб ҳоллидир,  
Қимматбаҳо экан ўзбакнинг оти.  
Минганларнинг ҳақдин етар мақсади,  
Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти,  
Асл тулпор экан ўзбакнинг оти.  
Ўзи шундай келган экан човқар кўк,  
Қуйруғиндан берисинда кири йўқ.  
Қандай бўлса минганларга кўнғил тўқ,  
Мен биламан илдамликда минн<sup>3</sup> йўқ.  
Қимтиса ўтади осмонда қушдан,  
Белига ярашган карк қубба пуштан,  
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,  
Умид қилма, ой Барчиндай бувишдан,  
Асл тулпор экан ўзбакнинг оти.  
Буни минган Қўнғиротнинг бекзоти.  
Ўн икки ой сен отингни боқтирсанг,  
Йўл-йўлакай йўлга гулмих қоқтирсанг,  
Авайлаб ўзади ўзбакнинг оти.  
Бедов миниб, от-абзалинг шайласанг,  
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,  
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,

<sup>1</sup> Йилқичинда — йилқи ичида.

<sup>2</sup> Тубишқон — товушқон, қуён.

<sup>3</sup> Минн — қосони, камчилиги.

Ўн беш кун илгари берман<sup>1</sup> ҳайдасанг,  
Бўшалса ўзади ўзбакнинг оти.  
Аввал қулоқ солгин айтган тиллара,  
Сенга тақдир қилмас Барчин гуллар-а,  
Чопа берсанг олтойчилик йўллара,  
Ингранса ўзади ўзбакнинг оти.  
Қалмоқ элда от бўлмайти баробар,  
Умид узиб кетабергин, қалмоқлар,  
Ўзбакнинг қизи деб ҳалак бўласан,  
Отинг ўзолмаса нима қиласан?  
Бир ўзбакдан изза бўлиб қоласан,  
Беҳуда уриниб аҳмоқ бўласан,  
Бу от назаркарда, тоза биласан,  
Қаердан чопишсанг аввал келади,  
Тенг бўламан деган отлар ўлади,  
Барчинойни ўзбак оти олади,  
Бошқа от минганлар ҳалак бўлади...

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алпнинг аччиғи келиб:

— Мендан бирон вақтда сен жодирим<sup>2</sup> бўлиб, ўзбакни илгаридан ҳам кўриб, „Сиёсатга отимни таъриф қил“, деб сенга уч-тўрт танга берган экан-да, чоқдан бирон нарса олиб таъриф қилдинг,— деб аччиғи келиб, синчининг икки кўзини ўйиб олиб қўйди. — Ҳаммавақт ўзбакнинг оти менинг отимдан ўзганда, сенинг кўзингнинг хунини<sup>3</sup> бераман. Юринглар, Алпомишнинг устига борамиз, — деди. Қоражон ҳам қўшилди, тўқсон алп жам бўлди. Ҳаммаси йиғилиб, тўкилиб, Алпомишнинг устига бориб қолди.

Алпомиш чодирда ўтириб эди, шундай қаради, ҳар қалмоқлар келаяпти: калласи қападай, танаси тепадай, бутлари селанглаб, отнинг остига аймашиб кетган. Алпомиш ўтирган ерида сиёсат билан қаради. Бир кам тўқсон алп отдан таппатаппа ташлаб қўл қовуштириб таъзим қилди, ақли шошиб қолди, табгиридан адашиб, Кўкалдош алп Кўкдўнаннинг устида бир ўзи қолди. Алпомишга қараб бир сўз айтиб турди:

Гап эшит, ўзбак тилимдан,  
Қолмагин келган йўлингдан,  
Умидинг узгин жонингдан,  
Умид қилмагин ёрингдан,  
Айрилма кирдикорингдан,  
Нима иш келар қўлингдан?  
Сўз айтади мендай алплар,  
Менга бўлмайсан баробар,  
Бу хотинимда ниманг бор,

<sup>1</sup> Берман — бери.

<sup>2</sup> Жодирим — якка, ёлғиз, алоҳида.

<sup>3</sup> Хун — айнан: қон; хунбаҳо, тўлов.

Кет, энди сендай баччагар,  
 Тоғ бошини чалар туман,  
 Тингалыма бўлсанг дучор,  
 Узбак, қутулмоғинг гумон.  
 Устинга отлар соларман,  
 Ёр билмак яксон қиларман,  
 Узбак қизини оларман,  
 Билганимдайин қиларман.  
 Ҳазил билиб турма мени,  
 Ким аҳмоқ қип юборди сени?  
 Келганинг қалмоқ мазгили.  
 Кет, ўзбак тайин ўласан,  
 Тур йўқол, нима қиласан?  
 Кўкалдош дейдилар мени,  
 Кўп сарсон қиларман сени,  
 Менга маълум қизнинг ҳоли,  
 Олсам деган умидинг борди(р).  
 Ҳазил билма қалмоқларди,  
 Бу гапимни англаб билсанг,  
 Барчинойнинг кўнгли борди(р).  
 Неча марта савол қилган,  
 Тегаман деб ваъда берган.  
 Ўзбак қизин олмоқ бўлган,  
 Билгин бу Кўкалдош бўлган.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам Кўкалдошга қараб, бир сўз деб турган экан.

Тикилсам қурийди дарёнинг гуми<sup>1</sup>  
 Наъра тортсам қулар қўрғоннинг тими.  
 Бунча сўзни лоф урмагин бемаъни,  
 Отим Ҳаким мен ҳам Бойсуннинг хони.  
 Кетган одам излаб бунда келарми,  
 Келган одам сендан камроқ бўларми,  
 Ўзи ўлмай, киши ёрин берарми,  
 Ҳеч бир элда сендай тентак юрарми,  
 Лоф уриб ўзини бозор соларми,  
 Лоф билан қўлидан бир гап келарми?!  
 Бешайин<sup>2</sup> чиқмайди марднинг довуши,  
 Урушли кун Рустамдайин бул иши.  
 Қайсардайин бордир анинг саваши,  
 Шунда кунда ўлмоқ гушпининг<sup>3</sup> иши.  
 Майдонда лоф уриб ул кун келади,  
 Кўтарилганини биров билади.

<sup>1</sup> гум — сувнинг энг чуқур жойи.

<sup>2</sup> бешайин — сабабсиз.

<sup>3</sup> гушпининг — ҳўлиқма.

Бир қайсар айлантириб солади,  
 Аҳмоқ бўлиб сендай қалмоқ ўлади,  
 Лопшининг<sup>1</sup> жазосин шундай беради...  
 Нор кесар олмосни белга чотарман<sup>2</sup>,  
 Қиличима қирмиз қонлар қотарман,  
 Дучор келганингни кўкка отарман,  
 Иш кўрсатиб, ёрим олиб кетарман,  
 Жафодар соларман тавдаги жонга,  
 Хазон<sup>3</sup> бўлса зоғлар қўнар гулшанга.  
 Ажалли касратки<sup>4</sup> тегар илонга,  
 Ҳазиллашма қалмоқ, мендай султонга.  
 Сен мард бўлсанг, чиқа бергин майдонга.  
 От-потингман отайинми осмонга?!  
 Алпомиш дер, сенга бермайман омон,  
 Қалмоқларга солайин охир замон.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош ҳам бир сўз деб турибди:

Ўзбак, эшит менинг додим<sup>5</sup>  
 Ерни босган сиёсатим,  
 Бу юртда қолар жасадинг,  
 Қайтиб сен отасан отим,  
 Кимга келади қувватинг?  
 Сен ҳам ўзбак, ажаб депсан,  
 Гуппи сўз ўрганиб кепсан,  
 Неча сўзни лоф урибсан.  
 Қиларман ер билан яксон,  
 Сўз айтарман—алвон-алвон,  
 Элингдан чиқибсан, полвон,  
 Мендан қутулмоғинг гумон.  
 Умид қилмагин ёрингдан,  
 Одам бўп чиқиб шаҳрингдан,  
 Бўйинингни узай танингдан,  
 Мен ҳам бўлсам марди майдон,  
 Омон кетмайсан бу жойдан.  
 Сендай неча полвон келган,  
 Келиб бу юртларни кўрган,  
 Ҳаммаси қўлимда ўлган,  
 Қолгани пушаймон қилган.  
 Боши гангиб чўлда сарсон,  
 Элин топмай, гаранг бўлган.

<sup>1</sup> Лоппи — лопчи.

<sup>2</sup> Чотарман — боғлайман.

<sup>3</sup> Хазон — куз.

<sup>4</sup> Касратки — калтакесак.

<sup>5</sup> Дод — сўз, арыз.

Ҳар ким ҳам дўғилиб<sup>1</sup> кўрган,  
Ким менга баробар бўлган?!  
Ўзбошимча бу Қоражон  
Сени бир кун топиб келган,  
Бу юришинг бўлар ёлгон.  
Мени билсанг шундай полвон:  
Не эрлар кеп саваш қилган,  
Бу тўқайлар қонга тўлган,  
От остида калла қолган,  
Ҳаммаси қўлимда ўлган.

Бу сўзни Кўкалдошдан эшитиб, Қоражон ҳам бир сўз деб турган экан:

Эмикдошим, ака, бундай қиласан,  
Бир ўзбак, деб сўзни лофи урасан,  
Сен тилингни тортиб сўйла бу замон,  
Ўзбак муғум<sup>2</sup>, армон билан ўласан.  
Бу ўзбакни алп Қоражон билади,  
Чангалласа тоғни талқон қилади.  
Сен тилингни тортиб сўйла, бек оға,  
Аччиқланса мулкинг яксон бўлади.  
Ўзи оғир, билмай айтган додингни,  
Ўт қўйиб куйдирар қалмоқ юртингни,  
Ҳолин билмай ҳар ким ҳалак бўлади,  
Ким бунга тегинса, тайин ўлади.  
Англамайди кўпинча айтган сўзингни,  
Агар билса ўяр икки кўзингни,  
Яқинласанг ўлдиради ўзингни.  
Ўрлашганман<sup>3</sup>, ака, нима бўлади.  
Бир ҳодиса иш бўп бунда қолади...  
Барчинойнинг айтган шартин қилади,  
Шарт битирган одам ёрни олади.  
Тўрт шарт буюргандир унда зулфақдор,  
Қоражонга тайин қилган муқаррар,  
Шул шартнинг пайида бўлмоқлик даркор,  
Бекор гапнинг нима кераклиги бор!  
Элу халққа юриб хабар берайин,  
Ҳамма ҳам эшитсин, ани кўрайин,  
Ким олади, ким қолади, билайин.  
Ўртадаги ўзбак қизи у дилбар,  
Унинг учун бекор ўрлаш не даркор?  
Жонни сотиб ўзиб келар бедовлар,  
Отинг ўзса, ўзингдадир ихтиёр.  
Бунинг учун ўрлашиб ётмоқ не даркор.

<sup>1</sup> Дўғилиб — йўлиқиб.

<sup>2</sup> Муғум — миқти, кучли.

<sup>3</sup> Ўрлашмоқ — тортишмоқ, тиргалмоқ.



Оти ўзганга тегар Барчиндай дилбар,  
 Бундайин беҳуда сўзлар не даркор.  
 Пойганинг пайида энди бўлайик,  
 Қалмоқшоҳга бориб хабар берайик,  
 Элу халққа юриб жарчи қўяйик.  
 Халойиқ эшитмай яна қолмасин,  
 Эшитмаган кўп пушаймон қилмасин,  
 Билмадик, деб ичин уриб юрмасин.  
 Отини совитиб майдонга келсин,  
 Ўртадаги ўзбак қизини кўрсин,  
 От боққанлар чоғиб пойгани қурсин,  
 Оти ўзган олар, ҳалоли бўлсин.  
 Бу сўзни Қоражон туриб гапирсин,  
 Ҳамма одам эшитиб буни, тан берсин,  
 Кўкалдош ўртада ўрлашиб турсин,  
 Кўпдан қолмай бу ҳам пойгага юрсин,  
 Оти ўзса, Барчин шуники бўлсин.

Қоражоннинг сўзи ҳаммага маъқул бўлиб: — Қоражон рост айтади, — деди. Бу ёқда қўл қовуштириб турган қалмоқлар: — Бир ўзбак-да, деди. Бир нечаси: — Жуда ҳаддили муғум зўр ўзбак-да, Кўкалдошдан ҳайиқмади, тилини тортмай гапирди; сўнгги навбатда Қоражон ўртага тушди, бўлмаса Кўкалдошни бир ёқлиқ қилар эди, хийла иш бошлаб турар эди, — деб ҳар қайсиси ҳар сўзни гапириб ётди.

Энди Қоражон бош бўлиб, пойганинг ҳаракатини қиляпти. Хат ёзиб, Қалмоқшоҳга хабар юборди. Бир маҳрам хатни олиб кетди, ким йўлиқса, хабар бериб борапти. Қалмоқшоҳнинг давлатхонасига етди. Бир хизматкор хатни олиб Қалмоқшоҳга тутди. Қоражоннинг маҳрами қайтди. Бу хатни Қалмоқшоҳ ўқиб кўрди. Сайис хизматкорига буюрди: — Отларни тобла, хўп парвариш қилиб қара, манглайларини сила. Ўзбакнинг қизи пойга бўлади, насиб этган олади. Жуда яхши қиз таърифи келади, отини ўздирган одам олади, — деб қишлоқларини, бозорини чақирта берди, ҳар тарафга хабар қилаберди.

Қалмоқшоҳнинг амри шундай бўлади,  
 Ҳар элга жарчилар хабар қилади,  
 Қишлоқларга юриб хабар беради:  
 „Отига ишонган одам боради,  
 От ўздирган бийнинг қизин олади“.  
 Эшитганлар отни тоблаб кўради,  
 Билмаганга юрур шундай билдириб,  
 Шўхлик қилиб бир нечани кулдириб,  
 Элу халққа юриб хабарни қилиб,  
 Жарчилари ҳар бозорни чақириб,  
 Ҳазон бўлмай боғда гуллар сўлибди,  
 Қўнғиротдан ҳам бунда одам келибди,  
 Тўқсон полвон кўп бир чатоқ қилибди,  
 Бойсарининг қизи пойга бўлибди,  
 Бизнинг юртга шуйтиб хабар келибди.

Яхши қиз деб овозаси келибди.  
 Мард йигитлар от совитиб боради,  
 Оти илдам Барчинойни олади,  
 Қалмоқ юрти кўп ғалоғул бўлади.  
 Ҳар ким ўз ҳолига отин кўради,  
 Оти ёмон кўп иркилиб<sup>1</sup> қолади.  
 Кўрайик, деб катта-кичик келади,  
 Кашал ғорда катта йиғин бўлади,  
 Ойнали кўлига одам тўлади,  
 Алллар ҳам шердай бўлиб айналиб,  
 Элатидан келган отга қаради.  
 Пойгага боргудай отни айириб,  
 Шу замон мирзалар хатлаб туради.  
 Пойганинг бошчиси Қоражон сардор,  
 Тўсат-тўсат келаётир қалмоқлар.  
 Ўн минг уйли Қўнғирот халқи қаради,  
 Томошамон<sup>2</sup> Ойна кўлга тўлади.

Пойгага қўшиладиган отдан қалмоқларнинг подшосидан ҳам уч от келди: бири олапоча тўриқ от, бири шапоқ от, бирови ўн бир минг тангага олган саман от. Қалмоқнинг юртидан Барчиннинг пойгасига йиғилган от тўрт юз тўқсон тўққиз от бўлди. Бойчибор билан тўппа-тўғри беш юз бўлди. Синчилар беш юз отдан бўлагини кўриб қайтариб юборди: — Бу отлар бўлмайди, бу узоқ йўл, бу отлар йўлда қолади, ичи куйиб бекорга ўлади, эгаси ҳам сарсон бўлади, — деди.

Пойгачилар ҳар кунига от совитиб, ёлгон пойга қўйиб келади. Бойчибор отларнинг чангини кўрмай қолади. „Ўйинда ўзган чинда ўзади“, деган гап бор, ҳазил пойгада Бойчибор отнинг чангини кўрмай қолади. Чин пойга бўлган сўнг қандай келади? — деб қалмоқлар бояги кўр бўлган синчига изза беради. Зўрни зўр билади, валини вали билади, тулпорни тулпор билади. Тойчи вилоятида Кўкалдошнинг Кўкдўнани тулпор эди, ўзидан ғолиб Бойчиборни кўриб, ваҳм босиб, емини емай қолди. — Менинг отим касал бўлдим, дарди ёмон ўсал бўлдим, кўзинг бўлмаса ҳам қўлинг билади, бизнинг отни бир кўриб берсанг, — деди. Синчи Кўкалдошга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Алл Кўкалдош, эшит айтган сўзимни,  
 Зўрлик билан ўйдинг икки кўзимни,  
 Сарғайтирдинг менинг гулдай юзимни,  
 Ўзидан ғолибни отинг кўргандир,  
 Бу пойгадан ўзолмасин билгандир,  
 Ваҳм босиб емин олмай қолгандир,  
 Отингни ғолиби Чибор бўлгандир,

<sup>1</sup> Иркилмоқ — тисарилмоқ.

<sup>2</sup> Томошамон — томошабин.

Ўзингнинг голибинг Ҳаким полвондир,  
 Шуйтиб отинг ўйлаб ваҳм қилгандир.  
 Хоҳи боргин, хоҳи қўйгин, қалмоқлар,  
 Бекорига ҳалак бўлма, аҳмоқлар.  
 Ўзбакнинг қизидан умид қиласан,  
 Ҳолинг билмай сарсон бўлиб юрасан,  
 Беҳуда отингга зулм қиласан,  
 Ололмайсан, сарсон бўлиб келасан.  
 Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор,  
 Сенга айтган менинг сўзим шу бўлар,  
 Бойчиборман отинг бўлмас баробар,  
 Ҳали ҳам сен ҳалак бўлма, қалмоқлар,  
 Бобоҳон тоғига сен ҳам борасан,  
 Кўп жонингни қийнаб сарсон бўласан.  
 Сарсон бўлган билан нима қиласан,  
 Бир куни зинкийиб<sup>1</sup> ўзинг қоласан,  
 Элга келиб сен шарманда бўласан,  
 Кўзим ўйиб менга изза берасан,  
 Ўзбакнинг қизини қандай оласан,  
 Элда юрган сен ҳам аҳмоқ балосан,  
 Борсанг сен сарсон бўп бир кун келасан.

Бу сўзни эшитиб: — Ўлса ҳам бу тўғри гапирмайди, энди бу ўзбакнинг ёрдамини олиб, гапирмоқ билан бўлди бунинг иши, — деди Кўкалдош.

Ҳамма пойгачилар отланиб жам бўлиб, Алпомишнинг танидан Қоражон пойгага бормоқчи бўлди. Саксон тилла савдо қилиб Бойчиборни олди. Қариндошсиниб қалмоқлар Қоражонни айнитди: — Бу отинг бунча пуллик от эмас, синчининг пора олиб гапирганига аҳмоқ бўлдинг, ўзбакнинг ёмон чўбирини баланд олдинг, бир четини ўзинг ҳам кўрдинг,— деди. Алпомиш айтди: — Қариндошларинг айнитган билан айнима, бир суриниб турар, сувдай оққан йўрға бўлар, нима десанг, айтганингни қилар, отдан жуда кўнглинг тўлар, — деяётир. Қоражон ҳам: — Бир савдо-да, айнимаيمان, — деб ётир. Қалмоқларга кўз-кўз қилиб, шундай иш бўлиб, Қоражон Бойчиборни миниб, пойгачиларга аралашиб турибди.

Алпомиш ўз юртидан келган отга бағир босиб қолган. От кўзидан ғойиб бўладигандай бўлиб эди, шу шаҳарда қоладигандай бўлди, яккамозор бўлиб ўладигандай бўлди. Қоражонга қараб: — Бир келар мўлжалингни айтгин, — деб сўраб турган экан:

Қоражонбек, мен ҳам сенга қарайин,  
 Бир келар мўлжалинг сендан сўрайин.  
 Тойрилмасин бошда тожи давлатинг,  
 Белингда ярқиллар кескир пўлатинг,  
 Ўйнайди остингда Бойчибор отинг,

<sup>1</sup> Зинкийиб — тик; тикка.

Неча кундир сенинг келар муҳлатинг?  
Ўз элингда сен ҳам бексан, тўрасан,  
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-куласан,  
Кўп қалмоқман ёлғиз кетиб борасан,  
Хабар бергин, неча кунда келасан?  
Сен кетган сўнг қолмас менинг тоқатим,  
Бойчибор эди-ку менинг улфатим,  
От кетган сўнг қолмас менинг қувватим,  
Неча кундир сенинг келар муҳлатинг?  
Бебош қалмоқ бўлди сенинг ҳамройинг,  
Бундай кунда гапни гапга улайин,  
Бир келар мўлжалинг айтгин, билайин...

Бу сўзни эшитиб, Қоражон келар муҳлатини айтиб, бир сўз деб турган экан:

Остимда ўйнаса араби отим,  
Мен кетсам қолмайди, дўстим, тоқатинг,  
Борув қирқ кун, қайтув беш кун, бек дўстим,  
Қирқ беш кундир, дўстим, келар муҳлатим.  
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулмасам,  
Нор кесар олмосни белга чолмасам,  
Қирқ беш кунда Бобохондан келмасам,  
Ҳам отингни, ҳам дўстингни ўлди, де,  
Яккамозор бўлиб шунда қолди, де.  
Ҳар гап бўлса, яратгандан кўрарман,  
Қўлимдан келганча хизмат қиларман,  
Ярашиққа от кокилин ўрарман,  
Насиб этса қирқ беш кунда келарман...

Пойгачилар жўнаб кетди... Пойгачилар йўл юрди,  
пойгачининг бораётгани:

Не қалмоқлар шердай бўлиб,  
Ҳар яғрини қирдай бўлиб,  
Беш юз отли бирдай бўлиб,  
Қистаб йўлда тубичоқни,  
От бошини қўйиб олар,  
Яқин қилмоққа узоқни,  
От чопишса узоқ йўлга,  
Бир-бири кирмайди тилга.  
Қамчи уриб Бойчиборга,  
Қоражон ҳам борар бирга  
Йўлдош бўлган сатта зўрга.  
Қоражонни мазах қилар,  
Шўхлик қилиб ўртага олар,  
Барчинойимнинг устидан  
Хўп ўрлашиб талаш бўлар.  
Бораётир ловловлашиб,

Ганаси<sup>1</sup> дарёдай тошиб,  
 Бир хили ўтдай туташиб,  
 Бадбахт чўлда аҳалашиб,  
 Қоражон отини қўшиб,  
 Бир суриниб Чибор турар,  
 Энди жуда йўрға бўлар.  
 Кўп қалмоқлар ҳадик қилар,  
 „Кун-бакун юрса очилар,  
 Ўзбакнинг оти ҳийлагар“.  
 Гумон қилди кўп қалмоқлар:  
 „Ҳайвон ҳам бўлса жодугар,  
 Йўлларнинг танобин тортар,  
 Бу отдан ҳамма беҳабар,  
 Узармикан шу укагар?  
 Фарқламайди ақли йўқлар“.  
 Шундай бўлиб йўл юради,  
 Зилнинг тоғига боради,  
 Қалмоқ шундай айрилади,  
 Қалмоқ кетди ўйин ўйлаб,  
 Кўнглига келганни сўйлаб;  
 „Бобохонга етармиз, деб,  
 Тумшуқ билан ўтармиз, деб,  
 Текис йўлдан кетармиз“ деб,  
 Қоражон айрилиб қолди,  
 Зил тоғин белига солди,  
 Бир йўл билан бораберди.

... Бобохон тоғига етиб, Қоражон отга дам бериб ётди. Қалмоқлар тумшуқни айланиб бораёпти. Бир нечаси: „Қоражон кўринмади“, бир нечаси: „Отларнинг тўзонида чўбири билан тўбалашиб юргандир-да, Қоражон ўзбакнинг отини баланд олган, у ўзбекнинг тани бўлган. Қачон Қоражон ҳисобда бор, у ҳам ўзбакнинг бири бўлиб сарсон бўлган“ — деб қалмоқларнинг олди ҳафта-ўн кун деганда Бобохон тоғига етди. Кейини чувалиб, ҳали ҳам келаяпти, жуда ҳам ўлдик, деб бораёпти. Кўрса, Қоражон Бобохон тоғида ётибди, пойга қўядиган ерга борибди.

Кўкалдош алп туриб айтди: — Қоражон, сен Лот-Манотдан<sup>2</sup> юз ўгириб, исломнинг динига кириб, сеҳргар-жодугар бўлиб, балого йўлиқиб қолибсан. Шу ёмон чўбир билан биздан бурун келибсан...

Кўкалдош Қоражонга Бойчиборни сўйишни таклиф қилади. Қоражон ҳам акасига Кўкдўнани сўяйлик, дейди. Бунга чидамаган қалмоқлар Қоражонга ташланиб, унинг қўл-оёғини боғлаб ташлашади. Бойчиборни тутиб, туёғига гулмихлар қоқиб,

<sup>1</sup> Гана — гоҳи.

<sup>2</sup> Лот ва Манот — Катбада илгари шайқалган машхур бутлар номи.

пичоқлар уришади ва оёқларини түрт томонга кериб боғлаб ташлаб кетишади.

Пойгачилар бир неча кунлик йўлга кетишгач, Қоражон зўр бериб кучаниб, боғланган арқонини узишга муяссар бўлади ва Бойчиборни ечиб, йўлга тушади. Йўлда бир неча кундан сўнг пойгачиларни учратади. Улардан ўзиб Тойчихоннинг улоқчи отларига етиб олади. Сўнгра энг олдинда келаётган Кўкалдошга етиб олади. Бойчибор чопишини кўрган Кўкалдош Қоражондан ортда қолишни илтимос қилади. Бироқ Қоражон от ўзи торта-япти, тўхтатаиб бўлмаяпти, деб олға ўтиб кетади.

Хоннинг Чибор оти пойгачнинг олдини олиб, шашти билан келиб, бахмал ўтовни етти марта айланиб, отнинг тизгинини ушлаб Қоражон тўхтади. Барчиннинг канизлари йиғилиб етди. Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди...

... „Алплар билан ўзбакнинг полвони ёй тортишар эмиш“, — деб овоза бўлиб, ҳамма томошамонлар йиғилиб, Ойна кўлига, Чилбир чўлига тўлиб, ёйандозлик қилмоқчи бўлиб, бу ёй тортишмоқдаги сўзи:

Қизу жувон саф-саф бўлиб туради,  
Барчиннинг устида талаш бўлади.  
Гуруллашиб неча алплар келади,  
Буни кўриб бир хил қизлар кулади:  
„Бир хотин деб бари шундай қилади,  
Хотин топмай юрган шўрли келади“.  
Олис йўлга нишонани қуради.  
Нишонани урган одам олади.  
Қалмоқ алплар бари қатор бўлади,  
Мен урарман, дейди кўнгил қилади,  
Бир-бирига алплар навбат беради,  
Парли ёйни бу қўлига олади.  
Шиқирлатиб энди ёйни тортади,  
Ёйнинг ўқи бу ғувуллаб кетади,  
Бири пастдан, бири баланд ўтади,  
Бир хилининг ўқи етмай ётади,  
Аччиқланиб ёйни буклаб тортади,  
Ушлаган парли ёй синиб кетади,  
Иккам тўқсон алпи тортиб ўтади,  
Кўкалдошга энди навбат етади.  
Аҳмоқ қалмоқ ёйни қўлга олади,  
„Барчинойим бу меники бўлади“.  
Ёйига Кўкалдош ўқни солади,  
Нишонага қараб тўғри қилади.  
Бор, урдим, деб энди ёйни тортади,  
Қўлда ёйи чўртта синиб кетади.  
Кўп қалмоқлар пушаймон қип ётади,  
Энди навбат Алпомишга етади.  
Ғамли кунда торгар эди оҳу вой;  
Бандам десин, раҳм айласин бир худой,

Үн тўрт ботмон биричдандир парли ёй,  
 Парли ёйни шундай қўлга олади,  
 Кўрган қалмоқ бари ҳайрон қолади.  
 Раббим<sup>1</sup> дейди, энди ёйни тортади,  
 Нишонага ўқи тўғри кетади,  
 Нишонани урган шундай туради(р),  
 Бекнинг ёйи энди омон қолади.  
 Бу шарт билан қалмоқ сўзи бўлмади  
 Минг қадам ерни қадамлаб кўради,  
 Танга пулдан бул нишона қилади,  
 Ёйни қўйиб, милтиқ отмоқ бўлади.  
 Кўп деб қалмоқларга навбат беради.<sup>4</sup>  
 Аввал қалмоқларга навбат келади.  
 Қалмоқлар нечови милтиқ отади,  
 Саксонман-тўқсонга ўқи етади,  
 Қайси отса йўлда қолиб кетади.  
 Алп Кўкалдош жуда ғайрат қилади,  
 Қалмоқнинг айтгани сира бўлмади,  
 Отган ўқи ҳеч бир гўрга бормади.  
 Алп Кўкалдош шундай кўзлаб кўради,  
 Беш юз қадам ерга ўқи боради.  
 Кўкалдошнинг кўнглидаги бўлмади,  
 Қалмоқлардан навбат ўтиб боради,  
 Неча қалмоқ хўп тан бериб туради,  
 Алпомишга тағи навбат келади.  
 Бек Алпомиш хаста кўнглин хушлади,  
 Йиғилган душманнинг сирин фошлади,  
 Анжом, милтиғини қўлга ушлади,  
 Қараб, нишонани отиб ташлади.  
 Кўриб бу қалмоқлар ҳайрон қолади:  
 „Илгаридан машқ қип юрган балоди(р),  
 Минг қадамдан танга пулни уради,  
 Бул ўзбак ҳадисга ўзи балодир,  
 Ҳали ёлғиз кўп ишларни қилади,  
 Ҳар иш ҳам қўлидан бунинг келади,  
 Қўйган шартнинг барин уdda қилади,  
 Бунинг билан ким баробар бўлади?“  
 Барча қалмоқ шу сўзни айтиб туради:  
 „Бу ҳам бир алп экан, жуда зўрабор,  
 Қалмоқ юртда йўқдир бунга баробар,  
 Минган оти тулпор экан Бойчибор,  
 Ёлғиз ўзи кўп ишларни битирар.  
 Кўрган қалмоқ ҳаммаси ҳайрон қолди,  
 Уч шартнинг олдини шул ўзбак олди,  
 Энди шартдан бори бир кураш қолди,  
 Бойсарининг қизини ўзи олди,  
 Бизим қалмоқларнинг иши бекорди(р)“.

<sup>1</sup> Раб — оллоҳ

Уч шарт ўтди, кураш тарадудини қилиб ётибди. Ўн минг уйли Қўнғирот одами, қанча қалмоқнинг одами йиғилиб, Чилбир чўлига, Ойна кўлига томошамон тўлиб, раста-раста, даста-даста қур тортиб ўтирди. Томошамонлар: „Курашини кўрамыз. Тойчихоннинг алпи билан Қўнғиротдан келган ўзбакларнинг алпи кураш қилади, кураш жуда қизиқ бўлади, курашда қайсиси зўрлик қилса, ўзбакнинг қизини олади“, — деб бари жам бўлади. Кўкалдош бош бир кам тўқсон алпи билан бир тарафдан қатор бўлиб ўтирди. Алпомиш билан Қоражон бир тарафдан ўтирди, ўртада анча ерни очиб қўйиб... Қоражон ўрнидан туриб, ... шундай айлана берди... Бу ёқдан Қўшқулоқ алп деган алп майдонга кирди...

Қоражоннинг бир акаси бўлади,  
Тараф бўп Қўшқулоқ полвон жўнади:  
„Қани мен ҳам Қоражонни кўрай, деб,  
Жувормакни билганимдай қилай, деб  
Бошимдан ошириб ерга урай, деб  
Чечиниб бу қалмоқ келди майдонга.  
Қоражонга алплар тараф қилади,  
Қўшқулоқ ҳам шундай бир зўр балодир,  
Курашда таърифи шундай бўлади:  
Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган,  
Ичида чичқонлар болалаб ётган  
Издан тушган пишак олтойда етган.  
Шундай қалмоқ қўлин булғаб келади.  
Қоражондек хаста кўнглин хушлади,  
Жупшай қилиб ёқасидан ушлади,  
Дўстамон қип уни қоқиб ташлади.

... Қоражон майдонда айланиб, иккам тўқсон алпнинг барини енгади. Эртаси куни майдонга Кўкалдош ва Алпомиш тушишади.

Алпомиш чечиниб: — Хайр, ундай бўлса,— деб майдонга талаб қила берди. Кўкалдош алп туриб айтди: — Ўзбак! Сен бундай бўйни йўғонлик қилма, ғариби гўристон бўлиб ўлма, ҳали ҳам қўйгин, ёрингдан умид қилма, ҳалак бўлиб келган йўлингдан қолма, шу алплар ўлса, ўлсин, ўзбакнинг қизи бечатоқ бўлиб ёлғиз ўзимга қолсин, деб туриб эдим, сени илгаридан ҳам ҳисоб қилганим йўқ эди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш Кўкалдошга қараб, бу ҳам бир сўз деб турган экан:

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,  
Ўзи ўлмай киши ёрин берами?  
Бунча сўзни лоф урмагин, сен қалмоқ,  
Кел энди, майдонда тургин, ё аҳмоқ.  
Билмайман майдонда кимлар ўлади,  
Кўтарилма арзон бўлиб қолади.  
Барчинойим бул ўртада туради,  
Бийнинг қизи кимга тақдир қилади.



Мени сен ўзингдан кам деб турасан,  
Кўтарилма, жуда аҳмоқ балосан.  
Олишган сўнг қанчалигим биласан,  
Кўтарилиб қалмоқ нима қиласан.  
Боғбон бўлсам, қизил гулни терайин,  
Ҳар на қисмат ёзилганин кўрайин,  
Келгин, қалмоқ, бирга майдон қилайин...

Икки паҳлавон олиша кетишади.

Тупроқлар чангйиди, тўзон бўлади,  
Иккови белма-бел бўлиб олади,  
Белма-бел олишса айрим бўлади,  
Зўр деганинг маълум бўлиб қолади...  
Ҳарчандки чирпинди Бойсуннинг хони,  
Йиқмоққа келмади бекнинг дармони  
Зўр экан Кўкалдош жуда бемаъни,  
Зўр қилиб инграниб шундайин шунқор,  
Кўкалдош ҳам бўлди хонга баробар  
Шудгордайин бўлиб қолди бу ерлар...

Ун минг уйли Қўнғиротнинг қизлари билан, Барчин  
канизлари билан томоша қилиб, буларнинг олишганини кўриб,  
Ҳақимбекка қараб, бир сўз деб турган экан:

Очилар баҳорда боғларнинг гули  
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули,  
Нар-мода бўлибсиз бий бобом ули  
Йиқолмасанг, бизга беринг навбатди,  
Жуда келди Барчин ёринг ғайрати  
Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?  
Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилайин,  
Эркак либосини ўзим кияйин,  
Бор кучимни билагимга жияйин,  
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.  
Қалмоқ билан, хоним, бўлдинг баробар,  
Сизни жуда мазах қилар канизлар,  
Бу қалмоқни кўкка отсанг не бўлар?  
Иш кўрсатсанг, менинг кўнглим топилар,  
Бу сўзларни Барчин сулув айтади,  
Барчинойга навбат бергин, нетади,  
Мендай ойим ушлаб кўкка отади,  
Қизлар сизни нар-мода деб айтади,  
Қизларнинг айтгани менга ботади,  
Мардлар олишмайди, сийтаб отади,  
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади...  
Бу сўзларни айтди гул юзли дилбар,  
Икки полвон бўлиб турур баробар.  
Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,  
Сўзи Алпомиша ботиб кетади...

<sup>1</sup> Ули — ўғли.

Ўтдайн туташиб шунқор кетади,  
Ғайрати ғайратга бекнинг етади,  
Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,  
Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади,  
Анча ер ҳавога чиқиб кетади.  
Халойиқлар кўкка боқиб қаради,  
Олчи-чикка бўлиб шундай айланиб  
Алп Кўкалдош бу осмондан келади,  
Калласиман келиб ерга уради  
Калладан мияси чиқиб боради,  
Шундай бўлиб Кўкалдош ҳам ўлади,  
Тамошамон қалмоқ бўзлаб жўнади...

Шундай қилиб, Ҳакимбек ва Барчин қирқ кун тўй бўлиб, келин-куёв Бойсунга қараб йўл олдилар. Сурхайил кампир иғвоси билан қалмоқшоҳ жўнатган лашкарни ҳам Алпомиш ва Қоражон ер билан яксон қилиб кетишди... Бойбўрининг даргоҳига етишди...

\* \* \*

Достоннинг иккинчи қисми энг драматик лаҳзаларга бой бўлимайдир. Сурхайил иғвоси билан Тойчихон Бойсарининг молу дунёсини давлат хазинасига олиб, ўзини жазоламоқчи бўлади. Бунинг хабари Алпомишга етади. У қайнотасини озод қилиш учун Кашалга жўнайди ва йўлда Сурхайил қўйган қизлар томонидан маст ҳолда асирликка тушади. Уни чуқур зиндонга ташлайдилар. Кайқубод чўпон Алпомишни боқади. Бу нохуш дарак Бойсунга етади. Қоражон отланиб келиб Алпомишни қутқармоқчи бўлади. Алпомиш орият қилиб зиндондан чиқмайди. Қоражон ноумид бўлиб кетади. Кайқубоддан Алпомиш дарагини эшитган Тойчихоннинг қизи — Товка ойим саройидан зиндонгача лаҳм қаздиради. Банддаги Бойчиборни Товка ойим бўшатади ва оти Алпомишни зиндондан чиқаради. Отига миниб Тойчи лашкарини қириб, юртни эгаллаб, шоҳликка Кайқубодни кўтаради. Етти йил зиндонда ётган Алпомиш Бойсунга қайтиб юз берган қабоҳатлар гувоҳи бўлади: отаси урнига Ултонтоз шоҳ бўлган: Қалдирғоч ва ўғли Ёдгор мол боқишга жўнатилган ва Барчинга уйланиш тараддуди Ултонтозда экан... Алпомиш келиб Ултонтоз жазосини бериб, юртга эгалик қилади.

„Алпомиш“ достони ўзбек халқининг севиқли достони бўлгани бежиз эмас. Ундаги воқеаларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлиги ҳар қандай тингловчини ўзига ром етади.

Асарда чорвадор ўзбек халқининг ҳаёти жуда аниқ акс этган. Айниқса достонда ўзбек миллий руҳияти яққол балқиб туради: жўмардлик, фидойилик, самимият, тўғрилиқ, ориятни, ҳамиятни юқори қўйиш кабилар асар бош қаҳрамонлари сиймоларини белгиловчи хусусиятлардир.

Асар тили унинг ижрочиси шеvasи билан изоҳланади, албатта. Достоннинг тили бой ва сербўёқ, таъсирчан, ҳикматомуз.

Достон бадий тасвир воситаларига ҳам бойдир. Айниқса, муболага асарда тез-тез учрайди.

Шоир Қоражон ва Алпомиш куч-қудратларининг мислсизлигини кўрсатиш учун улар билан курашадиган қалмоқ алпларидан ҳар бирининг жуда муболағали сиймоларини яратади. Чунончи Қоражон ўз акаси Қўшқулоқ билан майдонга тушади.

Қўшқулоқ ҳам шундай бир зўр балодир  
Курашда таърифи шундай бўлади:  
Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган,  
Ичида чичқонлар болалаб ётган  
Издан тушган пишак олтойда ётган...

Ёки иккинчи бир қалмоқнинг муболағали сиймоси:

Оҳ урса оламни бузар довуши,  
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.

Достондаги ўхшатишлар ҳам халқона. Масалан, устма-уст тушаётган қамчини шоир „қор-ёмғирдай“ дейди:

„Жаллодлар Бойсарини... сийнасини доғлаб, икки қўлини орқасига боғлаб, бошига қор-ёмғирдай қамчи тапплаб: Юр бу ёққа, — деб туртиб ҳайдай берди“.

Ушбу гапдаги сажъ (настрий гаплар кесимларидаги қофиясимон товуш ўхшашлиги) тасвир воситаси ифодалиликни кучайтирган: боғлаб — доғлаб сўзлари гапларни шеърий равонликка кўтарган...

Сажъ бир гап доирасида ёки гаплар давомида учраши мумкин: „Чибор отим сенга омонат, омонатга қилмайсан хиёнат. Мен ётиб ухлайман, эртанги сўнг топиш қиласан соғу саломат“.

#### Савол ва топшириқлар

1. „Алпомиш“ достонини тўлиқ ўқиб чиқинг.
2. Алпомиш сиймосидаги сизга ёққан фазилатлар қайсилар?
3. „Алпомиш“нинг қисса ва романлардан қандай фарқи бор?
4. Достонларга хос бўлган муболага ва сербўёқликнинг сабаби нимада?
5. Достонни ўқиш давомида қандай бадий тасвир воситаларига дуч келдингиз?
6. Алпомиш ва Қоражон сиймоларидан қандай миллий хусусиятларни кутдингиз?

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДАН

## САЙФИ САРОЙИ

### ИСО МУЪЖИЗАСИ

(„Гулистон бит турки“ китобидан)

**Ҳикоят.** Исо алайҳиссаломга бир ким эрса келиб айтти: „Ё руҳуллоҳ, тиларман ул дуони манга угратқайсанким, уқуса ўли тири бўлур“. Исо алайҳиссалом айтти: „Борғил, бу савдони бошингдан кетаргил, йўқса зиён қилурсан“. Ул айтти: „Албатта керакким, ўгратқайсан“.

Исо алайҳиссалом бахиллик қила билмади, ўгратти. Ул киши ўганиб кетар экан, кўрди: бир ерда қури сўнгуклар ётур.

Айтти: „дуони мунга ўқуб босайим, тирилуруму“ деб ўқуди эса арслон сўнгуклари эмиш. Туруб ул кишини пора-пора қилди. Ул сабабдин бу масални айтурлар:

„Ликулли амалин ражулун ва ликулли ражулин амалун“.

### Шеър:

Ҳар бир эр бир иш учундир, ҳар бир иш бир эр учун,  
Маслаҳат ул: ўз ишини ишлагай ҳар зўфунун.

Доимо турли савоб узра бўлур оқил иши,  
Келтурур издаб қазони ўзини аблаҳ киши.

### Луғат

Алайҳиссалом — унга саломлар бўлсин!  
ким эрса — бир кимса.  
руҳуллоҳ — худонинг руҳи.  
Исонинг лақабларидан бири.  
ўли — ўлик.  
тири — тирик.  
сўнгук — суяк.

қури — қуруқ.  
пора-пора — парча-парча.  
масал — мақол.  
зўфунун — моҳир, уста.  
савоб — яхши ишлар.  
издаб — излаб  
аблаҳ — аклсиз, бетамиз.  
қазо — ўлим, мамот.

### Ҳикоят мазмуни:

**Ҳикоят.** Биз саломлар йўллайдиган Исо пайғамбарга бир кимса келиб айтди: „Эй оллоҳнинг руҳи, ўликка ўқиса тириладиган дуони менга ўргатишингни тилайман“. Исо алайҳиссалом айтди: „Қўй, бу савдодан кечгин, йўқса зиён қиласан“. У айтди: „Албатта ўргатишинг керак“.

Исо алайҳиссалом бахиллик қила билмади: ўргатди. У киши ўганиб кетар экан, кўрди: бир ерда қуруқ суяклар ётипти. Айтди: „Бу дуони бунга ўқиб боқайчи — тирилармикан“ деб ўқиди. У арслон суяклари экан. Тирилиб у кишини парча-парча қилиб ташлади. Шу сабабдан бу мақолни айтадилар:

Ҳар бир эр бир иш учундир, ҳар бир иш бир эр учун,  
Маслаҳат ул: ўз ишени ишлагай моҳир киши.  
Доимо турли савоб узра юрар оқил киши,  
Келтирар излаб ўлимни ўзига нодон киши.

### Ҳикоят ҳақида

Сайфи Саройининг „Гулистони бит туркий“ (Ўзбекча „Гулистон“) асари Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг „Гулистон“ (1257) ? асарининг ижодий таржимасидир. Келтирилган ҳикоят янги бўлиб, Саъдий асарида йўқдир. ~~Шунинг учун асарни С.Саройининг ўз ҳикояси сифатида ўрганамиз.~~

Мароқли ҳикоятнинг ғояси ёрқин: киши қўлидан келмайдиган иш билан шуғулланмаслиги керак. Ҳой-ҳавас қули бўлиб ҳар ишни қиламан деб уринаверса, ўзига зарар қилади. Шеърий хулоса ҳикоят мақсади изҳоридир: ҳар бир киши бир иш учун! Ҳар бир иш бир киши учун!

Шундай қилинганда киши ўз касбини камолга етказди, яъни ҳунарини санъат даражасига етказди.

Ҳикоят қаҳрамони Исо (Иисус Христос) пайғамбар бўлиб, унинг Рухуллоҳ ва Масиҳ (Масиҳо) лақаблари бўлган. Исо мўъжизаси: ўликни тирилтиришдир. Масиҳ — тирилтирувчи, жон бағишловчи демак. Рухуллоҳ — оллоҳ руҳи мазмунидадир. Чунки у отасиз, онаси Марямдан туғилган. Шунинг учун уни Исои Марям ҳам дейиш расмдир.

### Савол ва топшириқлар

1. „Исо мўъжизаси“ ҳикояти мазмунини айтиб беринг.
2. Исо ва дуони билишни истаган кишини тавсифланг.
3. Шеърий парчани ёд олинг.
4. Муаллифнинг мақсади нима?



## ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ

### БЎЗ ТЎҚУВЧИ КАМПИР ВА БАЗЗОЗ ҲИКОЯТИ

(„Гулшанул асрор“ дostonидан)

Куфада бир пири ладуний сабақ,  
Сайр эта бозорга қўйди аяқ.  
Маъни била ганж, вале тангдаст,  
Тим ичида кирди-ю, қилди нишаст.  
Хожаи баззоз анга рў-барў,  
Билувчи савдо ишини мў-бамў.  
Олдида ҳар жинсдин ажноси хос,  
Ўзгадин ўзгача топиб ихтисос.  
Сарф қилиб умр тижорат била,  
Қилни ёрар эрди басорат била.  
Токи ўшул ҳол ичида бир ажуз.  
Бўйи икки қат бўлиб, арқоси куз.  
Бўйи боши раъша била беқарор,  
Дам уруши, йўл юруши мурдавор.  
Не кўзида нуру, не оғзида сўз,  
Дунёсидин қўйнида бир вусла бўз.  
Бўзни бу баззозга бердиким: — Ол!  
Ҳар не баҳо бўлса, илгима сол!  
Кўрди бу баззоз бўзини очиб,  
Пурғуради бир неча тукук сочиб,  
Ким: Момуғи пасту ипидур йўғон,  
Бўзчи ошуқуб не керак тўқуғон.  
Тўнға ярамаски, бўятса киши.  
Ювса худ онжоқ эрур анинг иши.  
Кўнглау иштонға чу лойиқ дегул,  
Ҳарна баҳо бирла мувофиқ дегул.  
Қайси харидорға бўлсун писанд,  
Қайда топойин мунга мен бир лаванд?  
Хожа сўзина қилибон эътимод,  
Кесди ажуз ўз туъмасидин умид.  
Дедиким: — Эй хожаи соҳиб карам,  
Чархи фалак гардишидин ема ғам.

Тулмену бечораю соҳиб аёл,  
 Ожизу мискину пароканда ҳол.  
 Саъй қилиб бердум икки ҳафта жон,  
 То санга келтурдим ани бу замон.  
 Бир сурук ўғлон ушоқим хору зор,  
 Йўлга боқиб телмуродур интизор.  
 Ҳарна десанг тенгрига солдим сани,  
 Ҳар не баҳо бўлса узотқил мани.  
 Газ била ҳам келтуруб ул бўзни кам,  
 Берди анга хожа бир-икки дирам.  
 Тортиб аёқ устида тулук малол,  
 Йиқла-қўпа эвина борди зол  
 Билгулади бўзни ул абдоли роҳ,  
 Кўз учидин ёш тутиб кийнахоҳ.  
 Келди бўз олмоға биров ногаҳон,  
 Дедиким: — Эй хожа, равон бўл, равон!  
 Бўз керак андоқки катондин фиреҳ,  
 Бўлмағай андин бу жаҳон ичра беҳ.  
 Инчка, нозик доғи ҳамвору пок,  
 Бўлмасун иплигиндин ҳеч айбнок.  
 Хожа не бўз берса, харидор яна,  
 Айблар айтур бўзининг барина.  
 Хожа айттиким: — Узатма сўзунг,  
 Бўз берайин кўрмамиш аввал кўзунг.  
 Ким момуғи пилладин ортуқ зариф,  
 Иплиги катон ипидин ҳам латиф.  
 Пухтаю ҳамвор тўқулғон бўзи,  
 Кўрмак арусидин оригроқ юзи.  
 Кўрмас эгоч бўлди харидор лол,  
 Тоблади-ю, қилди баҳосин савол.  
 Урди баҳосини тенгиздин теранг,  
 Сотти ўшул бўзни катон бирла танг.  
 Пири муҳаққиқ кўруб ул турлу хол,  
 Келди сотиқчи қошина бемалол.  
 Деди: — Бу сандуқ ичига, эй фалон,  
 Бергил ижозат, кирайин бир замон.  
 Ким тиласанг саъй ила сарбасар,  
 Тобмағайсен дунёда мендин асар.  
 Зоҳиру ботин била ошуфта мен,  
 Мўъмин эгач, кофири нуҳуфта мен.  
 Мунча савомеъгаки қилдим гузор,  
 Саъй била тобмади нақдим иёр.  
 Ҳар неча кездим бу улук дунёни,  
 Қутби мукаммал сени кўрдум, сени.  
 Бўзким, эрди момуғи худ бесафо,  
 Иплиги бетобу ўзи бўрё.  
 Сенким анга бир нафас эттинг назар,  
 Бўлди катондин ҳам доғи мўътабар.  
 Ким момуғи била тенг ўлди йипак,  
 Суфталиғи ровшану ҳамвортак.

Лол бўлиб хожаи ошуфта дил,  
 Қолди хижолат эвинда мунфаил.  
 Жазб қилиб тобти муаммокушой,  
 Урди неким ҳосилина пушти пой.

### Луғат

- Пир — кекса.  
 ладуний сабақ — ғойиб сирларини билувчи.  
 аяқ — оёқ.  
 ганж — хазина.  
 вале — лекин.  
 тангдаст — қўли қисқа, камбағал.  
 нишаст — ўтирди.  
 рў-барў — юзма-юз.  
 мў-бамў — ипидан игнасиғача билувчи.  
 ажноси хос — қимматбаҳо матолар.  
 ихтисос — товланмоқ.  
 тижорат — савдо.  
 басорат — кўз ўткирлиги.  
 ажуз — кампир.  
 куз — букри.  
 раъша — қалтироқ.  
 мурдавор — ўликдай.  
 вусла — парча, бўлак.  
 илгим — қўлим.  
 пурғуради — пунғиллади.  
 тукук — тупук.  
 момуғ — пахта.  
 онжоқ — ўшандай.  
 дегул — эмас.  
 лаванд — гаранг.  
 зътимод — ишонч.  
 туъма — ризқ, емас.  
 соҳиб карам — саховатли.  
 соҳиб аёл — аёлманд.  
 пароканда — паришон.  
 саъй — ҳаракат, ғайрат.  
 сурук — гўда.  
 газ — ўлчов бирлиги.  
 диярам — танга.  
 эв — уй.
- билгулади — белгилади.  
 абдоли роҳ — мазҳаб донишманди.  
 кийнахоҳ — кек сақлаб.  
 равон — тез.  
 катон — каношдан тўқилган нозик мато.  
 фиреҳ — нозик, нафис.  
 беҳ — яхши, аъло.  
 ҳамвор — текис.  
 айбнок — айбли, нуқсонли узатма — чўзма.  
 кўрмамиш — кўрмаган.  
 арус — келин.  
 тенгиз — денгиз.  
 теранг — чуқур, қиммат.  
 танг — тенг.  
 муҳаққақ — ҳаққа сизгинувчи, ҳақиқатчи.  
 сарбасар — бошдан-оёқ.  
 зоҳир — ташқи.  
 ботин — ички.  
 ошуфта — паришон.  
 нуҳуфта — яширин.  
 савомеъ — ибодатхоналар.  
 гузор — ўтмоқ, йўли тушмоқ.  
 иёр — тозаланмоқ.  
 қутб — улуг пир.  
 бесафо — нурсиз, паст.  
 бўрё — бўйра.  
 суфта — силлиқ.  
 мунфаил — хижолат, шармандалик.  
 жазб — жалб этмоқ, тортмоқ.  
 муаммокушой — муаммоларни ечувчи.  
 пушти пой урди — тепди, воз кечди.

### Мазмуни:

Куфа шаҳрида бир ғайб сирларидан воқиф кекса сайр этиб келиб бозорга кирди. У вужуди билан маъно хазинаси бўлса-да, лекин йўқсил эди. Бу дарвиш тим ичига кириб, тин олиб ўлтирди.

Унинг рўпарасида савдо ишини ипидан игнасиғача билувчи баззоз Хожа иш билан машгул эди. Унинг олдида ҳар хил қимматбаҳо матолар бўлиб, ҳар бири ўзгача кўрк билан аж-



ралиб турарди. У умрини савдо ишига сарфлаган одам бир қараш билан қилни қирқ ёрар даражада эди.

Шу пайт қадди икки қат букилган, орқаси букри бир кампир кела берди. Унинг бошини тутолмаган бўйни лиқиллар, нафас олиши ва юриши жонсизлардек эди. Унинг кўзида нур қолмаган, оғзидан сўзи ҳам тушиб кетарди. Дунё молидан унинг қўлида бир бўлак бўзи бор эди. Кампир бўзини баззозга узатди:

— Ол! Ҳар қанча баҳоласанг, пулини қўлимга бер!

Баззоз унинг бўзини очиб кўраркан, оғизларидан тупук сочиб пўнғиллади:

— Бунинг пахтаси паст, ипи йўғон йигирилган. Бунчалар шошиб тўқишнинг нима кераги бор эди?! Киши буни бўятай деса—тўнга ярамайди; ювса—бундан баттар бўлади. Бу бўздан на кўйлак, на иштон қилиб бўлади. Бу ҳеч бир баҳога арзигулик эмас. Бу қайси харидорга ҳам ёқарди?! Буни сотиб оладиган анойини мен қаердан топай?!

Кампир Хожа сўзига ишониб, ўз ризқидан умидини узди:

— Эй саховатли Хожа, — деди у, — Фалак чархи айланишидан ғам ема. Серфарзанд беваман. Ожиз бечораҳол кишиман. Бу бўзни тайёрлаб сенга келтиргунча икки ҳафта машаққат чекдим. Бир тўда ёш болаларим йўлга термулиб, менга интизор ўлтиришипти. Ҳарнима десанг — сени худога солдим. Ҳарнима берсанг, мени жўнат.

Баззоз ўлчашда ҳам бўйидан уриб, кампирга бир-икки танга берди. Оёқ устида туришга қийналаётган аёл йиқилиб-суриниб ўз уйига жўнади.

Бу ишдан оғринган дарвиш кўз қирини ташлаб, кампир бўзини ўзича белгилаб қўйди.

Кутилмаганда биров бўз олишга келиб қолди:

— Эй Хожа, тез бўл, тез! Менга ҳарирдан нозикроқ бўз керак! Шундай бўз бергинки, жаҳонда ундан яхшиси бўлмасин. Ингичка, нозик, текису тоза бўлсин. Ипида ҳеч айби бўлмасин.

Хожа харидорга қайси бўзни берса, бир айб қўйиб қайтариб бераверди.

Хожа деди: — Гапни чўзма! Сенга кўз кўрмаган бир бўз берай. Пахтаси пилладан аъло, иплиги ҳарирниқидан латиф. Пухта, силлиқ тўқилган бу бўз келинчақлар юзидан ҳам тоза-роқ.

Ҳали кўрмаёқ харидор лол бўлиб қолди. Бўзни қўлга олдию баҳосини сўради. Баззоз нархини жуда юқори айтди. Бўзни ҳарир баҳосида пуллади.

Ҳақпараст дарвиш бу ғалати ҳолни кўриб, сотувчи олдига келди ва деди:

— Эй фалончи, ижозат бергин, бир лаҳза шу сандиғинг ичига тушайин. Токи минг изласанг ҳам бу дунёда мендан ном-нишон топа олмагин. Мен ичим-ташим билан бир паришон нусхаман. Мўминману яширинча кофирман. Жуда кўллаб азиз қадамжоларни зиёрат қилдим. Бироқ муродим ҳосил бўлмади:

покланмадим. Бу кенг жаҳонни шунча кезиб, сенигина энг мукамал, топинишга арзийдиган пир деб билдим. Ахир пахтаси сифатсиз, ипи дағал йигирилган бўйрасимон бўз сенинг бир назар ташлашинг билан ҳарирдан ҳам аъло сифатга эришди — пахтаси ипакка тенглашди, силлиқ тўқилган мислсиз матога айланди-я!

Бу гаплардан Хожанинг кўнгли парипон бўлиб, тараддудланиб, лол қолди. Кучли хижолат тортиб, беҳад изза бўлди.

Дарвишнинг бу сўзлари унинг жон-жонига шу даражада таъсир қилдики, бутун умр бўйи йиққан мол-мулкидан воз кечди ва тарки дунё қилди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Бўз тўқувчи кампир ва учар сотувчи қиёфаларини тавсифлаб бering.
2. Муаллиф ҳикояга нега ҳақпараст дарвиш шахсини киритган?
3. Базоздай олиб сотарлар бизнинг давримизда ҳам учрайдими?
4. Ҳикоя мазмунини ўзлаштириб, уни инсценировкага айлантиринг.

## АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441—1501)



Алишер Навоийни ҳақли равишда ғазал мулкининг султони дейишади. Ҳа, у даҳо ғазал мамлакатининг чинакам султони эди. Унинг шеърлари теран мазмундорлиги, ҳислар мавжининг беқиёслиги, шодлик чўққиси-ю аламларнинг тубсиз даҳшатли ифодаси сифатида, раволиги ва таъсирчанлиги, бадий сербўёқлиги ва сержилолиги, беҳад кўп маънолилиги билан эътиборга лойиқдир.

Алишер Навоий ўзбек тилидаги шеърларини жамлаб, тўртта девон тузди: „Ғаройбус сигар“ (Ёшлик ажойиботлари), „Наводируш шабоб“ (Ийитлик ноёбликлари), „Бадоеул васат“ (Урта ёшлик гўзалликлари) ва „Фавоидул кибар“ (Кексалик фойдалари). „Чор девон“ (тўрт девон) номи билан машҳур бўлган ушбу девонларнинг умумий ягона номи „Ҳазоинул маоний“ (Маънолар хазинаси)дир. Шоирнинг форс-тожик тилидаги девони „Девони Фоний“ деб аталади.

Зуллисонайн (икки тил эгаси бўлган) шоир уч мингта яқин баркамол ғазаллар яратди. У ўз адабий даҳоси билан ғазал мавзуларини шу даражада кенгайтириб юбордики, унинг бадий қудратини шундай юксак чўққига кўтардики, унча ва ундан кейин ҳам бирор шоир туркий тилда бу чўққини забт этолмади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг туркий тилдаги шеърларига баҳо берар экан, қайд этади: „Алишербек мисли йўқ киши эди. Ўзбек тилида шеър ёза бошлаганларидан бери ҳеч ким унчалик кўп ва унчалик яхши шеър ёзмаган“. Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, XV асрдан бери туркий тилдаги ғазалларнинг олий намунаси Навоий ғазаллари бўлиб қолмоқда.

Алишер Навоий ўз ғазалларида оллоҳнинг мислсиз қудрати, бениҳоя камолоти, кўзни қамаштирадиган чексиз ҳусн-жамолини куйлаб, ўз маҳлиёлигини изҳор этиб, илоҳий ёки ҳақиқий муҳаббат куйчиси сифатида танилди. Тасаввуф йўналишидаги

бундай асарлар орифона ғазаллар ҳам дейиладики, уларда фидойи ошиқнинг юрак розлари ва оллоқ моҳияти сирлари кашфиёти нақш этилган бўлади. Тасаввуф шеърият борлиқни илоҳийлаштириш орқали инсон ва бошқа худо кашфиёти бўлган борлиқ-мавжудотларига муқаддаслик ато этиб, ўз ўқувчиларида буюк инсонпарварлик ва борлиқпарварлик руҳини уйғотади.

Алишер Навоий шеъриятида инсоний муҳаббат — мажозий ишқ ҳам жуда катта ўрин тутади. Тасаввуф истилоҳлари (ата-малари)дан жуда усталик билан фойдаланган шоир деярли ҳар бир байтини камида икки маъноли: ташқи-дунёвий ва ички-тасаввуфий йўналишда тиклай боради. Кўпинча китобхон ошиқ маҳбубаси оллоқни ёки гўзал қизми эканлигини ажратолмай ҳам қолади. Чунки шеър мазмунидан кузатилса, ҳар иккаласига (оллоқ ва қизга) бўлган қизғин муҳаббат яққол сезилиб туради.

Шуни айтиш керакки, ошиқ роҳат-фароғати билан боғлиқ дунёвий тушунчалар тасаввуфий истилоҳдаги муқобилига кўпинча қарама-қарши келса-да, шоир мажозий-инсоний муҳаббатни тан олади ва уни инсоннинг ҳақиқий, оллоқ муҳаббатини идрок этиш йўлидаги илк босқич сифатида талқин этади. Зотан мажозий муҳаббатда ошиқ ёр билан учрашувнинг кўнгилли лаҳзалари, роҳат, фароғатли дамлари иштиёқда бўлади. Тасаввуфий тушунчаларга келсак, ошиқнинг бахти оллоқнинг идрок этишдаги жисмоний риёзатида, азоб-машаққатида, ўта фидойилигидадир. Чунки оллоқ ошиғининг худони идрок этиш ва у билан руҳан қовушиш йўлидаги риёзатлари то ўлгунча давом этадиган муттасил жисмоний азоб-уқубатдирки, бу оллоқ фидойиси руҳининг покланиш жараёнидан иборатдир.

Навоий ғазалиётининг мавзу-мундарижасига келсак: оллоқга бағишланган ҳамдлар, пайғамбаримизга аталган наътлар, тасаввуфий орифона, мажозий ошиқона, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий ғазаллардан иборат дейиш жоиздир.

Дарсликка киритилган ғазалларнинг тўрттаси тўрт хил: „Қаро кўзим“ кўп маъноли сўзларга бой бўлган теран фалсафий мушоҳадалар талқин этилган ғазалдир. Бунинг ҳар бир байтини алоҳида олиб кўрсак, ахлоқий-таълимий, яратилиш-хилқат қонуниятлари талқини, севги ва фидойилик, қисмат тақозоси, ҳаёт ва ўлим, илоҳий муҳаббат ифодасини бирма-бир идрок эта борамиз.

Матлаъ мазмунининг ранг-баранглигини кузатсак:

*Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил.*

Яъни: Эй қаро кўзлим! Келиб одамгарчилик кўрсатгин!  
Эй кўзимнинг қароси, келиб одамгарчиликни ўргангин.

Биринчи мазмунда ошиқ севгилисидан ўз инсоний муҳаббатига муносиб жавоб кутмоқда.

Иккинчи мазмунда ота ўз фарзандига одамларга хос бўлган фазилатларни ўрган, деб насиҳат қилмоқда.

*Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.*

Яъни:

Кўзум қаросига кириб, қорачиғидай жойлашиб ол.

Кўзим тириклигида одамларга ўхшаб уйли-жойли бўлгин.

Демак, биринчи мазмун ошиқона, иккинчи мазмун ахлоққа тегишлидир.

Ҳазалда мазмун байтма-байт тобора теранлаша ва мураккаб-лаша боради. Шунинг учун шарҳловчилар бу ғазал шарҳига қайта-қайта мурожаат этадилар ва ҳар гал ғазалнинг янги-янги ҳаётий, фалсафий ва бадий қирраларини кашф этишга муяссар бўладилар.

„Кеча келгумдир дебон“ деб бошланадиган ғазалнинг деярли барча байтлари ошиқона, айти пайтда сезиларли воқеабандликка эга бўлган шеърый обидадир. Шеърда севгилисидан висол ваъдасини олган ошиқнинг интизорлик изтироблари, беҳаловатлиги, ўй-хаёллари, гумон ва таҳликалари жуда ҳаётий акс этгандир.

Ёр юзини ойга ўхшатиш мумтоз адабиётда анъанавий усулдир. Шоир энди унинг юзини ойга эмас, ойдинга ўхшатмоқда. Яъни юзининг нурлилигига ишора қиларкан, бунга қарама-қарши ўз ҳаётининг, турмушининг зулматда („қоронғи“) кечаётганини эслатиб, тазод тасвир воситасини қўллайди. Севгилиси тун ўз юзидай ойдин эканда ҳам келмади, ошиқ ҳаётидай зулмат кечада ҳам қадам ранжида қилмади.

Мумтоз адабиётдаги талқинга кўра ошиқ ёр интизорлигида кўзларидан дув-дув ёш тўкади. Айрилиқ азоби кучайиб кетса, энди унинг кўзидан сув эмас, қонли кўз ёши оқади. Шоир „Бори қон эрди келган“ деганда ошиқ кўзидан бутун кеча қон келди дея муболага қилар экан, унинг руҳий ва жисмоний азобларини ишонтирарли, таъсирчан намоиш этишга урингандир.

Мақтаъда<sup>1</sup> шеърнинг тасаввуфий йўналишига ҳам ишора қилинган. Сўфий атамаларда бода (май) сўзи худонинг яккаю яғоналиги рамзидир. Оллоҳнинг яккаю яғоналигини муттасил такрорлаш оллоҳ ошиғига хурсандчилик бағишлайди, деган фикр бу сўнги байтда айтилгандир.

„Мени мен истаган...“ ғазали кишилик муносабатлари мантқиғи ҳақидаги ахлоқий-фалсафий мушоҳадалардан баҳс этади. Санъаткор жуда усталик билан „мен истаганлар“ ва „мен истаган“ муносабати зиддияти масаласидан муҳаббат мавзусига ўтади: шўх маҳбуба хатти-ҳаракатлари, от ўйноқлаши тасвиридан бирдан фалак қаттоллиги, қисмат тантанаси мавзусига дахл этади. Мақтаъда яна ошиқона чизгилар ўз ўрнини олади...

„Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била“ ғазали эса, фикрий салмоқ залвори, жамият ва табиатда зўравонлар ожизлар гуруҳларининг юзма-юз тизилиши билан китобхон диққатини ўзига тортади. Жамият ва табиатдаги куч ва давлат бахти

<sup>1</sup> Мақтаъ — шеърый асарнинг охириги байти

билан гердая оладиганлар: шоҳ, бахтиёр (комрон), қиличидан қон томадиган зўравон, васл шаробидан маст киши, тожи фалакка етадиган султон, ўкириши кўкни ларзага соладиган арслон шулар жумласидандир.

Шу ижтимоий ва табиат мавжудотларининг тазод—қарама-қарши гуруҳлари: мунгли бояқишлар, фалокат босган шўрликлар, бағридан қон томаётган маҳбус, айрилиқда марақда жон ошиқ, боши тупроққа қориган меҳнаткаш, арслон оёғи остида эзилиб ўлиб ётган чумоли...

Булар золим ва мазлумлар, бахтлилар ва бахтсизлар, зўравонлар ва ожизлар, ҳокимлар ва маҳқумларга ажратилган қарама-қарши гуруҳлар вакиллариридирлар.

Тазод—қаршилантириш биринчиларининг мислсиз қудрат ва шавкатини, иккинчиларининг энг сўнгги даражадаги руҳий ва жисмоний машаққатларини ўқувчига таъсирчан тарзда етказишга восита бўлган.

Бу шеърни ўқир экан, ўқувчи ўтмишнинг золим ва мазлумларини тарихан тасаввур эта олади. Узаро урушлардаги қон тўкишлар, ёр висолига етмай айрилиқда жон узган ошиқлар, сўйилган одамлар, давлати билан гердаганлар даргоҳидаги бояқишлар... кўз ўнгимизда тизила боради ва биз шоир бадий ҳақиқатининг буюк умумлаштирувчи кучи тарихий ҳақиқатни юзага чиқарганига қойил қоламиз.

Муҳими мисралардаги манзаралар кўз ўнгимизда яққол гавдаланади: қиличидан қон томаётган кишилар... Чумолини эзиб ташлаб, кўкка боқиб ўкираётган арслон... Дабдабаси билан оламга доврўғ солган тожли шоҳ ва боши тупроққа қориган шўрлик...

Шеърнинг таъсирчанлиги биргина тазод воситаси билангина чекланмайди. Ҳазалнинг кейинги байтлари инсоний ва илоҳий муҳаббат талқинларидан иборат. Бу байтлар ҳам ҳикматомуз (ўрмонга ўт тушса ҳўлу қуруқ баравар ёнади), ҳам ошиқ қалби ўртанишларининг ифодаси сифатида туйғуларга бойдир.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Бобур Алишер Навоий Ҳазалларига қандай баҳо беради?
2. Шоир девонларининг номлари нималарга ишора қилади?
3. Навоий шеърини мавзуларини биласизми?
4. Инсоний ва илоҳий муҳаббатни қандай тушунасиз?
5. Алишер Навоий шеърларидан намуналарни ёд айтинг.

### ҚАРО КЎЗУМ

Қаро кўзум, келу мардумлиг<sup>1</sup> эмди фан<sup>2</sup> қилғил  
Кўзум қаросида мардум<sup>3</sup> киби ватан қилғил.

<sup>1</sup> *Мардумлиг* — одамгарчилик; кўз қорачиғига хослик

<sup>2</sup> *Фан* — расм, одат, кўникма.

<sup>3</sup> *Мардум* — кўз қорачиғи, одамлар.

Юзунг гулига кўнгул равзасин<sup>1</sup> яса гулшан,  
 Қадинг ниҳодига жон гулшанин чаман қилғил.  
 Таковарингга<sup>2</sup> бағир қонидин хино боғла.  
 Итингга ғамзада<sup>3</sup> жон риштасин<sup>4</sup> расан<sup>5</sup> қилғил.  
 Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,  
 Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан<sup>6</sup> қилғил.  
 Хазон<sup>7</sup> сипоҳига<sup>8</sup>, эй боғбон эмас монё  
 Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.  
 Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
 Гулоб<sup>9</sup> ила юву гул баргидин кафан қилғил.  
 Навоий анжумани<sup>10</sup> шавқ жон аро тузсанг,  
 Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

### Мазмуни:

Эй қаро кўзлигим, келиб одамгарчиликни одат қилгин.  
 Кўзим тириклигида одамлардай уй-ватан эгаси бўл.

Юзинг гулига кўнглим боғидан гулшан ясаб ол. Ниҳол  
 қаддингга жоним гулшани чаман бўлсин.

Юзинг висолига кўнгиллар етсин десанг, сочингни бошдан-  
 оёқ ҳалқа-ҳалқа қилгайсан.

Отинг оёқларига бағрим қонини хино қилиб, сурт. Итингга  
 бўйинбоғ учун жоним ипини олгин.

Эй фалак, айрилиқ тоғида тупроғим топилса, ундан лой  
 қориб яна ўша тоғда Фарҳод ясагин.

Эй боғбон, бу боғ деворлари айланасига игнадан тикан қадаб  
 чиқсанг ҳам улар куз лашкарларига тўсиқ бўлолмайдилар.

Эй дўстим, юзида терни кўриб ўлсам, мени гулоб билан  
 ювиб гул барги кафанига ўрагин.

Эй Навоий, жонда шавқ базмини қурсанг, унинг бошоқлик  
 ўқини (киприкларини) мажлисинг шами қилгин.

### Савол ва топшириқлар

1. Ҳазални султ маромда, таъсирчан, ифодали ўқинг.
2. Қўшиқ сифатида кўп мартаба эшитган ҳазалингиз мазмунини ту-  
шундингизми?
3. Ҳазалнинг ўлмас, машҳур қўшиқ бўлишининг боиси нимада?  
Қўшиқчининг маҳорати? Шоир сеҳргарлиги-ю мисраларнинг кўп маъ-  
нолилигими ёки ҳиссиётлар жўши ва таъсирчанлигими?
4. Бу ҳазалда изчил мазмундорлик, воқеабандлик сезиладими? Байтлараро  
мазмун алоқаси мустаҳкамми ёки сезилар-сезилмасми?
5. Мусиқа либосидаги ҳазални „Ушшоқ“ деб аташган. „Ошиқлар“ маз-  
мунини берувчи бу сўзни шу ҳазалга сарлавҳа қилиб бўладими?
6. Ҳазални ёдланг.

<sup>1</sup> Равза — боғ, чаман. <sup>2</sup> Таковар — от (ҳайвон). <sup>3</sup> Ғамзада — ғам эзган.  
<sup>4</sup> Ришта — ип, чилвир. <sup>5</sup> Расан — ип, бўйинбоғ. <sup>6</sup> Кўҳкан — тоғ ўювчи, Фарҳод.  
<sup>7</sup> Хазон — куз. <sup>8</sup> Сипоҳ — лашкар. <sup>9</sup> Гулоб — гул барги, шакар ва сувдан  
 тайёрланган ичимлик. <sup>10</sup> Анжуман — йиғин, базм.

## КЕЧА КЕЛГУМДИР ДЕБОН

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрӯ<sup>1</sup> келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.  
Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў<sup>2</sup> келмади.  
Оразидек<sup>3</sup> ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек<sup>4</sup> ҳам ўлғонда қоронғу, келмади,  
Ул париваш ҳажридинким<sup>5</sup> йиғладим девонавор<sup>6</sup>,  
Кимса борму ким анга кўрганда кулгу келмади.  
Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,  
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.  
Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам  
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа ўтру<sup>7</sup> келмади.  
Эй Навоий, бода<sup>8</sup> бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

### Мазмуни:

Гул юзли сарвқоматим кечаси келаман, деб келмади.  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади. Лаҳза-лаҳза  
йўлига чиқиб, интизорлик торгтим: жоним оғзимга келди-ю, у  
фёъли ёмон шўхим келмади.

Юзи каби оппоқ ойдинда ўзгалардан ўзини эҳтиёт қилди,  
дейин десам, ҳаётимдек тун тим қоронғи бўлганида ҳам кел-  
мади.

Паривашим айрилиғида шунчалик телбалардек йиғладимки,  
кўрган одамларнинг бирортаси ўзини кулгидан тия олмади.

— Қачонгача кўзларингдан сув оқади?! — деб мени уятдан  
ўлдирманг. Оққан кўз ёшларим қон эди. Бу кеча кўзимга сув  
келган эмас.

Содиқ талабгорлар топилмайди. Лекин илк қадамдаёқ маъ-  
шуқага юзма-юз келган одам ким бўлди?

Эй Навоий, кўнглинг уйини май билан хушқол тут. Негаки,  
май келган уйга қайғу келмади.

### Савол ва топшириқлар

1. Фазал сизда қандай таассурот қолдирди? Мазмуни-чи?
2. Шеърда опшиқнинг интизорлиги, руҳий ҳолати қандай талқин қилинган?
3. „Оразидек ойдин“, „рўзгоримдек қоронғу“ сингари тазод-қаршилантириш моҳиятини изоҳлай оласизми? Бошқа мисралардаги тазод сўзларни топинг.
4. Нега опшиқнинг кўзидан сув эмас-у, қон келган? Бу муболагадан мақсад нима?
5. Фазални ёд олинг ва ифодали ўқишга ўрғанинг.
6. Куйга солинган ушбу фазални ўзингиз айтиб кўринг.
7. Фазал сизга ёққан бўлса, бунинг сири нимада?

<sup>1</sup> Гулрӯ<sup>5</sup> — гул юзли. <sup>2</sup> Бадхў<sup>6</sup> — фёъли ёмон. <sup>3</sup> Ораз — қуз. <sup>4</sup> Рўзгор — ҳаёт, турмуш. <sup>5</sup> Ҳажр — айрилиқ. <sup>6</sup> Девонавор — телбаларча. <sup>7</sup> Утру — юзма-юз, рўпара. <sup>8</sup> Бода — май.



## МЕНИ МЕН ИСТАГАН

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд<sup>1</sup> этмас.  
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд<sup>2</sup> этмас.  
Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.  
Нетай ҳуру пари базминки, қатлам ё ҳаётимға,  
Аён ул захрчашм<sup>3</sup> айлаб, ниҳон бу нўшханд<sup>4</sup> этмас.  
Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.  
Керак ўз чобуки<sup>5</sup> қотилваши<sup>6</sup> Мажнуншиоримким,  
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд<sup>8</sup> этмас.  
Кўнгул уз чарх золидин<sup>9</sup>, фирибин емаким, оҳир,  
Ажал сарриштасидан<sup>10</sup> ўзга бўйнунгга каманд<sup>11</sup> этмас.  
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд<sup>12</sup> этмас.

### Мазмуни:

Мени мен истаган киши ўз суҳбатига лойиқ топмайди. Мени истаган кишиларнинг суҳбатини кўнглим ёқтирмайди.

Мендан баҳра олишни истайдиган одамдан мен нима баҳра топардим? Мен баҳра олишни истайдиган киши мени баҳраманд этмайди.

Ҳур ва пари базми менга нега керак? Пари менга кўз теккизиб, ҳур менга жилмайиб боқмайди-ку?

Менга ой ва кун шакли ҳам керак эмас: чунки қатлим ёки ҳаётим учун ой ҳусни билан ичимни чок-чок этмайди, қуёш малоҳати билан танимни бўғин-бўғинидан парчалаб ташламайди.

Менга қотил табиат далли девона (салт сувоё) чавандозим керак. Чунки унинг самани вайрона кўнглимдан бошқа жойда жавлон этмайди.

Қари фалак айёридан кўнгил уз: чунки у бўйнингга ажал сиртмоғидан бошқасини тақмайди.

Ойдаё севгилим юзини очса, Навоий унга кўз тегмасин деб, юзи оловига муҳаббат уруғидан бошқа нарсани исириқ қилмайди.

## ШОҲНИНГ МУНГЛУҒ МУШАВВАШЛАР БИЛА

Шоҳнинг мунлуғ мушаввашлар<sup>13</sup> била не нисбати?!  
Комронларнинг<sup>14</sup> балокашларга<sup>15</sup> қайдин улфати?  
Улки қаҳр этса қиличидин дамо-дам<sup>16</sup> қон томар,

<sup>1</sup> Аржуманд — лойиқ. <sup>2</sup> Писанд — ёқтирмақ. <sup>3</sup> Захрчашм — кўз теккизмақ.  
<sup>4</sup> Нўшханд — жилмаймоқ. <sup>5</sup> Чобук — чечан, чаққон. <sup>6</sup> Қотилваши — қотилсимон.  
<sup>7</sup> Мажнуншиор — далли девона. <sup>8</sup> Саманд — от (ҳайвон). <sup>9</sup> Чарх золи — фалак кексаси, жаҳон айёри. <sup>10</sup> Сарришта — ип, сиртмоқ. <sup>11</sup> Қаманд — арқон, жанг асбоби. <sup>12</sup> Сипанд — исириқ. <sup>13</sup> Мушавваш — паришон. <sup>14</sup> Комрон — бахтиёр.  
<sup>15</sup> Балокаш — фалокатта йўлиққан. <sup>16</sup> Дамо-дам — дамба-дам.

Бағридин қон томғучилар бирла не жинсияти<sup>1</sup>?  
 Васл нўши<sup>2</sup> бирла жон топқонга, ваҳ,<sup>3</sup> андин не гам  
 Ким тўлодур захри қотил бирла жоми фурқати<sup>4</sup>.  
 Даҳр<sup>5</sup> қилгондин яланг бошини тенг туфроғ ила  
 Не ҳабар улким, етар гардунга<sup>6</sup> тожи рифъати<sup>7</sup>.  
 Мўр<sup>8</sup> аёғ остида ўлгандин қачон топғай вуқуф<sup>9</sup>,  
 Арслонким, кўкка чирмашқай ғириви<sup>10</sup> шавкати?  
 Бир кеча тонг откунча ҳижрон<sup>11</sup> ўтига куймаган  
 Қайда билсунким, недур мажруҳ<sup>12</sup> кўнглум ҳолати.  
 Қўй бу сўзларнию бўл ҳолимдин огоҳ, эй рафиқ,  
 Ким бу ақшом асру<sup>13</sup> саъб<sup>14</sup> ўлмиш фироқим шиддати.  
 Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадога имтиёз<sup>15</sup>.  
 Ўт аро тенгдур қуруқ ё ўл<sup>16</sup> ёғочнинг ҳирқати<sup>17</sup>.  
 Ишқ жомин, эй Навоий, тарк қилмоқ саъб эрур,  
 Хоссаким<sup>18</sup>, йўқ зуҳду<sup>19</sup> тақво<sup>20</sup> бирла кўнглум рағбати<sup>21</sup>.

Мазмуни:

Шоҳнинг мунгли бечоралар билан қандай ўхшашлиги бўлсин?!

Бахтиёрлар фалокатга йўлиққан шўрликлар билан қанақасига улфатлашсинлар?!

Қаҳр этганда қиличидан тинимсиз қон томадиган киши қаердаю, бағридан қон томувчилар қаерда? Уларнинг қандай яқинлиги бўлсин?

Учрашув шарбатидан тирилган кишининг ҳалокатли айрилиқ жомини ушлаб турган кишига не парвоси бор?!

Тожининг юксаклиги осмонларга етадиган киши яланг боши тупроққа қорйшган одам ҳолидан хабар топармиди?

Ўкириши кўкни ларзага келтирадиган арслон ўз оёғи остида чумоли ўлиб кетаётганидан қандай хабари бўлсин?!

Бир кеча тонг отгунча айрилиқ оловида куймаган кимса жароҳатли кўнглим ҳолатини қаердан билади?!

Эй дўстим, бу сўзларни кўяйлиг-у, менинг ҳолимдан огоҳ бўл: бу кеча айрилиқдаги азобимнинг шиддати бошқача бўлди.

Эй кўнглим, муҳаббатда шоҳу гадо бир-биридан устун туролмайди: ўт тушган жойда ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

Эй Навоий, муҳаббат қадаҳидан воз кечиш мушкул бир иш: айниқса, кўнглимнинг муттасил тоат-ибодат ва диний эҳтиёткорликка майли йўқдир.

<sup>1</sup> *Жинсият* — жинсдошлик, турдошлик, бир хиллик.. <sup>2</sup> *Васл нўши* — учрашув кайфияти. <sup>3</sup> *Ваҳ* — эвоҳ, афсус. <sup>4</sup> *Фурқат* — айрилиқ, жудолик. <sup>5</sup> *Даҳр* — дунё, фалак. <sup>6</sup> *Гардун* — фалак, осмон. <sup>7</sup> *Рифъат* — улуглик, юксаклик. <sup>8</sup> *Мўр* — чумоли. <sup>9</sup> *Вуқуф* — воқифлик, хабардорлик. <sup>10</sup> *Ғирив* — ўкириш. <sup>11</sup> *Ҳижрон* — айрилиқ, жудолик. <sup>12</sup> *Мажруҳ* — ярали, жароҳатли. <sup>13</sup> *Асру* — жула, роса. <sup>14</sup> *Саъб* — қийиң, мушкул. <sup>15</sup> *Имтиёз* — устун кўймоқлик. <sup>16</sup> *Ўл* — ҳўл. <sup>17</sup> *Ҳирқат* — қуймоқ. <sup>18</sup> *Хоссақим* — хусусан, айниқса. <sup>19</sup> *Зуҳд* — муттасил тоат-ибодат билан машғул бўлмоқ. <sup>20</sup> *Тақво* — парhezгарлик, диний соғломлик учун эҳтиёткорлик. <sup>21</sup> *Рағбат* — майл, истак.

### Савол ва топшириқлар

1. Ҳазалда еттига бир-бирига қарама-қарши мавжудотлар тасавирланган. Ана шу етти манзарани сўзлаб беринг.
2. Биринчи байтнинг ўзидаги икки манзарани ажрата оласизми?
3. Бундай қаршилантиришлардан шоирнинг мақсади нима?  
Бу тазодлар (қаршилантириш) тасвир воситаси сифатида нимага хизмат қилган? Таъсирчанликками, ифодалиликками, нафосатгами?
4. Шеърдаги бадиий ҳақиқат билан тарихий ҳаёт ҳақиқати алоқасини тушунтириб бера оласизми?
5. Шеър мавзусини аниқланг. Муҳаббат ҳақидами, ижтимоий-сиёсий ёки ахлоқий-таълимий мавзудами?
6. Шу манзараларни ҳозирги ҳаётимизда ҳам учратамизми?

## НЎШИРАВОНУЛ-ОДИЛ ҲИКОЯТИ

(„Тарихи мулуки Ажам“ асаридан)

Нўширавонул-одил бинни Қубод чун салтанат тахтин мушарраф қилди ва хилофат тожин сарафроз этти... Адл жўйборидин мулк боғинда фароғат ашжори шодоб бўлди ва инсофи тарбиятидан амният ашжоридан фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди...

Дебтурларким, анинг даврида биров яна бировдин бир боғ сотқун олди. Ва ул боғда кироманд дафина топди. Боғнинг бурунги эгасига айттиким, келиб боғдаги топилган мадфунни олгилким, мен сендин боғ сотқун олибмен, йўқки ўзга нима олгоним йўқ. Ул айттиким, мен санга боғим ҳар не билаки анга дохилдур — сотибмен.

Баъзи дедиларким, бу нима байтулмол дохилидур, подшоҳга тааллуқ тутар. Ҳар тақдир била можаро Нўширавонга етишди. Нўширавон сўрдиким, ўғил-қизингиз борму? Ҳамоноки бор эрди, буюрдиким, ул бирининг қизини ул бирининг ўғлига бердилар. Ул дафинани ул икки янги кадхудой бўлгонларга мусаллам тутдилар.

Бир кун (Нўширавон) бир йўлда тушиб, кабоб буюрди. Туз йўқ эрди. Яқинроқ бир кент кўрунур. Биров бордиким туз кетургай. Нўширавон муболага қилдиким: „Тузни сотқун ол!“

Мажлис ҳуззори айттилар: „Бу тузга не миқдор баҳо бўлгайки, сотқун олгайлар?“ Дедиким: „Мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечун ёмон расм қўйгай? Ёмон русум жузве бўлса, ҳар киши бир нима ортуруб, ани куллий қилурлар. Бадномлик ани бунёд қилганга бўлур“.

... Ва анинг сойир султонлар учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилгайлар... Икки-уч калима била ихтисор қилилди. Ва улар будурким:

Адл бир кўрғондирким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузилмас.

Ва адл ганжсдурким, кўпрак олган сайин, кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур.

Ва хирадманд улдурким, махфий андоқ иш қилмағайким, ошкора они қила олмағай ва биров айбида андоқ сўз демағайким, юзида дей олмағай.

Урушта душман оз деб ғофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтинни оз ўт куйдуруп.

## НАСРИЙ БАЁНИ: НЎШИРАВONI ОДИЛ ҲИКОЯТИ

(Ажам шоҳлари тарихи)

Нўширавони одил бинни Қубод султонлик тахтини шарафга чулғаб, султонлик тожини кийганидан бошлаб: адолат анҳоридан мамлакат боғларида фароғат дарактлари сероб бўлди ва инсофи тарбиясидан осойишталик дарактларида фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди.

Дейдиларки, унинг даврида бир киши бировдан бир боғ сотиб олди. У боғдан кўмилган бойлик чиқиб қолди. Янги эгаси боғнинг собиқ эгасига: „Келиб боғдан чиққан кўмилган бойликларни олгин. Мен сендан кўмилган бойликни эмас, боғни сотиб олганман, бошқа нарса сотиб олганим йўқ“, — деди.

У айтди: „Мен боғимни сенга ундаги барча нарсаси билан бирга сотганман“.

Баъзилар дедилар: „Бу нарса давлат молидир. Хазинага тегишлидир“. Хуллас, тақдир тақозоси билан бу баҳс Нўширавонгача етди. Нўширавон (улардан) сўрадики, „Ўғил-қизингиз борми?“ Ҳар иккиларида бор экан, буюрдики, бири қизини бирининг ўғлига берсин. Ўша кўмилган бойликни янги келинкуёвга топширдилар.

Бир куни (Нўширавон) йўлда қўниб, қабоб буюрди. Туз йўқ эди. Яқинроқ бир қишлоқ кўринди. Биров туз келтиргани жўнади. Нўширавон унга таъкидлади: „Тузни сотиб ол!“

Мажлисда ҳозир бўлганлар дедилар: „Бу миқдор туз қанча турардики, бунга пул тўланса?! (Нўширавон) дедиди: „Шунча арзимас нарса учун подшоҳ нега ёмон расм қўйсин?! Ёмон одат оз бўлса, ҳар бир киши бир оз орттириб, уни кўпайтириб юбордилар. Ёмонотлиқ эса уни бошлаган киши номига тушади“.

Ва унинг бошқа султонлар учун, қандай султонлик қилиш ҳақидаги васиятлари бор. Икки-уч сўз билан қисқартириб берамиз. Ва улар будирким:

Адолат шундай кўрғондирки, уни сув қулатолмайди; ўт билан куйдириб бўлмайди; манжаниқ билан бузиб бўлмайди.

Адолат шундай улугъ бойлик хазинасидирки, кўпроқ олган сари—кўпаяди, озроқ харж қилсанг—камаяди.

Ақлли киши ошқора қилолмайдиган ишини махфий ҳам қилмайди; бировнинг юзига айта олмайдиган айбини орқадан ҳам айтмайди.

Урушда душман оз деб ғофил бўлмаслик керак. Чунки кўп ўтинни озгина ўт куйдиради.

Луғат:

Бинни — ўғли  
хилофат — халифалик; шоҳлик  
жўйбор — ариқ  
мулк — мамлакат

кент — қишлоқ  
муболага — уқтириш,  
таъкид  
хуззор — ҳозир кишилар

ашжор — дарактлар  
шодоб — сероб  
амният — тинчлик  
сотқун — сотиб олинган  
кироманд — қимматбаҳо  
дафина — кўмилган бойлик  
мадфун — кўмилган  
дохил — тегишли  
байтулмол — давлат моли  
кадхудой — оилали эр ва хотин  
мусаллам тутмоқ — топширмоқ

бемиқдор — арзимас, озгина  
русум — расмлар, одатлар  
жузъе — озгина  
кулдлий — кўп, ортиқ  
бадномлик — ёмонотлик  
сойир — бошқа  
дастур — қўлланма  
калима — сўз  
иктисор — қисқартмоқ  
ганж — хазина  
хирадманд — оқил, донишманд

### Савол ва топшириқлар

1. Ҳикоят сизда қандай таассурот қолдирди? 2. Нўширавон сиймосининг қайси қирралари сизга ёқди?
3. Нўширавонни ҳозирги амалдорлар билан қиёслай оласизми?
4. Боғ эгаларининг ҳалоллиги замонамиз одамларида ҳам қолганми?
5. Адолат деб нимани тушунасиз?
6. Амални сунистьемол қилмайдиган, балки амал масъулиятини сақлайдиган раҳбарларни шахсан айта оласизми?

## КЎРЛАР ВА ФИЛ ҲИКОЯТИ

(„Лисонут тайр“дан)

Бас муносибдур, эшит, бу можаро,  
Нақл мундоқдурки, Ҳиндистон аро—  
Туштилар бир навъ ила жамъи басир<sup>1</sup>  
Ё мусофирлиғ била ёхуд асир.  
Сўнграким берди адарға рўзгор,  
Маскану маъволари<sup>2</sup> ичра қарор.  
Бир киши сўрди: „Кўрибсизларму пил?“<sup>3</sup>  
Дедилар: „Ҳов!“<sup>4</sup>. Ойтти: „Айтинг далил!“  
Чун алар кўрмайдур эрдилар они,  
Яхши ҳам сўрмайдур эрдилар они.  
Ҳар бири бир узвига суртиб илик,  
Ҳосил айлаб эрдилар ондин билик.  
Қўлларин мас<sup>5</sup> айлаган деди: „Сутун“.  
Қорнин эткон мас дедиким: „Бесутун“.  
Ул бириким мас хартум айлади,  
Аждаҳо андоми маълум айлади.  
Ул бириким тишларин қилди баён,  
Дедиким икки сўнгак бўлди аён.  
Қуйруғидин улқи кўргузди хабар,  
Деди, бир афъи<sup>6</sup> осилмишдур магар.  
Бошига ул бирки суртуб эрди қўл,  
Бир қиёнинг<sup>7</sup> тумшуги шарҳ<sup>8</sup> этти ул.  
Улки еткурди қулоғига овуч<sup>8</sup>,

<sup>1</sup> Жамъи басир — бир гўда кўрлар. <sup>2</sup> Маъво — яшаш жойи. <sup>3</sup> Пил — фил.  
<sup>4</sup> Ҳов — ҳа. <sup>5</sup> Мас — пайпаслаб кўрмоқ. <sup>6</sup> Афъи — илон. <sup>7</sup> Қиё — қоя. <sup>8</sup> Овуч — ҳовуч.

Деди: таҳрик<sup>1</sup> ичра икки елпигуч,  
 Барчаси умъё<sup>2</sup> юзидан сўз деди,  
 Гарчи ул сўзлар бори воқеъ эди.  
 Лек нуқсон эрди тақрир<sup>3</sup> ичра кўп,  
 Йўқ эди тартиб тағйир<sup>4</sup> ичра кўп.  
 Чун ҳақими<sup>5</sup> комили ҳинду нажод  
 Пилбонлиғ шевасида<sup>6</sup> устод  
 Бўлди ул тақрирларга мустамеъ<sup>7</sup>,  
 Нақл қилғонларга бўлмаё мумтанеъ<sup>8</sup>.  
 Деди: ҳар бир улча воқиф эрдилар,  
 Пил ҳолидин нишоне бердилар.  
 Бир-бирининг сўзига айтиб хилоф,  
 Гар жадал<sup>9</sup> қилдилар, эрдилар маоф<sup>10</sup>.  
 Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,  
 Солмоғон эрди бири пил узра кўз.  
 Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,  
 Пилга ҳосилдур ул дам маърифат,  
 Комили бийноға<sup>11</sup> чун эрди яқин<sup>12</sup>,  
 Бетакалуф деди бори сўзни чин.

### Насрий баёни

Эшит, бунга ушбу можаро жуда муносиб мисол бўла олади. Нақл қилишларича, бир гуруҳ кўрлар бир сабаб билан, мусофирлик ёки асирлик туфайли Ҳиндистонга бориб қолишибди. Сўнгра фалакнинг гардиши билан улар яна ўз юртига қайтиб келишибди.

Бу ерда улардан бир киши: „Филни кўрдиларингизми?“ деб сўрабди. Улар: „Ҳа“ деб жавоб берибдилар.

„Кўрган бўлсангиз, далил келтиринг“, — дегти бояги киши.

Улар аслида филни кўрмаган, у ҳақда ҳатто яхши сўраб ҳам олмаган эдилар. Ҳар бири филнинг бир аъзосини пайпаслаб, ундан билим ҳосил қилиб олган эди.

Шу сабабли филнинг қўлларини ушлаган киши фил сутунга ўхшар экан, деса, қорнини пайпаслаган, йўқ, у бесутун, деди.

Хартумини ушлаган фил аждаҳога ўхшаш бир нарса экан, деса, тишларини баён қилувчи киши эса, фил иккита суякдан иборат, деди.

Қуйругидан хабар берган киши филни осилиб турган илонга қиёс этди. Қўли билан филнинг бошини пайпаслаган киши уни бир қоянинг тумшуги деб шарҳ қилди. Филнинг қулоғига қўл тегизган киши уни қимирлаб турган иккита елпигич экан, деди.

Уларнинг барчаси шу тариқа кўрлик юзасидан турли сўзлар айтдилар. Гарчи улар айтган сўзларнинг барчаси тўғри бўлса-да, уларнинг ҳаммаси нуқсонли эди, уларда тартиб мавжуд эмас эди.

<sup>1</sup> Таҳрик — титраётган. <sup>2</sup> Умъё — кўрлик. <sup>3</sup> Тақрир — айтмоқ, айтилган.  
<sup>4</sup> Тағйир — ўзгармоқ. <sup>5</sup> Ҳақим — донишманд. <sup>6</sup> Шева — касб. <sup>7</sup> Мустамеъ — тингламоқ.  
<sup>8</sup> Мумтанеъ — мумкин эмас. <sup>9</sup> Жадал — жанжал. <sup>10</sup> Маоф — маъзур, кечирарли.  
<sup>11</sup> Бийно — кўзи кўрадиган. <sup>12</sup> Яқин — аниқ.

Шунинг учун ҳам филбонлик соҳасида устод ҳисобланган етук донишманд, ўзи ҳинд наслидан бўлган киши улар айтган сўзларни тинглаб, нақл қилганларга тавна сўз айтмади ва шундай деди:

Ҳар бир киши фил ҳақида ўзи билганини айтиб, у ҳақда нишон берди. Улар бир-бирларига зид фикрларни айтган бўлсалар-да, кечирарлидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўз билганича сўз айтди, аммо улардан ҳеч бири филни кўрган эмас эди. Лекин улар айтган бу сифатларнинг барчаси бир ерга жаъм қилинса, улардан фил ҳақида муайян тасаввур ҳосил бўлади.

Узоқни кўрувчи кишига бу аниқ бўлгани учун у ҳеч бир иккиланмасдан кўрлар айтган барча сўзларни чин деб баҳолади.

### ҲИКОЯТ ҲАҚИДА

„Лисонут тайр“ — „Қуш тили“ номли дoston Алишер Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий асаридир. Мазкур ҳикоят асарнинг маърифат ҳақидаги бобида келтирилгандир. Маърифат — билим демакдир. Ҳикоят ғояси: билим мукамаллигини тарғиб этишдир. Асарда қушлар маърифат водийсида учадилар ва Семурғ ҳақида билим ҳосил қиладилар. Бу рамзий тасвирдан мақсад: одамнинг оллоҳ ҳақида, унинг моҳияти ҳақида маърифат ҳосил қилишидир. Оллоҳ идрокининг бу босқичида одам оллоҳнинг кимлиги, абадийми, муваққатми, қудрати чекланганми ёки мислсизми, ақл-тафаккури ва ҳусни қандайлиги ҳақида билимлар ҳосил қилади.

Муаллиф бизга икки ёқлама таълим беради: масаланинг дунёвий томони — киши мукамал билим олмоғи керак. Чала билим олган кишининг тасвирдаги кўрлардан қандай фарқи бўлсин?

Масаланинг диний-тасаввуфий томони: Оллоҳ ошиғи худо ҳақида тўлиқ, ҳар томонлама маърифат ҳосил қилмоғи зарур.

Ҳикоятнинг нечоғли қизиқарлилиги кўриниб турипти. Кўрлар сиймосида чаламуллалар назарда тутилса, асли ҳиндистонлик донишманд сиймосида маънавий баркамол одам гавдалантирилгандир.

Мароқли ҳикоятнинг ахлоқий-таълимий таъсири ҳам каттадир.

### Савол ва топшириқлар

1. Ҳикоят мазмунини сўзлаб беринг.
2. Донишманд ҳинд нега кўрлар маълумотларининг кулгили тарада сернуқсонлигидан кулмайди?
3. Ҳикоят мазмунини хотирангиздан қайта ҳикоя қилиб ёзинг.
4. Шаклий ўхшатишларнинг кулгили вазият яратишдаги хизматини изоҳланг.
5. Ҳақиқий билиш учун пайпаслаш ёки кўз билан кўришнинг ўзи кифоя қиладими?
6. Ҳикоят сизда қандай таассурот қолдирди?
7. Билим нега мукамал бўлиши керак экан?



## МАШРАБ

(1640—1711)

Бобораҳим Муллавали ўгли Машраб 1640 йилда Наманганда бўзчи оиласида дунёга келди. Маҳалла мактабида савод чиқарди ва мадраса таҳсилани кўрди. Ислоҳ диншунослиги соҳасида билимини мукаммаллаштириш ва руҳини оллоқ маърифати соҳасидаги билим билан кучайтириш учун эшон мулла Бозор Охунда мурид бўлди. Бир неча йил дин ва тасаввуф соҳасида таълим олгач, устоз тавсияси билан йигирма уч ёшларида Қашқарга— машҳур эшон Офоқхўжа ҳузурига борди. Шеърларининг гувоҳлик беришича, у етти йил пир йилқиларини боққан. „Машраб“ сўзи мазҳаб маъносига бўлиб, Машрабнинг ёзишича, бу тахаллусини унга Офоқхўжа пири тавсия этгандир.

Машраб бу даргоҳда Офоқхўжанинг бир канизагини севиб қолади ва улар муносабатини сезган пир Машрабни мажруҳ этиб, даргоҳидан қувиб юборди.

Машраб шеърларининг катта бир қисми муҳаббат тароналаридан иборат. Унда севгили маҳбубанинг кўрки ва ошиқ изтироблари, қалб ёнишлари ифодаланади:

Зебо санамим гул юзидан пардани очди,  
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб...

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Машраб тасаввуф ва амалиётида комил мутафаккир эди:

Олими нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,  
Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум

деб ҳар қанча фахрланса ҳақли эди ул.

Қашқардан кетгач, шоирнинг қаландарона дарбадарликдаги ҳаёти бошланади. Унинг сафар йўллари мундарижасини чизиш керак бўлганида, бу жуғрофий доира жуда катта ва кўп нуқталарда бир-бирини кесиб чиққан бўларди: Наманган — Хўжанд — Тошкент—Самарқанд — Бухоро — Макка — Мадина —



Истамбул... Шунинг учун ҳам Волга бўйи тоторларидан бошлаб, Истамбул, Уйғуристон Марказий Осиё туркий халқлари орасида Машраб сиймоси Насриддин Афанди шахси сингари маълум ва машҳурдир.

Элқезар, юртқезар Машраб ўз шахсий қисматидангина дод қилиб қолмай:

Не ғурбатларни чектим чархи бербунёд дастингдин,  
Мудом мотамда қолдим, бўлмадим дилшод дастингдин,  
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,  
Қафасда бўлмадимки қумридек озод дастингдин,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки, мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.

Ўз қадами теккан ўлкаларда ҳам шоир фақат ғам юки остида эзилган шўрпешона кишиларни кўрганини ҳикоя қилади:

Дили тиғи ситамдин ёра бўлгон халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин пора бўлгон халқни кўрдум.

Оллоҳ ошиғи бўлган Машраб на дин, на дунё бойлиги ва ҳосилини кўзига иллади:

Олурға дину дунёнинг матоин орзу қилмай,  
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.

Ҳақ ва ҳақиқатни таниш ва унга фидо бўлиш Машраб орзуси эди. У ана шу юксак муддао йўлида ҳақни талаб қилди, уни таниди, оллоҳ маърифати унга маълум бўлди, оллоҳни севди, унинг ишқи билан ёниб яшади ва шу эътиқоди туфайли қурбон бўлди.

Шунинг учун ҳам у ўрта аср зулматида ҳақни танимаган кўпчилик ғамини еяр экан, шундай дейишни ўз виждоний бурчи деб ҳисоблади:

Ҳақиқат кўчасида раҳнамон интизорингман,  
Тамоми аҳли гафлатларга пайғамбар бўлай дерман.

Машраб тасаввуф илмида Мансур Ҳаллож, Имодиддин Насимий, Алишер Навоий издоши бўлиб, бу қараш асосида оллоҳга бўлган беқиёс ишқ ва олам мавжудларини илоҳийлаштириш фалсафаси ётади. Ҳақпарастлик, оллоҳ жамолига шайдоийлик Машраб шеъриятининг чин мағзидир:

Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо!

Ўз-ўзига ҳақиқатни кашф этган шоир шеъриятида инсоний муҳаббат ҳам ишқнинг бир талқини сифатида намоён бўлади. Китобхон ошиқ севгилисини дунёвий гўзал ёки оллоҳ қиёфаларида кўраверади. Умуман ўрта аср Шарқ шеърияти хусусан ўзбек шоирлари ижодининг асосий шеърлари ана шундай икки жиловдир: уларнинг ташқи зоҳирий маъноси йиғитнинг қизга муҳаббати ва ички ботиний мазмуни ҳақпараст кишининг оллоҳга бўлган ишқи талқини сифатида тасвирланади.

Ҳақпарастлик ғояси, ҳақгўйлик доимий иши бўлган, ҳур-

фикрлилик шиори остида яшаган шоир 1711 йилда Балхда ҳоким Маҳмуд Қотоғон ҳукми билан дорга осиб ўлдирилди.

Машраб Мавлоно Лутфий ва Имоиддин Насимийлар асарларига назиралар ёзди, Алишер Навоий шеърларига мухаммас боғлади. Бу билан шоир уларга фикран ва ишқан ўзининг мухлислигини кўрсатди, маслакдошлигини исботлади.

Машрабнинг ҳаёти соғлом гоёга собит садоқат ва жисман унга фидойилик рамзи бўлиб қолди.

Унинг ҳаётлигидаги шуҳрати вафотидан сўнг ошса ошдики, пасаймади. У ҳақда маслакдош дўсти томонидан „Девонаи Машраб“ номли қисса ёзилди. Қисса Машраб ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақидаги ноёб асардир. „Шоҳ Машраб қиссаси“ китоби ана шу қиссанинг жуда қисқартирилган нашридир.

## СЕНСАН СЕВАРИМ

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.  
Ғам шомии фироқингда кабоб этти фалакни,  
Оҳи саҳарим<sup>1</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.  
Ногаҳ сари зулфунг<sup>2</sup> сори бўлдум сенга мойил,  
Эй тожи сарим<sup>3</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма.  
Лаълинг<sup>4</sup> ғамидин кўнглум эрур ғунча каби қон,  
Гулбарги тарим<sup>5</sup>, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурағали етти,  
Эй лабшакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.  
Машраб, бўлубон кўйинга<sup>6</sup> чун барқи<sup>7</sup> тажалли,<sup>8</sup>  
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Мазмуни:

Хоҳ ишон, хоҳ ишонма: севгилим сенсан. Сенинг учун жигарим қон бўлди: хоҳ ишон, хоҳ ишонма.

Хоҳ ишон, хоҳ ишонма: ғам оқшомлари айрилиқда чеккан азобларим туфайли тортган оҳим фалакни кабоб қилиб юборди.

Эй бошимнинг тожи, хоҳ ишон, хоҳ ишонма: кўнглим ногоҳ гажагинг учига мойил бўлди.

Эй яшнаган гулбаргим! Лабларинг ғамида кўнглим ғунча сингари қонга айланди: хоҳ ишон, хоҳ ишонма.

Эй лаблари шакарим, хоҳ ишон, хоҳ ишонма: айрилигинг ғами заҳри мени ўлдиришга етди!

Машраб манзилингга жилва яшинига айланиб, нишоним қолмади: хоҳ ишон, хоҳ ишонма.

## ҒАЗАЛ ҲАҚИДА

Ушбу ўйноқи ғазал Мавлоно Лутфийнинг:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма

<sup>1</sup> Оҳи саҳар — тонги оҳ тортишлар. <sup>2</sup> Сари зулф — гажақнинг учи. <sup>3</sup> Сар — бош. <sup>4</sup> Лаъл — лаб маъносиди. <sup>5</sup> Тар — янги, хўл. <sup>6</sup> Кўй — макон, манзил. <sup>7</sup> Барқ — яшин, чақмоқ. <sup>8</sup> Тажалли — жилва, ёқимли жилва.

матлаъли (бош байт) ғазалига ёзилган тазминдир. Шоир ўтмиш ёки замондош шоирдан бир мисра ёки бир байт матн олиб, уша вазн, уша қофия ва радифла, мазмунга муштарак ғазал ёсса, тазмин бўлади. Чунки бошқа шоирдан олинган мисра ёки байт бу янги шеър учун замин (асос) бўлади. Тазмин мисралар янги ғазалнинг бошида, ўртароғида ва охирида ҳам бўлиши мумкин.

„Тазмин“ сўзининг луғавий маъноларидан бири зоминлик, бировдан бирор нарса олиб туришлик маъносини ҳам билдиради. Тазмин истилоҳи ҳар иккала мазмунга мос келади.

Ҳар қандай чинакам бадий асар ижодкори шеърнинг уч хил хусусияти билан ҳисоблашади: шоир бошқа устоздан фикран таъсирланади. Фикрий озиқланиш адабий таъсирнинг бир кўринишидир. Иккинчидан, санъаткор анъанавийликка риоя қилади, яъни ўзигача мавжуд бўлган вазн, баҳр қолипига фикрини жойлаш, расм бўлган жанр табиати билан ҳисоблашниш тақозо қилинади. Бу ҳол анъанавийликдир. Учинчидан, шоир янги гап, янги фикр айтмоғи лозим. У ана шу янги фикрини ўз ифода услубида юзага чиқаради. Бу эса ўзига хосликни кўрсатади.

Ана шу тушунчамизни Машраб ғазалига татбиқ қилиб кўрайлик: шоир Мавлоно Лутфийдан фикран таъсирланди (адабий таъсир). Лутфий ғазалининг вазни, бош фикри, қофия ва радиф хусусиятларидан фойдаланиш адабий таъсирдир. Анъанавийликка келсак, шоир тазмин усулини қўллади: бу байтни Лутфийдан олди; арузнинг Лутфий ғазалидаги вазн баҳрига ўз ифодаларини жойлади; ғазал жанрининг шаклий талабларига риоя қилиб, қофия ва тўрт сўзли-таркибли радиф қўллади.

Энди ўзига хосликка келсак, Мавлоно Лутфий ғазали дунёвий муҳаббат мавзусида ёзилган эди. Машраб зоҳиран унинг бу хусусиятига содиқ қолгани ҳолда, ишқи илоҳий — оллоҳга муҳаббат масаласини олиб кирди. Мақтаъдан кўриниб туриптики, шоир тажаллий фалсафаси — оллоҳ жамолининг оламда живлаланишига ўқувчи диққатини тортмоқда.

Яъни Лутфийнинг мажозий муҳаббат — инсоннинг инсонга муҳаббати ҳақидаги ғазали тазмин ғазалда ўзгаришга учраб, ишқи илоҳий-ҳақиқий муҳаббат ифодаланган шеър бунёд бўлди. Энди бу тўлалигича Машраб услубининг бир кўринишидир.

Демак, адабий таъсир, анъанавийлик ва ўзига хослик — ижодий жараённинг табиий омиллари экан. Бадий ижод табиати ана шуни тақозо этади.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Машраб ҳақидаги ҳикоялардан сўзлаб беринг.
2. „Сенсан севарим“ шеърини ёд олинг.
3. Машрабнинг қайси ғазаллари қўшиқ бўлганини айтинг.
4. „Шоҳ Машраб қиссаси“ китобини ўқинг ва шоир қиёфасини тавсифланг.
5. Адабий таъсир, анъанавийлик ва ўзига хосликни қандай тушунасиз?

## МУРАББАЪЛАР

Сўйлаб-сўйлаб ноз қил, мен ўргулойин,  
Нозинг олди кўнглумни, нозик ниҳолим.  
Турлук-турлук жилвангга жоним беройин,  
Олтин-кумуш йўлунгга сочиқ хаёлим.

Хамча-хамча қошларинг, бодом қабоқинг.  
Хумор-хумор кўзларинг, Юсуф<sup>1</sup> сиёқинг.  
Чиқти жоним, эй пари, ҳай-ҳай мароқинг,  
Эмди сенга бўлсун бу менинг вуболим<sup>2</sup>.

Чучук-чучук сўзларинг шакардин ортуқ,  
Мунча лабинг асалдек бўлурму тотлуқ?  
Холу хадинг<sup>3</sup> кўюб доғ бағримга ўтлуғ  
Орази рухсорингга ёнди чирогим.

Қаро-қаро кўзларнинг пири муғон<sup>4</sup> нашъаси,  
Хирман-хирман жамолинг зилол чашмаси,  
Ошиқларингни оҳу нола тўшаси<sup>5</sup>.  
Мен ўлук муртакман, қани мадорим?

Чаман-чаман гулларинг — ниҳолларингдин,  
Сонсиз яра кўнгулар мужгонларингдин<sup>6</sup>  
Ишқ айласа йигит-қиз, ўғлонларингдин,  
Дунё-дунё очилур лолаузорим<sup>7</sup>.

Дарё-дарё йиғлагил, Машраб, ёш оқсун.  
Ошиқ элин кўнглини ўт бўлуб ёқсун,  
Ғафлатда юргонлар бу ўтқа тутоқсун,  
Куюб-куюб кул бўлсун бу кори-борим<sup>8</sup>.

\* \* \*

Ҳамду санолар<sup>9</sup> айтай худога,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?  
Етгайму додим нозук адога<sup>10</sup>  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шум толеимдин кўрдум жафони,  
Золим рақиблар кўрди вафони.  
Ҳолим сўр эмди, бергил давони,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Булбулдайинким фарёд этарман,  
Ишқ дафтарини бунёд этарман.

<sup>1</sup> Юсуф — ўзбек мумтоз адабиётида хусн, гўзаллик рамзи. <sup>2</sup> Вубол<sup>5</sup> — увол.  
<sup>3</sup> Хао — енроқ. <sup>4</sup> Пири муғон — муғлар пири, отаипарастлар рӯҳиби. <sup>5</sup> Тўша — йўлозиғи. <sup>6</sup> Мужгон — киприк. <sup>7</sup> Лолаузор — лола юзли. <sup>8</sup> Кори-борим — иш-куч, бор-йўқ. <sup>9</sup> Ҳамду сано — улуғлаш ва мақташ. <sup>10</sup> Адо — яхши сўз, хуш қилиқ.

Кўнглумни бир дам мен шод этарман.  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Қачон висолинг бўлғай муяссар,  
Ишқингда кездим ҳам баҳру<sup>1</sup> ҳам бар<sup>2</sup>.  
Дарду аламга тўлди кўнгуллар,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,  
Ишқингда қилдим минг оҳу фарёд.  
Ўтти нигорим чун<sup>3</sup> сарви озод<sup>4</sup>,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди тутти ёқамдин,  
Бағрим тилинди пайкони<sup>5</sup> ғамдин.  
Фарёд этарман ушбу аламдин,  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг<sup>6</sup> кўксимда ёнди,  
Кўз ёшим оқиб бағримга томди.<sup>7</sup>  
Ғафлатда қолган Машраб уёнди,<sup>7</sup>  
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

---

<sup>1</sup> Баҳр — денгиз, дарё. <sup>2</sup> Бар — қуруқлик. <sup>3</sup> Чун — қаби. <sup>4</sup> Озод — тик, ҳушқомат. <sup>5</sup> Пайкон — камон ўқи учигаги металл бошоқ. <sup>6</sup> Фироқ — айрилиқ. <sup>7</sup> Уёнди — уйғонди.

## ШЕРМУҲАММАД МУНИС

(1778—1829)

А. 70

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Шермуҳаммад Мунис шоир, тарихчи, таржимон, хаттот, суғориш мутахассиси, маърифатпарвар сиймо эди. У 1778 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида Авазбий мироб оиласида дунёга келди. Ўз саводини қишлоқда чиқарган Шермуҳаммад Хива мадрасаларида таҳсилни давом эттиради.

1800 йилда Авазбий вафот этиб, хон Аваз иноқ уни саройнинг фармоннавис котиби қилиб тайинлайди. 1804 йилда Мунис ўзининг ilk девони „Девони Мунис“ни тузади (Мунис — дуст, уртоқ, улфат демакдир). Уша йили „Саводи таълим“ ёки „Рисолаи савод“ асарини шеърини йўлда ёзиб, талабаларга хусни хат таълими қондаларини ургатади.

1806 йилда Элтузархон Мунисга Хива хонлиги тарихини ёзишни буюради ва у „Фирдавсул иқбол“ (Саодат боғи) номли тарихий асар устида иш бошлайди.

1812 йилда мироб Эрнийезбек вафот этиб, хон унинг ўрнига Мунисни Хоразм мироблигига тайинлайди.

1819 йилда хон топшириғи билан Мирхонднинг кўпжилдли „Равзатус сафо“ (Поклик боғи) тарихий асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қила бошлайди. Мунис унинг биринчи жилдини таржима қилиб улгуради, холос.

1815—1820 йилларда Мунис ўзининг мукамал девони „Мунисул ушшоқ“ни тузади. „Ошиқлар дўсти“ деб номланган бу тўпламга шоирнинг 16 минг мисрадан зиёд шеърлари жамлангандир.

Муниснинг Хоразмни суғориш ишларига бағишланган „Арналар“ номли асар ёзгани ҳам маълум.

У бадиий ижодда кўпроқ ўзини Алишер Навоий издоши ҳисоблар, ўз исмининг маъно жиҳатидан Алишерга мувофиқлиги билан фахрланар эди:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгир<sup>1</sup> дурур.  
Мунисга маоний<sup>2</sup> йўлида пир дурур  
Йўқ ғайрият<sup>3</sup> андин ўзгаким айтурлар:  
Бу Шермуҳаммад, ул Алишер дурур.

Мунис ўз исмининг „Шери Муҳаммад“ (Муҳаммаднинг шери) ва Алишер номининг „Али шер“лигига ишора қилмоқда. Исмлар ўхшашлиги асоси шундаки: Муҳаммад пайғамбаримиз

<sup>1</sup> Жаҳонгир — жаҳонни эгалловчи.

<sup>2</sup> Маоний — маънолар.

<sup>3</sup> Ғайрият — фарқлар.

хуёви Али ибн Абу Толибни „Шерим“ деган. Мунис ва Навоий исмларининг ўзагида ана шу Али тушунчаси бордир.

Муниснинг кўп шеърлари мусиқага солиниб, ҳофизлар толовидан айтилмоқда.

Мунис девони асосан илоҳий ва инсоний муҳаббат кечинмалари талқинларидан иборат бўлса-да, санъат, санъаткор моҳияти, ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалалари акс этган ғазаллари ҳам учраб туради. Мунис „Сўз“, „Шуаро“ шеърларида шеър ва ижодкор қадр-қиммати ҳақида қалам тебратлади. Унинг қуйидаги шеъри ҳам ана шундай шеърлари сирасидандир.

Мунис 1829 йилда вафот этди.

## ШЕЪР УЛ ТИҒИ ДУДАМДУРКИМ

Шеър ул тиғи дудамдурким<sup>1</sup>, жаҳонни фатҳ<sup>2</sup> этар,  
Чекмайин лашкар гар олса илғига<sup>3</sup> ҳар подшоҳ. A

Шеър ул неъмат эрурким, ҳар неча базл<sup>4</sup> этсалар,  
Лаззати ортар, доғи қадрига топмас нуқс роҳ.

Шеър ул маҳкам иморатдурки, сели ҳодисот<sup>5</sup>,

Айламас ҳар неча бўлса тунд<sup>6</sup>, бунёдин<sup>7</sup> табоҳ<sup>8</sup>.

Ҳар кишиким хотами<sup>9</sup> шеър узра оти тутса нақш,  
Мадҳи бешак, шахси шуҳрат бошига бўлғай кулоҳ<sup>10</sup>,

Балки шеър афзалдурур фарзанддинким, шеърни

Насли боқидин бақолиғдур<sup>11</sup>, дер аҳли интибоҳ<sup>12</sup>.

Шеърдин топмоғлиғига Санжару Султон Ҳусайн.

Номи боқий — Анварий бирла Навоийдур гувоҳ,

Ёзди Фирдавсий анинг отига чун „Шоҳнома“ни,

Ўтти гардундин<sup>13</sup> ливойи<sup>14</sup> шуҳрати Маҳмуд шоҳ.

Бас эрур вожиб<sup>15</sup> сенга айлаб ҳамиша тарбият.

Менки Мунисман мени қилмоқ Навоий дастгоҳ<sup>16</sup>.

Мазмуни:

Шеър шундай қўш тигли қиличдирки, ҳар қандай подшоҳ  
бу билан лашкар тортмай жаҳонни эгаллаши мумкин.

Шеър шундай неъматдирки, ҳар қанча сарфу совға қилсалар,  
лаззати ортадию, қадрига нуқсон етмайди.

Шеър шундай мустаҳкам иморатдирки, фалокатлар сели  
даҳшат билан ёпирилса-да, унинг асосига зарар етказолмайди.

Шеър узуги кўзига ҳар кимнинг номи ёзилган бўлса,  
мақтови ошиб, унинг шахси шуҳрат бошига тож бўлади. Шеър  
ҳатто фарзанддан ҳам афзалдир. Чунки ҳушёрлар шеърни  
кейинги наслдан ҳам умри боқийроқдир, деганлар.

<sup>1</sup> Дудам — қўш тигли. <sup>2</sup> Фатҳ — очмоқ, эгалламоқ. <sup>3</sup> Илғи — қўли. <sup>4</sup> Базл — сарф қилмоқ, совға. <sup>5</sup> Ҳодисот — ҳодисалар, фалокатлар. <sup>6</sup> Тунд — кучли. <sup>7</sup> Бунёд — асос, барқарорлик. <sup>8</sup> Табоҳ — ҳароб, бузуқ. <sup>9</sup> Хотам — узук, муҳр. <sup>10</sup> Кулоҳ — тож. <sup>11</sup> Бақолиғ — барҳаёт. <sup>12</sup> Интибоҳ — хушёрлик. <sup>13</sup> Гардун — фалак. <sup>14</sup> Ливо — байроқ. <sup>15</sup> Вожиб — шарт. <sup>16</sup> Дастгоҳ — қўлламоқ.

Султон Санжар ва Султон Ҳусайннинг абадий ном қозон-моқликлари сабабчилари Анварий ва Навоийлардир.

Фирдавсий Маҳмуд шоҳ номига атаб „Шоҳнома“ ёзгани учун унинг шуҳрати байроғи фалакларга юксалди.

Эй Навоий, шунинг учун мен Мунисни ҳаминша тарбиялаб, қўллашингизга умидворман.

„ШЕЪР УЛ ТИҒИ ДУДАМДУРКИМ...“  
ҒАЗАЛИ ҲАҚИДА

Мунис асосан лирик шоирдир. Девонининг номи кўрсатиб турганидек, шеърларининг асосий қисми муҳаббат тароналаридир. Шоир ижодида мазкур шеър сингари ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги асарлар ғоят сийрақдир.

Мунис талқинчи, шеър жаҳон халқлари дилларини осон забт эта оладиган энг қудратли қуролидир. У битмас-туганмас булоқ, қулаш нималигини билмайдиган буюк кошона, бағишлов шеърлар кишиларни абадийлаштирувчи мислсиз воситадир.

Шоир ҳақли равишда шеър ва шеър манбаини абадиётга дахлдор ҳодисалар сифатида эъозлайди. Ғазал ниҳоясида муаллиф шеърият мулкининг султони — Алишер Навоий руҳидан кўмак ва тарбия кутади.

Мунис айтганидек, форс-тожик шоири Анварийнинг Султон Санжарга бағишланган қасидалари туфайли у шон-шуҳрат қозонди, Алишер Навоийнинг асарлари туфайли Навоий кўкалдоши, буюк маърифатпарвар теуриёзода, Ҳирот маданий-адабий марказининг асосчиси Султон Ҳусайн Бойқаронинг шуҳрати оламга ёйилди.

Мазкур ғазалда кўплаб маротаба талмиҳ санъатига мурожаат қилинган. Шоир шеърда ўтмишнинг машҳур тарихий ёки адабий қаҳрамонлари номини келтирса, талмиҳ санъати қўлланилган бўлади. Султон Санжар, Анварий, Султон Ҳусайн, Навоий, Фирдавсий, Маҳмуд (Ғазнавий)лар исмларига мурожаат ана шу усул кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Талмиҳ санъатида баъзан шахс исми кўрсатилмай маълум ва машҳур воқеа ҳам эслатилиши мумкин (китобхон ўшандай талмиҳларда ҳам машҳур шахслар иштирокини билади).

*Савол ва топшириқлар*

1. Мунисни нега қомусий билимли аллома ҳисоблаймиз?
2. Шеър қадр-қиммати ҳақидаги мулоҳазаларга қўшилмасизми? Умуман шеърият ва абадиёт ҳақида ўз мулоҳазангизни билдириңг.
3. Ўзбек қомусидан Фирдавсий ва Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги маълумотларни қисқача кўчириб олинг.
4. „Алишер“ ва „Шермуҳаммад“ сўзларининг маънодошлигини исботлаб бериңг.
5. „Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдурур“ рубойисини ёд олинг.
6. Нега Мунис Алишер Навоийга кўп марта мурожаат этади?



## АМИРИЙ

(1787—1822) *А.А.*

Амирий тахаллуси билан машҳур бўлган бу шоирнинг исми Умархондир. У 1787 йилда Қўқонда хон Норбўта оиласида дунёга келди. У шаҳзодага хос таълим-тарбия кўрди. Хон Андихон ҳокими Раҳмонқулбийни Умархонга отабек қилиб тайинлайди. Марғилон ҳокими Олимхон отаси вафотидан сўнг Қўқонга кўчгач, Марғилон ихтиёри Умарбекка топширилади. Ёш ҳоким Раҳмонқулбийнинг гўзал қизи Моҳлар ойимга (Нодира, Комила ва Макнуна тахаллуслари билан машҳур) уйланади.

1809 йилда уюштирилган фитна қурбони бўлган Олимхон тахтига укаси Умархон чиқади ва Қўқонга кўчиб келади. Умархон ўзига қарашли ерларни кенгайтириш ва мамлакатини мустақкамлаш учун қатор урушлар олиб борди ва талай шаҳарларни босиб олди. Унга Қўқон, Тошкент, Чимкент, Сайрам, Авлиёта (Жамбул), Уратепа ва Хўжанд сингари шаҳарлар тегишли эди.

Унинг салтанат ва динни мустақкамлаш йўлидаги хатти-ҳаракатлари ислом уламолари томонидан юқори баҳоланиб, „Амирул муслимин“ унвони берилди.

Бу маърифатпарвар шоир Қўқонда адабий муҳит ташкил этди ва шаҳар қалам аҳллари ижодидан махсус тазкира тузишни шоир Фазлий Намангонийга топширди. „Мажмуатуш шуаро“ тазкираси, Гулханийнинг „Зарбулмасал“ асари хон буюртмаси билан ёзилгандир. Умархон Муҳаммад Шариф Гулханийга „Оталар сўзи“ номли китоб яратишни тақлиф қилган ва натижада „Зарбулмасал“ вужудга келган эди. („Зарбулмасал“ — мақол демақдир).

Амирий ўзбек ва тожик тилларида қалам тебратган истисодли шоир эди. Унинг мукамал девони инқилобгача Истамбул ва Тошкентда нашр этилган эди. Шоирнинг Амир ва Амирий тахаллуслари билан битилган ғазаллари равон, самимий, ўйноқи бўлиб, мавзулари ошиқона ва динийдир.

Умархон 1822 йилда вафот этган.

Амирийнинг:

Қошинга текузмагил қаламни,  
Бир ҳарф ила бузмагил рақамни.  
Бутхоналар ичра ҳеч тарсо  
Бир кўрмади сен каби санамни...

байтлари билан бошланувчи ғазали куйга солинганда, мусиқа билан қанотланган бу қўшиқ кўпчиликни маҳлиё қилган эди. Вазн оҳорлилиги, фикр ёрқинлиги, сўзлар ўйноқчилиги ва бадий тасвирга бойлиги бу ғазал фазилятларидандир.

Умархон Султон Хусайн Бойқарога ҳавас қилиб Қўқонда Ҳиротдагидек адабий муҳит яратишга уринди. Ҳатто бу адабий

муҳит вакили Султонхон тўра Адо бир шеърда фахрия усулида ўзини Алишер Навоийдан, Амирийни Султон Ҳусайндан юқори қўйишга уринди:

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг?  
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайн Бойқаро?

Ҳар қалай Хоразмдаги Маъмун академияси, Ҳиротдаги олтин бешик даври адабий муҳити, Самарқанддаги Улуғбек даври илмий маркази сафида Амирий бошлиқ Қўқон адабий муҳити ҳам маданиятимиз тарихида маълум роль ўйнаганини қайд этиш лозим. Бундан кейин Хивада Муҳаммад Раҳимхон соний (шоир Феруз) ана шундай сарой адабий-илмий муҳитини яратишга муваффақ бўлган маърифатпарвар шоҳлардан бўлди.

Амирийнинг „Лаб уюр такаллумга“ ғазали энгил вазни, ўйноқи оҳанги, маъшуқани ошиқона эркалаш ва тасаввуфий йўналиши билан эътиборга лойиқдир. Матлаъда сен ширин сўзга лаб очсанг қанд қиммати тушиб кетади: анбар ҳидли га-жагингни ёзиб юборсанг анбар баҳоси тушиб кетади, дейилади. Навбатдаги байтда эса, унинг мақтови янада юксалтирилиб, „ҳусн шоҳи“ даражасига кўтарилади.

Муҳаббат талқини шеърда яққол тасвирланганидан шеърнинг ботиний-ички тасаввуфий мазмунига ҳам бир оз тўхталик ўтайлик.

Ишқ динига мункир бўлса зоҳиди худбин,  
Эй санам, лиқо кўрсат, габрни мусулмон қил

байтида худо ошиғи, оллоҳ севгисининг шайдоси тоат-ибодат билан мутгасил шуғулланувчи зоҳид устидан кулмоқда. Гўё зоҳид худони қалб кўзи билан кўрмаганидан ибодатни у дунёдаги жаннат учун қилади. Ишқ дини роҳиби — оллоҳ ошиғи эса оллоҳ жамолига (лиқо) мафтундир. Оллоҳ ошиғи худо ишқи билан ёнади.

Эҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқий,  
Бир қадаҳ била онинг зуҳдидин пушаймон қил.

Бу байт юқоридаги фикрларнинг мантиқий давомидир. Суфия атамасида дайр (майхона) оллоҳ номи мутгасил зикр этиладиган жойдир. Май эса оллоҳнинг яккаю ягоналиги рамзидир. Оллоҳ ошиғи дайрда (аслида хонақо) фақат оллоҳ номини айтади ва унинг ягоналигини такрорлайди.

Амирий юксақ маҳорат билан дунёвий ва диний муҳаббат талқинларини шеър тизимига — маржонига тиза олган ва ажойиб ғазал бунёд этган.

Санъаткор „қошларинг ҳилоли“ деганда ўхшатиш тасвир воситасидан, „лаъл“ (лаб) сўзида эса истиорадан ўринли фойдаланган.

## ЛАБ УЮР ТАКАЛЛУМҒА

Лаб уюр<sup>1</sup> такаллумға<sup>2</sup>, зулфни<sup>3</sup> паришон қил,  
Қанд қимматин синдур, нархи анбар<sup>4</sup> арзон қил.  
Ҳусн шоҳисен, жоно, бу ҳазин гадоларға  
Кўз учи била боқиб хайр айла, эҳсон қил.  
Ишқ диниға мунқир<sup>5</sup> бўлса зоҳиди худбин,  
Эй санам<sup>6</sup>, лиқо<sup>7</sup> кўрсат, габрни<sup>8</sup> мусулмон қил.  
Эҳтисоб<sup>9</sup> учун зоҳид кирса дайр<sup>10</sup> аро, соқий,  
Бир қадаҳ била онинг зуҳидин<sup>11</sup> пушаймон қил.  
Истасанг кўнгулларни ғамза ёйиға қурбон,  
Қошларинг ҳилолини моҳи ийди қурбон<sup>12</sup> қил.  
Шўх чашми навхатсен<sup>13</sup>, ноз даштида сайр эт,  
Гарди хоки пойингни<sup>14</sup> сурмаи ғазолон<sup>15</sup> қил.  
Ёр лаълидин ҳарфе айладим Амир иншо,  
Эй кўнгул, бу гавҳарни жон ичинда пинҳон қил.

### Мазмуни:

Сўзга лаб очиб, қанд қимматини синдиргин. Гажагингни ёзиб ташлаб, анбар нархини тушириб юбор.

Эй жон, сен ҳусн шоҳисен. Бу ҳазин гадоларға кўз қирингни ташлаб, хайру эҳсон қилгин.

Эй санам, агар худбин зоҳид ишқ динини инкор этса, сен юзингни кўрсатиб, у оташпарастни мусулмон қилгин.

Эй соқий, зоҳид май ичувчиларни жазолаш учун майхонага кирса, унга ҳам бир қадаҳ узатиб, тоат-ибодатидан пушаймон қилгин.

Кўнгилларни кўз сузишлар ёйиға қурбон қилай десанг, қошларинг янги ойини қурбон ҳайити ойи қилгин.

Шўх кўзли, мийиғи сабза урган ёшсан. Ноз даштида сайр этгин. Оёгинг теккан тупроқ гардини кийиклар кўзларига сурма қилсинлар.

Эй Амир, мен ёр лаблари ҳақида бир сўз ижод қилдим. Эй кўнгил, бу гавҳарни жон ичига яшириб қўй.

### Сазол ва топшириқлар

1. Хива, Ҳирот, Самарқанд ва Қўдон адабий-илмий марказлари фан ва адабиётимиз тарихида қандай роль ўйнаган? Сиз маърифатпарвар хон фаолиятини қандай баҳолайсиз?

2. Мазкур ғазалнинг дунёвий ошиқона ва тасаввуфий мазмунини айтиб беринг?

3. Ғазалда қандай тасвир воситалари ишлатилган?

4. Ғазални ёд олинг.

1 Уюр — ўтир. 2 Такаллум — сўзламоқ. 3 Зулф — ғажак. 4 Анбар — хушбуй модда. 5 Мунқир — инкор этувчи. 6 Санам — ғазал. 7 Лиқо — юз чеҳра. 8 Гаёр — оташпараст. 9 Эҳтисоб — тақиқлаш. 10 Дайр — майхона. 11 Зуҳд — тоат-ибодат. 12 Моҳи ийди қурбон — қурбон ҳайити ойи. 13 Навхат — мийиғи сабза урган. 14 Хоки пой — оёқ тупроғи. 15 Ғазолон — кийиклар.



## ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ

(1859—1909)

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Зокиржон Фурқат—шоир, журналист, публицист, маърифатпарвар ижодкор эди. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат Қўқонда майда савдогар оиласида 1859 йилда дунёга келди. Зокиржон 1866 йилда мактабдор домла Мулла Муҳаммад Олим қўлида савод чиқарди. Сўнгра Ашур Муҳаммад Қоридан „Қуръон“ни ифодали ўқиш таълимини олиб, шу мактабда халифалик қилди. Мумтоз хаттот мулла Қамбар Алидан ҳуснихат санъатини эгаллади.

1870 йилдан бошлаб мударрис Подшоҳхўжадан араб тилидан сабоқлар ола бошлади ва 1873—76 йилларда расман мадраса талабаси бўлди. Русларнинг Қўқонни босиб олиши Фурқат таҳсилга ҳам халақит берди. У 1876 йилда янги Марғилон (ҳозирги Фарғонага) бориб, дўкондор тоғасига ёрдам берди ва ўзи ҳам мустақил чойфурушлик дўкони очди...

Шоирнинг бу йилларда Муқимий ва Завқий ҳамда Муҳйилар даврасида ижод қилгани, бир-бирларига назиралар қилишгани, ғазалларига ўзаро мухаммаслар боғлашгани маълум. Фурқат бу даврда „Ҳаммоми хаёл“ номли рисола ёзган ва тожик тилидан „Чор дарвеш“ ва „Нуҳ манзар“ китобларини ўзбек тилига таржима қилган.

1889 йилнинг бошларида Қўқонга қайтган шоир ота-онаси билан хайрлашиб Тошкент сафарига отланади. Йўлда уч ой Хўжандда қолиб, шеър ва илм аҳли билан яқиндан мулоқотда бўлади. Сўнгра Тошкентга ўтиб, ғойибона дўсти Ҳожи Аъзам ёрдамида Кўкалдош мадрасасидан ҳужра олиб яшай бошлайди. Шаҳарнинг илм ва шеър аҳли, мусиқачилари билан ошна бўлади. „Туркистон вилояти газети“ ходимлари, унинг муҳаррири билан яқиндан танишиб, бирмунча вақт газетада таржимон бўлиб ҳам ишлайди.

Фурқатнинг руспарастлигида газета муҳаррири Остроумовнинг таъсири жуда кучли бўлган.

У Фурқатдан то ўлгунича фойдаланади ва уни „Туркистон

вилояти газети“нинг доимий муаллифи бўлишга тарғиб этади. Фурқат Тошкентда маърифатпарварлик руҳидаги шеърларини яратиб, мазкур газетада бостирди. Чунончи: „Гимназия“, „Илм хосияти“, „Шоир ва шеър муболағаси хусусида“, „Виставка хусусида“ деган шеърлари шулар жумласидандир.

1891 йилда сафарга отланган Фурқат аввал Самарқандга, сўнг Бухорога боради ва ҳажга отланади: Ашхабод—Боку—Ботуми—Истамбул—Юнонистон—Макка—Мадина... Сўнгра йўлини Ҳиндистонга буриб, Бомбайда бўлади. Кашмирга ўтади. „Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда“ шеъри ана шу сафар таассуроти туфайли вужудга келган эди. Унинг Истамбулда ёзилган „Сабога хитоб“ шеъри ҳам бу шаҳарда кўрган-билганлари асосида битилган. (280 мисра)

1893 йилда у Ёркентга келади ва турғун бўлиб қолади. Сафарга йўллаган рус ҳомийлари унга бошпурт жўнатишмайди... Бошпуртсиз Фурқат рус фуқароси сифатида Ёркентда яшайди. „Адашганман“ радифли шеърлар туркуми шоирнинг ватанга зориққани, ватансизлик фожиаси дард-аламлари ифодаси сифатида юрак ўртайдиган асарлардир. Фурқат ёзган „Саргузаштнома“— унинг таржимаи ҳоли бўлиб, ўзи, Қўқон адабий муҳити, Тошкентдаги таниш-билишлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олган.

Фурқат Ёркентда табобат билан шуғулланади ва „Туркистон вилояти газети“ учун ижтимоий-сиёсий руҳдаги мақолалар, хабар ва фельетонлар ёзиб туради.

Ёркентда оилали бўлган шоир Ҳокимжон, Нозимжон исмли фарзандлар кўради. Фурқат айрилиқда 1909 йилда Ёркентда вафот этади.

Шоирнинг чиройли ғазаллари, мухаммаслари ва маърифатпарварлик руҳидаги асарлари ўзбек адабиётидан мустаҳкам ўрин олган бадий бойликдир.

Фурқат—ғазал устаси. Унинг юксак бадий даражага кўтарилган кўплаб ғазаллари борки, уларнинг ҳар бир байти бир бадий кашфиёт, ўқувчи учун ҳайрат сабоғидир. Фақат шоирона тафсиллар билан иш кўриш, ҳар бир байтда янги фикр айта олиш қудрати Фурқат ғазаллари фазилатларидир. Ҳатто биз қуйида ўқийдиган тазмин ғазали ҳам яхлит оҳорли бадий асар даражасига кўтарилган бўлиб, фақат шоир ижодида эмас, балки умуман ўзбек мумтоз адабиётда ҳам маъшуқа ташқи сиймосининг сеҳрли тасвири сифатида яғонадир.

Одатда тазмин ғазал ижодкори истаса-истамаса аввалги шоир таъсирига тушади. Фурқатнинг мазкур ғазалида ана шундай ҳолат йўқдай, у гўё бошқа йўдан бориб, Фузулий билан ижодий беллашувга тушгандай...

Шеърнинг биринчи ярмида шоир мўйқалами маҳбубанинг ташқи сиймосини чиза бошлайди: кўз, қош, юз, қабоқларини бўёқ, сурма, ўсма билан безаб, қулоғига ҳалқа осад; оғзига кумуш чанқовуз қўяди... Пешонасини шундай кучли танғиб боғлайдики...

Сўнгра қўл, бармоқ, билак безаклари ва устки кийим қалам-га олинади... Ниҳоят, шеърнинг иккинчи ярмида жононанинг ички дунёси, феъл-атвори, ноз-карашмаси, силкиниб ўрнидан қўзғалишлари, шўхчанлиги, унинг ошиқ билан муносабатлари, жиззакилиги тасвири берилади. Бечора ошиқ маъшуқа билан тотувлигида соғ, аччиқ-тизиқ жангдан сўнг телба ҳолатда бўлади... Унинг аёлларча назокатига шоир алоҳида тўхталлади: „турфа бир нозофарин, пур ишва, танноз, сатанг“...

Бир ғазалда маҳбубанинг ташқи мукаммал суврати ва ички аъвоҳ сажияси бутун тўлақонлилиги билан ўз аксини топган.

### Назарий маълумот.

Ҳусни таълил бадий-тасвирий воситалардан бўлиб, унинг луғавий маъноси: асослаш кўрки, чиройли асослаш ёки шоирона асослаш демакдир. Ҳусни таълилнинг шеър санъати сифатидаги моҳияти шундай: шоир бирор воқеани унга дахли бўлмаган ҳодиса билан изоҳлайди.

Бу усулдан Зокиржон Фурқат унумли фойдаланади. Масалан, қуйидаги байт мазмунини „чақайлик“.

Юларингдин шарм этиб гулшанда, эй рухсор гул,  
↔ Кўринур ҳар йил баҳор айёмида бир бор гул.

(Эй юзи гул гўзал, юзингдан уялгани учун гул баҳор пайтида ҳар йил бир марта кўринади, холос).

Ёки қуйидаги байтдаги икки ҳусни таълилни кузатайлик:

Ерга поймод ўлди гул сайри гулистон айлагач,  
Ғунча қон ютти яна даълини хандон айлагач.

(Ёр гулистонда кезганда гул дув тўкилиб, унинг оёғи остига тўшалди. Унинг лаблари табассум қилган эди, ғунча қон ютди).

Таъсирчан тасвир ва дилкаш манзаралар ҳусни таълил санъати туфайли юзага чиқди.

### СУРМАДИН КЎЗЛАР ҚАРО

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лоларанг,  
Ғозадин<sup>1</sup> юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг,  
Заъфароний<sup>2</sup> қўйлак узра аргувоний<sup>3</sup> камзиҳур<sup>4</sup>,  
Рўймол оғушидин пешонани аҳволи танг.  
Бори нозик панжалар олтин узукдин зебнок<sup>5</sup>,  
Қўл билагзукдин музайян<sup>6</sup>, нуқрадин<sup>7</sup> оғизда чанг<sup>8</sup>,  
Гавҳар оқсон ҳалқалар сиймин баногўшида<sup>9</sup> банд,

<sup>1</sup> Ғоза — қизил элик, ула. <sup>2</sup> Заъфароний — сариқ. <sup>3</sup> Аргувоний — алвон.  
<sup>4</sup> Камзиҳур — камзуд, нимча. <sup>5</sup> Зебнок — зийнатли. <sup>6</sup> Музайян — зийнатланган.  
<sup>7</sup> Нуқра — кумуш. <sup>8</sup> Чанг — чанқовуз. <sup>9</sup> Сиймин баногўши — кумушдай қомат (қулоқнинг остки юмшоқ қисми).

Кўринур зулфи тунида субҳи содиқдек<sup>1</sup> аранг.  
 Гамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,  
 Турфа бир нозофарин<sup>2</sup>, пур<sup>3</sup> ишва таннозу сатанг.  
 Ақлу ҳуш элтар агар турса паридек силкиниб,  
 Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурму шўх-шанг?  
 Йўқ қутулмоғлиғ менга ул офати жон дастидин,  
 Қасдима қошлар — камон, пайваста мужгонлар<sup>4</sup> — хаданг<sup>5</sup>.  
 Ул париваш ишқидинким, телбадурмен, гоҳ соғ,  
 Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу, гоҳи жанг.  
 Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожу<sup>6</sup> айлади,  
 Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг<sup>7</sup>.

### Мазмуни:

Сурма тортилган кўзлар қаро, хино қўйилган қўллар лола рангидадир. Упа-эликдан юзлар сип-силлиқ, ўсмадан қошлар танг тортган.

Сап-сариқ кўйлак устидан алвон камзул кийган. Қаттиқ боғланган рўймол қучоғидан пешона аҳволи танг бўлган.

Барча нозик панжалари олтин узуклар билан безалган; қўл билакузук билан зийнатли; оғзида эса кумуш чанқовуз.

Гавҳар кўзли ҳалқалари кумушдай қулоқлари қоматларига боғланган. Улар оқшомдай гажаклари ора ҳақиқий тонготар сингари зўрга кўринади.

Гамза қилиб, кўз сузиб ўтирганидек, гоҳ жилвалар қилиб юради. Ажойиб бир ноз ижодкори: серишва, танноз ва сатангдир.

Агар паридай силкиниб ўрнидан турса кишининг ақл-ҳушини олади. Одамзод орасида ҳам шунақа шўх-шаддоди бўладими?!

Бу офатижон дастидан менга халослик имкони йўқ: қасдим учун қошлари — камон, туташ киприклар эса—ўқлардир.

У паридай гўзал ишқидан гоҳ телба ва гоҳо соғман. Чунки орамизда гоҳо сулҳу, гоҳо жанг бўлиб туради (аразлашамиз).

Эй Фурқат, у жафокор сенга қилган жабру зулмларини фаранг ҳам мусулмонга қилмайди.

### КАШМИРДА

Бир қамарсиймони<sup>8</sup> кўрдум балдан<sup>9</sup> Кашмирда,  
 Кўзлари масҳуру<sup>10</sup> юз жоду эрур тасхирда<sup>11</sup>.  
 Зарра-зарра зар сочар бошига ҳар кун офтоб,  
 Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи Иксирда.  
 Бир кўриб чоҳи зақан<sup>12</sup> Ҳорут била Морут иков,  
 Чоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда.

<sup>1</sup> Субҳи содиқ — ҳақиқий тонготар. <sup>2</sup> Нозофарин — ноз ижодкори. <sup>3</sup> Пур — мул. <sup>4</sup> Пайваста мужгонлар — туташ киприклар. <sup>5</sup> Хаданг — ўқ. <sup>6</sup> Жафожу — зулмкор. <sup>7</sup> Фаранг — европалиқ. <sup>8</sup> Қамарсиймо — ой юзли. <sup>9</sup> Балда — шаҳар, ўлка. <sup>10</sup> Масҳур — сеҳрловчи. <sup>11</sup> Тасхир — эгалламоқ. <sup>12</sup> Чоҳи зақан — няқдаги қулчи.

Ламъаи<sup>1</sup> қийғоч кўзидан анинг барқи нигоҳ,  
 Тезлик жавҳарлари гар бўлса ҳар шамширда.  
 Қоши узра холининг асроридин<sup>2</sup> бир нуқтадур,  
 Сураи Нун ўқудум пайваста<sup>3</sup> ҳар тафсирда.  
 Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,  
 Зулфиға дилбасталиғ<sup>4</sup> ҳар бир жувону пирда.  
 Айдим: „Эй, жон офати, зулфиниға бўлмишман асир!“  
 Айди: „Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!“  
 „Нуқта лаб устида бежодур“, — дедим, айди кулуб:  
 „Саҳв<sup>5</sup> қилмиш котибни қудрат<sup>6</sup> магар таҳрирда“.  
 Айди: „Эй бечора, қиддинг на учун тарки ватан?“  
 Мен дедим: „Фурбатда<sup>7</sup> Фурқат бор экан тақдирда!“

### Мазмуни:

Кашмир шаҳрида бир ойдай гўзални кўрдим. Унинг сеҳргар кўзларида юз хил жоду усуллари бордир.

Тонг отгач, кечаси Иксир чашмасида ётган қуёш ҳар куни унинг бошига зарра-зарра нур сочади.

Ҳорут билан Морут иккови нияк чуқурчасини (кулгич) биғ марта кўрдилару, Бобил чоҳида ўзгача тадбирларда қолиб кетдилар.

Унинг қийғос кўзларидан нигоҳ ёлқини чиқиши тезлик жавҳари бўлган шамширникидан тездир.

Қоши устидаги ҳрли сирларидан бир нуқтадир. Буни билиш учун ҳар тафсирдан<sup>8</sup> Нун сураси шарҳларини ўқидим.

Ҳеч ким у дилрабо ишқидан фориғ эмас. Ҳар бир ёшу қарининг кўнгли унинг гажагига мубталодир.

— Эй жон офати, гажагиниға асир бўлганман! — десам, у:

— Бу маҳлиёликни қўй: „Умринг занжирда ўтади-я!“ — деб огоҳлантирди.

— Нуқта лаб устида ўринсиздир<sup>10</sup> десам, у кулиб деди:

— Қудрат котибни яратишда хато қилганмикан-а!

У деди: „Эй бечора, нима учун ватанни тарк этдинг?“. Мен дедим: „Нетай, Фурқатнинг ғарибликда юриши тақдирда бор экан!“

### Савол ва топшириқлар

1. Фурқатнинг таржimai ҳолини сўзлаб беринг.
2. Фурқат ва Остроумов муносабатларининг натижаси нимада деб ўйлайсиз?
3. „Сурмадин кўзлар қаро“ ғазалини ёки „Кашмирда“ шеърини ёд олинг.
4. Шеърдаги лирик портрет тафсилотларини сўзлаб беринг.
5. Ғазалда қиз феъл-атвори қандай акс этган?
6. Фурқатнинг қайси шеърлари қўшиқ бўлганини биласизми?
7. Ҳусни таълил моҳиятини тушунтириб беринг.

<sup>1</sup> Ламъа — ёлқин. <sup>2</sup> Асрор — сирлар. <sup>3</sup> Пайваста — муттасид, туташ. <sup>4</sup> Тафсир — шарҳ, изоҳ. <sup>5</sup> Дилбаста — дили борлиқ. <sup>6</sup> Саҳв — хато. <sup>7</sup> Котиби қудрат — оллоҳ. <sup>8</sup> Фурбат — ғариблик, ватандан йироқлик. <sup>9</sup> Тафсир — „Қуръон“ суралари шарҳланган китоб. <sup>10</sup> Нуқта лаб устида бежодир, дейилганда ёзувда „лаб“ сўзини ёзишда нуқта „б“ ҳарфининг остида бўлади. Йигит лутфан ана шунга ишора қилмоқда.



## АНБАР ОТИН

(1870—1915)

Анбар Отин Фармонқули қизи Қўқонда 1870 йилда дунёга келган. Онаси қўқонлик Ашурбиби эди. Бўзчи белбоғчи оила Анбарни ўқитиш пайида бўлади. Анбар Дилшод Барно мактабида ўқийди. Ғайрати ва билими туфайли устозининг меҳрини қозонади. Дилшод Анбарнинг келажакда катта шоира бўлиб етишишини ўзининг „Муҳожирлар тарихи“ китобида башорат қилган.

Анбар Отин ўн тўрт ёшида ўратепалик новвой йигит Зоҳидхўжага турмушга узатилади. Маърифатпарвар йигит шоира интилишларига кўмаклашади. Анбар ўз даврининг етук шоираси ва файласуф донишманди бўлиб етишди. Унинг „Қоралар фалсафаси“ („Фалсафаи сиёҳон“) муҳим аҳамиятга молик бўлган фалсафий-публицистик асардир. Шоира бу асарда Марказий Осиё аёллари қисмати, ижтимоий ҳаётдаги роли, озодлик учун кураш йўллари хусусида ўткир қалам тебратади.

У Марказий Осиёнинг руслар томонидан забт этилиши ва бунинг иккиёқлама оқибатини тўғри тушунади.

Қўшулуб мулки Фарғона ўрусга бир саро<sup>1</sup> бўлди,  
Ўрус ўзбек элига бир туғушгандек ағо бўлди

деганидек, ўлкада миллий зулм сиртмоғи барпо этилганини ҳам қайд этади:

Авалло ўйланг эл ичра зиндаги<sup>2</sup> қай хилдадур,  
Икки ёқлик зулми сиз айланг ҳамиша эътироф.

Анбар Отин шеъриятида муҳаббат, уруш ва тинчлик, бой ва амалдорлар танқиди, ахлоқий-таълимий масалалар қаламга олинган. Шоира тахминан 1915 йилда Қўқонда вафот этган.

## АЛИФБО

### Алиф

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,  
Ватан эрур санга иккинчи она.  
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,  
Ҳар бир сўздур умринг ичинда сина.

<sup>1</sup> Саро — макон.

<sup>2</sup> Зиндаги — тирикчилик. . .

б

Улгаюрсан санда бор ўлса адаб,  
 Улгаюрсан санга ёр ўлса адаб.  
 Одам эрсанг, ташқи сурат берма зеб,  
 Она юртингни ҳамиша айла зеб.

т

Бир иш қилки, эл ичра бўл боҳурмат<sup>1</sup>,  
 Икки дунё номинг бўлур боиззат<sup>2</sup>.  
 Ҳаёнсиз эрса минг жафо машаққат,  
 Ул иш дейилмагай эл ичра меҳнат.

ж

Харобот элда султонлар олур бож,  
 Адолат илкида яксон ўлур тож,  
 Кимки эл ғамидадур сухансанж<sup>3</sup>,  
 Анинг ҳар сўзи дунёда улуғ ганж<sup>4</sup>.

ч

Қаю султон адолатга қўяр синч,  
 Қўл остида эли доим бўлур тинч.

ҳ—ҳуттий

Бутун умримда ер эдим ғами субҳ,  
 Дам охирида келди бу дами субҳ.  
 Умидим субҳидамдин<sup>5</sup> бошланур сулҳ.  
 Диёримга суюнуб тошланур сулҳ.

х

Фалак кажравлиғидин<sup>6</sup> шом эрур талх<sup>7</sup>,  
 Ғаму қайғу чекишдин ком эрур талх.

д—дол

Башарни<sup>8</sup> тарихи қонуни аждод,  
 Анингдин илм топғуси ҳар авлод.  
 Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод,  
 Бўлур авлодини рўзгори обод.  
 Ҳаёт тарихи элда некую<sup>9</sup> бад<sup>10</sup>,  
 На тавсиф билдирур, на хатти абжад.

<sup>1</sup> Боҳурмат — ҳурматли. <sup>2</sup> Боиззат — иззатли. <sup>3</sup> Сухансанж — сўзамол, доно.  
<sup>4</sup> Ганж — ҳазина. <sup>5</sup> Субҳидам — тонг, эрталаб. <sup>6</sup> Кажрав — дескари айланувчи.  
<sup>7</sup> Талх — тахир, аччиқ. <sup>8</sup> Башар — инсон. <sup>9</sup> Нек — яхши. <sup>10</sup> Бад — ёмон.

Манга халқ рўзгори бўлди устоз,  
 На сифат китоби ва на таку тоз<sup>1</sup>.  
 Хирад<sup>2</sup> элига кўксин тутди қоғоз,  
 Ҳам ирфон<sup>3</sup> ишқида қон ютди қоғоз.

## Р

Киши ўз тақдирига ўзи маъмур,  
 На маъмурлар<sup>4</sup> яратган рўзи маъмур.  
 Муродингни ҳаётинг ичра ахтар,  
 Ки, мавҳум илм ичинда бўлма ахтар.  
 Машаққатсиз ҳунардин чиқмағай дур,  
 Ҳаёнсиз илм дурридин кўб эрур дур.  
 Кимики кўбни рангинг этди заъфар,  
 Икки дунёда бўлмайди музаффар.  
 Минг йил армону ҳасратда оқар Сир,  
 Музаффар элга сирини очар Сир.

## 3—зе

Кимки маърифатни этса эъзоз,<sup>1</sup>  
 Ани ирфон этар албатта мумтоз.  
 Ўзингни элга хизматкор эткиз,  
 Ишинг анжомига етгунча еткиз.

## С—син

Шаҳаншоҳи номвар<sup>5</sup> афзал бўлмас,  
 Ҳар адли ҳам зулмидин холи бўлмас.

Мани сўзимни тингланг, аюҳаннос<sup>6</sup>,  
 Келур авлод даври ўзига хос.  
 Азалдин адл дла зулм эрди ножинс,  
 Зулмни пеша қилди, кимки ножинс.  
 Билингни, ўзига қўймас бино кас,  
 Такаббурлик ўтида куйди нокас.

## Ш—шин

Дариғоким, ҳамиша кўнглим ғаш.  
 Чароки, кўп халойиқ кўнгли ғаш.  
 Ҳукмрон зулм тобора қилур иш,  
 Ўзин жисмига кўп яро солур ниш.  
 Жаҳонгир қўшниларга қўйса оташ,  
 Анинг бошига бўлғуси балокаш.

<sup>1</sup> Таку тоз — югуриб елмоқ. <sup>2</sup> Хирад — ақл. <sup>3</sup> Ирфон — билим. <sup>4</sup> Маъмур — масъул, буюрилган. <sup>5</sup> Номвар — номдор, машҳур. <sup>6</sup> Аюҳаннос — ҳой одамлар.  
 Пеша — ҳунар, касб.

с—сод

Биз адабда кўргумиз ҳусни қасос,<sup>1</sup>  
Хуш куним деб ўтодир аҳли асас.<sup>1</sup>  
Ким ўзин Намрудга айлар қиёс,  
Иброҳимни қавмидин тортгай қасос.

з—зод

Зулм бўлган ўлкада қолмайди файз,  
Тонгтача кун нурини олмайди файз.  
Муфти<sup>2</sup> эл бошига солгай янги фарз<sup>3</sup>,  
Ўлмагай то бермагунча элга қарз.

т—итқи

Эл ғамидин ўзгарақ ўлмас бу хат,  
Шунча қилсам бир йўли бўлмас ғалат.  
Йўлларимда жару (кўҳ<sup>4</sup>), қиру қиёт<sup>5</sup>,  
Шул сабаб юрганда қилгум эҳтиёт.

з—изғи

Беқироат<sup>6</sup> сўзламас аҳли воиз<sup>7</sup>,  
Ҳар нидо қилганда тинглайман ғализ.  
Танга озуқдир ҳамиша тўғри лафз<sup>8</sup>,  
Миллату тилга хиёнат уғри лафз.

айн —ъ

Адаб ирфон илми ичрадура шамъ,  
Ақл ойинасида чеҳрадура шамъ.

ғ—ғайн

Бу вужуд бир қўлима берди яроғ,  
Бир қўлим ҳодисадин тутди чароғ.  
Ажнабий хайлига йўл бермади тоғ,  
Учса ҳам қўнғали тоб этмади зоғ.

ф

Маърифат шоирини сўзи садаф<sup>9</sup>,  
Ҳарзағўй<sup>10</sup> аҳли учун мисли хазаф<sup>11</sup>.  
Мадҳдин воизи минг айласа лоф,  
Дину важд орасида мингта хилоф.

<sup>1</sup> Асас — қоровул. <sup>2</sup> Муфти — фатво берувчи, шариат ҳукмини айтувчи. <sup>3</sup> Фарз — мажбурий ҳукм. <sup>4</sup> Кўҳ — тоғ. <sup>5</sup> Қиёт — ўр. <sup>6</sup> Беқироат — ифодасиз. <sup>7</sup> Воиз — ваъзхон. <sup>8</sup> Лафз — сўз. <sup>9</sup> Садаф — чиганок. <sup>10</sup> Ҳарзағўй — вайсақи. <sup>11</sup> Хазаф — сопол.

## қ—қоф

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,  
Шайхдин бу ораға солма нифоқ.  
Гарчи бу ақли вужуд бўйни синиқ,  
Чиркинат<sup>1</sup> таъсири йўқ, кўнгли тиниқ.  
Шайху пир қўрсатади йўлу-йўруқ.  
Оғзида зикри<sup>2</sup> худо, кўнгли қуруқ.

## к—коф

Одам эрсанг, кўнглинг этгил пок-пок,  
Сандин этмасдин ўзини улки пок.  
Ҳар нафас мазмун ила ўтса керак,  
Гар ҳаёт мазмунини бўлса юрак.  
Одамийда бўлса гар яхши тилак,  
Халқ учун тебратгуси доим билак.

## л—лом

Яхши одамлар ишидин ибрат ол,  
Ибратомуз хизмат айлаб, иззат ол.  
Кимни илгидан бор эрса ҳиммати,  
Рангу рўйида кўрунғай раҳмати.  
Ҳар ғазалда янги мазмун айла ҳал,  
То қиёмат ранги ўчмас мисли ҳал.  
Фойдасиз сўзамаса қайси тил.  
Она тил бўлғай ўшал тил, она тил.

## м—мим

Бош эгиб тургай ҳамиша ҳарфи мим.  
Ўйламанг таъзимда бор деб зарбу бим<sup>3</sup>.  
Одамийлик ҳислатидур ҳам салом,  
Ҳам баҳойим<sup>4</sup> этмас одамдек калом<sup>5</sup>.

## н—нун

Она ер шаклидаги бу ҳарфи нун,  
Кўксида равнақ топодур ҳар фунун<sup>6</sup>.  
Вақти келгунча такаббур осмон,  
Сирни бермай тек турурмиш олумон.  
Зуфунунлик<sup>7</sup> ҳулласи<sup>8</sup> била кийин,  
Элга ҳикмат сирини айтғил кейин  
Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

— ифлослик. <sup>2</sup> Зикр — айтмоқ. <sup>3</sup> Бим — қўрқув. <sup>4</sup> Баҳойим —  
— сўз. <sup>6</sup> Фунун — фанлар. <sup>7</sup> Зуфунунлуқ — моҳирлик, зукколик.

Одами ақлу назокатда сулув,  
 Бўлса ахлоқи садоқатда сулув  
 Дунёни билмакка идрокинг гаров,  
 Зеҳн қўймоққа дили покнинг гаров,  
 Яхши иш қилмоқ учун йўқса уқув,  
 Санга лозимдур уқув бирлан ўқув.  
 Боқ ҳаётнинг лавҳасига, бўлма қув,  
 Гар нишони яхшилик топилса қув.

ҳ—ҳавваз

Қачон еткурғуси ул кунни оллоҳ,  
 Хотунлар хуррам ўлса чекмайин оҳ.  
 Қачон бахт ўлғуси бизлара ҳамроҳ,  
 Ки, тоқай банд ўлурмиз ҳамчу гумроҳ<sup>1</sup>.  
 Нечун иқбол биздин мунча саркўҳ<sup>2</sup>,  
 Анинг кўйида ермиз шунча андуҳ<sup>3</sup>.

и—ё

Агар ирфонға вусъат берса бори<sup>4</sup>,  
 Фунун заҳматға бергай эрди ёри.  
 Худо хотўнни бахтин очса эрди,  
 Ки ховар<sup>5</sup> ўз нуруни сочса эрди.  
 Бу Анбар оҳини тингла илоҳи,  
 Замона аҳли аҳволим гувоҳи.  
 Чуқур мазмунда бу сўзлар тамоми,  
 Келур давронга қолди итмоми<sup>6</sup>.

*Савол ва топшириқлар*

1. Шоира ватан ва она юрт ҳақида қандай мисралар тўқитган?
2. „Киши ўз тақдирига ўзи маъмур“ мисрасини қандай тушунасиз?
3. Шоира камтарлик ва манманлик оқибатларини қандай талқин этади?
4. Она тилини эъзозлаш ҳақида шоира нима дейди?
5. Тил софлиги ҳақидаги ушбу байтни изоҳлаб беринг.

Танга озукдур ҳамиша тўғри лафз,  
 Миллату тилға хиёнат ўғри лафз.

<sup>1</sup> *Ҳамчу гумроҳ* — йўлдан озгандай.

<sup>2</sup> *Саркўҳ* — тоғ чўққисиди.

<sup>3</sup> *Андуҳ* — қайғу, ҳасрат.

<sup>4</sup> *Бори* — оллоҳ.

<sup>5</sup> *Ховар* — шарқ.

<sup>6</sup> *Итмом* — ниҳоя, сўнг.

МУСО ТОШМУҲАММАД  
ЎҒЛИ  
ОЙБЕК

(1905—1968)

„НАВОИЙ“ РОМАНИНИ ҚАНДАЙ  
ЎЗДИМ



Навоий шеърляти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, бадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди.

Ўзбек адабиётининг энг буюк меймори улуғ Навоийни биз эндигина текширишга бошладик. Унинг мисли йўқ „Хамса“си, дилбар ғазалларини чала-чулпа, пала-партиш текширишлар бошланди; лекин баъзи адабиётчиларнинг айрим асарлари диққатга сазовордир. Умуман айтганда, Навоий ҳақидаги текширишлар қали тор ва сустдир. Чуқур мазмунли, вазминли текширишлар ҳануз йўқдир.

Тахминан 1936—1937 йиллар кичик поэма—„Навоий“ни ўздим. Лекин бу машқ Навоий образини яратишда чизилган фақат бир эскиз эди. Кейин 1942 йил буюк полотнога ўтиб, „Навоий“ романини ўздим. 1944 ЎЗБЕК ИҶТ ИСТИҚЛОҚ ДОСА

Бунинг учун, албатта, Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, у даврнинг социал қиёфаси, у давр фаолиятининг характери, урф-одати, хулқ-атвори билан танишишга тўғри келди. Кўп тарихий фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, ромanning иш плани қозғоғда йўқ эди, у менинг кўнглимда, ёдимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам-турсам ҳамиша Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор, ақлли кўзлари, хуш феъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок, улуғ қалбини ҳис этардим, кўз ўнгимда кўрардим. Унинг теран, нозик, фалсафий фикрларини тўла тушунишга уринардим. Роман персонажлари ҳақида уларнинг характерлари, бир-биридан фарқли, бир-бирига муносабатини равшан, яққол бериш устида хаёл юритиб, образларини тараққийлардим.

Ниҳоят, юракка йиққан, юракда сақланган бу материалларни ёза бошладим. Шунинг учун асар яратиш каби мушкул, оғир иш дунёда йўқдир, дейман... Чуқур ҳис этиш, қалбнинг зўр ҳаяжони, ўткир фикр, фаҳм, ажойиб илҳом..., билмадим, яна ва яна кўп хислатлар керак.

Масалан, фараз қилайлик — Навоий ва Бойқаро масаласи. Бу тарихий конкрет шахслардир. Буларнинг образлари, ўзаро муносабатлари, фарқлари катта, кенг, мураккаб ва ғоят қарама-қаршидир.

Айрим боблардаги воқеалар тарихий, чин, реалдир; айрим бобларда эса шу замон характерига мувофиқ тузилган ҳаёлимнинг натижаси, мевасидир. Умуман айтганда, бу романда мен кўрсатишим лозим бўлган давр, Навоий даври қийин, мураккаб даврдир. Роман устидаги меҳнатимда мушкул ва мураккаб воқеаларга кўп учрадим. Романда тарихий воқеаларни тўғри берганман, лекин баъзан ҳаёлга ҳам ҳуқуқ бериб қўйганман; бу нарса истак, орзу, ҳисларимнинг иши, илҳомбахш нарсалар, албатта.

Олайлик, Навоий ва Жомийни. Романда Навоий ва Жомийни тарихий чин ва ҳақиқий бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, суҳбатлари ҳақиқий реал воқеалардир. Лекин бу воқеалар тарихий материаллардан хира кўринади. Қандай қилайки, тарих ишлари, ҳаёт шундай мураккаб. Жомийнинг ҳовли-жойи, ҳужраси, китоб устида чуқур мутолааси, унинг муомаласи, сўзлаши, қилиқлари, одати, ҳаёли, дунёқарашларини тасвирлашда жиндай фантазия қўшилган ҳаёлим мевасидир.

Тил масаласи айрим масаладир. Навоий яшаган даврларда ўзбек тили ўзига хос рангли, тўла, таъсирли тил эди. „Муҳокаматул луғатайн“да Навоий турк тили хусусида кўп яхши гапиради, форс тили ҳақида, умуман айтганда, андак шикоятмуз гапиради.

Навоийдан сўнг камбағаллашган, рангини йўқотиб ўча бошлаган ўзбек тили инқилобдан бошлаб яна жонлана кетди. Жозибали ифодалар, ранг-баранг бой турлар билан тўла бошлади. Мен Навоий тилининг қудратини, гўзаллиги ва ҳуснини тўла кўрсатишга тиришдим. Унинг тилидаги айрим ўткир, моҳир, салмоқли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни ишлатдим. Навоийнинг ёрқин шеърларидан, социал мотивларидан жиндай киритдим. Хонлар, подшоҳлар, вазирлар, бекларнинг дабдабали ифодаларини, руҳонийларнинг форсий ва араб сўзларига фарқ бўлган, безалган усулларини кўрсатдим. Халқнинг маъноли, бой, оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини кўрсатдим. Бунинг учун, албатта, у давр адабиётини, ҳаётини, халқ тилини чуқур, муфассал ўрганишга тиришдим. Ёзувчилар тилини халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб учирмалар ва қочириқларга бой, битмас-туганмас асл манбадир.

„Навоий“ романида асосан у даврдаги социал ҳаётни, кучли интригаларни, мураккаб сиёсий воқеаларни акс эттиришга тиришдим.

Ойбек. 1960 йил.



# НАВОИЙ

(Романдан парчалар)

## БИРИНЧИ БОБ

### II

... Токчада ёнган шамнинг шуъласи ва қия очиқ даричадан тушган ой нури гиламларнинг гуллари устида живиллаб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар, ўқтин-ўқтин эсган шабада шам ёлқинини липиллатар, пастигина курси устида очиқ турган қалин, катта китобнинг варақларини шилдиратар ва танбурда шоир чалаётган куйнинг сеҳрига берилгандай жимгина тинар эди... Мусиқийни шеърдан айирмаган Навоий гўзал садолар илмини чуқур билар ва чуқур севар эди. Шоир кўзлари ярим юмуқ ҳолда завқ билан чертар, қиллар ҳаётнинг, кўнгилнинг пинҳон оҳангини садоларнинг фусункбр тили билан сайратар эди...

Шоир енгил бир сўлиш олиб, танбурни токчага тираб қўйди. Бармоғидан нохунни чиқарди. Дарича ёнига ўтирди. Ҳовлида шабада билан ўйнашган дарахтларнинг енгил куйидан бошқа садо йўқ. Шоир ўйга толди. Мана у яна Ҳиротда, ўз уйида... Балки энди бутун умр бу суюкли шаҳарда муқим бўлиб қолар... Ким билади, тақдирнинг хоҳиши, жилваси яна қандай кутилмаган ўйинлар кўрсатар экан!

Бу ерда ҳар бир нарса унга яқин, меҳрибондек кўринади. Илгари бундай туюлмас эди. Балки марҳум ота ва онанинг руҳи, меҳри бу нарсаларда аксини қолдиргандир. Бир вақт Ғиёсиддин Кичкина худди шу ерда, шу дарича остида ўтириб, уни эркалатмасмиди? Тўрт яшар вақтида (шоир ғира-шира базўр хотирлайди) Мирзо Қосим Анворийнинг байтларини бийрон тили билан ўқиб бераркан, ота қандай қувонарди! Яхши одам эди у. Содда, тўғрисиўз, инсофли, раҳмдил одам... Марҳума она-чи У ўз ўртоқларининг оналарини меҳр ва шафқатда ҳеч вақт ўз онаси билан тенглаштирмас эди. Содда, болалари учун куюнчак, қўни-қўшнилар, ақраболар билан ҳаммиша хушмуомала аёл. Беш-олти ёшда мактабидан озод бўлиб югуриб келаркан, у дарров бағрига босар, сут, патирнон ва шириликлар берарди. Мактабда муҳтарам қари домла ўргатган сабоқларни ёддан ўқиб бераркан, суюнар, ўғлининг каттакон мулло бўлишини орзу қиларди.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин, Хуросонда рўй берган сиёсий тартибсизликлар замонида, бир кўп оилалар билан бирга жонларини ҳовучлаб Ироққа қочишлари, йўлдаги машаққатлар, томошалар, хурсандчиликлар, Шарафиддин Яздий билан учрашув, айниқса, сафардан қайтишда кечаси отда мудроқ босиб, ерга йиқилиб тушиши, эргалаб уйғониб қараса, бепоён, кимсасиз тақир саҳрода ёлғиз ётганлиги, атрофда қонғиб, ўт чимтиб юрган ювош отни тутиб базўр миниб олиш, йўл то-

полмаслик, қизғин чўлда ташналик, ниҳоят карвон қўнган ерга етиб келгандэ, ғамдан ўлзэзган ота-онанинг хурсандчилиги ва ҳоказо хотиралар бир-бирига уланиб кўз олдидан ўтаверди... Ҳусайн Бойқаро билан бирга мактабда ўқиркан, саккиз-тўққиз ёшида Фариддин Атторнинг „Мантиқуттайр“ини мутолаа қилар, унинг сирли оташин фикрларига берилиб кетиб, ниҳоят, бора-бора ўйин-кулгини, уйқуни, таомни ҳам унутгани, бечора ота-она бу аҳволдан қўрқиб ноилож, шу китобни ман этиб, кўлидан тортиб олиб яширганлари, китобни бошдан-оёқ ёд олгани учун барибир тақрорлай бергани — шунинг сингари ажойиб, ширин, аччиқ хотираларни эсларкан, кўксини қандайдир ҳислар тўлқинидан бўшатмоқ учун хўрсиниб қўйди. Кейин илк шеър машқлари, илк ижоднинг азоби ва ширин ҳаяжонларини қайтадан яшатгандай бўлди. Илм, санъатни севган отанинг шоир ўғил билан қувониши, йирик шоирлар бир оғиздан мақтаб, ташвиқ этишлари, ўйлаб-ўйлаб, „Навий“ ва „Фоний“ таҳаллусларини топиши, кекса Мавлоно Лутфий билан учрашув ва унинг кутилмаган даражада баҳо бериши — буларни унутмоқ мумкинми? Ишқ билан, ҳаяжон билан юракка, мияга нақшланган воқеалар, онлар...

Ғариблик, мусофирлик йиллари... Машҳаддаги етти-саккиз йиллик ҳаёт — хароб бакъалар, совуқ, тор мадраса ҳужраларида кундузлари қуёшга чиқиб ҳаво олмай, тунлари мижжа қоқмай муттасил китоб кўриш... Китоблар орқали асрлар билан, минг йиллар билан, қадим файласуфлари, олимлари, шоирлари билан суҳбатлашиш. Устодлари, шериклари, учрашдиги улуғ одамлар суҳбатларидан баҳраманд бўлгани, юзларча донишмандлар — то сўнгги устоди самарқандлик Хўжа Фазлилло Абулайсга қадар ҳаммасини эслади. Барчасидан мамнун эди. Фикран яна улар билан гаплашмоққа бошлади.

Ташқарида оёқ товуши эшитилди. Шоир бошини бирдан кўтарди. Эшик „ғирч“ этиб очилди-да, рухсат сўраб укаси Дарвешали кирди. Бу ўқимишли, тавозийли одам бўлса ҳам бир кўп жиҳатлардан акасига ўхшамасди. Ҳавойи ҳаётга берилган, бепарво, уқувсизроқ эди. Навоий унинг ниммаст сузилган кўзларига қаради, киноя билан жилмайди.

— Сўзланг, иним, юртда қандай хабарлар бор?

— Шу кунларда шибъий ва сунний ғавғосидан ўзга муҳим ҳодисани билмайман, — деб жавоб берди Дарвешали аста ўтириб, — ҳар ерда суннийлар норозилик билдирмоқдалар: „Подшоҳ шибъий, масжидларда имомлар шибъий... Бунга бардош этиб бўладими!“ дейдилар.

— Таассуфки, — деди Навоий ғижиниб, бошини тебратиб, — бу маъносиз ғавғо подшоҳнинг фармони билан рўй берди. Халқ орасига тафриқа солмоқдан ўзга иш йўқми, ажабо? Давлатнинг молияси не ҳолда, қўшин не аҳволда, мадрасаларда толиби илмлар, олим ва фозилларнинг тирикчиликлари қандай, ҳар нав амалдорлар пойтахтда, туманларда, вилоятларда халққа не турда муомала қилуради; деҳқоннинг рўзғори не чик, косибнинг

қорни нечиқ — мана бу вазифаларни ақл ва идрок кўзи билан кўриб, тадбир ва салоҳият билан ҳал қилмоқ керак эди. Иним, ҳар қандай мазҳаб жанжалларидан юқори турмоқ лозим. Ягона ҳусн мутлоқ мавжуддир. Қуёшнинг нурида, денгизларнинг жўшқинида, тоғларнинг муаззам жуссасида ва япроқларнинг титрашида унинг жамоли жилвасини кўрамиз. Кўнгилни унинг ишқи, ёди билан тўлдирмоқ керак.

Дарвешали шоир фикрнинг илдизларига етмоққа тиришиб, қуйи солган бошини аста чайқаган ҳолда сукут этди. У ўз оғасига ва унинг фикрларига чуқур эҳтиром билан қарар эди.

— Бу диний низолар улғайиб кетмаса эди... — деди ниҳоят Дарвешали.

— Хайр, биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилурмиз,—деди Навоий қатъий оҳанг билан. — Гарчи бу мазҳабларнинг бирини ўзгасидан афзал кўрмасак ҳам, усулнинг бирлигини эътиборга олурмиз. Иним, дунёда китоб ўқимоқдан, тафаккурдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқдир. Табиатим кўпроқ бу томонга мойил эди. Сокин бир масқанда яшаб, бу завқ дарёсида сузмоқчи эдим. Лекин менга, маълумингиз, давлатда вазифа бердилар... Ёлғиз эл ва улус манфаатини назарга олиб, мансабни қабул этдим. Бу муборак юртда қилинадиган ишлар бениҳоят кўлдир. Бу ишларнинг ҳар бирига элимиз асрлардан бери ташнадир. Масалан, бир кутубхона яратмоқ ҳаёлим бор... Сиз энди „доруғай кутубхонаий ҳумоюндирсиз“, сизга тааллуқли бўлганидан, айтиб ўтмоқ истаيمان.

— Ҳар бир ниятингиз учун қул каби хизмат қилурмен, — деди Дарвешали қўлини кўксига қўйиб.

— Биз шундай кутубхона бино қилайликки, — шавқ билан давом этди Навоий, — бутун эл қошида манзур ва мўътабар бўлсин. Жамики улум ва фунундаки, азминан қадимдан то шу дамгача одамзоднинг фикр гавҳари ижод этмишдир ва китоб суратига чекилмишдир— барчаси бизнинг кутубхона хазинасини зийнатласин. Фақирнинг холис нияти шулки, бу ерда Хурсоннинг ва ўзга мамлакати исломнинг барча уламо, фузало, шуароси китоблардан истифода қилғай. Бу ерда фалсафанинг Суқрот, Афлотун ва Арастулари, ҳикмат ва риёзиётнинг Фипогурлари, илм ҳайъатнинг Улуғбеклари, шеърнинг Фирдавсий ва Низомий Ганжавийлари — ҳар қайсилари ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайлар. Илмнинг равнақиға ҳаракат қилғайлар, фикрнинг янги-янги хазиначарини ихтиро эткайлар. Улар кашф этган ҳақиқат қуёшлари юртимиз самосини нурга тўлдирса мақсадимизга етган бўлурмиз. Дарвешали, кўнглингиз ҳар чоғ эл муҳаббати билан лаболаб тўлсин, ҳар ишга бел боғлар экансиз, элнинг манфаат ва заруриятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг...

— Албатта, шундай бўлмоқ керак, — деди Дарвешали, сийракроқ соқолини қашлаб қўйиб, — элга хизмат қилган кишининг эътибори, қадри-қиймати ошар...

Навойй укасига маънодор тикилди.

— Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг ўзи улуг мукофотдир, — деди у кескин равишда. — Ҳимматингиз самосини ҳаргиз булут қопламасин, иним.

Дарвешали уялгандай, кўзларини яширишга тиришди. Кейин гапни кутубхонага бурди. Биринчи галда бир иморати олий қурмоқ кераклиги ҳақида сўзлади. Навойй тоқчадаги шамга қаради, ўрнидан кўзголаркан, Дарвешали: „Мен... Мен...“ деб дик этиб турди-да, шамдонни олиб ўртага қўйди ва микроз билан шам учини авайлаб кесди. Шоир бир тахта шилдирама қоғоз олиб, очиқ, қалин китоб устига қўйди. Қаламни чиройли мўъжаз мис сиёҳдонга ботирди-да, қоғоз устида жуда эҳтиёт билан, аста юрита бошлади. Бироздан кейин Дарвешали олдинга сурилди, кўзларини катта очиб, қоғозга, акасининг дам енгил ҳаракат қилган нозик қўлларига қараб турди. Қоғоз ғалати чизиқлар билан тўла бошлади. Ниҳоят, Навойй қаламни қўйди, қаддини ростлади, укасига табассум билан боқди.

— Мана бу ашқолига диққат этинг, — деди у қоғозни Дарвешали томон суриб, — биз меъмори санъатда соҳиб вуфуқ эмасмиз. Бу соҳанинг устод комили албатта ўз сўзини айтар, лекин биз ўйлаган иморат, тахминан, шу шаклда бўлиши керак.

Қоғоздаги шакл—бинонинг тарҳи эди. Дарвешали қизиқиб томоша қиларкан, бу муаззам бино бутун тафсилоти билан шоирнинг кўз олдида гавдалангандек, Навойй унинг ички тузилиши, ташқи кўриниши, нақшлари, бўёқларига қадар тушунтирди. Дарвешалининг ҳар бир саволига, гўё шу қабилдаги бинони бирон жойда кўриб, мақбул топган каби, тўла жавоб берар эди. Кейин Дарвешали билан китоблар йиғиш тўғрисида сўзлашди. Қийматли китобларнинг нусхаларини кўпайтирмақ учун Ҳиротдаги энг яхши котиблар ва муқова усталари ҳақида суриштирди.

Ҳирот хўрозлари кечанинг сукутини иккинчи топқир бузганда, Дарвешали кўзларини уқалаб, ўз хонасига чиқди. Шоир ўзини ҳали тетик ва енгил сезар эди. Кечанинг майин сукунатига шўнғиб бир нафас хаёл сурди, бир парча тоза қоғозни олиб, қаламни ушлаган ҳолда ўйлади. Сўзлар фикрнинг олтин ипига терилиб, қофиялар бир-бирини имлаб, иноқ қўл бериша бошладилар. Қалам қоғознинг силлиқ бетида юриб кетди:

Йиллар тутубон шайх моқолотига гўш  
Не кўнглума завқ етти, не жонима жўш,  
Жонимға наво еттию, кўнглимға хуруш  
Бир журъа бяла, муғбачаи бодафуруш.

„Рубоий“ни ичида ўқиди, юзини табассум қоплади. Сиёҳ қуригандан кейин қоғозни усти ўйма гулли чарм жуздонга тикиб, арабча қалин китобни варақлашга бошлади.

... Узун қиш туни қора пардасини энди қуюқлаштирган бўлса ҳам, „Унсия“да улугвор, файзли, маъноли бир сукунат ҳукм сурарди. Ҳамма хоналарда шамлар ёқиглик. Бирида Мавлоно Осифий бошлиқ бир неча шоир қизгин суҳбат қилади. Иккинчисида котиблар китоб кўчирадилар. Яна бир хонада Шайх Баҳлул билан Соҳиб Доро қошларини жиддий чимириб, бошларини шатранж тахтасига этганлар...

Навоий хуфтондан сўнг, кутубхонани айланиб чиқиб, ўз хонасига кирди. Шамдонни токчадан олиб, кичкина майин гилам ёпилган паст курси устига қўйди. „Мажолисун-нафоис“<sup>1</sup> ни давом эттиришга ўтирди. Савағич қалам қоғоз устида шоирнинг фикрига, туйғусига иноқ юриб кетди.

Навоий тунларда қаламни қўлга олиб, ўз фикрлари, туйғулари билан улфатчилик қилишни севарди. Бу — бир қарич болаликдан қолган одат эди. У қишки, сокин кечада худди ўзи байтда айтгани каби, фикрларнинг ажойиб базмини қурди:

То барақс оянд шабҳо шоҳидони базми фикр  
Ҳамчу най дар каф қалам сози хуш оҳанги ман аст<sup>2</sup>.

„Мажолисун-нафоис“ — бир неча юз шоирнинг ҳаётлари ва ижодларининг янроқларидан терилган бир гулдаста. Навоий Хурсон ва Мовароуннаҳрда яшамоқда бўлган ёки дунёдан кўз юмган юзларча шоирларни, шеърига алоқа кўрсатган олим, фозилларни хотирага олади. Кўпларини танийди, кўплари билан мактублашган. Ораларида унга дўстлик ипи билан боғланганлар бўлганидек, душманлар ҳам бор. Лекин Навоий уларнинг ҳаётига, феъл-атворига, истеъдодига, юксак фазилатлари ва ожизликларига холисона қарайди. Инсонларга хос қанча ғалати, қизиқ, турли-туман сифатлар кўз олдида ёрқинлашади. Бир неча оғиз сўз билан ҳар шоирнинг ҳаёт дурдонасини, бир неча оғиз сўз билан унинг инсоний сифатини, ўзига хос аломатини кўрсатиш керак, ҳам бир неча оғиз сўз билан шоирнинг ижодига қиммат бериш керак. Инсон табиатнинг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо сонсиз жилвалари кўз олдида тажасумланади. Қанча ёрқин ва нодир сиймолар, қанча разил ва ожиз, қайғули ва кулгили қиёфалар унинг тасаввур оинасида акс этади. Баъзан бир онгина шоирнинг юзидан маънодор табассум учиб ўтади. Шеър, санъат, илм аҳли — майли яхшими, ёмонми, оқилми, жоҳилми, инсонми, шайтонми — барибир сўзнинг торини чертган. Шунинг учун китобда унинг тўғрисида бир неча оғиз гапириш керак.

Навоий фикрларнинг базмига, қаламнинг оҳангига берилиб, вақтнинг алла-палла бўлганини сезмай қолди. Қаламни қўйди.

<sup>1</sup> „Нафис мажлислар“ — Навоий асарларидан бири.

<sup>2</sup> Кечалар фикр базмида гўзал раққосалар — фикрлар ўйинга тушиши учун қалам менинг қўлимда хушовоз, хушоҳанг бир созидир.

Бармоқларида оғриқ сезди. Деворга суялиб, бошини қуйи солган ҳолда фикрга толгандай, бир муддат ўтирди. Яна касал Жомий кўз ўнгига келди. Юраги ҳовлиқди. Кундуз борганда, беморнинг ҳолини кўриб, кўнгли алланечук бузилган эди. Бирон кишини юборсаммикан, деб ўйлади. Лекин сезгилари ташвишли бўлганидан, ўзи боришга қарор қилди. Ўрнидан туриб, шамни ўчирди.

Изгирин шоирнинг юзини тирнади, этакларига ёпишди. Осмон қора, хўмрайган. Узоқда, майдонда навкарлар, қоровулларнинг гулхани туннинг қора бағрини яламоқда эди. Қаердадир чанг, уд ва най овозини эшитди, қаердадир ёлғиз товуш унинг бир газалини янги яратилган мақомлардан бирига солиб айтмоқда. Хушкайф биргуруҳ тор кўчадан чиқиб, мадраса орқасида ғойиб бўлди, булар ичида таниш овозларни, ёш, шўх шоирларнинг овозини эшитди.

Жомийнинг эшигида, фанор билан ёритилган ҳовлида одамларнинг ташвиш билан юриб турганини кўрди. Булар Жомийнинг ақроболари, яқинлари, дўстлари эдилар. Навоий беморнинг ҳоли ҳақида ҳеч ким билан сўзлашмаса ҳам, юрагини бирдан ўткир алам санчиб кетди. Хона ичига кирди. Тўрда, тўшақда ётган беморнинг атрофида бир тўда дўстлар турарди. Жомийнинг оёғида унинг ўғли Зиёвиддин Юсуф йиғидан шишган кўзларини ожизлик билан отага тиккан эди. Навоий хастанинг олдига тиз чўкиб, бошига энгашди. Қайғу ва муҳаббат учқунланган сўзлар билан унга мурожаат этди. Эвоҳ, донишманд кўзларини табиб Абдулҳайга тикди. Ҳозиқ ҳаким бошини ожизона чайқади, холос. Навоий қалтираб ўрнидан турди, кўзларидан ёшлар қуйилиб соқолларини ювди. Зиёвиддин Юсуфнинг бошини ота меҳрибонлиги билан силаркан, ҳеч ким ўзини тута олмади — ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашди.

Жомий гоҳ қисқа муддат ҳушига келади, гоҳ яна беҳол бўлиб ётади. Навоий унинг ёнидан силжимади. Хушовоз Гиёсиддин Деҳдор Жомий бошида қироат билан муттасил қуръон ўқиди. Кейин қалин халқ давра қуриб, нақшбанди усулига мувофиқ, зикр тушди. Эрталаб хастанинг ҳоли яна оғирлашди, кўп ўтмасдан ўлим ўз оғушига тортди. Жанозага бутун Ҳирот қатнашди. Улуғ шоир ва шайхни катта тантана билан мавлоно Саъидин Кошғарийнинг мозори ёнига дафн этдилар.

Ўлимнинг еттинчи куни Навоий улуғ дўстнинг хотираси учун минглаб халқча ош берди. Бу ерда Жомий ҳақида ёзилган шеърлар ўқилди. Оқшом уйга ҳорғин қайтди. У Жомийнинг ўлимидан кейин қандайдир бир танҳолик, ўксизлик сезар, бирин-сирин ўлим оғушидан жой олаётган жонажон дўстларни алам билан ёдлар, ҳаёт ва ўлим зиддияти ҳақида алам билан ўйлар эди. Бу — оламнинг марказий масаласи каби, унинг бошида гала-гала масалаларни туғдирарди. Фикр, фалсафа, илм, ҳақиқат, худо масалаларнинг тубсиз гирдобида чирпинар, яраланган бургут қудратли қанотларини тоғ-тошларга ура-ура, хавфсиз қўнар, жой топишга урингандек, унинг фикри ҳам негизли бир маскан қидирарди.

Хотирига бир вақт ёзган газали тушди:

Нечук май билан бўлмасун улфатим,  
Ки жон қасди айлар гами меҳнатим.  
Назар айла бу коргоҳ вазъига,  
Ки ортар томошасида ҳайратим.  
Қуёш йўқки бир зарра моҳиятин,  
Топа олмади саъй ила фикратим.  
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,  
Не умид яқин бўлди, не ружъатим,  
Не касби улум этти ҳал мушкулдим,  
Не тутти илик тақвою-тоатим.  
Топаё деб хабар ушбу мақсуддин  
Туташти басы қавм ила суҳбатим.  
Не қилур бу дардим иложин ҳаким,  
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.  
Не кечмакка бу фикрдин ҳайратим,  
Менинг бошима бас қаттиқ тушди иш,  
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим,  
Харобот аро кирдим ошифта ҳол.  
Май истарга илгимда синган сафол.

Илҳомнинг шавқи билан айтилган бу фикрлар шоирнинг ҳозирги кайфиятига кўпроқ мос келади: асрлар сажда қилган ҳақиқатларга қараганда, бу маънолироқ каби кўринади: „Гарчи шак фалсафанинг онаси ва ҳақиқатга йўлловчи бўлса ҳам, уни фикр доимий маскан қилолмас“, — деди ичида.

Киришга ижозат тилаган Шайх Баҳдулнинг товуши билан у оғир солинган бошини кўтарди. Қадрдон мулозим ҳар вақтдаги одобли вазият билан унинг ёнига айри-айри ва турли шаклда букланган бир неча қоғозни қўйиб чиқиб кетди. Навоий шамдонни ўзига томон яқин суриб, қоғозларни оча бошлади. Бухоро ва Самарқанддан келган икки толиби илмнинг ёрдам сўраб ёзган аризалари, яна бир шоирнинг бева ва етимлари ўз аҳволларининг оғирлигини тавсифлаган бир номадан ўзгаси деҳқонларнинг, косибларнинг закотчилардан, туман ва қишлоқ амалдорлари устидан қилган шикоятлари эди. Яна бир шикоятда Навоийга таниш бинокор уста ўз оиласининг номусини булғамоқчи бўлган шаҳзода Абулмуҳсин Мирзодан додлаган. Навоий бу шикоятни қайтадан ўқиб, ~~нафрат билан бошини~~ силкиди: „Илоҳим, одам қиёфатидаги бу ҳайвон иш бошига ўтмасин-да!“ деб, бу қоғозни алоҳида жуздонга солиб қўйди. Кейин ҳамма шикоят ва ариза эгаларининг талабларини қандай қилиб ва нима билан қондириш тўғрисида ўйлаб, ҳар қайсини фикрда ҳал этиб таскин топди.

„Хуфтан“ намозини адо этиб, ишга ўтираркан, ҳовлида шовқин кўтарилди. Бир нафасдан кейин, йўл кийимида Дарवेशали кириб келди. Ака-ука самимий кўришишди. Дарवेशали, Балхдагилар тўсиндан буйруқ олиб, уни қамоқдан бўшатганларини сўйлаб: „Охири бахайр бўлсин, билмадим, бу марҳамат самимийми, ёинки тақдим этилган гул орасида заҳар

борми?“ — деди. Навоий ҳам, билмайман, дегандек қошини чимириб қўйди. Дарвешали қулоғига қисман чатилган воқеаларнинг тафсилотини билишга қизиқсинди. Навоий Мажидиддин тантанаси нима билан битганини сўзларкан, товушида гоҳ ғазаб, гоҳ кинояли кулги, гоҳ эса инсоннинг заифликларига донишмандона ачиниш сезилар эди. Дарвешали фақат хурсанд бўлди.

— Мажидиддин разолатининг фош этилиши, — деди Навоий, — шубҳасиз, катта иш бўлди. Лекин унинг илдиэлари ҳали қирқилган эмас. Унинг ҳарамнамаклари ҳали кўп маҳкамаларда ин қурганлар. Тўғри, улар бугун Мажидиддин дажжол, шайтони лаин эди, деб айюҳаннос соладилар. Аммо аждаҳо нафслари эл молини ҳали ҳам совурмоқдадир. Янги вазир буларни, бамисоли қармоқдай, халқнинг бўғзига ташламоққа ҳаракат қилур.

— Низомулмулк! — ҳайрат билан кўзини олайтирди Дарвешали. Навоий кулди, кейин жиддий гапирди:

— Сиз гоят соддасиз. Ёлғиз зоҳирга қараб ҳукм қиласиз. Золимлар борки, банг хаёлотини элга қаромат деб сотадилар, жоҳиллар борки, китоб қўлтиқлаб, олимлик даъво қиладилар. Мамлакат бошида тили билан дили бир бўлган, ёлғиз халқ манфаатини ўйлаган, олий руҳли, пок виждонли инсонлар турмас экан, ҳаёт сабзаси тобора сўлур.

— Давлатни ислоҳ қилиш ҳақида ёзилмиш мулоҳазаларингизга подшоҳ ҳеч илтифот этмадимми?

— Бу мамлакатда ислоҳ сўзини оғзига илганларни, — жавоб берди Навоий ғазабланиб, — энг музир осий каби дор билан мукофотлайдилар.

Дарвешали жим қолди. Хўмрайиб ерга қараган Алишерга кўз учини ташлаб, унда изтироб сезди. Чиқиб кетмоқ, ёки бошқа мавзу қидирмоқ бўлиб тураркан, Валибек кирди. Дарвешалининг келганини эшитиб, кўргали ошиққанини сўзлади. Навоий ҳам уни, ҳамма вақтдаги каби, яхши қаршилади. Турли мавзуларда гунгур-гунгур суҳбат бошлашди.

Кейин, орада бир нафас сукунат сургач, Валибек айтишга фурсат кутиб турган гапини бошлаб юборди. Яширин хабарларга ва баъзи аломатларга қараганда, Бадиуззамон Астрободда исён кўтариш фикрлари билан овора бўлаётганини, у Қандаҳор ҳокими Зулнун Арғунбек билан алоқада бўлгани ва ҳоказо ҳақида гапирди.

Навоий уни берилиб тинглади-да, тиззасига уриб қўйди, бе-тоқатлангандай, бутун гавдасини тебратди.

— Воқеа ҳақиқатга яқин, — деди у куйиниб. — Бадиуззамондагина эмас, ҳамма шахзодаларнинг кўкраклариди бундай қора ният бор. Хўш, не учун Зулнун Арғунбек оқ кўнгилли, мардона бир бек бу фитнага шерик бўлмоқчи? Ҳиротда унга ҳасад қилгувчилар бор. Арғунбек Қандаҳор вилоятида ёмон ишлар қилмади. Навкарларга яхши қаради, уларнинг сонини борган сари оширди. Бузув-йиғувдан ўзга ишга беҳунар бир гуруҳ уни подшоҳга ёмонлади, Арғунбек ўзи учун бир ҳимоячи қидирди. Бадиуззамон бу фурсатни ганимат билди, холос.



— Тақсир, воқеадан хабарингиз борми? — таажжубланиб сўради Валибек.

— Йўқ, — жавоб берди Навоий.

— Сабабларни тўғри айтдингиз-ку.

— Сўзингизнинг мазмунидан ёлғиз шу натижага келиш мумкин эди, — жавоб берди Навоий ва давом этди, — лекин, биз ҳеч вақт бундай фитналарга йўл қўймаслигимиз керак. Беҳуда қон тўкмоқ, юртни парчаламоқдан азим гуноҳ йўқ! Қалбаки дўстлик, қардошлик кули остидаги дushmanлик оловлари ёнғинга айланур. Енг учидаги заҳарли ханжарлар қияли, ғазабли қўлларда бирдан ярқирар. Кошки бунинг бадалига бирон шаҳзодадан юрт, эл учун хайрли ишни умид қила билсак... Йўқ!

— Албатта! — деди метин гавдасини эгиб, ўйланиб Валибек.

— Хонадоннинг барча аъзоси ит билан мушукка айланур. Қўшин бир-бирига ёв гуруҳларга айланур. Биз — беклар, бир-биримизга майдон очурмиз!

— Темур авлодида бу касал асло йўқолмайди-да. Охири бахайр бўлсин! — деди ўзича Дарвешали.

Дастурхон ёзилиб, бир лаган яхна эт, бир лаган қуймоқ келтирилди. Иштаҳасизлик билан бироз тотинишди. Валибек ва Дарвешали хўшлашиб чиқиб кетгач, Навоий дарров қалам ва қоғоз олди-да, Бадиуззамонга хат ёзишга киришди. Ғазабли кайфиятда айтилган баъзи жумлалар бениҳоят аччиқ, дилни омбурдай узиб олувчи эди. Хатни ўқиб чиқаркан, улар устида ўйлаб қолди. Лекин бирон нуқтасини ўзгартишни истамасди. Юрагидаги дуд тарқалгандай, анча енгилланиб, ухламоқ учун ётди.

Эртаси нонуштадан сўнг, Навоий ишончли чопарлардан бирини чорлаб, хатни берди. Астрободга жўнаб, шахсан Бадиуззамон қўлига топширишни уқтирди. Кейин тўғри девонхонага кетди.

Қаламларнинг учини ялқовлик билан очиб, иш бошлашга эриниб, ундан-бундан гап сотишган муншійлар Навоий кириши билан бир онда жим бўлишди. Буларнинг орасида Шоҳруҳ Мирзонинг охириги йилларида хизматга кириб, ҳозир мункиллаб қолган чоллар билан мўйлаб туки энди билинган йигитчалар бор эди. Навоий муншійлар хонасидан ўтиб, ичкариги хонага кирди. Бу ерда ёлғиз Низомулмулкни учратди. Атлас кўрпачалар устида тилладўзи тўн кийиб ўтирган бош вазир ўрнидан туриб кўришиб, назокат билан шоирни ўзига яқин ўтказди. Қалбаки табассум билан: „Зоти олийларининг ҳар нечук хизматларига тайёрман“ деди у. Навоий киссасидан бир ҳовуч айри-айри букилган қоғозларни Низомулмулкнинг олдига қўйди.

— Шу мушкулотларни тез ҳал қилмоқ керак!

Низомулмулк ҳамма қоғозларни бир-бир очиб, ўқиб чиқди.

— Бу каби ишларга жаноблари азиз вақтларини сарф

қилмасалар ҳам бұлар эди, — деди Низомулмулк қуюқ қошлари учини бириктириб.

— Нечун? — сўради Навоий вазирга тикилиб.

— Агар халққа қулоқ солсангиз, шикоятларга ботиб кетасиз. Умрни эговламасдан, ўзаро битишинлар, деб кетавериш ҳам мумкин, — жавоб берди кулиб Низомулмулк ва давом этди. — Яна улар не учун зоти олийларига мурожаат қилдилар? Бунинг учун маҳкамалар ҳам вазифадорлар бор, ахир.

Навоий маҳкамалардан, вазифадорлардан халқ ўз яралари учун зарра қадар шифо кутмаганини, зулм ханжари бўғзига қадалганини сўзлади. Бу шикоятларни тез таҳқиқлашни талаб қилди.

— Халқ амалдорларга ёмон кўз билан қарайди. Ҳамиша шундай бўлган... — деди Низомулмулк.

— Халқ хато қилмайди, — деди Навоий. — Илонга ҳеч ким ўз кўксидан жой бермас!

— Устларига айб тушган зотлар, — деди Низомулмулк асабийланиб, — давлатнинг содиқ хизматкорлари... Уларнинг қадри-қимматини унутмоқ яхши эмас, албатта!

— Бу мамлакатда, — деди Навоий ҳаяжон билан, — зиндонлар, жазолар, жарималар, дорлар бор. Ким учун? Адолатли давлатда бу нарсалар ёлғиз жабркорлар учун татбиқ этилуру. Садоқатли золимларнинг хизмати давлат илдиизига болта уришдан бошқа нарса эмас!

Бош вазир титраб кетди. Навоийнинг авзойига разм солди. Унда даҳшатли куч ва ирода, ёрилиб ҳамма ёқни йиққундай бўлган ғазаб нишонасини кўрди. Ўрнидан илдам турди. Қўл остидаги маъмурлардан бирини чақириб, шикоят ва аризаларни унга тутқазиб деди: „Дарҳол қозига бориб, бу қоғозларнинг мазмунини бирликда таҳқиқламоқ керак“. Маъмур чиқар экан, Навоий қўл билан ишора қилиб тўхтатди:

— Натижаларини бизга қай вақт маълум қиласиз?

Шошиб қолган маъмур таъзим қилиб жавоб берди: „Зоти олийларигами? Таҳқиқ-тафтиш битган куниеъ ўзим огоҳлантирурмен...“

Навоий ташқари чиқди. Қуёш дам булут орасига кириб, дам кескин ялтираб чақнарди. Мурабба шаклли гиштлар ётқизилган йўлдан аста юриб бош қасрга борди. Эшик оғага подшоҳ қошига кирмоқ истаганини билдирди. Ҳусайн Бойқаро бу „мақрибуссултон“<sup>1</sup> билан нодир учраша бошлаганлигиданми, ёки кайф чоғлиги учунми, очиқ юз билан қабул этди. Бир муддат у-бу тўғрисида гаплашишди. Фиққ-фужур, май ёлғиз унинг гавдасига эмас, балки бутун маънавий сиймосига ҳам таъсир этган эди — сўзларида қарор йўқ; гоҳ бирдан асос ва далилсиз кимнидир мақтаб кетар; гуё одам келса-ю, ўпа қолса... Гоҳ эса кимнидир, яна асоссиз, ёмонлаб кетарди. Лекин кўзларида ҳали

<sup>1</sup> Султоннинг яқинлари.

ҳам макр-ҳийланинг ифодаси кучли эди. Навоий фурсат келганда, қўлтиғидан қоғозни чиқариб, унга узатди. Ҳусайн Бойқаро масглик билан хира йилтираган кўзларига яқин тутиб ўқиди-да, тиззасига қўйди. Қаёқдаги бош оғриғи нарсаларни топиб юрасан, деган каби, салқиган юзларини қийшайтириб, жим қолди. Навоий жавобини ҳистагандай, дадил боқиб тураверди. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро қоғозни яна қўлига олиб: „Қандай жазо ёки жаримани маъқул топурсиз? “ деб сўради-да, жавобни кутмасдан, ноқобил ўғилларидан шикоят қилиб кетди. У гапириб бўлгач, Навоий хонадон авлоди хусусан ахлоқ, адаб бобида ҳаммага намуна бўлиши керак экан, бунинг тамом зиддини кўриб, афсусланганини сўзлаб, кейин деди: „Бу ишни фақат ҳазратларининг виждонларига ҳавола қилурмен. Давлатнинг қонун ва қоидалари олдида шоҳу гадо баравар тиз чўкиши кераклиги тўғрисида сизга бениҳоя кўп дафъа сўзлаган эдим, бунини яна такрорлайман“. Ҳусайн Бойқаро бу ҳақда Шайхулислом билан кенгашиб, шариати Мустафога мувофиқ ўғлини жазолашга ваъда бергач, Навоий қуллуқ қилиб ўрнидан қўзғалди.

Тунда қатқалоқ бўлган кўча қуёшда эриб, пилч-пилч лой эди. Шоир кафшини лой қилмаслик учун, четдан эҳтиёт билан юриб кетди. Ҳамма, катта-кичик салом бериб, у ўтиб кетгунча адаб билан қимирламай туришаверди. У „Унсия“га кирмай, мадраса орқасидаги ёрдамчи бинолардан бирига кирди. Атрофи катта-кичик хоналар, айвонлар билан ўралган катта ҳовлида ўнлаб хизматкорлар аҳиллик билан ҳар кунги вазифаларини бажармоқда эдилар. Кими юзларча даста-даста товоқларни, лаганларни ювади, кими катта кўзаларда сув ташийди. Кими этагининг барини белбоғига қистириб, қатор қурилган ҳайбатли қозонлар остига ўтин ташлаб, тутундан ёшланган кўзини уқалайди. Катта капкирларни, бесўнақай ёғоч чўмичларни қўлларида тутган, мош еган хўроздай, қип-қизил ошпазлар қозон бошида куймаланмоқда эдилар. Бу ерда Навоий ҳар кун камбағаллар, егим-есирлар, тиланчилар учун ош берар эди. У ҳар бир қозоннинг тепасига келиб, букун нима тайёрланаётгани, қанча эт, ёғ, қанча дон ва ҳоказо солингани тўғрисида сўзлашди. Пазандаларнинг хунари ҳақида кимдир тўқиган, қай вақтлар эшитган бир неча қизиқ байтини айтиб, атрофдагиларни кулдирди. Кейин ҳазил-мутойиба қилди. Мутойибада ошпазлар ҳам, бошқа хизматкорлар ҳам бўш келмадилар. Навоий кулиб-кулиб: „Кўплашиб кетдингиз. Биттадан чўқиганларингизда ҳам мени пора-пора қилиб қўясизлар“, деди. Келувчиларни асло куттирмасдан, овқатни тартиб билан тортишни тайинлаб, чиқиб кетди.

### ЎТТИЗ ТўРТИНЧИ БОВ

... Қуёш уфққа ошиқарди. Узоқда, адирларнинг, сойларнинг бағрида кўлкалар тентирарди. Катта карвон йўли бўйлаб чўзилган экинзорларда шамол яшил-яшил тўлқинлар ясарди.

Навойй ҳамроҳ навкарлари билан Балхга яқин сўнги работдан чиқиб, бир неча кунлик йўлни босиб чарчаган отни зўрламай аста борарди. Бутун гавдасида хорғинлик сезар, бошида эса турли хаёллар, фикрлар ўйнардди. Содиқ ҳамроҳларига гоҳо ғайри шуурий равишда бирон сўз деб қўяр, ёки бирон нарсага ишорат қилар, яна жим бўларди. Мана узоқда Балхнинг эски кўрғони кўзга чалинди. Отлар манзилнинг яқинлигини сезган каби, пишқириб, қамчинсиз ҳам қадамларини тезлатдилар. Бир тўп қалин дарахтлар орқасидан чанг кўтарилди. Ҳаял ўтмай йўлчилар Бадиуззамон бошлиқ истиқболга чиққан оломон билан учрашдилар. Булар ичида шаҳзоданинг хос йититлари, яқинлари, ҳамсуҳбатлари, Балхнинг бир неча олдинги одамлари, халқ намояндалари бор эди. Бадиуззамон отдан таппа тушиб, Навоййга таъзим қилди ва адаб билан кўришди. Шоирнинг сихати, сафар машаққати тўғрисида дилдорлик қилди. Бошқалар ҳам тартиб ва такаллуф билан бирин-бирин келиб, шоирнинг қўлини сиқдилар.

Навойй ҳам Бадиуззамоннинг кайфи, соғлиғи ҳақида сўради. Кейин зийнатли, чиройли отга минган Бадиуззамон билан ёнма-ён юриб, Балхга кирди. Шаҳарда ҳар ерда халқ уни қувонч ва ҳаяжон билан табриклади.

Бу кеча Бадиуззамон шоир шарафига катта зиёфат берди. Турли овқатлар сузилган ҳамма идиш-оёқлар, қадаҳлар, кўзачалар олтин ва кумушдан эди. Меҳмон кутиш, мажлис тузишда донг чиқарган Бадиуззамон суҳбат, ўйин-кулги, музиқий каби кўнгил очишларда тартибга, завққа, ингичкаликка букун алоҳида эътибор берди. Навоййнинг келиш сабаби шаҳзодага маълум бўлганидан, бу тўғрида икковлари ҳам бу кеча оғиз очмадилар. Чарчаган қари шоир мажлиснинг тезроқ тугашини кутди.

Иккинчи кун, нонуштадан кейин холи уйда сўзлашдилар. Бадиуззамон Навоййни ҳурмат қилар эди, у билан суҳбатлашишдан завқланарди. Айниқса ёшлик йилларида Навойй унинг мураббийи ва муаллими каби эди. Бадиуззамон Те-мур сулоласига мансуб бир кўп шоҳлар, шаҳзодалар каби шеърдан завқланар, ўзи ҳам гоҳо-гоҳо бирор нарса ёзиб қўярди, Навойй шеърларини эса бир қарич ёшидан севиб ўқирди.

Шоир мамлакатнинг вазиятини муфассал тушунтириб, ўртадаги ҳар қандай хусумат, адоват, фитналарни йўқотмоқ учун атайлаб келганини сўзлади, фикрини тарихнинг чексиз ҳодисаларидан келтирилган мисоллари билан қувватлади. Шаҳзоданинг ақлига, виждонига таъсир қилишга тиришди. Унинг кўнглига қаттиқ тегадиган сўзларни ҳам очиқ айтишдан, уни қизартириб, бўзартиришдан тоймади.

— Мен бутун умр орзу қилган ҳукмдорни, у баркамол инсонни, — деди Навойй, — афсуски, ҳаётда кўролмадим, ёлғиз хаёлимда яратдим. Сиз танийсиз, биласиз уни, агар унутган бўлсангиз, „Искандарнома“ни яна бир карра ўқинг, ҳукмдор, у, барча фазилатларнинг кони у... Сизларда унинг сояси ҳам йўқ. Сизлар унинг навкарига ҳам арзимайсизлар.

Бадиуззамон чиройли бошини қуйи солиб, қора, қийғоч кўзларини яширишга тиришди. Кейин кўнглида дард чайқалгандек, уҳ тортди. Отасининг унга нисбатан адолатсизлигидан шикоятланди. Ниҳоят, деди:

— Сиз каби азиз, улуғ устоднинг илтимосини қабул этмаслик улуғ гуноҳдир. Зоти олийингизга бўлган муҳаббатим юзасидан сўзларингизни қабул қиламен ва подшоҳ отамни инсофга, адолатга даъват этмоғингизни сўраймен.

Навоий хурсанд бўлди. Шаҳзодага яхши тилаклар тилади. Вилоятнинг ишлари ҳақида маълумот олди, ўрганди. Кейин кадрдонлари билан кўришмоқ ниятида аста-аста юриб чиқиб кетди.

Уч-тўрт кундан сўнг шоир бир мажлисдан қайтиб келгач, мулозимлар уни Бадиуззамон йўқлаганини билдиришди. Шаҳзода ўтирган хонага киргач, уни жуда гамгин ва ҳурпайган ҳолда кўрди. Таажжубланиб сўради:

— Не юмуш билан мени тиладингиз?

Бадиуззамон жавоб бермади. Кўрпачанинг остидан бир қоғоз чиқариб, ёйиб узатди. Навоий хатга кўз югуртиш билан газабдан, саросимадан қалтираб кетди. Балх қальаси бекига ёзилган Ҳусайн Бойқаро хатининг мазмуни шундай эди: Бадиуззамон Мирзо шаҳардан ташқари чиқса, қайтганда шаҳарга киришга йўл қўйилмасин, тезда ҳибс этилсин! — Навоий қалбаки хат бўлмасин, деган андишада муҳрга диққат билан тикилди, шубҳаси қолмади.

— Мана отамизнинг муҳаббати, садоқати! — деди ўз-ўзига сўзлагандай Бадиуззамон. — Агар навкарларим нонкўрлик қилиб, бу мактубни мендан яширсалар эди, эҳтимол, мен ҳозир зиндонда ўтирган бўлур эдим! Йўқ, тангрига шукур, мунофиқлик фош этилди!

Навоий хатни Мирзонинг олдига ташлади. Ҳеч нарса демади. У Бадиуззамон қошида чиндан ҳам ғалати бир вазиятда қолган эди. Бу разил қаракати учун ичида Ҳусайн Бойқарони, атрофдаги бутун фитначиларни қаттиқ лаънатлади.

— Ҳайҳот! — деди Навоий ўрнидан кўзғалиб. — Ҳокимларда ақл, виждон нишонаси қолмабди. Макрнинг, мунофиқликнинг деви ҳамма фазилатларини ўз комига тортибди. На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё бор. Бундан даҳшатли, бундан алам-ангиз бадбахтлик асло бўлмас!

Бадиуззамон бошини кўтарди, шоирнинг бутун сиймоси учқунланган алам ва газаб билан нафас оларди. Шаҳзода унинг юрагининг софлиги, мақсадларининг олийлигига ишонганини сўзлади. Аммо унга бўлган бутун муҳаббатига қарамай, энди сулҳ тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмаслигини қатъий билдирди.

— Бутун тарих олдида, бутун олам олдида шармандаликни, разолатни бўйнингизга олиб, ота-бола майдонда бўғишинлар! — деди Навоий қайғудан ёнган овоз билан. — Шахсий хусумат, адоват ва таъма учун бу муборак ватаннинг тупроқларини

қонга беланглар! Сизлар учун бу — йнгитлик, мардоналик, рустамона қаҳрамонлик! Халқнинг ноҳақ тўкилган ҳар томчи қони учун тарих қошида юзларингиз абадиян қора бўлур! Вақт ганимат, бутун ёмонликларни намоён этмоққа ошиқинглар!

Навоий ғазабнинг кучи билан кескин юриб чиқиб, сафарга отланишни ҳамроҳларига буюрди.

## УТТИЗ ОЛТИНЧИ ВОВ

### II

... Ота-бола орасидаги бемаъни уруш, адоват кун сари Навоийнинг юрагини чуқурроқ эзарди. Ҳар икки томон қатъий, узил-кесил жангларга ботинмасди. Гоҳ-гоҳ шиддатли тўқинишлар рўй берар, лекин улар уруш тақдирини ҳал қилишдан ожиз эди. Уруш узоқ давом этиб, инсон ҳаётини оз-оз қамраб, охирда „тома-тома кўл бўлур“ дегандай, кўп қонлар беҳуда тўкилиши мумкин эди. Ёки Баддиуззамон мамлакатнинг бир бурчига чекиниб, уруш жанжал қидириб юрганлар орасида янги кучлар тўшлаб, яна ҳаракат бошлаб, даҳшатли фалокатлар келтириши мумкин эди. Бу андиша Навоийни қаттиқ ташвишга солди, ниҳоят, балонинг олдини олишга қарор берди.

Ҳусайн Бойқаро қошига кириб, вазиятни тушунтирди: исёнчи валиаҳди билан мустаҳкам сулҳ барпо этиш кераклигини талаб қилди. Уғилларининг юрагида муҳаббат ва садоқат, инсоф ва номусдан бирон учқун қолмаганига қаттиқ ишонган подшоҳ дастлаб бу таклифга эътибор бермагандек қаради. Ойларча давом этган қонли жанглардан кейин, шикаст еб, сулҳ таклиф этган, ҳатто тиз чўкиб ўз гуноҳининг кечирилишини тилаган ўғиллар, сал ўтмай, унинг орқасидан янги исён кўтарар, у пойтахтга етиб бир кун ором олмасдан, қўшинни орқага сурар эди. Қари, касал Ҳусайн Бойқаро бир ўғлини бўйсундириб, енгил сўлиш олгунча, иккинчисининг устига юриш қилишга мажбур бўларди. Лекин мутғасил сафарлар бездирган, чарчатган эди. Бундан ташқари, Астрободдами, Балхдами, Марвдами, Машҳаддами бирон жойда исёнкор ўғилларнинг ёки ҳали ханжарини енг учида яшириб турган бошқа бир ўғилнинг исёнини кутар эди. Навоий сулҳ шартларини ҳам сўзлаб, ўз талабида қатъий тургач, подшоҳ кўнишга мажбур бўлди.

Қари, бедармон шоирни қўлтиқлаб отга миндирдилар. Қувончли, миннатдор кўзлар бу сулҳ элчисини, гўё янги ойнинг олтин ўроғини илк кўриб, бахт ва саломатлик орзу қилганлар каби, узоқ вақт кузатиб қолдилар. Навоий ҳафталарча жанг майдони бўлган далада қолиб кетарди. Онда-сонда ўқлар, узуқ-юлуқ от асбоблари ётарди. Утларнинг устида ноҳақ тўкилган қонлар қуриган лола баргидай кўзга ташланарди. Шоир қошларини чимирди, пешонадаги чизиклар яна қуюқлашди: „Душман икки шоҳдан, бир-бирига яқин ва дўст икки дарвеш

яхши“ деб бир вақтлар айтган мисралари ёдига тушди. От тақир тепаларга чиқиши билан, пастда Бадиуззамоннинг қароргоҳи — чодирлар, ғивиллаган одамлар, чопишган отлар кўзга чалинди. Аста чайқалиб йўрганинг бошини тортиброқ юраверди. Қароргоҳга яқинлашаркан, танишлар югуришди. Бадиуззамоннинг улуғлари ҳам келишди. Шаҳзоданинг ҳамсухбатларидан шоир Мавлоно Замоний ҳам қуллуқ қилди.

— Мирзонинг қошига элтинглар мени, — деди отдан тушиб, нафасини ростлаб Навоий.

Одамлар: „Марҳамат, марҳамат“ деб эҳтиром билан йўл бошладилар. Мана, Бадиуззамон, қари, содда, сўзи ва ҳаракати телбароқ баҳодир Зулнун Арғунбек ҳам бошқа яқинлари билан чодирдан чиқиб, шоирни қарши олди. У ҳамма вақтдагидек, завқ ва нозиклик билан кийинган, аввалгидек чиройли, хушмуомала эди. Ҳурмат билан элчини ўзининг хос чодирига таклиф қилди.

Навоий шаҳзоданинг илтимоси билан ҳаммадан юқори ўтирди. Зулнун Арғунбек ва бошқа юқори мансабдорлар ўз мавқеларига яраша жой олдилар. Яқиндаги бошқа бир чодирдан ёқимли мусиқа ва аёлларнинг қўшиқлари эшитилди. Навоий сеҳрли садоларга беихтиёр берилди. Лекин кўп ўтмасдан садолар бирдан кесилди.

— Шаҳзода, мен сулҳ барпо этмоқ кайфиятида келдим, — Бадиуззамонга мурожаат этди Навоий.

— Бу калима ҳаммамиз учун бебаҳо эди, — деди Бадиуззамон жиддий ва сокин, — аммо зоти олийларига маълум бўлган баъзи ҳодисалар бу калимани батамом маъносиз этиб қўйди...

— Хато қиласиз, шаҳзода, — ишонч билан деди Навоий, — мамлакат, давлат, эл-улус сулҳ ва осойишталикка ниҳоят ташна экан, ҳаёт ва саломатлик ёлғиз шу калимага боғлиқ экан, сиз қайси мантиқ билан аксини исбот қила олурсиз?

Навоий давом этди:

— Ақли салим соҳиби учун бу имконсиздир. Мен аминменки, сиз жаҳолат тифини синдирмасангиз, биродарларингиз номуссизлик ботқоғига кун сайин чуқурроқ ботаверсалар, бу юртда ҳаёт ўчоғи соврилур. Мақсадларингиз нима? Биз сизлардан нима кутган эдик? Алҳол нималар кўрмоқдамиз. Хатоларни тузатмас экансиз, юрт сизни асло кечирмас! Иниларингиз сиздан намуна олмоқдалар. Сиз фалокат бошчиси бўлиб қолдингиз.

Бадиуззамон юзи оқариб кетди. Хуш мўйлаби титради, лабини тишлаб ерга қаради. Қари сардор Зулнун Арғунбек оғир сўлиш олди.

— Ўғлимнинг мотами дилимга чуқур жо бўлган... — деди қайғуланиб Бадиуззамон.

— Қўлларини гўдак қони билан бўяганларни, кимлар бўлмасин, ҳеч вақт оқламаймэн, кечирмаймен. Ҳар вақт уларга

лаънат ўқиймен, — деди Навоий ҳаяжонланиб. — Аммо халқ ва давлат айбдор эмас. Буни яхши фаҳхламоқ керак, ахир...

Бадиуззамон яна отадан кўрган ҳақсизликлар тўғрисида шикоят қилди. Навоий юрт, халқ олдида, тарих олдида шахсий гиналарнинг ҳеч қиймати йўқлигини исбот этмоққа тиришди. Ҳақиқий инсоннинг фазилати ҳақида гапириб, деди:

— Инсон учун тож киймоқ шарт эмас, балки номус ҳам виждон соҳиби бўлмоқ, жамият олдида ўз масъулиятини сезмоқ шарт!

Бадиуззамон сукут қилди. Лекин кўзлари билан Зулнун Аргунга нимадир ишорат этди.

— Мир жанобларининг сўзлари маъқул... — деди мажлисга қараб қари саркарда, содда дағал товуш билан. — Аммо не асосда сулҳ ясалмоғи керак — бу жиҳатни билсак яхши бўлур эди.

— Шартларни ҳам келтирганмен, — мажлисни кўзлари билан синаб деди Навоий, — бу шартлар асосида асло бузилмас, ҳамиша барқарор бир сулҳ тузмоғимиз керак.

— Билсак мумкинми? — сўради Бадиуззамон.

Навоий Балх вилояти ҳам Амударёдан то Мурғобгача бўлган ерларни идора этмоқ ҳуқуқи шаҳзодага берилиши мумкинлигини сўзлади.

Бадиуззамон маслаҳатлашмоқ учун Зулнун Аргун ҳам бир неча яқинларини олиб, ташқари чиқиб кетди. Навоий шаҳзоданинг шоири бўлган Мавлоно Замоний билан суҳбатлашиб ўтирди. Мавлоно Замоний сўз орасида собиқ қози Шаҳобиддин ҳақида келган ва шаҳзода томонидан катта илтифот кўрган қози аслида Музаффар Мирзонинг жосуси экани, ҳам куни кеча яширин ҳужжатлар билан қўлга тушгани, букур эрта билан дорга осилгани ҳақида гапирди. Навоий жинояткорларнинг тақдирини ҳамиша разил, шарманда, машғум бир равишда битажагини катта ишонч билан баён қилди.

Бадиуззамон кириб сулҳ шартларини қабул этганини билдирди. Бу кундан бошлаб ҳар қандай душманлик ҳаракатларидан воз кечишини шоирга қатъий ваъда этди. Зиёфатдан кейин шартнома тузилиб, имзо чекилди.

Иккинчи кун эрта билан Бадиуззамон ўз лашкарини кўчириб бошларкан, Навоий Ҳусайн Бойқаро қароргоҳига сулҳ олиб келди. Сулҳ хабари бу ерда ҳамманинг юрагини фавқуллодда қувонч билан тўлдирди.

Кечга яқин шоир Ҳиротга кирди. Бутун халқ уни табриклаб, ўз муҳаббати ва миннатдорлигини намойиш этди.

Мана „Унсия“. Шеър ва фикр ўчоғи. Олимлар, шоирлар, рассомлар, наққошлар, чолғучилар илҳом булоғи... Ҳиротнинг, бутун Хуросоннинг, Мовароуннаҳрнинг кўрки, ифтихори, қалби ва виждони. Яна дўстлар — яқинлар келишиб, шоирнинг муҳаббати билан руҳларини гуллашиб кетдилар.

Осмоннинг тиниқ зангорида тўлин ой нур ўтовини тиккан. Саноқсиз юлдузларнинг муаззам, улуғвор оҳангида кеча жимгина пинакка кетган. Юпқа ой нурига ўралган боғчалар



қузнинг салқин нафасидан снгил титрайди. Хоналарда чирроғлар ёқиғлиқ. Мулозимлар, хизматкор аҳли, ҳар вақт бўлиб турадиган меҳмонлар, яқинлар бирон нарса билан машғуллар. Соҳиб Доро қаламни сиёҳдонга ботириб, кўзларини юмиб қофия қидирди. Хизмати ва садоқати билан бу даргоҳда соқолини оқартирган Шайх Бахлул ўз хўжасининг девонини ўқийди. Бир хонада шатранж ҳаваскорлари қизгин ўйин билан банд. Бир хонада ҳисоб-китобга эпчил мулозимлар шоирнинг кундалик хайри эҳсонлари учун сарф бўлган маблағларини дафтарга ёзиб, ҳисоблайдилар. Ҳовлида отбоқар содда халқ кўшиғини куйлаб, аста кезинади...

Шоир ўз хонасида ўтиради. Нечундир умр қуёшининг шомга кираётганини у кейинги вақтларда, ёлғиз қоларкан, кўпроқ ўйлай бошлади. Улим дўстларни бир-бир чақирмоқда. Ҳасан Ардашер қани? Пир Муаммой, жонажон Муҳаммад Саид паҳлавон қани? Жомий қани? Буларни ўйларкан, қалбида дард мавжланади. Бу — ўлимдан қўрққанидан эмас, балки ҳали қилмоқчи бўлган ишларнинг, ёзилмаган мавзуларнинг кўплигидан... Сўнги йилларнинг ташвишлари, изтироблари, меҳнат олтимишдан ошган шоирни оёқдан чалаётган эди. У тақдирнинг ранг-баранг жилваларини кўрди. Нашъасини ҳам, қайғусини ҳам айни донишмандона кечирди:

Гаҳи топдим фалақдин нотавонлиғ,  
Гаҳи кўрдим замондин комронлиғ.  
Баси иссиғ, совуқ кўрдим замонда,  
Баси аччиғ, чучук тотдим жаҳонда.

Шоир ўз ҳаётида яратган илмий, маданий муассасаларнинг яшашини, хайри эҳсонларнинг ўзидан кейин ҳам каттароқ миқёсда давом этишини орзу қилди. Ҳозир уни „Вақфнома“ ёзиш фикри эгаллаб олди. Мадрасаларнинг, „Шифоия“нинг, хонақоҳнинг таъминоти, талабаларнинг нафақаси, мударрисларнинг маоши учун лозим маблағлар, муҳтожларга бериладиган кийим-кечак, байрамларда халққа тортиладиган таомлар, егим-есир, камбағалларга кундалик хайр қозонлари ва бошқа инъомлар, эҳсонлар учун қанча қўй, қанча хўкиз бериш, ҳалимга қанча буғдой солиш, қанча ботмон ундан нон ёпиш, қанча пуд ҳалво, қанд-набот кераклигини батафсил кўрсатган бир китобча— „Вақфнома“ ёзмоққа қарор қилди.

Лекин олдин „Муҳокаматул луғатайн“ни битириш керак. Она тилида „Хамса“ яратди, „Чор девон“ яратди. Улуғ форс шоирлари каби шерьнинг ҳамма шаклларида қаламни жасур сурди. Шерьнинг, „туркий саз“нинг садолари билан ўз тилининг қудратини, ҳуснини, бойлигини исбот қилди. Энди буни мантяқ билан, илмий усулда исбот этиш керак. Бутун Шарққа донг чиқарган форс тили билан хўрланган она тилини кураш майдонига олиб кириш керак. Қани қайси паҳлавон тўлақонлироқ экан!

Шоир дарича ёнида, шамга яқин ўтириб, қаламни қоғозлар бетида қитирлатди. Икки тил — ўзбек ва форс тиллари —

икки паҳлавон. Улар гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтардилар, гоҳ хусн ва салобатларини намойиш қиладилар. Гоҳ кўйинларидан дур ва гавҳарларни ҳовучлаб сочадилар, гоҳ хуш садоликни ишга соладилар.

Бу ажойиб, бемисл курашни томоша қилғали Фирдавсийдан бошлаб мавлоно Жомийга қадар ҳамма улуг форс шоирлари келган эдилар. Ҳар қайсилари ўз обрўларининг юксак поясида ярқираб ўтирадилар. Лекин улар тилларининг курашидан нохушлана бошладилар: форс паҳлавони қай бойлиги билан чиранмасин, ўзбек ботири уни қизартириб кўяди!

Навоийнинг қалам тутган қўли толди. У паҳлавонларнинг курашига қизиқсиниб, узоқ ўтириб қолганини сезмади. Кейин курашнинг давомини эртага қолдириб, ўрнидан турди. Ўз паҳлавонининг қудратига ишонган, уни қатъий ғалаба билан олқишлаб, кураш майдонидан қўлларига кўтариб, ардоқлагани келган улуг азамат форс шоирлари ранглари ўчган, алланечук бўшашган бир ҳолда кўздан ғойиб бўлдилар. Уларнинг орасида фақат марҳум мавлоно Жомий ўзбек паҳлавонига офарин ўқиб, унинг елкасини қоқди.

Навоий ўрнидан турди. Юрагида шодлик денгизи чайқаларди: — она тилининг ғалабаси унинг ғалабаси, унинг суйган халқининг, тарихининг ғалабаси эди. Шоир шамни ўчирди. Ҳасани қўлга олиб, ётоқ уйга кирмоқ учун уюшган оёқлари билан аста-секин юриб, ташқари чиқди. Салқин тоза ҳаво юзларига ёқимли урди. Чексизликда муаззам оҳанг билан оққан юлдузларнинг нафаси, боғчадаги дарахтларнинг шитирлаши, ярим кечада ип игирган жафокаш кампир чархнинг „ғуғуви“, узоқда карвон тевалари қўнғироғининг вазмин оҳанги—барчаси шоирнинг кўнглига бир хилда яқин, таниш, маънодор туюлар, барчасини у чуқур севар эди...

### ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

... Изғиринли очиқ кунда эрталаб Султонмурод тамом битган қалин, оғир китобни— „Жомиул фунун“ни шоҳи рўмолга ўраб, қўлтиққа олди-да, уйдан чиқди. Тафаккур билан уйқусиз кечирилган саноқсиз тунларнинг машаққати, турли даврларда, турли тилларда мингларча китоблардаги одамизот фикрининг яратувчи ақл билан сараланган, мантиқнинг ўткир тиғи билан тарашланган қийматдор гавҳарлари бу қалин китобда эди. Султонмуроднинг аввалги асарлари унинг обрўйига сабаб бўлган эса, бу — унинг ғурури эди. Бу хазинани ҳақиқий хазинадорга, маслаҳати, илҳоми, моддий таъминоти билан кўмаклашган Навоийга тақдим этмоқ учун олиб бормоқда эди. Олим юрагида баҳор тошқинларидай куйлаб оққан шодликнинг мусиқийси билан енгилланиб, лой қотмаган йўлларда гўё учгандек кетарди.

„Унсия“га кириш билан олим бу даргоҳнинг мулозим ва хизматкор аҳлининг бўздай оқарган жонсиз юзларини, эгилган қадларини кўриб, оёқлари ерга михлангандек, қотиб қолди. Гўё

кимдир бу одамларни ўлим жазосига буюрган; улар ҳозир ҳаётдан кўз юммоқ учун ўз навбатларини кутиб турадилар!

— Не бўлди? — сўради Султонмурод анқайиб.

— Мир жаноблари хаста ётибдилар, — мажолсиз овоз билан жавоб берди бир хизматкор.

Тубсиз бир ўпқонликдан сакрагандек, олимнинг юраги „шув“ этиб кетди. Навойнинг хонасига югурди. Катта хонада Ҳиротнинг тиб илмида нодир одамларидан бўлган ўндан ортиқ табибни, Дарвешалини, вазир Хўжа Афзални, баъзи яқинларини кўрди. Хаста уйнинг тўрида тўшакда ётарди. Устига хитойи атлас кўрпа ташланган.

Султонмурод оёқ учида юриб, китобни шоирнинг тепасидаги токчага қўйди. Кейин хастанинг пар ёстуққа ботган бошига, гўё сажда қилган каби энгашди. Ҳайҳот! Бутун фикр оламининг ифодаси билан боқувчи доно кўзлар юмуқ. Юзда сезилар-сезилмас изтироб. Султонмуроднинг кўзларидан қизгин булоқ тошди. Узоқ тикилди: „Улуғ устод, мен қаламга олган китобимни битирдим!“ — кўпроқ энгашиб, дард билан гапирди олим. Хастанинг кўзлари бир зумгина мажолсиз очилди. Лаблари қимирлаб, нимадир сўзлади. Султонмурод эшитмаган бўлса ҳам, кўзларининг маъносидан, лабларининг ҳаракатидан шоирнинг қувонганини билди.

Хўжа Афзал олимга яқинлашиб, унга таскин беришга тиришиб, юпантирувчи сўзлар айтди. Табиблар оёқ учида дам эшикка чиқиб, дам қайтиб шивирлашиб, ўзаро кенгашар эдилар. Аксари яна қон олишни маслаҳат берарди. „Касал сакта“ни даволаш учун, эски юнон табиблари ва Абу Али ибн Синодан тортиб буқунги табиблар қўллайдиган ҳар бир чорани кўришга, ҳар бир дорунини тайёрлаб, татбиқ этишга ғайрат қилишарди.

Султонмурод табибларга кенгаш тариқиди баъзи мулоҳазаларини сўзлаб, уларнинг ишига халақит бермаслик учун ташқари чиқди, хоналардан бирига кирди. Бунда Осифий, Сухайлий, Ҳофиз Ёрий, Мир Мумтоз, Ғиёсиддин Деҳдор ва ҳоказо шоир, олим, санъаткорлар намли, қизарган кўзларини ўспирин Хондамирга тиккан эдилар. Султонмурод бир чеккага ўтирди.

— Хоқон Соҳибқироннинг истиқболига чиққан одамлар, — ҳикоя қиларди кўрганларини Хондамир, — „Форён“ работида қарор топдилар. Кечани бу ерда ўтказдик. Тонг отганда, Навой ҳазратлари работ деворларига, эшикларига мусофирлар ёзиб кетган ёзувларни ўқимоққа бошладилар. Шоирнинг кўзлари шу қитъага тушди.

Дар ин дақиқа бимонданд жумлаи ҳукамо,  
Ки одами чи кунайд бо қазойи кун-фаякун,  
Фруғи набз чу шуд мунҳариф зи жунбиши асл,  
Ба лойи ажз фуру рафт пойи Афлотун,

Салоҳи таъб чу сўйи фасод рўй ниҳод,  
Бимонд беҳуда дар дасти Бу Али қонун<sup>1</sup>.

— Алишер жаноблари бу қитъани маъқулладилар. Мен буни шу онда ёзиб олдим. Бироз фурсатдан сўнг, барчамиз „Маликшоҳ“<sup>2</sup> работига қараб юрдик. Рўбарўдан Соҳибқироннинг маҳофалари<sup>3</sup> кўринди. Шу аснода тақдир иқтисоси билан Алишер жанобларининг ҳолларида ғариб тағайюри<sup>3</sup> рўй берди. Хўжа Шаҳобиддин Абдуллони чақириб: „Ҳолимдан огоҳ бўлингиз, аҳволим оғир“ дедилар. Бир нафасдан сўнг отдан тушдилар, аммо истиқбол учун илгари юрмоқдан ожиз қолдилар. Дарҳол Хўжа Шаҳобиддин билан мавлоно Жаллолидин Қосим қўлтиқладилар. Бу касали сақта Мирни такрор ҳаракат ва сўзлаш қобилиятдан маҳрум қилди. Кўнгилларда қайғу жўш урди. Азиз хастани маҳофага ётқизиб, Ҳирот сари юрдик, ҳақимлар йўлда қон олдилар. Лекин фойда бермади. Ярим кечада бу муборак манзилга етиб келдик... Эй воҳ, бақосиз фалак!

Хондамир кўз ёшини артиб жим бўлди. Ҳамманинг боши букук, кўнгли синиқ эди. Хондамир ҳикоясидан кейин ҳеч ким ожиз очмади. Ҳамма дардли сукутга ботди.

Рангида қон қолмаган одамлар устма-уст келарди. Табиблар бениҳоят ғайрат кўрсатар, янги-янгилари келиб даволашга уринардилар.

Бу дард илаки ўлармен мараз чу зоҳир эмас,  
Табиблар бу балога не чора қилгайлар?

Шоир ўз касали ҳақида тўғри айтган экан шекилли, касал соат сайин оғирлашарди. Эртаси, якшанба куни, тонг чоғида шоир ҳаёт билан видолашди.

Букун — ҳижрий 706<sup>4</sup> йил, 12-жумодилоҳир — тарихда улуғ мотам куни бўлди. Бутун Ҳирот ҳасрат билан уйғонди. Қора хабар юракларга сингди, дарднинг оловида кўмир бўлиб ёнди. Ҳамма ўз бошида ўлим кўлкасини сезар, иқрор қилар, лекин улуғ шоир учун буни ҳатто фараз этишга ҳам ботинмас эди шекилли! Ҳар бир ҳиротлик ёлғиз ўз юрагида эмас, бутун шаҳарда, бутун мамлакатда қандайдир эзувчи бўшлиқ сезарди. Гўё ҳаётга руҳ бағишлаган, нарсаларга маъно берган нимадир гойиб бўлди. Катта боғлар, хиёбонлар, мадрасалар, жомелар, майдонлар, кўчалар халқ билан лим-лим. Лекин бутун шаҳар қандайдир бўш ва ўксиз... Қариларнинг кўркам соқолларидан

<sup>1</sup> Бундай нозик ишда, яъни қазо етганда барча ҳукамо ожиз қолдиларким, одам тангри хоҳиши билан бўлган қазога қарши нима қила олади? Қачонки томир чароғи асл ҳаракатдан ўчиб қолса, Афлотуннинг ҳам оёғи ожизлик ботқоғига ботиб қолади. Табиатнинг саломатлиги бузуқ томонга қараб юзлангач, Абу Али ибн Сино қонунларининг ҳаммаси бекорчи бўлиб қолади.

<sup>2</sup> Подшонинг араваси маъносиди.

<sup>3</sup> Ўзгариш.

томчилар юмалайди. Гўдаклар фавқулодда жиддийлашган. Улар совуқ ҳавода кўпроқ енг учи билан кўзларини артардилар. Ўз тарихида не-не улуг зотларни кўмган Ҳирот ҳеч вақт, ҳеч қайси мотамда букунги мотамдагидек қайғу гирдобиди чирпинмаган.

— „Унсия“нинг ичи лим-лим одам. Юзлаб олим, юзлаб шоир, юзлаб санъаткор, шайхлар, садрлар, мансабдорлар, ҳунармандлар, деҳқонлар кириб, шоир билан видолашар, ҳўнграб-ҳўнграб чиқардилар. Улардан кейин яна янги тўлқин оқарди...

Дарвешалини дард букиб қўйган. Қадрдон мулозимлар Шайх Баҳлул, Соҳиб Доро, Маҳмуд Тойбодий ва бошқалар эса ҳўнградан айрилганлар. Айрилиқ, муҳаббат, кўз ёши тўғрисида сайраган шоирлар бу сўзларнинг ҳақиқий, улуг маъносига энди етганлар.

Мана Беҳзод. Шоирнинг, ўз устозининг бошида унинг йиғиси, ўлмас асарлари каби, чуқур, маънодор. Мана, кечаги содда баҳодир, дўлвор йигит — букун минг навкарнинг бошлиғи Арслонқул. У ўкириб йиғлайди. Шоирлар билан бир қаторда жанговар беклар йиғлайди...

Эркаклардан бўшаган хонага аёллар кира бошлади. Юзлаб сарой хонимлари йиғлаб келишди. Булардан сўнг келган юзлаб халқ аёллари, қизлар, келинлар, кампирлар қора кийиниб, фарёд билан ҳавони зириллатдилар. Султонмурад сокин, улугвор ётган улуг ўликни сўнг дафъа қучоқлаб чиқаркан, даҳлизда хотинлар орасида Дилдорга кўзи тушди — тимқора кўйлак, нозик қошларига қадар тушган тимқора рўмол. Қора, шаҳло кўаларидан дур-дур ёш қуюларди. Султонмурад оғир хўрсинди, гўё ичида бир олов туюқди: „Йиғланг, синглим, йиғланг! Букун бутун бир умр учун тўйиб йиғламаган кўзлар абадият кўр бўлу!“ — деди Дилдорга у. „Оҳ, тақсиржон, йиғи кучсиз. Куймоқ, кул бўлмоқ керак!“ — деди Дилдор бўғилган овоз билан.

Шоирлар, шеър ҳаваскорлари, олимлар, ҳатто табибларга қадар, қайғуни, Навоийга бўлган муҳаббатларини шеърга қуймоққа бошладилар. Икки, тўрт, олти, саккиз мисрали „тарих“ лар саноқсиз пайдо бўла бошлади. Парча-парча қоғозлар қўлдан-қўлга ўтиб, кўчирилиб, янги илҳомларни тўлқинлантирди. Ҳар бир сўзидан йиғи, фарёд кўтарилган, қайғу барқ урган ажойиб „Марсия“лар яратилди. Шоирнинг мотамини шеър гуллари безади.

Шоҳиларга ўралган тобутни шоир дўстлари, жанговар беклар, Ҳиротнинг аъён ва ақобирлари кўтариб чиқдилар. Халқнинг фарёди кўкни титратди. Улуг мотамга бепарво қолишни истамагандек, осмондан булутлар ҳам дув-дув томчилар қўйдилар... Тобут халқ денгизи устида чайқалиб, мингларча қўлларда узатилиб, „Унсия“дан бирпасда узоқлашиб кетди. Ҳар ким бу тобутга бармоқ учини тегизиб қолишни бахт деб билар эди.

Ўн мингларча қўлдан ўтган тобут „Идгоҳ“да тўхтади. Мотам

маросимига мувофиқ, дабдаба билан Ҳусайн Бойқаро ҳозир бўлди. Бу ерда жаноза ўқилди. Тобут яна халқ тўлқини устида сузди. Шоирни, ўзи солдирган гўзал бинолардан бири — „Жоме“да, абадий қарори учун илгаридан ясаб қўйган масканига ётқиздилар... Улуғ қабрнинг устида Ҳирот йиғлади. „Жоме“нинг пештоқлари, гумбазлари изтиробли садолардан титради.

Оқшомдагина кўчаларда, боғ ва майдонларда одам тўлқини сийракланди. Султонмурод ва Арслонқул бошларини қуйи солиб, хиёбон бўйлаб, аста кетарди. Қуёш оловланган булутларга ботиб, уфққа шўнғир эди. Хиёбон охирида Султонмурод хўш-лашмоқ учун тўхтади. Қизариб шишган кўзлари билан Арслонқулга қаради.

— Азиз отамизнинг фикрини, йўлини ҳимоя қилмоқ учун, — деди Султонмурод бўғиқ ва ҳазин овоз билан, — қиличнингизни маҳкам тутинг, баҳодир!

— Мен тигим билан, — қиличининг сопини қисиб, деди Арслонқул, — сиз ўз илмингиз билан халққа, юртга хизмат қилайлик!

Олим билан ботирнинг қўллари севги-садоқатнинг кучи ва самимийлиги билан маҳкам бирлашди.

## ТАРИХИЙ РОМАН ҲАҚИДА

Ёзувчи роман яратишда материални ўтмишдан ёки ўзи яшаб турган замондан олиши мумкин. Шунга кўра романлар тарихий ёки замонавий деб ажратилади.

Воқеа-ҳодисалари ва қаҳрамонлари узоқ ёки яқин ўтмишдан олиб ёзилган, қаламга олинган давр ёки шахслар ҳақиқий ёки тўқима бўлишидан қатъи назар, улар ҳақида ҳаққоний тасаввур берувчи романлар тарихий романлар саналади. Тарихий романларнинг кўпчилигида ўтмишда ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган воқеалар, яшаб ўтган шахслар ҳаёти асос қилиб олинади. Баъзан бундай тарихий шахслар асарнинг бош қаҳрамони бўлиши („Навоий“, „Чингизхон“, „Улуғбек хазинаси“ каби), баъзан эса тўқима қаҳрамонлар етакчи бўлиб, булар ёрдамчи образ тариқасида („Ўтган кунлар“, „Кўҳна дунё“ каби) иштирок этиши мумкин.

Агар роман асосида бир тарихий шахс ҳаёти (болалигидан то ўлимига қадар) тасвирланган бўлса, бу — тарихий-биографик роман, ёзувчининг ўз ҳаёти асос қилиб олинса, тарихий - автобиографик роман, инқилобий давр воқеалари асос қилиб олинса, тарихий-инқилобий роман кўринишларида учраши мумкин.

Тарихий романда, юқорида Ойбек таъкидлаганидек, ёзувчи фантазиясига, бадий тўқимага ҳам кенг ўрин берилади. Бу бадий тўқима ҳақиқий тарихий фактларнинг моҳиятини кенг-роқ очишга хизмат эттирилади. Шунга кўра романда ҳақиқий тарихий қаҳрамонлар билан бир қаторда тўқима қаҳрамонлар ҳам учрайди. Айтайлик, „Навоий“ романида Навоий, Ҳусайн

~~Бойқаро, Бадиуззамон, Жомий кабилар ҳақиқий тарихий қаҳрамонлар бўлса, Арслонқул, Дилдор, Тўғонбек кабилар бадий тўқима персонажлардир. Тўқима образлар уша давр ҳаётини, Навоий фаолиятининг турли қирраларини ёритишда ёрдам беради.~~

Тарихий романнинг тили замонавий романнинг тилидан фарқ қилади. Унинг ҳам асосида ҳозирги замон ўзбек тили ётади, айти пайтда асар тилининг руҳи тасвирланаётган даврга мос равишда архаиклаштирилади. Масалан, *бораман—борамен, мендан — мендин, қолади — қолур* каби. Айти пайтда даврга хос эскирган сўзлар ҳам меъёр билан ишлатилади: *парвоначи, шулон, мубошир, улус, сунорғол* каби.

Ўзбек тарихий романининг асосчиси А.Қодирий бўлиб, Ойбек бу жанрни янги поғонага кўтарди.

Бугунги ўзбек адабиётида тарихий романнинг бир қатор юксак намуналари яратилган: булар—О.Ёқубовнинг „Улуғбек хазинаси“, „Кўҳна дунё“, П. Қодировнинг „Юлдузли тунлар“, „Авлодлар довои“ ва бошқа романлардир.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Ойбек „Навоий“ романини ёзиш учун қандай тайёргарлик ишлари олиб борди?
2. Асарда Навоий ўз болалиги ва ёшлик йилларидан қандай воқеаларни ҳаяжон билан эслайди?
3. Навоийнинг шоир сифатидаги фаолияти, ижод жараёнлари тасвирланган лавҳаларни сўзлаб беринг.
4. Навоий мамлакатда тиғчилик ва осойишталикни сақлаш учун ота-бола темурийлар орасида қандай воситачилик ишлари олиб борди? Унинг бу уринишлари қандай натижалар берди?
5. Навоий туркий тилнинг қудрати ҳақида қандай фикрларни баён этган? Ўзбек тилининг бойлигидан ўз ижодида қандай фойдаланган?
6. Ёзувчининг ўз сўзларича, романда у тарихий факт ва бадий тўқимадан қандай фойдаланган? Романдаги ҳақиқий тарихий ва тўқима персонажларнинг номларини айтинг.
7. Ойбек „Навоий“ романининг тили устида қандай иш олиб борган? Берилган парчадаги эски сўзларни ёзиб олинг ва луғат тузинг.
8. Тарихий роман замонавий мавзудаги романдан қандай ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади?
9. Навоий ҳаёти ва ижоди акс этган яна қандай бадий асарларни биласиз?



## КОМИЛ ЯШИН

(1909 йилда туғилган)

Комил Яшин XX аср ўзбек адабиёти, хусусан драматургияси тараққиётига сезиларли улуш қўшган адиблардан биридир. Комил Нўъмонов — Яшин 1909 йилнинг 25 декабрида Андижон шаҳрида майда савдогар оиласида дунёга келди. Аввал эски усулдаги мактабда, инқилобдан кейин эса янги мактабда таҳсил олди. 7-синфни тугатгач, комсомол йўлланмаси билан Ленинград Ўрмон хўжалиги институтида 2 йил ўқиди.

1928—30-йилларда Яшин ўрта мактабда она тили ва адабиёт, физика фанларидан дарс берди. Айни пайтда Андижон вилоят театрида адабий эмакдош бўлиб ишлади.

Кўпчилик ижодкорлар сингари, Комил Яшин ҳам адабиётга шеърий орқали кириб келди. Бу шеърий машқлар адибнинг 1930—31-йилларда босилиб чиққан „Қуёш“, „Кураш“, „Комсомол“ тўпламларидан жой олди.

К.Яшиннинг драма жанрига мурожаат этиши устоз санъаткор Ҳамза номи билан боғлиқдир. Уша кезлари Ҳамза Андижонга тез-тез келиб турар, маҳаллий санъаткорлар ёрдамида „Шарқ кечалари“ ўтказар, спектакл ва концертлар уюштирар эди. К. Яшин устози ёрдамида пьесалар ёзишни машқ қила бошлади. Унинг биринчи пьесаси „Икки коммунист“ бўлиб, у 1934 йилда „Тор-мор“ номи билан қайта ишланган. Шундан сўнг ёш адиб қишлоқ ҳаёти муаммоларини акс эттирган „Ўртоқлар“, „Ендирамиз“, „Номус ва муҳаббат“ каби драмаларини яратди. Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг ошиб боришини бадиий талқин қилган „Номус ва муҳаббат“ драмаси 1937 йилги декада пайтида Москвада ҳам намоиш этилган эди.

К.Яшиннинг 30-йиллар ижодида хотин-қизлар озодлиги масаласи етакчи ўринда турди. „Гулсара“ (1935) ва „Нурхон“ (1939) драмалари худди мана шу жиҳати билан ажралиб туради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ваҳшийларча ўлдирилгандан кейин К.Яшин унга бағишлаб „Нафрат“ (1929) номли шеърини ёзди. 1940 йилда эса у шоир Амин Умарий билан ҳамкорликда



„Ҳамза“ номли тўрт парда, 9 кўринишли шеърӣ драма яратди. Асарга Ҳамза ҳаётининг сўнгги даври асос қилиб олинди.

К.Яшин устози Ҳамза сиймосини кейинчалик киносценарийда, 1980 йилда эса „Ҳамза“ номли романида ҳам яратишга муваффақ бўлди.

1939 йилда у Ҳамзанинг „Бой ила хизматчи“ драмасининг саҳна вариантини тиклади.

К.Яшин ижодида иккинчи жаҳон уруши мавзуси ҳам кенг ўрин эгаллайди. Жумладан, унинг „Улим босқинчиларга!“, „Офтобхон“, „Генерал Раҳимов“ пьесалари худди ана шу мавзуну ёритишга бағишланган.

Ёзувчининг „Йўлчи юлдуз“ (1957) ва „Инқилоб тонги“ („Бухоро“, 1974) пьесалари 1917 йил инқилоби ва ундан кейинги давр воқеаларини акс эттиришга бағишланган. Жумладан, „Бухоро“ драмасида адиб „Ёш бухороликлар“ уюшмасининг сардори, кейинчалик йирик давлат арбоби бўлиб етишган Файзулла Хўжаев сиймосини яратишга ҳаракат қилади.

К.Яшин Алишер Навоийнинг „Фарҳод ва Ширин“, „Сабъан сайёр“ дostonлари асосида яратилган „Фарҳод ва Ширин“ муסיқали драмаси, „Дилором“ операси либреттоси, Эргаш Жуманбулбулнинг „Равшанхон“ дostonи асосида яратилган „Равшан ва Зулхумор“ пьесасининг ҳам муаллифидир. У „Бўрон“, „Улуғ канал“, „Ҳамза“ опералари либреттосини ёзиб, республикада опера санъати ривожига ҳам муносиб улуш қўшган адибдир.

К.Яшин Ҳамза номидаги Республика давлат мукофотининг соҳиби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбобидир. Унга ўзбек ёзувчиларидан биринчи бўлиб „Меҳнат Қаҳрамони“ унвони берилган.

К.Яшиннинг „Нурхон“ драмаси жанр нуқтаи назаридан адибнинг бошқа пьесаларидан („Тор-мор“, „Номус ва муҳаббат“) фарқ қилиб, муסיқали драма ҳисобланади. Бу жанрдаги асарларнинг ўзига хослиги, биринчидан, шундан иборатки, улар муסיқа ва ариялар (қўшиқлар), баъзан эса дуэтлар (иккилик, яъни икки кишининг ўз туйғуларини бир-бирига қўшиқ орқали етказиши) каби жиҳатлар билан бойитилган. Бу унсурлар асар сюжети ва ички тузилишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсирида асарда таъсирчанлик, лиризм ва қаҳрамонлар руҳий дунёси тадқиқи кучаяди. Асар сюжетининг изчиллигида маълум шартлилик юзага келади, аммо бу шартлилик томошабинда шубҳа уйғотмайди. Айтайлик, Нурхоннинг пичоқланган ҳолда қўшиқ куйлаши ёки қаттиқ олишув пайтида дуэт куйланишини томошабин шартли равишда қабул қилади.

„Нурхон“ драмасида ўзбек хотин-қизларининг бидъат ва жаҳолатдан, тутқунликдан қутулишга уриниб, ижтимоий фаол шахсга айланишидаги мураккаб жараён ҳамда кескин тўқнашувлар сюжет асосини ташкил этади. Бу мавзу асар ёзилган даврда кун тартибда турган энг долзарб масалалардан бири эди.

Сиз қуйида ўқийдиган парчада бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш—Нурхон ва Ҳайдарнинг учрашув чоғидаги қувончлари, дил изҳорлари, севги туғёнлари ва буларнинг жаҳолат билан тўқнашуви мусиқали драма имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда жонлантирилади.

## НУРХОН

*(Беш пардали мусиқали драмадан парча)*

### Биринчи парда

Ҳожининг шинам боғи. Кетган узумзор. Чаман-чаман гуллар очилган. Унга қўрғончанинг ташқариси. Чапда ҳовуз лабида супа, супа теварагида райҳон, жамбиллар барқ уриб очилиб ётипти...

... Узум, шафтоли тўла саватни кўтариб Ҳайдар киради, саватини супага қўяди.

Ҳайдар. Юракни ўйнатиб қошимга эй, нозик адо келдинг, Жамолинг-ла этиб кўнглимни равшан, нур-зиё келдинг.

Қачондирки чаманга ой каби кирдинг салом айлаб, Дедилар лола-гуллар бош эгиб, минг марҳабо, келдинг.

Баҳор чоғи каби кўнглим уйини айладинг гулзор, Менинг ҳолимни сўрарга кўрсатиб меҳру вафо, келдинг.

Паранжили Нурхон киради. Атрофга хавотирланиб қарайди.  
Нурхон *(Ҳайдаржон қаршисига келиб)*.

Ассалом, эсонмисиз, эй хулқи хуш, доно йигит, Хўп ярашмишсиз чаманга гул каби барно йигит... Ёнди кўнглим, найлайин, ишқу муҳаббат ўтидин, Келмадингиз ҳол сўраб, қошимга бепарво йигит. Қоматингиз кўзима кўрсатмайин зор этдингиз, Бўлдингизми ё бўлак жононага шайдо йигит... Қўрқаманки бевафолик этмасангиз деб менга, Сиз йигитларнинг ичида бебаҳо, танҳо йигит.

Ҳайдар. Келинг...

Нурхон. Келдик... Омонмисиз?

Ҳайдар. Ўзингиздан сўрасак ... Шунча ҳам ташлаб кетадими киши деган.

Нурхон. Вой товба-эй ... агар отам пайқаб қолгудай бўлса, нах гўшт кетди қилади-я.

Ҳайдар. Мунча қўрқасиз? Ахир, келсангиз, ўз боғингиз, мен бўлсам сизнинг боғбонингиз... Жамолингизни кўриш шунчалар қийинми?

Нурхон. Йўғасам-чи. Осон ишда лаззат йўқ, яхши йигит.

Ҳайдар. Паранжингизни олиб қўяй...

Нурхон. Қўйинг, ўзим... Гап қилишади.

Ҳайдар. Яна кимлар бор?

Нурхон. Ойим, аммам, яна бир арава қизлар, ҳа-ҳа-ҳа...

Ойимлар бўлак аравада эди. Биздан жуда орқада қолишди. Бизнинг арава бўлса, мана шу кўчанинг бошига келганда ариқча тикилиб қолди.

(Куладилар.)

Мен ўзимни аравадан ташладиму, ҳеч кимга қарамай, чопганимча келавердим, ҳали бир арава қизлар билан боғингизни бошимизга кўтарамиз.

Ҳайдар. Кошқийди. Келинг, паранжингизни...  
Нурхон. Йўқ... қўйинг... (Жимлик). Ҳа, майли. (Паранжини бошидан олади.) Бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми?

Ҳайдар. Асло..  
Нурхон. Йўғасам, ўзингиз четроқ турсангиз...  
Ҳайдар. Хўп, жоним билан. (Кета бошлади.)  
Нурхон. Вой, қасққа? Анави йигитни.  
Ҳайдар. Сал нари турай, тагин оингиз...  
Нурхон. Ўзингиз ёмонсиз.  
Ҳайдар. Хўш, нега?  
Нурхон. Ён қўшнингизнинг бўйига етган қизи бор деб эшитаман.

Ҳайдар. Тўғри... бор... нима бўпти?  
Нурхон. Айтмадимми?... Эркакларда вафо борми?  
Ҳайдар. Нурхон, мен ёруғ дунёга келиб сизни кўрганман, мана шу хонадонда сиз билан катта бўлдим.  
Нурхон. Мен ҳам. Вой ўлай... (Қўйнидан дўппи ташади.)  
Ўз қўлим билан тикканман, кийинг-чи... Қуллуқ бўлсин... (Кийдириб қўяди.)

Ҳайдар. Қуллуқ. Ҳали-ҳали эсимда, жуда ҳам кичкина эдингиз. Мен ҳам сиздан икки қарич баланд эдим, холос. (Нурхон кулади) Сизни елкамга зўрға кўтариб, шу боғда ўйнатар эдим. Мана шу гулзор орасида, ҳов анови ариқлар бўйида. Сизга райҳон, жамбиллар териб берганман. Жуда кўп капалак, тилла қўнғизлар тутиб берганман. Ёдимда бор, митти қўлларингиз билан сочларимни тортиб, қулоқларимни юмдалаб олар эдингиз. (Кулиб.)  
Ҳайрият, хизматим бекор кетмабди.

Нурхон. Бу дўппи, қулоқларингизни юмдалаб олганим учун.

Ҳайдар. Қуллуқ.  
Нурхон. (кулиб). Мана бу қийиқча бўлса, мени кўтармасдан супачага ўтқазиб қўйиб, ўзингиз ўйнаб кетиб, мени йиғлатиб қўйганингиз учун.

Ҳайдар. Қуллуқ.  
Нурхон. Катта бир шоирнинг шу ғазалини қийиқчага гул қилиб тикдим.

Ҳайдар. Раҳмат, қани бир ўқиб кўрай, Навоийданми?  
Нурхон. Топинг-чи, ўзим ўқиб бераман. Сиз қулоқ солинг. (Кулади.)

Умрим борича севгили дилдоримни дерман,  
Кўнглим хуши сен ёру вафодоримни дерман.  
Сенсан севарим, сарви гулим, бахту нажотим.  
Бошимга қилич келса-да, сен ёримни дерман.

## Ҳайдар

Юз дард чекиб ёрига ошиқ етар охир,  
Булбул каби нола қилиб гулзоримни дерман.  
Боғ ячра кезиб бир гули баҳорини топмас,  
Минг марта тикан ботса-да, гулноримни дерман.  
Ҳайронману қомат ила қоши кўзингга,  
Бошимга қилич келса-да, сен ёримни дерман...

Шундан сўнг қизлар ҳам етиб келиб, боғда ўйин-кулгу бошланади. Йиғилганлар Нурхон ва Ҳайдарлардан қўшиқ айтиб беришни илтимос қиладилар. Уларнинг ижросида севги ҳақидаги гўзал қўшиқ янграйди.

... Ялла-ўйин қизиб турган пайтда Ҳожи билан Мамат бостириб киришади. Ҳожи қизининг ашуласига бир зум қулоқ солади. Кимдир Ҳожини кўриб қолади. Ўйин-кулги бирдан кесилади. Ҳамма жим бўлади.

**Ҳожи.** Тўхтатманг, Тўхтатманг!! Чалинг, чалинг, қизим!!  
(*Нурхон бош эгиб, титраган ҳолда жим туради.*)

**Халча.** (*Қулоғига.*) Айб менда эмас, Кимёда...

**Нозик.** Уз кўзим билан кўрдим, тагин бу хўжа авлоди-я.

**Ҳожи.** Хўш, энди розимисиз... айланай хотин?

**Кимё.** Нимага, отаси, нимага?

**Ҳожи.** Ҳалигидай, сизни томоғингиздан гиппа силаб қуйсам?...

**Кимё.** Отаси, ахир...

**Зеби.** Айланай, Ҳожим, шунчаки ўйнаб-қулиб ўтиришган эди.

**Ҳожи.** (*тошдай қотиб қолган Нурхонга боқиб*). Овозим бор деб ашулага зўр берибсиз-да, оппоқ қизим. Мен сизнинг овозингизни ҳеч эшитганим йўқ эди. Маматхон, дуторни келтиринг.

*Мамат дуторни келтириб беради.*

Қани, қизим бунни олинг-чи? Қани чалинг, ашула қилинг.

*Нурхон дуторни ихтиёрсиз олади.*

**Нурхон.** (*Изтироб ичида.*) Отажон... Ахир ўртоқларим шу ерда, онам, холам, отажон...

**Ҳожи.** Биламан, ўтиринг, чалинг, эшитай.

*Нурхон чалади.*

Тузукроқ чалинг, оппоқ қизим. (*Бирдан бўғиқ овозда*) Синдириг!

**Нурхон.** Отажон, ахир бу бировники. (*Бағрига босади.*)

- Ҳожи.** Сўз қайтарманг, синдиринг (*қўлидан олиб*). Топшга уринг! (*Чапга ўтиб, дуторни улоқтиради.*)
- Нурхон.** Илоҳини туғилмай ўлай. (*Орқага йиғлаб ўтади, онасининг бағрига ташланади.*)
- Ҳайдар.** (*қайнаб*) Ҳожи ота. Бир оз андиша қилинг. Бу шўринг қурғурларнинг айби нима? Айби қону зардобга тўлган кўнглимни бўшатай, баҳрим очилсин деб, ўз боғига чиқиб ўйнаб-кулганими?!
- Ҳожи.** Кўзимга қадалиб олиб, қўлингизни тўлғаб гапирманг!! Юрак ўйноғи дардим бор. Қойил. Боплабсиз, ука қандингизни уринг, ўғил бола! Одам тўплабсиз, боғимни обод қилибсиз, менинг обрўйимни кўтарибсиз. Бу яхшилигингиз сира ёдимдан чиқмайди, ука!
- Ҳайдар.** Кўриб турибман, жаҳолатингиз авжига минган. Кўнглингиз бўридай увиллаб турипти.
- Ҳожи.** Бунақанги шамолда турган шамдек ёнаверсангиз, ҳа-па дегунча тугайсиз, иним, бировларни ҳимоя қилиш қўлингиздан келмайди. Ахир, бу менинг қизим. Сизга бегона... аралашманг!
- Ҳайдар.** Мен очик айта қолай: Нурхон менга бегона эмас!!! У менинг жонимга тенг. У мен учун — ҳаёт, умр, бахт!
- Ҳожи.** Нима, нима?! Қайтаринг!
- Ҳайдар.** Биз бир-биримизга кўнгил берганмиз. Бизнинг аҳду паймонимиз қаттиқ.
- Ҳожи.** Аҳду паймон?! Ҳа-ҳа-ҳа! Сиз-а?! Сиз?!
- Ҳайдар.** Уни боғимдаги қизил гул сингари авайлаб парвариш қиламан!
- Ҳожи.** Боғимдаги? Сизнинг боғингиздагими? Ҳо-ҳо-ҳо!!!
- Ҳайдар.** Кулманг!! Ҳеч ким бизни бир-биримиздан жудо қилолмайди. Чунки бизни замон ёқлайди, замон!!
- Ҳожи.** Шунақами? (*Бирдан ғазабнок, Ҳайдарнинг кўзига тикилиб.*) Замон ёқлайди. Тўғри, лекин мен ёқламайман! Пар-ча-лаб ташлайман!
- Норқўзи.** (*Ҳузурхўжанинг қўлидан чиқиб.*) Ҳожим, қовунигиз соб бўлса ҳам, ҳалигача капангиз бузилмабди. Бола-чақани мунчалик мўтаб ташламанг. Ёшларнинг мақсадлари йўлига ғов бўлманг! (*Ҳожи ялт этиб Норқўзига қарайди.*)  
Дуторни синдир деганингиз нимаси? Ёшлар кулсин-ўйнасин. Мурод-мақсадига етсин!
- Ҳожи.** (*ёқасига тупуриб.*) Э, жони-поним чиқиб кетди-я! Сиз ҳам шу ердამидингиз? Пўстинга тушган бургадай кўринмай кетувдингиз. Берган маслаҳатларингизга жону дилла хурсандман. Ҳузурхўжа!
- Ҳузурхўжа.** Нима дейсиз, Ҳожи ота?
- Ҳожи.** Аравани кўшинг.
- Ҳузурхўжа.** Хўп, Ҳожи ота.
- Ҳожи.** Маматхон, буларни вейга жўнат. Андек хафа

қилиб қўйдик. Худо хоҳласа, яхшилаб хурсанд қиламиз. Хўпми, ўғлим. *(Кетмоқчи бўлади.)*

**Ҳайдар.** Ҳожи ота, мана бу аёл менинг туз бериб парвариш қилган онам бўлади. Онамга, Нурхонга азоб бера кўрманг! Агар буларга қўл кўтарсангиз...

**Ҳожи** *(сўзини кесиб)* Ҳамма гапингиз шуми? Хўп, хайр. *(Орқага ўтиб.)* Маматхон, тезроқ! *(Кетади.)*

**Норқўзи.** Ҳожим, тўхтаг! Ҳожим! *(Кетади.)*

**Мамат.** Қани, аравага чиқинглар. *(Кетмоқчи бўлади.)*

**Ҳайдар.** *(йўлини тўсиб)* Маматхон, бу қандай гап ахир?

**Мамат.** Нима қилай, Ҳайдаржон ака? Отамнинг феълени биласиз-ку! Қани, аравага чиқинглар. *(Кетади.)*

**Нурхон.** Отажон! *(Йиғлайди.)*

**Кимё.** Йиғлама қизим. Бечора қизимнинг севинчи ичига тушди.

**Халча.** Илойим, келмай ўлай. Кўп гапирдим. Ишнинг худо ургани шу-да. Қани юра қол, Нозикхон.

### Кетадилар.

**Нурхон.** Онажон, ҳозир... *(Бошида паранжи, кўчага чиқади. Яна тез қайтиб киради.)* Ҳайдар ака!

**Ҳайдар.** Қўрқма отангнинг қаҳридан, мен сенга ёрман... Ҳар қачон сен „Ҳайдар“ десанг, ёнингда борман. Боғ ичида яйраб, кулиб ҳолинг сўролмадим. Парвонадек бошингдан, э Нур, ўргилолмадим. Ширин қўшиқларингга, жоним, тўёлмадим.

**Иккови.** Ёрим, юзингни кўргали муштоқу зорман.

**Ҳайдар.** Синдир қафасни, йирт пардани, оромижоним ўл. Кўнглим уйига меҳмону, жисмида жоним ўл... Кел, навбаҳорим бўлгилу, жону жаҳоним ўл.

**Орқадан.** Нурхон!

**Нурхон.** Ҳозир...

**Ҳайдар.** Қўрқма отангнинг қаҳридан, мен сенга ёрман...

**Иккови.** Ҳусну жамолинг кўргали муштоқу зорман.

### Парда

#### Савол ва топшириқлар.

1. Комил Яшин таржимаи ҳолига оид нималарни биласиз?
2. Драматургнинг хотин-қизлар озолиги мавзусидаги қандай асарларини биласиз?
3. Адиб уруш даврида қандай саҳна асарлари яратган?
4. К.Яшин ўзининг қайси асарларида Ҳамза сиймосини яратган?
5. „Бухоро“ драмасининг бош қаҳрамони ким?
6. К.Яшиннинг „Нурхон“ асари драматик асарларнинг қайси турига киради ва бундай асарларнинг ўзига хос қандай хусусиятларини биласиз?
7. Нурхон ва Ҳайдарнинг дил изҳорларидан сиз нимани англадингиз?
8. Нурхоннинг отаси Ҳожи отанинг хатти-ҳаракатлари унинг қандай одам эканлигини кўрсатиб турибди?
9. Келтирилган парчани ролларга бўлиб ўқинг.

## УСМОН НОСИР

(1912—1944)

*Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,  
Боққа кирсанг гуллар шарманда.  
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,  
Жоним каби яшайсан манда...*



### УСМОН НОСИР ҲАҚИДА СЎЗ

... Усмон Носир деганда биз кимни тушунамиз? У шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини куйдиргувчи оловдир. Шоирнинг гоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу чақмоқдек умрда бениҳоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини кўриб ва ҳис қилиб турасиз. Усмон Носир улуг ва абадий шеърятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқаҳага айланмай, лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари кўз каби тирик, жонли, тутқич бермас ҳаёт пораларидир:

Боғларга намозгар  
Салқини тушди,  
Гуллар нам баргини  
Қайирди аста.  
Офтоб ҳам сув ичар  
Тоғлардан пастда,  
Лоладек қип-қизил  
Ўт-шафақ ўчди...

Бу каби сатрлар Усмон Носирнинг умуман шеърӣй қиёфасини, асарларининг поэтик оҳангини белгилайди, десак хато бўлмас... Айни пайтда шуни эслатиб ўтмоқ лозимки, ҳаётнинг теран қатламларига эндигина кириб бораётган Усмон Носир ҳам уни батамом тадқиқ этишга улгурмаган эди. Ҳар қандай катта ва ўзига хос истеъдод эгаларида бўлгани каби унинг ҳам бетакрор услуби мавжуд эдики, биз бу услубда бирмунча романтик кайфият устунлигини кузатамиз. Аслида ҳам, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тадқиқ этиш ўша воқеа ва ҳодисаларни шеърхонга такрор айтиб беришдангина иборат эмас. Ҳаёт ҳодисалари қалбимизда уйғотадиган таассуротлар ва кайфиятларни ифодалаш шеърятда фуқаролик маъносини билдиради. Шунга кўра, ҳаёт нечоғли ранг-баранг бўлса,

шоирнинг ундан орттирган таассуротлари ҳам шу қадар ранг-барангдир. Агар шоир бир шеърда тирикликнинг чексиз машаққатларидан дили озор топган шикаста зот сифатида кўринса, бундан сира ҳам ажабланмаслик керак. Одам боласи то ҳануз номукамал экан, то ҳануз ёруғ идеаллар учун кураш олиб борар эканмиз, инсонлар феъл-атворидаги қусурлардан бир лаҳза ҳам кўз юммаслигимиз шарт...

Усмон Носирнинг латиф ва самимий, гоҳ эса ўйчан, лекин ҳамisha мароқли шеърятини кўздан кечирган киши ҳар қандай теран ўйларга чўмади. Шоирга умр вафо қилиб, агар у узоқроқ яшаганда, бизга нечоғли қадрли асарлар яратиб бериши мумкин эди, деган фикр хаёлимиздан кечади. Унинг бизга қолдирган ҳозирги мавжуд меросидан ҳам ажиб бир қониқиш ҳосил қиламиз. Усмон Носир шеърларини ўқиганимизда, баъзи шоирларнинг мудроқ ва ғализ ижодиёти тарих учун нечоғли нозарур эканлигини пайқаб қоламиз. Бу ҳам Усмон Носир ижодининг авлодлар учун ибратли жиҳатларидан биридир. Биз бутунги кунда Усмон Носирнинг таржимонлик фаолиятини ҳам зўр мамнуният билан тилга оламиз. Улуғ рус адабиётининг иккита энг кўркам достони — „Демон“, „Боғчасарой фонтани“ унинг таржимасида жаранглаб турипти. Биз Усмон Носирни қадрлаймиз. Чунки у шеърятнинг табаррук, муқаддас даргоҳида анвойи бир чаманзор, сира хазон бўлмайдиган мўъжиза боғ яратиб кетди.

*Абдулла Орипов. 1983.*

## НИЛ ВА РИМ

(Тарих китобидан)

### I

Лампам ёнур... Яраланган қанотдай оғир  
Ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир.  
Қийналаман. Тиришаман. Ҳушим паришон,  
Ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринур ҳар он  
Тиришаман, бутун кучим кўзимга келар;  
Чироғимга парвонадек уринар йиллар,  
Тўрт атрофим тўлиб кетар куйган қанотга...  
Хаёлимда: катга саҳро, мен миниб отга —  
Шамолдан тез, булутлардан енгил чопаман,  
Куйиб тушган ҳар қанотдан бир жон топаман.  
Термиламан ўлик кўзга (нега қўрқайин?)  
Барчасидан ўйиб олиб кўзининг ойин —  
Термиламан: қичқиради йиллар, одамлар.  
Эшитилар менга улар босган қадамлар...

### II

Сариқ қумлар орасидан қон рангли қуёш—  
Кўтарилар. Нил оқадир — қуллар тўккан ёш.  
Фарёдларга чидолмайди ер билан осмон.



Ро қаерда? Азирисо? Қийнайди Тифан!  
Кимга йиғлаб, кимдан мадад кутсин бемор қул?  
Эрки қулфдир, ҳаёти қулф, бор худолар қулф!  
Косасида сув йўқ, қуруқ халтаси — нон йўқ!  
Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ.  
Кўзида кўз йўқ, белида бел йўқ, ҳайҳот!  
Фиръавн уни чумолидай эзади: войдод!..  
Фиръавннинг ҳукми қаттиқ, фиръавн хўжайин,  
Худоларга у манзурдир, ҳаёти тайин.  
Неки қилса, ўзи билур, ўзи ҳукмрон,  
Миср бўйлаб Нил оқадир — қуллар тўккан қон!

### III

То Минисдан Рамзесгача, Рамзесдан нари  
„Малика қиз“ Клеопатра ҳукмрон даври.  
Ундан тортиб... яна узоқ, яна кўп йиллар  
Харсанг билан ётқизилган неча минг йўллар.  
Кўз ёшидан, дил тошидан қурилган ҳайкал  
Мағрур турар, мағрур боқар, ҳеч бирон маҳал  
На одамдан, на замондан қўрқмас асти у.  
Ғазабини ютиб ўлган қуллар дасти бу!  
Қуллар... (Менман у қулларнинг ўлмас авлоди,  
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.  
Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,  
Озодлигим обидасин қурган инсонман!  
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман).

### IV

Отим учар (хаёлимда) олдинга доим,  
Аввал баҳор осмонидек йиғлар гадо Рим.  
Кўкрагида бир томизим сути йўқ она—  
Гўдагини тош остига бостирди, ана!  
Ўлим яхши, ўлим агар, шундай хор бўлса!  
Бир парча нон нима ўзи? Шунга зор бўлса?  
Наҳот, чақмоқ ёндирмайди бутун очунни?  
Кул фардидай умр — тоғдай кулфат учунми?  
Жавоб бергин менга, закки қадимги Ҳомер,  
Кўз ёши-ю қонга ростдан ташнами бу ер?  
Қўй, яхши чол! Кўнглим тўлди, гаплашамиз сўнг,  
Бу нимаси? Эшитасанми, оғир, ҳазин мунг?  
Ҳамон йиғлар яланғоч Рим, ҳамон дил эзар,  
Ҳамон тилла қадаҳда қон ичар Цезарь!

### V

Рим устида шамсиядек туманли осмон,  
Катта циркка сиғишмасдан қайнар оломон:  
„Одам билан ҳайвон ўйин кўрсатар эмиш...“  
(Бундай қилиқ бизнинг учун қандайин эриш!...)  
Тишларини иржайтириб бўкирган йўлбарс

Тўрт тарафга ташланади, талпиниб ларс-ларс.  
 Оч кўзлари қонга тўлган, сакраб ўйнайди...  
 О, бечора, қоч! У сени тирик қўймайди!  
 Ана! Ана, тирноғини нишлаб келар у,  
 Чангал солди! Халқ ўрнидан бирдан турди дув...  
 Чапак чалди. „Эй, аҳмоқ Рим, севинма қонга!  
 Бундан бошқа хўрлик борми, ахир, инсонга? —  
 Деди парча-парча бўлган гладиатор.  
 Рим—ўйиндан ўлим кутган жинни театр!“

## VI

Иссиқ излар... Ҳамон у исендан из бордек,  
 Булутларнинг орасинда юрар Спартак.  
 Осмон — қалқон, камон ёни — чақмоқ, ёна ўт,  
 Зулум учун йиғи, фиғон ва эркисизлик суд.  
 Жавоб берсин Афлотунми, Вергилийми, ё—  
 Бошқа бири, қани ким у? Ким мард? Ким гўвоҳ?  
 Ки тун қанча қора бўлса, ой шунча ёрур!  
 Спартакнинг лашкарлари ҳали ҳам борур.  
 Мана менман, у исеннинг ўлмас авлоди.  
 Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди,  
 Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб,  
 Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,  
 Келажагим обидасин қурган инсонман!  
 Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!!

1935

## ЭРК МАДҲИЯСИ

Усмон Носирнинг „Нил ва Рим“ шеъри дафъатан қараганда каттароқ дostonнинг муқаддимасига ўхшайди. Лекин у мустақил ва тугал асар эканлиги ҳам шубҳа уйғотмайди. „Нил ва Рим“ шеърини икки оғиз сўз билан „Эрк ҳақида мадҳия“ деб аташ мумкин. Шоир эрк учун курашган ва шу курашнинг қурбонига айланган бир неча авлодлар тарихини кўз олдига келтиради, „ўтмиш, ҳозир ва келажак“ ҳақида ўй суради. Бу ўй—оғир ўй— „яраланган қанотдай оғир“. Йиллар шоир кўз олдига ўтади — гўё чироғига парвонадек урилади. Ҳар бир йилни, қурбон бўлган ҳар бир „ўлик кўзни“ сўроқ қилади. Шоир кўз олдига қадимий қулдорлик даври келади. Катта чақнаётган қуёш ҳам „қон рангли“, оқаётган дарё — Нил эса сув эмас, қулларнинг кўз ёши. Бу бечора қулларнинг эрки қулф, ҳаёти қулф, ҳатто бор худолар қулф, косасида сув, халтасида нони йўқ, „ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ“. Чунки уни фиръавн эзади, унинг „ҳукми қаттиқ“. Шунинг учун ҳам Нил дарёсида сув эмас, озодлик деб Миср қуллари тўккан қон оқади.

Қайси даврга назар солманг, Минис ёки Рамзес даврими, ёки грециялик малика Клеопатра ҳукмронлиғими, ёки ундан нарими — барча-барчасида кўз ёшидан, дил тошидан қурилган эрк ҳай-

калларини кўрасиз. Булар ҳайкал эмас — „Ғазабини ютиб ўлган қуллар дасти“, яъни қўли бу! Хаёл шоирни яна ҳам узоқларга олиб кетади. Мана қадимий Рим, у гадо, худди илк баҳордагидек кўзидан ёш ёмғирлари тинмайди, она гўдагини ўлдиришга мажбур, чунки уни боқолмайди. Наҳотки, инсон дегани шунчалик хор бўлса, бир парча нонга зор бўлса, нега бундай дунёни чақмоқ ёндириб юбормайди? Наҳотки, инсон шу қисқа умрга кулфат учун келса! Рим яланғоч, йиғлайди, шоҳ Юлий Цезарь эса тилла қадаҳда қон ичади.

Шу шаҳарнинг ўзида катта циркда эса йўлбарс ўйинини, гладиаторнинг парча-парча бўлганини томоша қилиб, аслзодалар завқдан чапак чаладилар, қон тўкилганидан севинадилар.

Аммо инсоннинг эрка интилиши тўхтамайди: қулларнинг йўлбошчиси исёнкор Спартак ҳали булуғлар орасида юргандек. Унга осмон гўё юмалоқ қалқон, буралган чақмоқ гўё унинг камон ёйи. Бу кураш тўхтамайди, чунки тун қанча қаро бўлса, ой шунча ёруғроқ бўла боради.

Шоир шеърнинг учинчи ва охириги қисмларида эрк учун бу курашнинг давомийлигини, уни янги авлодлар давом эттиражagini, ўзи ана шу исённинг бугунги авлоди эканлигини фахр билан айтади:

Мана менман у исённинг ўлмас авлоди...

Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!!

Усмон Носир эрки тараннум қилиб, эрка интилиб, қатағон бўлиб, 32 ёшида рус ўрмонларида ҳаётдан кўз юмди. Шоир орзу қилган эрк, истиқлол мана бугунги авлод — сизларга насиб қилди. Лекин бу йўлда ҳали кўп курашларга тайёр бўлинг. Усмон Носирнинг юқоридаги сўзлари сизга шиор бўлсин!

### *Савол ва топшириқлар*

1. Шеърни овоз чиқариб, шиддат билан ифодали ўқинг.
2. Шеър сизда қандай таассурот уйғотди? Қалбингизда буюк исёнкорларнинг навбатдаги авлоди эканлигингиз учун фахр, уларнинг курашини давом эттиришга тугён уйғотдими?
3. Умуман, „эрк“, „инсон эрки“ деганда, сиз нимани тушунасиз?
4. „Чирогимга парвонадек урилар йиллар. Тўрт атрофим тўлиб кстар куйган қанотта...“ сатрларини ўзингизча шарҳлаб, тушунтириб бering.
5. „Бир парча нон нима ўзи? Шунга зор бўлса? Наҳот чақмоқ ёндирмайди бутун очунни!“ сатрларидан қандай маъно англадингиз?
6. Шеърдаги ўхшатиш ва жонлантиришларни дафтарингизга кўчириб ёзинг: „Яраланган қанотдай оғир ўй“, „Йиллар парвонадек чирогимга урилади“, „Қон рангли кўёш“, „Нил—қуллар тўккан ёш“ каби шу тахлитда давом эттиринг.
7. Куйидаги сатрларни ёзиб олинг ва ёдланг:  
„Мана менман шу исённинг ўлмас авлоди,  
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.  
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт кўйиб,  
Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,  
Келажагим обидасин кўрган инсонман!  
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!!“

## МОНОЛОГ

Севги! Сенинг шириң тилиңдан  
Ким ўпмаган, ким тишламаган?  
Дардинг ёйдай тилиб кўксидан,  
Ким қалбидан қонлар тўкмаган?  
Сени яхши биламан, гўзал.  
Петраркани ўқиганим бор.  
Буюк Римнинг Сапфоси азал  
Хаёлимни ошиқдай тортар.  
Биламанки, Тассо бечора  
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.  
Эй, маккора қиз, Леонора,  
Номи қора билан ёзилгур!..  
Балки гулдан яралган пари  
Тошкўнгилли Биатриче<sup>2</sup>:  
— Гадосан, — деб қочмаса нари  
Данте бахтли бўларди пича!  
Балки, Гамлет ойдин тунларда  
Офелияни эркалатарди.  
Балки, узун сочини силаб  
Азонгача эртак айтарди.  
Агар хиёнатни билмаса,  
Эзмаса фожеа юрагин!  
Йўқ! Йўқ, шоир! Агар шундай бўлса,  
Шекспирнинг йўқдир кераги!  
Дездемона, гуноҳсиз дилбар,  
Жигар қонларингни ичган ким?  
Биламан, Отелло<sup>3</sup>, биламан,  
Отелло ҳақлими? Шоир жим!..  
Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча куйган шафақлар  
Тирқираган қонни эслатди!  
Қандай кўрқинч! Қандай қабохат!  
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!  
Ақлидан озганми муҳаббат?  
Мумкин эмас, қарши турмасдан!  
Мумкин эмас, эй олий жаноб,  
Неча юракни айлаб хароб.  
Шоҳона тож кийган муҳаббат,  
Мумкин эмас, қарши турмасдан!  
Ки одамнинг ўзигинамас.

<sup>1</sup> *Петрарка, Сапфо* — Рим антик адабиёти шоирлари.

<sup>2</sup> *Тассо, Леонора, Биатриче* — адабий қаҳрамонлар исми.

<sup>3</sup> *Гамлет, Офелия, Отелло, Дездемона* — Шекспир фожиаларининг қаҳрамонлари.

Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!  
 Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур...  
 Бу — қаршилик! Йўқ! Гина эмас.  
 Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.  
 Парвонадек қаноти куйган,  
 Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.  
 Умр тепасида мушт туйган...  
 Қийналаман виждон билан ман,  
 Мумкин эмас, қарши турмасдан!  
 Ўз зиммамга катта иш олдим:  
 Эҳтимолки, тамом қилмасдан —  
 Умрим тугар. Аммо, бўлмайди  
 (Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди).  
 Сенга қарши бош кўтармасдан  
 Асрларни йиғлатган севги!..

### *Савол ва топшириқлар*

1. Шеърдан қандай умумий таассурот олдингиз, шоир „севги—ёмон“ де-моқчими?
2. Шоир севгилари фожиали тутаган қандай адабий қаҳрамонларни эс-лайди? Улар — кимлар?
3. „Уфқдан ботар қуёшни  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча куйган шафақлар  
Тирқираган қонни эслатди“  
сатрларидаги ўхшатишларни шарҳлаб беринг.
4. „Ки одамнинг ўзигинамас  
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр“  
сатрларида шоир нимани назарда тутаяпти?
5. „Асрларни йиғлатган севги“ — бу нимаси билан гўзал сатр?
6. Шеърнинг дастлабки тўрт сатрини ёд олинг.



## МАҚСУД ШАЙХЗОДА

(1908—1967)

„... Мен, бизнинг ўзбек поэзиямизда „ёши катталар“ деб аталган шоирлар авлодига мансубман. Бу авлод йигирманчи йилларнинг романтик ҳавосида қад кўтарган, ўттизинчи йилларнинг қурилиш маъракасида пишиққан, қирқинчи йилларнинг жанг синовида суяги қотган ва эллингинчи йилларнинг тинч ижодий муҳитида активлик кўрсатган авлодир...

Бу авлоднинг бир аъзоси бўлган мен ҳам йигирма бешга яқин шеърый тўпламлар нашр эттирдим. Ўзбек тупроғини қайтадан эккан илк тракторларнинг мадҳиясидан бошлаб, фазо йўллари айланувчи олтин кемалардаги сайёҳларни тараннум этишгача, барча муҳим ҳодисалар, халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлиги, халқимизнинг улуғвор шиорлари, кураш ва жанг, озодлик ва дўстлик, бахт ва алам, юртнинг гўзал манзаралари ва инсоннинг маънавий жамоли менянг қаламимга ошно, дилимга мазмун бўлиб келди.

... Инсон руҳини тарбиялаш, одамда яхшилик унсурларини кўпайтириш, халқда гўзаллик ва нафосат туйғусини янада баланд даражага кўтариш... санъатнинг муқаддас вазифасидир. Бу муқаддас вазифага урғуларим қаторида мен ҳам бир қатра ҳисса қўшган бўлсам, демак, дунёда беҳуда яшамабман, деб ҳисоблашга ҳаққим бор...

*Мақсуд Шайхзода. 1964 йил.*

## МИРЗО УЛУҒБЕК

1960

(Беш пардали фожеадан парчалар)

### Қ а т н а ш у в ч и л а р :

Мирзо Улуғбек ибн Шоҳруҳ — буюк олим, Мовароуннаҳр ҳукмдори, 56 ёшда.

Абдуллатиф Мирзо — унинг ўғли, 30 ёшда.

Али Қушчи — Улуғбекнинг шоғирди ва маҳрами, астроном, 35 ёшда.

Саккокий — машҳур шоир, Улуғбекнинг дўсти, 45 ёшда.

Фируза — Улуғбекнинг севимли хотини, 22 ёшда.

Аббос — Саид Обиднинг ўғли, Абдуллатифнинг маҳрами, 28 ёшда.

Пири Зиядовий (Ҳасан оҳангар) — маҳбус, 80 ёшда.

Бердияр — Улуғбекнинг навакари, 35 ёшда.

Абдурахмон Жомий — ёш олим ва шоир, 26 ёшда.

Ота Мурад — деҳқон, 67 ёшда.

Амир Темурнинг арвоқи.

### БИРИНЧИ ПАРДА

(Иккинчи кўриниш)

Самарқанд атрофида Кўҳак тоғининг этагида, уч ошёналик расадхонанинг олд томони. Ҳаммаёқ қоронғи. Фақат Чиний кошонанинг деразаларидан хира ёруғ нурлар кўринади. Осмон ғоят ёрқин. Гўё фируза ранг мармар кўзгуга сонсиз олтин зарралар сепилгандек фазода ва бепоеён самовотда саноқсиз юлдузлар порлайди. Кўҳдаги ой ўроғи уфқлардан кўтарилиб келмоқда. Бир томонда баланд минарада Мирзо Улуғбек қўлларини қовуштирган ҳолда коинотнинг бу сеҳрли китобини сайру томоша этмоқда.

### Улуғбек

Марҳабо, эй, самовотнинг олтин йўлчиси!  
Нега белинг шунча букик, чарчаб қолдингми?  
Оҳ, азизим, минг-минг йироқ йўлларда  
Юрган йўлчи толиб қолса, таажжуб эмас!  
Аmmo доим умидворсан. Тўрт-беш кун ўтгач,  
Белинг ростлаб, қоматингни тўғрилайсан-ку!  
Оҳ йўл сенга, манзилларда қормагин; ҳилол!  
Сен ҳам инсон фикри қадар чарчамас, толмас,  
Азмимиздек йўлларингни ҳеч ким тўсолмас.  
Ой боргину, омон келгин, ҳар бир келишинг  
Коинотнинг мангулигин эслатар тагин.  
Ва азалий қонуларга қилар далолат...  
Уу... Қарагин, манзилларинг қанча серҳашам,  
Ҳеч бир шоҳга шунча иззат насиб бўлмаган.  
Юлдузларнинг тоифаси шунча меҳрибон,  
Бир-бирини олқишлайди чироқлар билан.  
Шунча ажиб коинотнинг сирли китоби...  
Фалакларнинг ҳар қатида не-не оламлар!

У сеҳргар пардаларнинг орқа ёғида  
 Кўп аксирий ҳуснлар бор, биз беҳабармиз.  
 Гушанганинг ширин, мужмал дамларин пойлаб,  
 Қалби ўйнаб толпинувчи куёв сингари  
 Коинотдан нашъаларни қидираб башар.  
 Чунки сирлар бетидаги ниқобни очмоқ,  
 Зиддиятлар маъносини англамоқ, ечмоқ,  
 Мутафаккир назарида улуғ саодат.  
 Маърифатнинг шайдолиги шундай севгики,  
 Ўчирай деб пуфлаганда сўнмай, янада,  
 Ёлқинланиб оловланган гулханга ўхшар.  
 Гўдаклиқдан юлдузларга бўлдим ошифта.  
 Билмак, бутун коинотга сирдош бўлмоқлик,  
 Китобларнинг лол тилига қулоқ солмоқлик,  
 Ҳақиқатгўй донолардан таълим олмоқлик  
 Менга ором бермас эди ўша чоғларда.  
 Эсимдадир, бир кун устоз Қозизоданинг  
 Қўлларидан ўпганимни кўрганда бобом,  
 Менга танбеҳ бериб: — Ўғлим, деган эди у,  
Эркак қўлин, Афлотун ҳам бўлса у киши,  
Шаҳзодалар ўпмоқлиги буткул ножўя,  
Дунё сенинг оёгингни ўпмоғи лозим!“  
 Бу — қалбимда чечакларнинг куртакларига  
 Куз чўлидан эсиб келган илк шамол бўлди.  
 Қирқ йил бўлди коинотнинг китобин ўқиб  
 Маърифатнинг даргоҳига қўйдим ихлосим.  
 Оғир бўлди қисмат менга ортган вазифа.  
 Мен султонлар ўртасида бўлдим донишманд,  
 Донишмандлар тепасида султон саналдим.  
 Маърифатни ҳужуматга қилиб раҳнамо.  
 Бу ўлканинг ерида ҳам юлдузлар ёқдим.  
 Инсонларга айтиб турдим: боққин самога.  
 Қанча тоза ва мусаффо, фараҳбахш, зебо.  
 Эй, одамзод, ибрат олгин юлдузлардан сен  
 Хайрихоҳлик ва баландлик хислатларида.  
 Шалтақларда ағнамагин, кўтарил, юксал,  
 Сўқир бахтдан кўрар кўзли бахтсизлик афзал.  
 Эҳ, саодат яратилмас буйруқлар билан,  
 Зеҳнларга нур уруғин сепдим муттасил,  
 Катта ҳосил кутмоқдаман, нуроний ҳосил!

Самарқанд яқинидаги темурийлар қароргоҳи Кўксаройнинг таги маҳбуслар  
 сақланадиган каттакон зиндон булган. Улуғбек одати буйича тез-тез бу  
 зиндонни айланиб кўриб, маҳбусларнинг қайси айби учун тутқунликда сақла-  
 наётганлиги билан қизиқади. Мана бутун ҳам у зиндонни айланмоқда. Зиндон-  
 бон ҳар бир ҳужра олдида тўхтаб, тутқуннинг гуноҳини тушунтириб боради.  
 Ниҳоят, навбат сарбадорлар ҳаракатининг фаолларидан бири Ҳасан оҳангар—  
 Пири Зиндоний ётган ҳужрага келди...



#### 4 - парда

#### (2- кўриниш)

Зиндон. Алоҳида ҳужра. Эшик очилгач, машъалнинг олови ҳужрани ёритади. Бир чорпоёда одам ётгани кўринади.

#### Улуғбек

Мен бир ўзим кириб кўрай, у қандай инсон!

Бердиёр машъални ҳужрага тикиб қайтади. Бошқа одамлар ҳужрага кирмай қайтадилар. Улуғбек ҳужрага кириб кетади. Бир оздан сўнг чорпоёда ётган одам, машъалнинг ёруғидан бўлса керак, уйғониб туради. Бу ҳалдан ташқари кекса бир чол. Ҳамма ёғини соч-соқол босиб кетган банди.

#### Пири Зиндоний

Ким бўлурсиз? Нима керак бу ғамхонада?  
Мени яна айнатмоқчи бўласизми, ҳа!  
Қилмишимга мен надомат чекмайман, билинг!  
Темурбекка айтганимдан бўлак гапим йўқ.

#### Улуғбек

Мен Улуғбек Мирзодурман, Шоҳруҳнинг ўғли,  
Соҳибқирон набираси. Замон султони.  
Сенинг барча саргузаштнинг билмак истайман.

#### Пири Зиндоний

Нега даркор саргузаштлар, саргузаштларим!  
Мен уларни айтган билан ёрийдимми кун?  
Ё лаънати зиндон қулаб, келарми эрклик?  
Ё қайтадан мен ёшариб, жўралар билан —  
Жумъаликда яллахонлик қиламанми-а?  
Подшоҳга инсонларни ўлдирмоқ осон!  
Аммо, қани, улар кимни тирилтган? Ҳайҳот!

#### Улуғбек

Йўқ. Буларнинг чораси йўқ. Билмак истайман:  
Сен ким?

#### Пири Зиндоний

Менми? Ҳасан деган битта чилангар.  
Бу зиндонга тушганимга неча йил бўлди,  
Буни ўзим билолмайман, эслаёлмайман.  
Кўп чидамли нарса экан, дейман одамзод...  
Ҳеч бир махлуқ тўзолмасди шунча жабрга.  
Бу дўзахга ташлаганда мени бобонгиз,  
Сиз дунёдан беҳабар бир гўдак бўлгансиз.  
Кўп таажжуб тилу лафзни унутмаганим.  
Чунки бир чоғ ўтиб кетган ҳодисаларни  
Ўз-ўзимга машқ қиламан ўзим ёдаки,  
Айтинг, ҳозир ҳижриядан неча йил ўтган?

## Улуғбек

Саккиз юзу эллик икки тарихи — ҳижрий

### Пири Зиндоний

~~Воҳ-воҳ, демак эллик йилдир мен бунда банди...~~  
Аммо кўриб турибсизки, улган эмасман.  
Чунки йиғлаб кўз ёшини тўкмадим сира  
Йўқ, шаҳриёр, мен ўлмоқчи эмасман ҳали.  
Бу ер гўрдан фарқи йўғу, аммо гўрда ҳам  
Тирик одам яшар экан, демак оламдан  
Зилзиладан, қирғинлардан ва ёнғинлардан,  
Фарёдлардан, ур-урлардан, чопқа-чоплардан  
Акси садо келиб турар бу мозорга ҳам.  
Ҳа, Темурбек кўп азамат жаҳонгир эди...  
Самарқанддан ҳайдаб мўғул золимларини  
Сарбадорлар қўлга олди ҳокимиятни.  
Косибларнинг, фақирларнинг қадри билинди.  
Мен чилангар, отам, бобом, бари оҳангар.  
Ҳокимлардан фақат тупук, дакки кўрганмиз.  
Болғагина боқиб келган тоифамизни.  
Менинг бобом, менинг отам бошларин дорга  
Бериб қўйиб ҳақиқатда сарбадор бўлди.  
Энди айтинг инсоф билан, Мирзо Улуғбек,  
Нечук бўлмай бобонгизга ўзим даъвогар?

## Улуғбек

Оталарку, қўзғолоннинг жазосин чекди.  
Сенга нечук бобом қилди шу хил сиёсат?

### Пири Зиндоний

Чунки бизлар — шаҳид бўлган сарбадорларнинг  
Етим-есир сабийлари улғайиб билдик:  
Зулми жафо боислари подшоҳлар экан.  
Биз Қаршининг қўрғонида бир тўп фидойи  
Темурбекдан ўч олгани исён кўтардик.  
Ҳа, бу гапга энди билсам эллик йил бўбди...  
Эллик йил-а!.. Бандиликда умрим чириган,  
Демак, қанча фарзандларим туғилмай ўлган,  
Қанча ўроқ, қанча аямоч ясалмай қолган.

## Улуғбек

Соҳибқирон нега сени қатл этдирмади?  
Ёки сени аядимми?

### Пири Зиндоний

Йўқ, ундай эмас.  
Беҳад золим бўлса-да, у зол киши эди.  
Минбаъд исён бўлмасин деб Темур мулкида  
~~Менга таклиф қўйди амир... Катта комедиа~~

Жамоатни бирга тўплаб ўз оғзим билан  
Қораласам ва қарғасам сарбадорларни  
Ваъда тўққиз тортиқ, мансабу давлат,  
„Хўб“ демасам, мангу зиндон, умрбод зулмат!..

Улуғбек

Тириклайин кўмилмакка унадинг, бироқ  
У таклифга кўнмадингми?

Пири Зиндоний

Мен гўдакликдан  
Султонларга адоватни кўнглимга битдим,  
Зўравоннинг зиллатига ҳеч тоқатим йўқ.  
Балохўрлар назаримда айни қаллоблар.  
Текин еган ҳазратлар-чи, худди қашарот.

Улуғбек

Сўзларингда тафаккурдан зуғум ортиқроқ,  
Султонлар ҳам худованднинг навкарлари-ку!  
Кеча-кундуз эл гамида безовта юрган—  
Подшоҳлар йўқ дейсанми? Улар ташвиши  
Минг тоштарош заҳматидадан оғирроқ, ишон!  
Йўқ, буларни ҳаромтомоқ дейиш ноҳақлик!  
Салтанатки, султони йўқ — бошсиз бир тана.

Пири Зиндоний

Умнатларнинг ихтиёрин фақат бир одам  
Уҳдасига олмоқлиги хатарли даъво.  
Ёшлигимда талабадан ошнам бор эди.  
Тунларда у ўқир эди ҳар хил ҳикматдан.  
Абу Наср Форобийнинг бир китобида —  
Ёзилганки, донишмандлар кенгашиб туриб,  
Мамлакатни бошқарсалар, эл бўлур обод!  
Бировининг нафси, кайфи, ғарази эмас.  
Инсоф аҳлин виждонига қолса идора,  
На ҳақсизлик, на фитналар, на фисқу фужур,  
На мулк учун талаш бўлур, на қонли низо.  
Ёзилганлар қаддин ростлар, золим тийилар.  
Хуросонда сарбадорлар шундай дейишган:  
— Подшоҳсиз ўзимизча яшаб кўрайлик,  
Нонимизни ҳадик олмай ошаб кўрайлик!—  
Сабзаворда барча қуллар озод этилган,  
Оғир ўлпон-хирожлардан улус қутулган,  
Бек ва тўра, хону тархон юртдан қувилган.  
Сарбадорлар кенгашиб ўй ўйлашар экан.  
Донолардан раисларни сайлашар экан.

## Улуғбек

Сен ўйлаган масалалар кўп қизиқарли,  
Локин, замон ва заминдан узилган хаёл,  
Шу учун ҳам бекор кетди ғайратларингиз.  
Мамлакатга урфон керак, илму маърифат,  
Бошбошдоқлик эмас, идрок, низом, фаросат.  
Шундай қилса, бориб-бориб равнақ топар юрт.  
Биринчи гал ориф бўлса султонлар ўзи,  
Ғафлат кетиб очилади улуснинг кўзи.

### Пири Зиндоний

Эшитганман, ўтакетган фозил экансиз.  
Аммо, асли шоҳ ўғлисиз, шу учун ҳар дам  
Кўзингизни қамаштирар тож ялтироғи...

## Улуғбек

Ким билади, бўлмасайдим шу замонада  
Бу давлатнинг бошида мен, нелар бўларди!  
Балки, диёр зулматларга чўкиб қуларди.  
Аммо, билинг, гапим холис, Пири Зиндоний,  
Фақат тожнинг меҳри эмас шу андишалар,  
Мен шоҳликни маърифатга қилдим дастёр.

### Пири Зиндоний

Тушунмайман, тушунмайман, шавкатли Мирзо.  
Тахт қанақа маърифатга пойдевор бўлмай?  
Ваҳоланки, тож бошдаги фикрга қафас.

## Улуғбек

Сиз эллик йил ғафлат ичра қолгансиз, уста.

### Пири Зиндоний

Э, эллик йил... Эллик юз йил кечса-да тагин,  
Ўзгармайди шоҳларнинг зулмдор хулқи.

## Улуғбек

Замонамиз гоят нозик. Ҳар ёқ хатарнок!  
Бизга лозим забардастлик, бирлик ва идрок.  
Бу фурсатда оломонга ғалаён солиб,  
Бизга қарши қўзғатганлар бизга дўст эмас.  
Улар Темур хонадонин ёвуз душмани.  
Бундай овоз зиндонлардан чиқмай бўғилар.

### Пири Зиндоний

(қаҳқаҳа солиб кулади)

Майли, бизлар ҳурриятнинг фидойилари,  
Ҳуррият деб бандаликка кўнган эркинлар.  
Аммо, Мирзо, мен зиндоннинг ҳатто қаърида  
Сизнинг балад фаҳмингиздан бўлдим хабардор.

Истасангиз тиз чўкайин оёгингизга,  
Сизга буюк қалбли инсон, улуғ мунажжим!  
Аммо, султон Улуғбекка, соҳиби тожга  
Бош эгмайман, эголмайман, йўқ, эголмайман!  
(Бошини кўтарганича мағрур вазиятда деворга  
ястаниб қотиб қолади)

### Улуғбек

Сиз эллик йил гафлат ичра ётгансиз, уста!  
(Улуғбек оғир қадамлар билан хужрадан чиқади.  
Уқур уйланиш билан ўзига-ўзи)  
Уҳ... кўп оғир мунозара! Бунақасини  
Кўрмагандим умрим бино бўлгандан бери!  
*Фармоншоҳ ва зиндонбон унга яқинлашиб келадилар.*

### Фармоншоҳ

Бу кексани чиқаришни буюрарларми?

### Улуғбек

Не хоҳласа бериб туринг, иззат кўрсатинг!  
Лекин... Бандда тура турсин Пири Зиндоний!  
*Улуғбек эшикка қараб йўналади. Зиндонбон дар-  
ҳол хужра эшигини ёпиб қулфлайди.*

### Парда

### Тўртинчи кўриниш

Самарқанд, регистон, мадраса. Катта дарсхона. Турли мамлакатлардан келган талабалар...

### Ироқлик талаба

Буқрот ҳаким деганларки: умрлар қисқа,  
Локин санъат нафосати яшар абадий.  
Аммо, дарҳақ, тўғри ёзган Мирзо Улуғбек:  
„Ўлмай мангу яшар экан фан ҳақиқати“.

### Эронлик талаба

Аксар дунё зулматларда тўлғонар экан,  
Самарқандда шу ошён— ягона чироқ.  
Бахтиёрмиз таҳсил олдик шу мадрасада.

### Кошғарлик талаба

Хатми-қутуб қилаётган муллабаччалар,  
Домулломиз Улуғбекка минг умр, омин!  
*Улуғбек ва Али Қушчи кириб келади. Талабалар  
туриб, бош эгиб, Улуғбекнинг ишораси билан  
яна ўз жойларига ўтирадилар.*

## Улуғбек

Хайрли кун, ёш олимлар анжуманига!  
Абдурахмон Жомий талабалар ўртасидан туриб,  
Улуғбек ҳузурига бориб таъзим қилади.

Али Қушчи

Ушбу мулло Жомий, ўзи Ҳирот шаҳридан!

## Улуғбек

Мулло Жомий? Абдурахмон? Сизни биламан.  
Алалхусус, мен раҳматлик Қозизодадан  
Эшитганман бир замонда таърифингизни.  
Сизни ҳақим, ақли равшан, доно дерди у.

## Жомий

Жаҳонпаноҳ, улуғ устоз, буюк аллома!  
Бугун бунда жам бўлишган фан толиблари.  
Йиллар бўйи илмингиздан, шафқатингиздан  
Баҳра олиб хатми-қутуб қилган ёшлардур.  
Шамчирокқа парвоналар учиб келгандек,  
Биз ҳам Ҳинддан, Хуросондан, Мулки Кошғардан,  
Аштархондан, Бағдод ёқдан, Озарбойжондан  
Келган эдик мадрасангиз остонасига.  
Энди сизнинг нурунгнидан бўлиб файзиёб  
Таълим учун, тадрис учун „шукрон“ айтамыз.  
Олий рухсат бўлса агар уйга қайтамыз

## Улуғбек

Илим йўлида ҳимматингиз муборак бўлсин!  
Лекин, Сизга кетиш олди баъзи маслаҳат:  
Аввал шуки, илм нурун халққа элтишда  
Тушунарли тилда айтинг маромингизни.  
Илми ҳикмат, риёзиёт, фалакиётнинг,  
Табобатнинг, жўгрофиянинг ҳамма дастури  
Инсонликка наф қилмаса, бу катта нуқсон.  
Сизга мисол: ўттиз йилча бундан муқаддам,  
Сиз ўтирган шу мадраса очилишида  
Биринчи дарс ўқиб бериш шарофатини —  
Мен мавлоно Хоразмийга топширган эдим,  
Чунки менга ошкор эди билимдонлиги.  
Тўқсон олим, юз талаба ҳузурида у  
Кўп бамаъни, серфазилат каломлар айтди.  
Аmmo... унинг ҳикматомуз каломларини  
Фақат бир мен, бирда Қозизодадан ўзга  
Ҳеч бир кимса тушунмади! Шу учун сизлар  
Ҳазар этинг такаллуфдан, ғализ сўзлардан.  
Илм инсон кўзин очар, қулоғин очар,  
Фан мияга идрок билан ёруғни сочар.  
Фан мияга кирган жойда, билинг, муҳаққақ,

На шайтонга ўрин бордир ва на фолбинга.  
Алалхусус абадийдур ҳикмат фанлари.  
Дақиқ фанлар таништирар бизга дунёни.  
Коинотга очиб берар эс деразасин.  
Олиб ташлар ниқобларни сирлар юзидан:  
Замон ўтар, ваҳшат битар, ёмонлик кетар,  
Ўзгаради дунёмизда динлар, миллатлар,  
Ўзгаради миллатларда тиллар, одатлар,  
Аммо фаннинг шавкатига чўкмайди губор.  
Яна шуни унутмангки, илму маърифат  
Худованднинг даргоҳидан бизга иноят.  
У олимнинг шуурида омонат, холос.  
Уни фисқу фужур учун қўлламоқ гуноҳ,  
Яхшиликка, тараққийга хизмат этгай у.  
Мен сизларга айтадиган насиҳатим шу.  
Хотирларда сақланурми шу ўғитларим?

### Жомий

Албат, устоз, пандларингиз ёдда сақланур,  
Китобларнинг зарҳалланган сарлавҳасидек.

### Улуғбек

Энди мендан тухфа бўлсин ҳар бирингизга —  
~~Шу жадваллар! Али Қушчи, тарқатиб берини!~~  
~~Али Қушчи катта илаҳ қоғозларга кўчирилган~~  
~~жадвалларни талабаларга тақсимлаб беради.~~

### Али Қушчи

Бу жадвални давлатпаноҳ ҳазрат шаҳриёр  
Узоқ йиллар мобайнида тайёр этганлар.  
Изоҳини ҳазрат султон ўзлари бергай.

### Улуғбек (мутоиба билан)

Али Қушчи, мен бир-икки сенга айтгандим,  
Тагин сени бу хусусда огоҳлантирай.  
Илму фанда шоҳу гадо тафовути йўқ.  
Мен девонда ва ўлкада султонман, холос.  
Мадрасада ё олимлар анжуманида  
Менга етар шу: мударрис Мирзо Улуғбек!

### Али Қушчи

Устоз, узрим қабул этинг, чунки фанда ҳам,  
Бизлар сизни олимларга султон биламиз.

### Ҳамма

Айнан тўғри! Биз ҳаммамиз шунга қойилмиз!

## Улуғбек

Бу фикрда аллақандай хатоликлар бор.  
Чунки султон буюради, мажбур этади.  
Жазолайди, гоҳо эса қатл эттиради.  
Аммо, илм оламида буюриб бўлмас.  
Чунки фаннинг ўз шоҳи бор, ўз даргоҳи бор.  
Унинг шоҳи — ҳақиқатни топмоқ қонуни.  
Даргоҳидир китобларнинг муқовалари.  
Энди, ҳамманг эшитинглар, шу жадвалларда  
Тарихларнинг тафовути, таносиби бор.  
Ва биринчи иккинчига кўчирмоқ тарзи.  
Биз дунёнинг бино бўлган чоғин билмаймиз.  
Аммо ивсон алифбони ихтиро этиб,  
Тарих ёзмоқ ҳунарини эгаллаганда,  
Ҳодисалар силсиласин боғламоқ учун  
Тарихбоши белгилабди йиллар саногин.  
Турли динлар ва миллатлар турлича олган.  
Ҳижрий тарих бошланади пайғамбаримиз  
Муҳаммаднинг Мадинадан кўчган йилидан  
Румий тарих юнонларда қабул этилган,  
Искандари Зулқарнайинг вафотидан сўнг  
Ун икки йил ўтганида бошланибди ул.  
Эронийлар тарихбоши дея санайди  
Яҳди Журднинг шоҳ тахтига чиққан кунини.  
Туркманларда мақбул экан Маликий тарих,  
Жалолидин Маликшоҳнинг номига боғлиқ.  
Бошқа-бошқа тарихлар бор Чинда, Фарангда.  
Бу хил-хиллик фикримизни чалкаштиради.  
Айни битта воқеани турли тилларда  
Ҳар тарихчи ҳар рақамда баён этади.  
Воқеа бир, йиллар бошқа, тасаввур чигал.  
Миллатларнинг ўртасида англашмовчилик.  
Биз узоқ вақт бу фарқларни қиёслаб кўрдик.  
Истадикки, ғов тўсмасин дўстликнинг йўлин.  
Қўлингизда ушбу жадвал — бу иш самари.  
Бу соҳада бизга доим раҳнамо бўлди  
Абу Райҳон Берунийнинг ёққан машғали.  
У буюк зот — Хоразмнинг нурафшон ақли  
Номи билан ватанимиз фахр этар ҳақли.  
„Ал-осори-боқия“да ёзганларини  
Эсда тутиб, биз ҳал этдик бу муаммони.  
Бу жадвалда турли-туман йиллар саногин  
Бир-бирига айлантирмоқ тарзин, усулин  
Рақамларда ҳисобладик, осонлаштирдик.  
Булар сизга ишингизда қўлланма бўлсин.  
Мисол учун: Абу Али ибн Синонинг  
Туғилгани ҳижрий уч юз етмишинчи йил,  
Сафар ойи эканини яхши биласиз!  
Хўш, румларнинг тарихида бу қайси йилдир?



Мана жадвал! Шу ховадан топасиз жавоб.  
Ёхуд бизнинг Самарқандни хоқон Чингизхон  
Олти юзу ўн олтинчи ҳижрийда босиб,  
Ерга яксон этганлиги бизларга маълум.  
Хўш, чиндилар тарихида бу қайси йилдир?  
Мана жадвал! Шу ховадан топасиз жавоб.  
Кўрасизки, биз тарихни, риёзиётни  
Бирлаштириб шу мушкулни ҳал эта олдик.  
Нега шундай? Чунки узоқ йиллар мобайни  
Биз ҳисоблаб Қуёш кунин аниқлай олдик.  
Зеро, барча эски саноқ хатолик экан.  
Қар йилда бор уч юз олтинш бешта тўлиқ кун,  
Яна тўққиз дақиқаю олти сония.  
Ана, ҳозир ҳижрий йилни шунга зарб этинг!  
Энди нима қилмоқ керак?...  
*Бердиёр кириб келиб, Улуғбек қўлига пойгир  
топширади. Улуғбек хатни олиб, тез кўздан кечи-  
ради. Али Қушчини имлаб, хатни унга кўрсатади.  
Энди нима қилмоқ керак?... Мавлоно Али  
Масаланинг ечимини сизга уқдирар.  
Ғоят оғир кулфат тушди давлат бошига.  
Мана яна хатарли йўл... Сизларга оқ йўл!*

*Тез қадамлар билан дарсхонадан чиқиб кетади...  
Орқасидан Бердиёр ҳам эргашиб боради. Али  
Қушчи чуқур ўйга толади. Талабалар ҳайрон.*

Жомий

Айтинг

Не ҳодиса рўй берибди, мавлоно?  
Нега шунча изтиробда устоз Улуғбек?  
Ё бу сирми?

Али Қушчи

Афсус, бунга яшириб бўлмас.  
Туркистонда зўр фалокат юз берган, дўстлар.  
Абдуллатиф катта исён кўтарган Балхда!

Ҳамма

(ҳайрат ва ташвиш билан)

Ҳа-а?!

Парда

Абдуллатиф Самарқандни ва подшоҳлик тахтини куч билан ишрол этди.  
Отаси Улуғбекни эса Самарқанддан бадарға қилиш ҳақида фармон берди.  
Улуғбек севинми хотини Фируза ва икки хизматкори билан Самарқанд ат-  
рофидаги қишлоқлардан бирида Ота Мурод ҳовлисида тўхтади.

## 5 - парда

### Бешинчи кўриниш

Самарқанд атрофида қишлоқ. Намозгар вақти. Ғира-шира қоронғи. Қуз фасли. Ота Муроднинг ҳовлиси. Боқча, гулзор, айвон, шийпон кўринади. Ҳаво булут.

### Фируза

*(булутли осмонга қараб)*

Гўё сирли самовотда биронта қасд бор,  
Ниқоб кийган кушандага ўхшар кoinот.

### Улуғбек

Сабр эт, жоним! Ироданинг фарзанди умид.  
Тундан кейин тонг отмасдан қолганимиди ҳеч.  
Анов тоғлар орқасида, булут сиртида  
Кoinотнинг ёш келини моҳтоб ўрмалар.  
Гарчи уни кўрмаймиз, у бизларни кўрар.

### Фируза

Устоз, кетиш қанча оғир, аммо сиз билан  
То дунёнинг чеккасига борсам розиман.  
Лекин айтинг: фикрингизча яна бир карра  
Самарқандни кўрмак бизга бўлурми насиб?

### Улуғбек

Сизлар бешак кўрарсизлар. Мен-чи, мабодо  
Умрим вафо қилса, мен ҳам кўрарман албат.  
Бу ўғрилар салтанати кўп узоқ бормас  
Аммо шояд Самарқандни мен кўрмасам-да,  
Самарқанднинг шаҳри мени албатта кўрар.

### Ота Мурод

Чунки сизни виждони бор эл яхши кўрар.

### Фируза

Нима деган, сиз кўрмайсиз, сизни у кўрар?

### Улуғбек

Яъни, тирик қайтолмасам Самарқандга мен,  
Бу шаҳарда кўмилгуси танзим ҳар ҳолда.  
Ўз ўглини наҳот четда қўйса Самарқанд?  
Наҳот, қирқ йил меҳнатимнинг эвазига мен

Ўз шаҳримдан икки газлик ер ололмасам...  
Эҳ, шу ғамгин ташвишларни қўйгин, азизим,  
Мен умримда кўп саргузашт, кўп одам кўрдим,  
Хоқонларга ҳамкасб бўлдим, жангларда юрдим,  
Гоҳи тунда мусофирлар либосин кийиб,  
Шаҳарларни, қишлоқларни бирма-бир кездим,  
Қирда, даштда овчиликнинг гаштини сездим,  
Танилмасдан ўғриларга гоҳо йўлиқдим,  
Кўкни аниқ кўрмоқ учун тоғларга чиқдим,  
Баъзан овул тўйларида ўйинга тушдим,  
„Манман“ деган паҳлавонлар билан курашдим.  
Булар сенга қизиқ-қизиқ қисса эмасми?  
Мен буларни сенга бир-бир айтиб бераман,  
Иншооллоҳ, узоқ сафар манзилларида.  
Йигитали, от-эгарни яхшилаб тахла!  
Йўл қоронғи, биз тундаёқ довондан ошиб  
Шаҳрисабзга етмоғимиз лозим саҳарда.

### Фируза

Валинеъмат, мен сиз билан бўлсам ҳар қайда  
Аждарни ҳам, девларни ҳам кўзга илмайман.

### Улуғбек

Зўр экансан, аммо улар йўқ нарсалар-ку!  
Йигитали, ишлар тахтми?

### Йигитали

Тахтдур, шаҳриёр.  
Аммо, сизни сўраяпти шаҳардан чопар.

### Улуғбек

*(бироз безовталанар)*

Келсин, қани!

*Чопар кириб келади.*

### Чопар

Янги султон сиздан қилар илтимос:  
Истайдилар, сафарингиз ясалса  
Султонларга лаёқатли, шоҳона.  
Истайдилар, карвонингиз, исмингиз  
Тантана-ю, дабдабага ўралсин.  
Шоҳ отасин ҳашаматли юришин  
Катта-кичик, турку тожик кўролсин.

Шу кечани шунда тунар экансиз,  
Издихомла эрта жўнар экансиз.

### Улуғбек

Улар хоҳлар шу сафарим бўлғай шоҳона!  
Йўқ, Улуғбек бола эмас. Бу — бир баҳона.  
Мен кетаман. Мен жўнайман. Модомики, улар —  
Ҳалитданоқ менга қарши суиқасд ўйлар,  
У номардлар қасамларини буздилар шу кез,  
Буни-ку, мен билар эдим, аммо шунча тез —  
Бўлишини ўйламаган эдим сира ҳам!  
У аблаҳлар ўйладики, Улуғбек сайёҳ  
Сафаридан қайтиб келса тағин бўлур шоҳ,  
Темур тожи яна топар ўз ворисини.  
Шувдан чўчиб хон юборган суворисини.

*Улуғбек дадил туриб ҳовлидан чиқмоқчи бўлади. Чопар дарҳол кўздан йўқолади. Аммо Улуғбек қайси томонга йўналса, девор орқасида, эшик олдида, дарахт тагида, панжара ёнида сипоҳлар пистирмада тургани маълум бўлади. Сипоҳлар унинг йўлини тўсиб, ҳовлидан чиқармаслик учун қуршовга олганлиги аён бўлади.*

### Улуғбек

Аҳ-ҳа, тузоқ! Бир кишига қарши бир лашкар!  
Оқпадарнинг қўрқоқлиги шувдан-да ошкор!

### Ота Мурод

Ё раббано, бу золимлар нима қилмоқчи!  
Ялмоғизми, нима булар, ақлидан озган!

### Фируза

*(югуриб Улуғбекни қучоқлайди)*

Устоз, тўхтанг, булар билан олишманг, устоз!  
*Шу пайт дарахт тагида сояда турган Аббос ёруқча чиқиб, Улуғбекка қараб юради.*

### Улуғбек

Сен ҳали ҳам тирикмисан, ҳароми, ҳабис!

### Аббос

Тирикманки, токи кўрай ўлимнингизни.  
Мен отамнинг хунини деб, қасосин кутиб,  
Биру бордан шу фурсатни ялиниб келдим.

## Улуғбек

Отанг қилган бадкирдорлик, беинсофликка  
Энг енгилроқ жазо эди шаҳардан сургун.  
Балки ундан жабр кўрган оломон ўзи  
Алаш қилиб ўз ҳукмича теракдан осиб,  
Худ асфалас-софилинга жўнатган уни.  
Бу гапларинг ё тухматдир ёки баҳона.

## Аббос

Падаримнинг ўлимига шаръий маҳкама  
Фақат сизни жавобгар деб билади. Мана!  
(*фатвои қўнидан олиб кўрсади*)

## Улуғбек

Жаллодларнинг малайисан, бадбахт кушанда!

*Бир зарба билан уриб Аббосни йиқитади. Аббос ўрнидан туриб, сипоҳларга ишора қилади. Сипоҳлар Улуғбек навкарларига ҳужум қилганда, биттаси қочади. Йигитали эса қиличини суғуриб, уларни яқинлатмайди. Ота Мурод: „Мусулмонлар, вой-дод, босқин!“ деб қичқириб, қишлоқ томонга қочади.*

Йигитали, қиличимни бергин, кўрай-чи,  
Қиличбозлик билармикан бу нобакорлар!

Йигитали Улуғбекка қилич беради. Ўзи ҳам қилич тутиб Улуғбекнинг чап томонида туради.

Йўқ, бўшашган эмас ҳали Улуғбек қўли,  
Мен қилични олмасликка қасам ичгандим,  
Аммо бунга сен ҳароми мажбур этасан.  
Гоҳо керак бўлар экан бобо мероси.

Улуғбек фонус орқасида туриб, ҳужум қилаётганларни равшан кўрганлиги учун Аббос ва шерикларининг ҳаммаларига радда-бадал бериб яқинлатмайди. У ўзини, ҳам Фирузани ҳимоя қилади. Йигитали жароҳат еб йиқилади.

## Аббос

Фонусни ур! Йўқса унга бас келолмаймиз!

Бир неча сипоҳи фонусни уриб туширадилар. Ўртага қоронғилик чўқади.

## Улуғбек

Эҳ, номардлар, япалоқлар, кўршапалаклар,  
Қоронғида фақат сизнинг ишингиз унар!

Уч-тўрт сипоҳи қоронғидан фойдаланиб, Улуғбекка орқадан ҳужум қиладилар, ўнг қўлидан аралайдилар, қилич Улуғбек қўлидан тушиб кетади.

## Аббос

Дарҳол боғланг! Ўчни ўзим олмоғим керак.

Сипоҳлар арҳон ташлаб, Улугбекни дарахтга боғлайдилар.

## Фируза

Қўлларингиз фалажлансин, йиртқич сотқинлар!  
Биласизми, не кишини яраладингиз!..

## Улуғбек

Ўлим мени қўрқитмайди. Лекин, афсуски,  
Мен дўстларни ҳасрат ичра қўйиб кетаман.  
Фируза, сен, мендан кўрган жафони унут,  
Асл севги ҳурматига мени эсда тут!

Фирузани олиб кетадилар.

## Аббос

Ҳукми-шаръий бажарилур. Айтинг васият!

## Улуғбек

Васиятим, васиятим! Ким ҳам эшитгай.  
Мулким йўқки, бировларга мерос қолдирсам,  
Хазинам йўқ, бировини бойитиб қўйсам.  
Меросимдир китобларим ва жадвалларим.  
Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,  
Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли,  
Бир мероски, баҳра топар ундан ер юзи.  
Эсиз, эсиз ватанимга сўнг хитобимни  
На бировлар эшитади ва на ёзмоққа —  
Бу бойловлиқ ва ярадор қўлим қодирдир.  
Ёвуз душман олдида мен бойловлиқ қўлим,  
Парвардигор, бундан ортиқ бормикан зулм?  
Қаердасан дастёрим, содиқ навкарим,  
Ҳай, Бердиёр, нега йўқсан шу дамда ўзинг?  
Нега сени мен жўнатдим ўзимдан йироқ?  
Сен бўлмасанг кетар экан омадим ҳар чоқ.  
Сен қайдасан, ҳай, Бердиёр, Чотқол шунқори!

Саҳна орқасидан Бердиёр товуши эшитилади.

## Бердиёр

Лаббай, ҳазрат, садонгиздан айланай, ҳазрат!  
Ҳозир келдим, ҳай, номардлар!

## Аббос

(чўчиб сипоҳларга)

Жадал бўлинг, тез отланинг, дарҳол кетамиз,  
Мана қасос, мана сизга отамнинг хуни!

Улуғбек кўксига ханжар тикади.

Улуғбек

Ҳаромзода!

Арқонда дарахтга осилганича сустлашиб қолади. Аббос ва шериклари қочаётганида Бердиёр ва яна болта, таёқ кўтарган деҳқонлар ва Ота Мурод чопиб кирадилар.

Бердиёр

Сени тирик қочирмайман!

Аббосга ёйдан ўқ узади. Аббос „ўлдим“ деганича ерга йиқилади. Бердиёр ва деҳқонлар Улуғбекни дарахтдан счиб, ерга ётқизадилар. Одамлар унинг атрофида тиз чўкадилар.

Улуғбек

Бу сенмисан, Бердиёрми? Кечикдинг бир оз.

Бердиёр

Оҳ, кечикдим бир дақиқа, қиблайи олам!  
Биз у чолни аяб секин йўл юриб эдик,  
Бу қишлоқнинг яқинидан ўтганимизда,  
Ота Мурод жар солганин эшитиб дарҳол  
Ўзим чопиб келдим бунга... Оҳ, золим фалак!

Фирюза

(уй ичидан)

Валламати кўрай, вой дод, қутқазинг мени!

Ота Мурод югуриб уйга кириб кетади.

Бердиёр

(Аббос қўлидан олган ханжарни қараб)

У лаънати сизга тикқан шу ханжар тиғин,  
Абдуллатиф исми бунга ёзуғлик экан.  
Бу Тошканднинг ханжаридир, дами заҳарли...  
Эй худо, сен гувоҳ бўлгин, бу ханжар билан

Абдуллатиф калласини олмасам агар  
Юз минг лаънат бўлсин менга!

Фируза ва Ота Мурод уй ичидан чиқиб келадилар. Фируза келиши билан Улуғбек ёнига чўкиб, унинг қўлини ўпади, кўкрагини ечиб, ярасига рўмоқ қўяди ва йиғлайди.

Фируза

Уҳ, бу яра кошки менга урилса эди...  
Валинётмат, сизга эмас, бу қонли ханжар  
Бу диёрнинг миясига берди жароҳат.

Абдураззоқ, Али Қушчи ва Пири Зиндоний келади.

Улуғбек

Мен даврамда дўстларимни кўраман яна,  
Демак, бизга ўлим йўқдир, мен бўлмасам-да.

*(Одамларни бир-бир кўрсатиб)*

Сен яшарсан, сиз яшарсиз, сиз яшарсиз, сиз!  
Ҳа, қўлимда Фирузанинг шу ипак қўли.  
Ўлганда ҳам мен қўлингни адаштирмайман.  
Қўлинг сиқиб, бу дунёдан кўзим юмаман.

Шу пайтда осмонда булутлар орасидан тўлиқ ой кўриниб қолади.

Сен ҳам бир оз кечикибсан, ~~кўкнинг фокуси!~~  
~~Душман мени енголмасди~~ чиқсанг олдинроқ.  
Ортиқ тамом, гурбатларда дайдиб юрмоқдан  
Шу ватанда шаҳид бўлмоқ олий саодат.  
Хайр сизга, шўх юлдузлар, сенга ғамли ой!  
Хайр сизга, дўстлар, хайр жами инсонлар!  
Хайр сенга, оҳ Фирузам, қалбим синглиси!  
Абдураззоқ, батафсил ёз бу қиссаларни!  
Дунё, дунё, бевафосан, биламан сени.  
Аммо, сенга ёмон фарзанд эмас эдим-ку!  
Ёруғ кунда, бахт айёми, мени ёд айла.  
Битди нафас. Йиғламайман. Сиз ҳам йиғламанг!

Ўлади.

Ота Мурод

Бошпанамиз тўзиб кетди, синди белимиз!

Абдураззоқ

Эй-воҳ! Энди етим қолди ақлу маърифат.  
Лак-лак аблаҳ Аббосдеклар ҳаром қотади.  
Аммо, ҳайҳот, тирилмайди, битта Улуғбек!



## Али Қушчи

Коинотнинг чаманига очган йўлингиз  
Йўлчиларсиз қолмас, билинг, азиз муаллим!  
Орта борар юлдуз сони жадвалингизда.  
Қонингиздан ўсиб чиқар шодлик гуллари!

## Пири Зиндоний

Мен эллик йил зиндонларда чиритдим таним,  
Не-не бало, уқубатлар кўрмади кўзим.  
Аммо, тангри шоҳиддирки, бирон лаҳза ҳам,  
Кўзларимда кўз ёшлари ялт этган эмас.  
Воасафо, ҳеч кимсадан уялмай бугун,  
Мен йиғлайман, юрак қони билан йиғлайман!  
Етим қолган эл дардига куйиб йиғлайман!  
Бош қўяман тупроғига улуг инсоннинг.

## Парда

## БУЮК ИНСОН ФОЖИАСИ

Азиз ўқувчи! Мана сиз устоз Шайхзоданинг „Мирзо Улуғбек“ фожиасининг энг ҳаяжонли саҳифалари билан танишдингиз. Албатта, фожа сўнгида сизда оғир ва изтиробли таассурот қолди. Дарҳақиқат, ўз фарзандидан меҳру оқибат, қариганда ҳурмат ва эҳтиром кўриш ўрнига унинг тахтпарастлик интилишларининг қурбони бўлган, қирқ йил подшолик даврида олиб борган қанчалар жангу жадалларда, чопқинларда, олишувларда эмас, ўз фарзанди қўлидан ўлим топган буюк инсон фожиаси қалбни ларзага келтирмай қолмайди.

Қалбда ачиниш ҳиссининг пайдо бўлиш сабаби шундаки, фожа муаллифи бош қаҳрамони сифатида Улуғбекка нисбатан бизда эҳтиром ва ҳурмат туйғусини уйғотади. Тўғри, Улуғбек — подшо, у ҳам ҳамма подшолар қатори ҳалққа маълум зулм ўтказган, жангу жадаллар олиб борган. Унинг даврида ҳам юрт буткул обод, халқ ҳаёти фаровон бўлиб қолган эмас. Аксинча, Улуғбекнинг Абдуллатиф олдида ожиз бўлиб қолгани сабабларидан бири — оддий халқ унинг ҳимоясига чиқмаганлигида, деб изоҳлайди академик В.В.Бартольд.

Хўш, Улуғбек шахсида ёзувчини ва бизни ром этган хислат нима? Қайси хизматлари учун Навоийдек буюк зот у ҳақда:

Темурбек наслидин султон Улуғбек —  
Ки олам кўрмади султон анингдек...

деб ёзади. Бунинг асосий сабабларидан бири султон Улуғбек

фаолиятининг иккинчи ва биз учун муҳим қирраси — унинг маърифатпарвар, олим ва фозил киши бўлганлигидадир. Бундай нодир хислат темурийзодаларнинг аксариятига хос эди: Улуғбек — султон ва мунажжим олим, Ҳусайн Бойқаро — шоҳ ва шоир, Бобур — император ва буюк шоир ва ҳ.к. Бир кишининг қалбида ана шундай бири-бири билан сиғишмайдиган икки қутбнинг мавжудлиги уларнинг кўпчилигини маънавий фожиага олиб келган эди.

Улуғбек мирзо қирқ йил тахт тебратган ва қиличи қўлидан тушган эмас. Лекин асар қаҳрамони ҳукмдорлиги учун эмас, юлдузлар билан тил топишганидан, ўз қўли билан расадхона яратиб, бир минг иккита юлдузнинг жойлашиш ўрнини белгилаб чиққанлиги, ўнлаб фидойи шогирдлар тайёрлаганидан кўкси фахрга тўлди. У қилич кучига эмас, илм-маърифат кучига, дунёни қора куч эмас, гўзаллик ўзгартириши мумкинлигига ишонади.

Улуғбек илмнинг қудратига нечоғлик юқори баҳо берганлигини унинг асар бошидаги монолоғидан, қолаверса, шогирдлари ҳузурида айтган гапларидан билиб олдингиз.

Улуғбек томирида оққан Темур қони, ҳукмдорлик бурчи билан қалбидаги инсонпарварлик ва маърифат тинимсиз шиддатли тўқнашувда яшайди. Бу ички кураш унга азоб-бе-ради, юрагини қоқ иккига бўлади. Умр бўйи ана шу икки қутбни келиштираман, уларни бир-бирига хизмат қилдираман, деб ҳаракат қилди, лекин бу ҳаракатининг беҳуда эканлигини умрининг сўнгидагина сезди. Бу жиҳатдан Улуғбекнинг маҳбус сарбадор — Ҳасан-оҳангар билан мунозараси айниқса ўзинга хосдир. Улуғбекнинг ўз маънавий инқирозини, фожисини тушуниб етиши худди ана шу суҳбатдан бошланди, дейиш мумкин. Пири Зиндонийнинг қамчи зарби каби аччиқ сўзларини бир эсланг.

Умнатларнинг ихтиёрин фақат бир одам  
Уҳдасига олмоқлиги хатарли даъво...

яъни, бир одам, майли у подшо бўлса ҳам, „бутун халқнинг, инсонларнинг тақдири менинг қўлимда“ деб даъво қилиши нотўғри ва хатарли иш.

Эшитганман, ўтакетган фозил экансиз.  
Аmmo, асли шоҳ уғлисиз, шу учун ҳар дам  
Кузингизни қамаштирар тож ялтироғи...

Ёки:

Тушунмайман, тушунмайман, шавкатли мирзо,  
Тахт қанақа маърифатга пойдевор бўлмай?  
Ваҳоланки, тож бошдаги фикрга қафас...

Қаранг, қандай дақшатли ўхшатиш: яъни ҳукмдор бошидаги тож гўё эркин фикрлар қамалган қафас! Ва, ниҳоят, вулқон каби портловчи дақшатли хулоса:

Истасангиз тиз чўкайин оёгингизга,  
Сизга, буюк қалбли инсон, буюк мунажжим!  
Аммо султон Улуғбекка, соҳиби тожга  
Бош эгмайман, эголмайман, йўқ, эголмайман!

яъни, сизга олим сифатида тиз чўкишга розиман, лекин султон сифатида бош эгмайман!

Турли хил вазиятларда Улуғбекдаги мана шу икки қутб — олимлик ва ҳукмдорликнинг гоҳ униси, гоҳ буниси ғолиб келади.

Нобакор фарзанд Абдуллатиф ўз падари бузрукворига қарши исён кўтаради. Мушкул аҳволда қолган Улуғбек маънавий мадад сўраб бобоси Темур қабрига келади: Нима қилсин! Наҳотки жангу жадалсиз, қон тўкмасдан яшаб бўлмаса? У бобоси арвоҳига қараб нидо қилади:

Бу кулфатли замонада бергин маслаҳат,  
Тағин лашкар, тағин жангу яроғ-аслаҳа!  
Охиратга қадар шуми, султонлар иши?  
Темурийлар манглайига битилган шуми?  
...Шоҳлар бурчи яшатмоқми ёки ўлимми?  
Қувват нима? Мурувватми ёки зулмми?

Темур неварасининг мушкул аҳволда қолганлигининг сабаби унинг илм билан бўлиб, қўлидаги қилични бўшаштириб қўйганлигида деб билади ва бунинг учун Улуғбекни қойийди. Темур арвоҳининг мана бу дақшатли сўзларига қулоқ тутинг-а:

Ҳар кун беш бор айтар эдим: бутун ер юзи  
Торлик қилар: сиғдиrolмас икки подшоҳни,  
Аммо, бугун кўраманки, эллик шоҳга ҳам  
Кенглик қилар, ортиб қолар шу латта дунё.  
Осмонда битта тангри, ерда бир султон  
Акс ҳолда тўполонлар лобид, муҳаққақ.  
Шаҳрисабзлик Темурбекнинг ваҳимасидан  
Қалтирарди етти иқлим тоғу тошлари.  
Самарқандда бир йўталсам, бунинг зарбидан  
Ериларди халифайи Бағдоднинг ўти,  
Исфаҳонда зилзиладек қимирларди ер,  
Бир наърамдан қулар эди шоҳларнинг тожи,  
Пойтахтимга оқар эди дунёнинг божи...  
... Улуғбекни мен кўргудек бўламан ҳозир.  
Ўғлим, сенинг иродангни еб қўйди китоб.  
Сипоҳийлик расмларин қилмайин писанд,  
Юлдузларнинг қўшинига бўлдинг фармондор.

Осмоний ўлкаларни олмоқчи бўлиб,  
Ердаги нақд диёрингни бой бердинг қўлдан...

Худди шу ўринда Улуғбекни бошқа теурийлардан фарқлаб турадиган асосий хислатни пайқаб қоламиз: унинг қалбидаги иккинчи қутб — инсонпарварлик ва маърифатпарварлик барала устувор келади:

Томиримда гарчи юрар Теурийнинг қони  
Аммо менда Теурибекнинг шаддодлиги йўқ.  
... Туркистонда гарчи менга тенг келадиган  
Мерган йўғу, аммо уруш таъбимга ёқмас.

Бундай тасвир охир-пировардида шундай фалсафий хулосага олиб келадик, тахт, ҳукмдорлик, зўравонлик—булар ўткинчи ҳодисалар, илм-маърифат эса абадийдир. Улуғбек эса олим эди, ўзидан кейинги авлодга бой маънавий хазина мерос қолдирди. Бу мерос абадий бўлганидек, Улуғбекнинг номи ҳам ўлмасдир.

„Мирзо Улуғбек“ фожиасида тарихий материал ва ёзувчи бадий тўқимасининг муносабати ҳам диққатга сазовор. Фожа асосида ётган воқеалар моҳият эътибори билан ҳақиқий тарихийдир. Аммо муаллиф Улуғбек сажиясини ҳар томонлама ёритиш мақсадида бир қатор бадий тўқимага асосланган қаҳрамонлар ҳам яратади. Жумладан, Улуғбек, Абдуллатиф, Али Қушчи, Жомий, Саккокий, Сайид Обид, Гавҳаршодбегим кабилар ҳақиқий тарихий шахслар бўлсалар, Фируза, Пири Зиндоний, Бердиёр, Отамурод, Бобо Кайфий кабилар эса ёзувчи фантазиясининг маҳсули бўлиб, тўқима қаҳрамонлардир. Шайхзода Улуғбекни халққа яқинлаштириб кўрсатиш мақсадида унинг сеvimли хотини сифатида оддий боғбон қизи Фируза, яқин дўстлари сифатида оддий халқ вакиллари Бердиёр, Ота Мурод образларини чизади. Шунинг учун ҳам фожа сўнггида Улуғбекнинг шу дўстлари унинг ўлими учун қотиллардан ўч олишади.

„Мирзо Улуғбек“ фожiasi бошдан-охир фалсафий руҳ билан йўғрилган. Асар тили Улуғбек даври руҳини ёрқин акс эттиради. Драманинг қурилиши пухта, драматизм томошабин диққатини энг юқори нуқтада тутиб туришга хизмат қилади. Ва, ниҳоят, асарнинг мукамаллиги устига Улуғбек ролини улуғ санъаткор Шукур Бурхонов меъёрига етказиб ўйнаганини ҳам қўшадиган бўлсак, бу фожиянинг ёзилгандан буён саҳнадан тушмай келётганининг сабаби яна ҳам ойдинлашади.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Асар қайси давр ва қайси тарихий шахс ҳаёти фожiasини акс эттиришга бағишланади?
2. Сиз ўқиган парчаларда Улуғбекнинг маърифатпарвар ва олим сифатидаги қай жиҳатлари очилади?
3. Улуғбекни фожага олиб келган бош сабаб — унинг сажиясидаги икки

қутб — ҳукмдорлик ва маърифатпарварлик ўртасидаги зиддият қайси ўринларда айниқса равшан кўзга ташланади? Пири Зиндонийнинг „Тож—бошдаги фикр учун қафас“ сўзларини қандай изоҳлайсиз?

4. Улуғбек шогирдлари билан суҳбатда маърифатнинг кучига, илмнинг умри боқийлигига қандай баҳо беради? Уша сатрларни топиб ўқинг.

5. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатифнинг тахт учун ўз отасини ўлдиришга бош қўшиши—падаркушлиги (падар—ота, куш—сўймоқ) сизда қандай ҳиссиёт уйғотади? Ота-ўғил ўртасидаги бу адоват нимадан келиб чиқди деб ўйлайсиз?

6. Улуғбекнинг ўлдирилиши воқеасини тафсилотлари билан сўзлаб беринг.

7. Пири Зиндонийнинг фидойилиги, мардлиги ва ақллилиги сизда қандай таассурот қолдирди?

8. Бобоси Темур арвоҳи Улуғбекни нима учун койийди? У ҳақми ёки Улуғбекми?

9. „Олим ва ҳукмдор Улуғбек“ мавзусида ёзма иш режасини тузинг.

## ФОЖИА (ТРАГЕДИЯ) ЖАНРИ ҲАҚИДА

Фожа жанри адабиётнинг драматик турига мансубдир.

Трагедия — юнонча сўз бўлиб, келиб чиқишидаги асл луғавий маъноси—трагос—эчки, ода—кўшиқ, яъни „эчки кўшиғи“ демакдир. Бугунги кунда у ўзининг қадимий луғавий маъносидан бутунлай узоқлашиб кетган. Хўш, нега энди „эчки кўшиғи“? Бу атама қандай келиб чиққан?

Юнонистонда антик даврда ҳар йили февраль ойида ҳосил худоси Дионис шарафига ўтказиладиган халқ байрамларида Дионис кийимидаги киши тушган араванинг орқасидан бир тўп қизиқчилар эргашиб юришган. Улар мавжуд одатга кўра эчки терисини ёпиниб олишган. Буларни трагослар деб аташ расм бўлган. Кейинчалик бу термин адабиётга кўчиб, ўзининг асл маъносидан узоқлашган ва кўпроқ фожиали яқунга эга бўлган асарларга нисбатан ишлатилган.

Энг биринчи трагедиянинг ватани ҳам Юнонистон бўлиб, бу жанрнинг „отаси“ антик адабиёт намояндаси Эсхил (эрамиздан олдинги VI—V асрлар) саналади. Унинг замондошлари ва издошлари Софокл, Еврипид кабилар бўлиб, улар яратган фожиалар бугунги кунгача томошабинларни қизиқтириб келади.

Одатда, трагедия деганда охири ўлим билан яқунланадиган асарлар тушунилади. Бу хусусият кўпчилик фожа асарларига хос бўлса ҳам, бирдан-бир ва асосий белги эмас.

Трагедия — қаҳрамонларнинг бошига тушадиган энг оғир ҳолатларни бўрттириб кўрсатиш йўли билан ҳаётда ҳамиша мавжуд бўлган фожиавийликни ёрқин тасвирлайдиган асарлардир. Фожа инсон ҳаётидаги энг қалтис, энг шиддатли, ҳалокатли ҳолатларни тасвирга асос қилиб олади ва уларни даҳшатли тўқнашувлар, ташқи ёки ички курашнинг шиддатли силсиласида тасвирлайди. Шекспирнинг: „Отелло“, „Ҳамлет“, Пушкиннинг „Борис Годунов“, Абдурауф Фитратнинг „Абулфайзхон“, Шайхзоданинг „Мирзо Улуғбек“ фожиаларида худди ана шундай ҳолатларни кўрамыз. Биз юқорида танишган „Мирзо Улуғбек“ асарида Шайхзода бош қаҳрамоннинг ҳаётий фожиасини унинг

ўз замонасидан жуда ҳам илгарилаб кетгани билан изоҳлайди. Улугбек идеаллари билан мавжуд жамият тарихий шароити ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган қарама-қаршилик мавжуд ва худди мана шу қарама-қаршилик қаҳрамон фожиасининг асосини ташкил этади.

Фожа жанридаги асарлар аксарият фалсафий руҳ билан йўғрилган, романтик бўёқларга бой, драматизм энг юқори нуқтага олиб чиқилганлиги билан ажралиб туради. Бундай асар яратиш осон эмас. Шунинг учун ҳам мукаммал фожа асарлари адабиётимизда кам учрайдиган ҳодисадир.

#### *Саволлар*

1. „Трагедия“ терминининг асл луғавий маъноси нима? Бу ном қандай келиб чиққан?
2. Илк трагедияларнинг ватани қайси мамлакат? Жаҳон адабиётидаги фожианавислардан кимларни биласиз?
3. Фожа жанрини бошқа тур асарлардан ажратиб турувчи асосий белги нима? Фожа албатта қаҳрамонлар ўлими билан тугаши шартми?
4. Сиз ўрганган „Мирзо Улугбек“ асарида фожа жанрининг қандай белгиларини кўрсата olasиз?

**МИРТЕМИР**

(1910—1978)

**СУРАТ**

(Лирик қисса)



**ҰЛИМЛАРДАН ҲАТЛАБ...**

На олгин, на жавоҳир эдим...  
Армонли бир ёш шоир эдим.  
Зухро бўлмасанг ҳам чиройда,  
Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим.  
Тошлон ўлди, деган ким ахир?  
Гулдай сўлди, деган ким ахир?  
Наҳот поймол қутлуғ ишқ аҳди,  
Бол бўлурму шунчалар тахир?  
Барчинойдай кутганинг қани?  
Зардобу қон ютганинг қани?  
Умр йўлида то юмгунча кўз,  
Бирга-бирга кетганинг қани?  
Гуноҳим не? — Жангда бўлганим,  
Қон кечганим, юз бор ўлганим.  
Дийдорингни унутолмайин,  
Ўлимлардан ҳатлаб келганим...

**СУРАТ, СУРАТ!**

Оч назарим тушар суратга...  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?  
Термуламан суратда хатта...  
Жангларда ёр эдинг-ку, о, қиз!  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?...  
Кўзларимга боқасан, қийғоч,  
Куласану кўзларингда ёш  
Ҳалқа-ҳалқа, тарқоқ сунбул соч,  
Зап қийилган бир жуфт қалам қош.  
Куласану кўзларингда ёш...  
Эсингдами сўнги бўсалар,

Сенга тоқат тилаганларим,  
Юз очганда аёз бир саҳар,  
Хайр! деб сочинг силаганларим,  
Сенга тоқат тилаганларим?  
Сурат, сурат! Нега сен тилсиз?  
Сени асраб түрт йил қўйнимда...  
Топинардим, ўпардим... эсиз!  
Э воҳ, қандай зил юк бўйнимда  
Сени асраб түрт йил қўйнимда...

#### ИЛК БАҒИШЛОВЛАРДАН...

### I

Оқшом тушар... ўнгу сўлда  
Ошпоқ-оппоқ хирмонлар,  
Тинмай ўтар катта йўлда  
Хирмон юкли карвонлар.  
Тўлиб кетар кўкка юлдуз...  
Келинлар соч тарашур,  
Сен ҳам ҳорғин, сочи қундуз,  
Сенга ҳордиқ ярашур...  
Кўз ташла оқшомнинг сўлим чоғига,  
Кел сен ҳам Ойсулув,—  
Сой қирғоғига...  
Тун сочидан тутиб шўх ел  
Тортар олис тоғларга.  
Аста-аста таралур эл  
Соя-салқин боғларга...  
Қуйиб ўтди бемаҳал сел,  
Кўк чароғон кечқурун,  
Қўшиқ янграр: "Жоним, кел!—  
Ойдин, ёруғ бўлур тун".  
Кўз ташла оқшомнинг сўлим чоғига,  
Кел сен ҳам Ойсулув,  
Кел сен ҳам Ойсулув—  
Сой қирғоғига...

### II

Сен келгин тонг чоғида,  
Сен келгин нақ тонг мисол,  
Тонг балқиб ёноғингда,  
Кўзларим ўйната ол!...  
Сен кел туш пайтида ҳам,  
Дарёда эпкин мисол.  
Сочларим тўзғит бир дам,  
Дилни ҳам қўзғата ол!  
Сек келгин оқшом, майли,  
Оқшом қўшиғи мисол.  
Гўё саҳнада Лайли,  
Завқимни уйғота ол!



Сен келгин ойдin тунда,  
Албатта кел ой мисол,  
Қучоғимга афсундай,  
Тўлин ойдаi тўла қол...

### III

Дилим ранжитса ҳам дўқу дағдаға,  
Боғимда бу оқшом жонон ўйнасин.  
Гулдай чиройидан бўлай садаға,  
Очилиб-сочилиб, чунон ўйнасин.

Жўр бўлсин булбуллар чалган торимга,  
Қўшиқлар куйлайин вафодоримга,  
Сукланай Ойсулув отли ёримга,  
Шўх оҳудай айлаб жавлон ўйнасин.

Хипча белга боғлаб яшил ранг камар,  
Гуллар-чечаклардан тақсин гулчамбар,  
Тенги кам ўйинчи, тенги кам дилбар...  
Томошага келиб, осмон ўйнасин.

Товусдай товланган, эй қоши камон,  
Висол чаманида бўлайлик омон.  
Айрилиқ ғуссаси ўлымдан ёмон...  
Қолмайин заррача армон ўйнасин.

### IV

Қўшиқлар тўқисам — нўноқ бўлмаса,  
Сендан ўзга дилга қўноқ бўлмаса!  
Куйласам туну кун сулувларингни,  
Куйлаш мумкинми дил қайноқ бўлмаса?

Кўнглим ўксинади, кўнглим синади  
Кўнглим билан кўнглинг иноқ бўлмаса!  
Кўнглим ўксинади учрашганимда  
Ойсулувжон шўху қувноқ бўлмаса!

### СЕНИНГ ҲАР МАҚОМИНГ...

Яна талпинишинг кўрдим саҳнада...  
Сенинг ҳар мақоминг — нечоғлиқ таниш!  
У кез учратардим сени панада,  
Дилда ёниш борди, ёниш ва ёниш.

Кейин тоқатлар тоқ, кутардик висол,  
Кейин мангуликка беришдик ваъда.  
Кейин қучоғимга тўлдинг бахт мисол—  
Иннайкин... иннайкин... мен бўлдим дада.

Иннайкин, айрилиқ жафо тошини  
Бизнинг пешонага урди аёвсиз.  
Иннайкин, йироқда қалам қошлимни—  
Соғиндим, соғиндим, соғиндим... Эсиз!

Эсиз, аёз тунлар, уйқусиз тунлар!...  
Жанг ва бурч... Ёр ҳажри... Қатма-қат жафо.  
Наҳот мен сени деб бўлдим тутунлар?  
Наҳот, шундоқ дилбар бевурд, бевафо?

Яна толпинишинг кўрдим саҳнада...  
Сенинг ҳар мақоминг менга ошино.  
Ҳозир мен кўрмасам сени панада,  
Шукурлар қиламан минг марта, инон!

#### ИККИ ДАРД

Тушларимда дуч келганда ҳам  
Шўхлигингни асло қўймайсан.  
Дам қаҳ-қаҳу дам кўзингда нам,  
Бу кулфатдан нечун тўймайсан!

Ҳам нафратим, ҳам аянчим бор,  
Юрак икки дардга мубғало.  
Ғамзалар... оҳ бекор-ку, бекор...  
Қайта оғир бўлди бу бало!

Кўрмай десам кўзим кўр эмас,  
Юрмай десам оёғим бутун.  
Аммо юрак ортиқ жўр эмас,  
Хаёлларда бўламан тутун.

Туғилмаган бўлсайдим, кошки,  
Бўлур эдинг бахтли, эҳтимол.  
Эринг билан, майли, ярашки,  
Эринг ахир... Увол-ку, увол!

#### ХАТ...

Хатинг, жонон, обдон бетаъсир,  
Узилган ип нечун боғланур?  
Ўзинг ахир, сақлаяпсан бир,  
Ўз айбингдан қалбинг доғланур.

Мунча узун, мунча оқу воҳ,  
Пушаймонга қолдими ўрин?  
Агар сенда бўлмаса гуноҳ,  
Билдирмадинг нега сал бурун?

Базмларнинг гули бўлганинг—  
Ёлғон бўлса, боқ-чи кўзимга.

Мақтовларнинг қули бўлганинг—  
Ёлғон бўлса айт-чи ўзимга!

Қани улар? Сохта муҳаббат?..  
Нега фаҳминг етмайди аввал?  
Соғинишга қолдимми фақат?  
Дунё иши шундоқ... Галма-гал...

#### ТАҚИЛЛАТСАМ...

Кичик уйда ўчмаган чироқ,  
Биламанки, сен ҳали уйғоқ,  
Паришонсан, хаёллар тарқоқ,  
Тун ярмидан анча ўтган чоқ,  
Биламанки, сен ҳали уйғоқ,  
Биламанки, ўқийсан китоб,  
Шеърим сени этади кабоб.  
Оҳ чекасан, битар тоқат-тоб,  
Биламанки, ёд бўлган бир боб,  
Шеърим сени этади кабоб.  
Юрагингда уйғонар у соз,  
Тақиллатсам берасан овоз,  
Хаёлингда қишинг бўлур ёз,  
Аммо, қайтиб кетаман... Аёз...  
Тақиллатсам берасан овоз.  
Биламанки чиқмас кўнглингдан,  
Не ёмонлик кўрдинг сен мендан?  
Шу вадданки ҳар кун синглимдан—  
Сўроқлайсан аҳволимни сен.  
Не ёмонлик кўрдинг сен мендан?

#### БУГУН ЙЎЛДА...

Бугун йўлда дуч келганингда,  
Нега бирдан тўхтадинг жонон?  
Эринг келар эди ёнингда,  
Сал қолдики чақирсанг: "Тошлон!"  
Мен панага олдим ўзимни,  
Сен йўлингта тушдинг ҳайтовур.  
Кўрмаганга солдим ўзимни,  
Жанжал бўлур албатта бир қур.  
Шўрлик Тошлон, бечора Тошлон!  
Ғамдийда, ҳей кўзларим, ёшлан!..

#### АРМОН..

Худди шундай эрта баҳорда  
Учрашгандик икков кечқурун.  
Айрилгандик эрта саҳарда,  
Ҳали иссиқ кўринар ўрин...

Ҳамон ўша чинор — ям-яшил,  
Дарё бўйи — зумрад соябон...  
Безовта бўлди-ку андак дил,  
Амон, хаёл! Амон, ал-омон!..

#### БОЛАЖОН

Эй... Кўзларинг мунча ҳам қийиқ,  
Мунча қийиқ, мунча бетийиқ,  
Киприкларинг мунча ҳам куюқ,  
Ўғлимга ўхшайсан, болажон!  
Билмас ҳатто яқин ҳамхонанг  
Очармиди юрагин онанг?  
Мен-чи... Мен-чи, бегонанг...  
Ўғлимга ўхшайсан, болажон!

#### ҲАФТАДА, ОЙДА...

Амаки де, хафа бўлмайман,  
Ота дема, юз берур бало.  
Ҳафтада кел, майли, ўлмайман.  
Фаҳм этарсан ахир бир йўла.  
Ҳафтада кел, майли, ойда кел,  
Амаки де, ака де, майли...  
Аммо қолмай албат майда кел,  
Узоқмас-ку, ҳозир Кегайли!..

#### ЭРТАК...

...Қиссамизни ёйма оламга,  
Юрагимиз бўлсин жим макон.  
Эртак каби сўйла боламга,  
Маълум бўлсин унга бу дoston...  
Муҳаббатнинг гавҳар донасин—  
Ўғирлатган тентаклар, десин.  
Ҳар кун, ҳар кун қистаб онасин:  
— Эртак, эртак, эртаклар! — десин!

#### БАРИНИ УНУТ!

Яна баҳор, шовиллар анҳор,  
Бошларингда нега йўқ чанбар?  
Яна боғда кезасан танҳо,  
Тўйиб-тўйиб йиғлайсан магар.  
Бошларингда нега йўқ чамбар?  
Гул юзингда ғам кўланкаси,  
Сўзладингми сувга тушингни?  
Адашганлик бўлди ҳаммаси,  
Ялтироқ ранг олди ҳушингни?  
Сўзладингми сувга тушингни?  
Нега кўзинг безовта, бетинч,

Боқишларинг бу қадар мунгли?  
Барин унут, пушаймонинг кеч,  
Оғримасин янги ёр кўнгли...  
Боқишларинг бу қадар мунгли?  
Балки эсга тушди май туни,  
Табиатнинг тўлин ой туни,  
Муҳаббатга жойли-жой туни,  
Вафоларга мўл ва бой туни.  
Табиатнинг тўлин ой туни...  
Балки эсда у илк муҳаббат,  
Муҳаббатга қанот бўлган хат?  
Мармар тошга ўйилган каби,  
Кўз олдиндан кетмас у фурсат,  
Муҳаббатга қанот бўлган хат...

#### ЁР ДЕГУНЧА...

Ойлар, йиллар қийнади жафони,  
Жон аядинг, бўлмади вафонг.  
Ёр дегунча, дўст атагунча,  
Десаңг яхши: "Айлансин онанг..."  
Опа дейман, ёр атамайман:  
Ҳайҳот!.. Опа, аяга бойман,  
Мурод экан юрак нақадар,  
Баъзан танҳо аччиқ йиғлайман.

#### ДИЛДА ҚОЛДИ...

Қайдан чиқди бу бало сурат,  
Балоларга мубтало сурат,  
Хотиримга тушди йигитлик,  
Кайфим олди аждаҳо сурат...  
Дудоқлари ярқироқ лаъли.  
Пари десаңг ярашур, бали.  
Шахло кўзлар, қасди жон кўзлар,  
Ёнармисан шу хилда ҳали?  
Сўлди бутун ишқим боғлари,  
Йигитликнинг баҳор чоғлари.  
Сен ёнасан, мен ўртанаман,  
Дилда қолди ҳижрон доғлари...  
Сен дилдорсан унга ноилож...  
Суюк ёрсан унга ноилож...  
Икки йиллик ширин умрдан—  
Қолдикми шу кунга ноилож?

#### ФАҚАТ!

Нега кўнглим, бўлдинг бетоқат?  
Тинчлан, дедим сенга неча қат.  
Сўнармиди ғусса оташи—  
Ёзган билан менга баъзан хат?

У — ёшликни соғинар фақат,  
Эсдаликлар жон қийнар фақат.  
Ёшликдаги муҳаббат ўчмас,  
Ажал келса, у тинар фақат...

#### ЯНА СУРАТ...

Сийнанг тоза оқ мрамар каби,  
Мрамар эмас, юмшоқ пар каби.  
Мрамар совуқ, аммо бу сийна—  
Дўзах каби, йўқ баттар каби...  
Сийнанг шундоқ... Юрагинг-чи, тош...  
Кўларинг-чи, беаёв — бебош.  
Шаҳло эмиш... Шаҳло нимаси?  
Оҳ, у кўзлар бир парча қуёш.  
Тасвирингга нўноқман, ночор...  
Менга қолди сурат ёдгор...  
Ўхшашингни тополмайман ҳеч,  
Бу малоҳат фақат сенда бор.  
Ҳаммасидан — кулишинг яхши.  
Дилкаш, мунис туришинг яхши.  
Кўкрагимга бошингни қўйиб,  
Таслим бўлиб туришинг яхши.

#### "СУРАТ" ДОСТОН ҲАҚИДА

"Сурат" достони Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ижодининг гултожидир. Достон шоирнинг "Қорақалпоқ дафтари" мажмуасига кирadi. Юксак маҳорат маҳсули бўлган бу асар тузилишининг ўзига хослиги ва мусаввирсифат чизгилар орқали бадий сиймо яратиш санъати намунаси сифатида эътиборга лойиқдир.

"Сурат" достони узвий сюжет йўналишига эга эмас. У асарнинг бош қаҳрамони бахтсиз Тошлоннинг айрим-айрим монологуларидан, дил изҳоридан иборатдир. Асар бошдан-оёқ музтариб қалбнинг руҳий изтироблари, аламли нидолари тасвирдан ташкил топган. Аммо Тошлон сўзларидан уни "қон қақшатган" фожиали воқеаларни илғаб олса бўлади: йигит уруш арафаларида Ойсулув исмди гўзал санъаткор қизни севган ва улар турмуш қурганлар. Машъум уруш бошланиб қолгач, Тошлон аскарликка олинган. Маълум вақт ўтгач, гўё Тошлонни ўлган деб ўйлаб, Ойсулув муҳаббатга хиёнат қилади ва бошқа йигитга турмушга чиқиб кетади. Урушдан минг "ўлимлардан хатлаб" омон келган йигит, ўзининг ҳаётдаги бирдан-бир таянчи ва қувончи бўлган ёридан ва ўғлидан ҳам айрилганини сезади, қалби армон ва изтиробга тўлади.

Уруш даврида бундай фожиали тақдирлар жуда кўп бўлган. Миртемир ҳам Тошлон ва Ойсулув севгилари фожиасининг бош

сабабчиси деб машъум урушни тушунади ва ўқувчида ҳам шундай фикр уйғотади. Айни пайтда китобхон "базмларнинг гули", "мақтовларнинг қули" бўлган ўйинчи Ойсулувни ҳам бу қисмат фожиасида айбдор деб ҳисоблайди ва бунда у қақдир.

Тошлон Ойсулувни янги турмуш ўртоғи билан кўчаларда кўриб қолиб, руҳий азобга ботади, айниқса қошу кўзи ўзиникига ўхшаган ўғлини кўрганида бир дардига минг дард қўшилади, фиғони фалакка етади. Тошлонни кўриб, Ойсулув қалбида ҳам туғён кўтарилади, қилиб қўйган хатосидан пушаймон, армон ҳислари ичида азобланади, йиғитга хат ёзиб тазарру қилади. Аммо бу кечиккан изҳорлар Тошлон қалбига малҳам бўла олмайди, аксинча уни изтироб оловида баттар қовуради:

Базмларнинг гули бўлганинг—  
Ёлгон бўлса, боқ-чи кўзимга.  
Мақтовларнинг қули бўлганинг—  
Ёлгон бўлса, айт-чи ўзимга!

дейди алам билан Тошлон.

Аммо, муҳаббат деб аталмиш туйғу шу қадар қудратлики, сал туриб у аламини унутади, Ойсулувни соғинади, унинг гўзал қиёфасини, бирга кечган онларини эслаб эзилади. Шунинг учун ҳам Тошлон "ёшликдаги муҳаббат ўчмас, Ажал келса у тинар фақат..." деган хулосага келади. Тошлонга у бахтли онлардан эсдалаяк бўлиб фақат бирга тушилган сурату, аччиқ изтироблар қолди. У кечаю кундуз шу сурат билан суҳбат қуради, аламини ҳам, меҳрини ҳам шу суратга айтади:

Ҳаммасидан — қулишинг яхши,  
Дилкаш, мунис туришинг яхши.  
Кўкрагимга бошингни қўйиб,  
Таслим бўлиб туришинг яхши...

Достон китобхонда залворли, оғир, аламли таассурот қолдиради, қалбини ларзага солади. Айни пайтда у ўқувчини муҳаббат, севган киши масъулятини, қисмат масъулятини идрок этишга ҳам чорлайди.

Мазкур достонда Миртемир ўзининг бадий қиёфа, портрет яратишнинг чинакам устаси эканлигини намойиш этади. Асарда ғариб Тошловнинг, айниқса шаддод, ўйноқи, бевафо, аммо мислсиз гўзал қиз Ойсулувнинг қиёфалари иқтидорли мусаввир мўйқалами билан яратилган сурат тасаввурини қолдиради.

Достоннинг лирик оҳангдорлигини алоҳида қайд этиш лозм. Сатрларни ифодали ўқиганингизда шундай таассурот қоладики, гўё ҳар бир бўлим ўз мусиқаси билан яратилган, ўқиш давомида ўз-ўзидан қўшиққа айланиб кетади. Дарҳақиқат, достоннинг деярли ҳамма бўлимлари алоҳида қўшиқ қилинган ва улар сиз билан бизга жуда ҳам таниш ва суюмли.

Чинакам халқона шоир, камтар устоз Миртемирнинг "Сурат" достони адабиётимизнинг камёб жавоҳирларидан бири сифатида ҳали кўп авлод китобхонларининг қалбини ларзага солишига шубҳа йўқ.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Достоннинг ҳар бир бўлимини мазмунига монанд мунгли ёки ўйноқи оҳангда ифодали ўқинг.
2. Тошлон ва Ойсулув севгиларининг фоживасига нималар ва кимлар сабабчи бўлди? Ойсулув танлаган йўлни давр ва вазиятдан келиб чиқиб оқлайсизми ёки уни айбдор деб биласизми?
3. Тошлоннинг қалб нидолари, руҳий изтироблари, айниқса, қайси бўлимларда таъсирли ифода этилган?
4. Миртемирнинг қиёфа, портрет яратиш устаси эканлигини қайси ўринларда сездингиз? Уша сатрларни ўқиб беринг.
5. Достоннинг "Сурат, сурат" деб номланган ва "Сен келгин тонг чоғида" деб бошланадиган бўлимларини ёд олинг.



## ШАРОФ РАШИДОВ

(1917—1983)



Ёзувчи, таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов 1917 йилда Жиззахда туғилди. 1941 йилда Навоий номидаги ўзбек (ҳозирги Самарқанд) Давлат университетининг филология факультетини тугатди. 1941—1942 йилларда урушда қатнашди. Шундан сўнг Самарқанд вилоят партия қўмитасида котиб, "Қизил Ўзбекистон" рўзномасида муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, 1950—1959 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати раиси, 1959—1983 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Биринчи котиби лавозимларида ишлади.

Ш. Рашидов адабиётга талабалик даврида қизиқа бошлади, шеърлар машқ қилди. Унинг биринчи шеърый тўплами "Самарқанд куйлари" номи билан босилган, уруш даврида эса "Қаҳрём" номли тўплами чоп этилган.

1951 йилда Ш. Рашидов "Ғолиблар" номли повестини эълон қилди. Асарда ўзбек пахтакорларининг шижоатли меҳнати, янги ерларни ўзлаштиришдаги қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Орадан анча вақт ўтиб, ёзувчи бу асарга яна қайта мурожаат қилди ва уни янги боблар билан бойитиб, романга айлантирди (1972). Адибнинг 1958 йилда эълон қилинган "Бўрондан кучли" романида ҳам "Ғолиблар" даги мавзу давом эттирилади. "Қудратли тўлқин" (1964) романида эса Ш. Рашидов халқимизнинг уруш давридаги ҳаётига мурожаат қилиб, унинг фронт ортидаги меҳнат жасоратини романтик кўтаринкиликда акс эттирди.

Ижодкорнинг романтик сюжетлар ва қаҳрамонларга қизиқиши унинг "Кашмир қўшиғи", "Икки дил достони" каби лирик қиссаларида яққол кўзга ташланади.

"Кашмир қўшиғи" қиссасини озошлик ва инсон эрки ҳақидаги романтик қўшиқ деса бўлади. Асарга муаллиф Кашмирда эшитган ҳинд халқининг озошлик ва эрк ҳақидаги гўзал бир қўшиғини асос қилиб олган.

Қиссада яратилган барча сиймолар мажозий хусусиятга эга

бўлиб, Бамбур, Наргиз ва бошқа гуллар сиймолари йўлдаги ҳар қандай тўсиқларни енгиб, эрк сари интилувчи ҳалол ва жасоратли инсонлар ҳақида тасаввур берса, Бўрон, Хоруд каби сиймолар эркин бўғувчи, камолотга ва гўзалликка тўсиқ булувчи қора кучларнинг бадиий рамзидир.

Қиссада воқеалар кўп эмас, шунга кўра асарнинг сюжети ҳам мураккаб эмас. Муаллифни воқеаларнинг ўзидан кўра, улардан олинган таассурот кўпроқ банд этган. Шунга кўра қиссада ҳис-туйғу тасвири етакчи ўринда туради. Барча романтик асарларда бўлгани каби, ёзувчи ўзи учун сеvimли бўлган қаҳрамонларни янада мукамал ва янада гўзал қилиб, салбий персонажлар — қора кучларни эса қуюқ қора бўёқ билан тасвирлайди.

Асарни ўқиб бўлгач, сиз қандайдир катта воқеалардан хабардор бўлмайсиз, аммо ижодкорнинг тутқунлик ва эрк, ўлим ва ҳаёт, зулм ва адолат, қабоҳат ва гўзаллик, яхшилик ва хусумат ҳақидаги чуқур фалсафий ўй-хаёллари, эҳтиросли туйғулари қалбингизни бойитади, унга нур олиб киради. Сизни ҳаётдаги қарама-қарши қутблар, хислатлар ҳақида чуқур ўйга толдиради. Зотан, ижодкорнинг асл мақсади ҳам шу...

Қуйида "Кашмир қўшиғи" лирик қиссасидан олинган айрим лавҳалар билан танишасиз.

## КАШМИР ҚЎШИҒИ

(Қиссадан парчалар)

### I

Оламда гуллар яшар,  
Боғларга жамол бўлиб,  
Гулзорларга ярашар  
Улар ҳусни хол бўлиб.  
Лола гулларнинг шоҳи,  
Кийгани қирмиз шоҳи.  
Чамандаги атиргул  
Лола қизнинг ҳамроҳи.  
Бўтакўзлар саф-сафдир,  
Саф-сафу бетарафдир!  
Арғувон гуллар эса,  
Гулистонга шарафдир.  
Гуллар кўп, чечаклар кўп,  
Қўшиқлар, эртақлар кўп.  
Бойси шу, ҳар гулнинг  
Қалбида тилаклар кўп.  
Аммо Наргиз эртаги,  
Унинг ишқи, тилаги  
Хушбўй Гуллар боғининг  
Энг чиройли чечаги.

Келинлар, гўзал гуллар,  
Келинг, ошиқ булбуллар.  
Шу севгини куйлайлик,  
Ором олсин кўнгиллар!  
Наргизнинг қўшиғини  
Бамбур ногоҳ эшитсин.  
Маъшуқа ошиғини  
Топсин, муродга етсин!

## II

Табиатнинг барча гўзаллигини мужассам этган, эзгулик қарор топган фароғатли сўлим водийнинг оройиши бўлмиш Гуллар боғида севги ва ҳаёт шодиёнаси тантана қилади. Дилрабо куйларга гоҳ қизларнинг хуш овозлари, гоҳ шайдои булбулларнинг гуллар рақсига эш наволари, гоҳ олис қирлар қучоғидаги чўпон найларининг волон садолари жўр бўлади.

Бу фарахли оҳанглар наҳрида гўёки еру осмон бирлашиб, еру осмон қовушиб, шу бўстон кўркини, дўстлик қудратини, Наргиз билан Бамбур севгисини тараннум этаётгандай. Зеро замин у замонда севги бунёдкорлик ва яратувчилик омили бўлиб келгани бутун тириклик аҳлига маълумдир.

Севгидан бенасиблар — ҳидсиз гулдирлар.

Севгидан бенасиблар — мевасиз даракдирлар.

Бироқ дўстлар Наргизга парвона бўлаётган, ўйин-кулги айни қизиб, шоду хуррамлик туғён қилаётган бир пайтда осмонни яна қоп-қора булутлар галаси босиб, водийга зим-зиё пардасини ёпади. Ўсимлик ва жониворлар оламининг офати — қуюн қорли изғирин аралаш келади-ю, қийғос очилган гулларга тиканакларини санчади, панжалари билан чанг солади, шиғил-шиғил япроқ ва гунчаларни мутаб, янчиб, заҳарли хокига бостириб ташлайди. У ажал нафасини уфуриб кенг ва гўзал водийни бир нафасда хокитуроб этиб шиддат билан ўтиб кетади.

Бу куч-қувватни тиклаб, жамлаб қайтиб келган Бўроннинг қилмиши эди.

Яхшилик — муруватли, ёмонлик — бадқирдордир.

Бўрон жон аччиғида ўкиради, аюҳаннос солади, шиғаб, замлаб, қоялардан чақин устига чақин чиқаради, ҳаммаёқни гумбурлатади, осмонни узиб ерга ураман, дейди.

Гўдак кафтидек мурғак япроқлари нурга йўғрилган навниҳоллар аёзда изиллаб, титроқ босиб, бир-бирини суяб турадилар. Мўртгина буталардаги гуллар-чи, уларнинг иложи қанча? Қуёш ва шаффоф сувларнинг, инсон тийнати ва меҳру оқибатининг фарзандлари бўлмиш улар бошпана ва зарра ҳарорат илинжида ер пинжиги биқинадилар, ўнгирлар ва тошлар панасига, раҳналарга яшириниб оладилар.

Наргиз бошлиқ гўзаллар шу тариқа ғойиб бўладилар.

Боягина баралла айтылган қўшиқлари энди аянчли оҳга айланган қушлар тешик-тешикларга писиб кетадилар. Жами мавжуд нарсалар ўз инъикосига, ўз жуфтига моликдирки, мут-тасил зиддий курашларда улар ўрин алмашиб турадилар: ост билан уст, зулмат билан зиё, саратон билан қаҳратон. Севинчлар айёми эди, мана энди кўз ёшлар палласи.

Осоишта табиатни тор-мор этган, харобазорга айлантирган Бўрон эса ҳадеганда тинай демайди. Шақли шамоли бетайин бу хурпак дўзахи минг-минглаб қонли панжаларини таҳлика қилиб, минглаб кўзларини ўқрайтириб, қадами етган жойга жаҳолат уруғини сепеди, қирғин келтиради. Унинг қузғунники сингари кўзларини, унинг мурданики сингари бесўнақай афти-ангорини кўрган гуллар бу фалокат ҳали кўп мусибатларни бошга солишини сезишар, бир даҳшатларига ўн даҳшат қўшилар эди.

Бу дунёга ҳар ким ўз ёзмиши билан келади — мусичанинг иши сайраш бўлса, қирғийники ўлжа овлаш, ҳарорат тошдан гул ундирса, аёз уни қиров ғуборларига ўраб яна тошга айлантиради. Ҳеч замонда ўзгача ҳол бўлибмиди, ҳеч замонда ўзгача ҳол бўлармиди? Кўз асрлар уфқига назар ташлайди, та-факкур истиқболга илтижо этади: келган жавоб битта — бўлмаган, бўлмайди.

Қолбуки йўлнинг интиҳосини кўрай деганлар уни поёнига етказиб куйламоқлари, тингламоқлари зарурдир.

Қолбуки қўшиқнинг маънисига етай деганлар уни поёнига етказиб куйламоқлари, тингламоқлари лозимдир.

Наргизни қидириб водийда изғиб юрган, сойларни лойқалатиб бўтана қилган, култепаларни уюб ташлаган Бўрон сонсиз кўзларини қанча чақчайтирмасин, ниятига ета олмай хуноб эди. Охири зардаси қайнаб, бошига тупроқ сочиб бўкириб юборди.

— Ҳайҳот, мени писанд этмаганлар ким? Арслонни ёлидан тутаман деганлар ким? Қани у қайсар чечаклар? Бир ҳамла қилсам боғлар вайронага, водийлар гўристонга айланди. Қани у менинг қудратимга бўйсунмаганлар?! Мен билан беллашмоқчи бўлганлар майдонга чиқсин! Нафасимдан тарқалган ажал тўфонлари ўшалар бошига ёғилади. Қани у ҳаёт куйчиси Наргиз? Кучли пашшаю ғумбакларга етадиган унинг хуштори Бамбур қани?! Ё таслим бўлинглар ёки хазон қиламан!

Унинг кибру ҳаволари, дўқ-пўписалари беҳуда эди.

Гуллар дамини чиқармасдилар.

Қушлар унини чиқармасдилар.

Бўрон эса бойўғлидай якка-ёлғиз қолиб, бу қўрқинчли су-кунатдан ваҳима босиб, оч бўридай увлайди. Унинг ҳеч балога ақли етмасди. Чақмоқларни чақиб момақалдироқни дағдаға қилдирган, харсанглардан дўллар ёғдириб, сойларни тошириб, селлар келтирган, ҳаммаёқни зимистон қилган у эмасми ахир? Наргиз ер қучоғида тикланишга пайт пойлаб ётса-ю, унинг

қўли калта бўлса, у иложсиз бўлса. Ҳа, жонзотда шу нажот йўли бор, тупроқни қўпориб фалакка қориштиришга ҳеч ким қодир эмас. Бироқ бўроннинг шериклари бор-ку. У даҳшатли қўлларини ўраб-чирмаб, чангалини тоғ ўрқачига тирайди-да, дод солади:

— Хоруд! Ҳой, Хоруд!

— Нима дейсан? — уйқусираб, ҳомуза тортиб, вишиллайди Хоруд. — Яқинда мен қирқ қишлоқнинг уруғини қуритиб келдим, энди оёқ узатиб ётишга ҳаққим бор.

— Кел, ошнам Хоруд! Гуллар боғига ёғилиб кел, чечак, майсаларнинг қолган-қутганларини ҳам сўлдириб, ўлдириб кел! Кел, Хоруд!...

Хоруд ҳам келди. Бу номни эшитган гуллар безиллаб бир-бирларига термилганича маюс тортиб қолдилар. Кўз кўрмас, кулоқ эшитмас бу қора офатни улар билардилар. У сон минг қиёфада, сон минг нусхада булутдай ёпирилиб, ерга ёйилиб, пастқамларни аччиқ захри билан тўлдириб судралиб келди. Ҳали омон қолган неки бўлса, ҳаммаси унинг кўринмас даҳаларда ямланиб, фасод боғлаб, кўринмас исканжасида янчилиб завол топди. Гуллар жисмларида пайдо бўлган оғриқ зўридан лабларига босиб, дардларини ичларига ютиб, дош бериб турардилар.

— Аҳа-а, —ҳайқиради Бўрон. — Аҳа-а! Энди таслим бўласизларми, йўқми?

Шунда йироқларданми, ер қаъриданми Наргизнинг ҳазин шикаста саси келди.

— Йўқ!

Садо берган рост Наргизмиди ёки шундай туюлди — билмай, Бўрон талмовсираб узоқ турди.

— Яна бир ҳамла қиламиз, Хоруд, — қарор қилди у пировардида. — Эгилгандан кейин синсин, дарз кетгандан кейин ёрилсин!

Шу асно кун яна тунга, осмон қора ўпқонга, водий қайнаётган қозонга айланди. Бўрон яна наъра тортди:

— Энди таслим бўласизларми, йўқми?

Таналарига зулукдай ёпишган бало дастидан гуллар инграб юбордиларми ёки ўтмиш акс-садо бериб мозийдан эшитилар-эшитилмас нидо келдими, ҳар қалай, Бўрон оҳиста ғулу ичда яққол эшитди:

— Йўқ!

— Йўқ!

— Йўқ!

### III

Бўрон билан Хоруд вақтинча ўз ниятига етдилар. Шу пайт-гача Наргиз шарофати билан аяб келинган Гуллар боғи Бўроннинг ҳалокатли хуружи, қабиҳ ишлари оқибатида, битмас-туганмас ситамлар оқибатида қурум босган олов харобалар ма-

кониға айланди. Энди бунда майсалар ҳам, чечаклар ҳам йўқ, долалар, гуллар ҳам кўринмайди, қушлар, булбуллар ҳам сайрамайди, булоқлар қайнаб тошмайди, сувлар оқмайди, қўй-қўзилар ўтламайди, чўпон ва деҳқонлар бу жойларни тарк этишган.

Қай тарафга боқмай, яп-яйдоқ далалар, тақир ерлар, "одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган" дашту биёбонлар ҳувиллаб ётарди.

— Уф! — дейди пишқириб Хоруд. Инсон зотига ризқ-рўз берувчи экинзорларнинг ашаддий душмани, гуллар қушандаси, мараз тарқатувчи жирканч ўлат. — Уларни тавбасига таянтирдик, шекилли!

Бу сафар у бир лаҳзага кўриниш ҳам берди-ю, унинг касофат дўхти намоён бўлди: эғнида кўринган, чириган дарахтлар пўстлоғидан, хазон бўлган гуллар япроқларидан, дард нуқсидан илвираб, титиғи чиқиб кетган илдишлардан ясалган либос. Қорамтир патила сочларида ҳашаротлар уялиб, бижғиб ётарди. Машъум турқи-таровати унинг ажал чокари эканлигини, очу яланғочлик, хоруззорлик манбаи эканлигини фош ётарди. Бақрайган нурсиз ола кўзларида у зомин бўлган, у нобуд қилганлар чеккан жабру жафолар акси кўринарди.

Ўз қилмишидан ўзи маст бўлиб хазонрезги боғ саҳнида унинг тушган ўйинларини, ваҳшатли овозини хирқиратиб унинг айтган ашулаларини айтмайсизми?..

— Ҳа, боладик, бекорга уринмадик, — дейди у Бўронга қараб ётган водийни имлаб кўрсатиб. — Лекин шу ҳам тантана бўлдимми? Мен бир ўзим ҳам уддалардим, икковлашиб тезроқ тугатдик, холос, — дейди у яна чираниб. — Қудратимизни мана энди кўрсатамиз. Ё бошқа ўлкаларга бош олиб кетсакмикин? Япроқ ёки гул деган нарсанинг номини ўчирсак, бутун оламда на далалар, на ўрмонлар, на боғлар, на йилқи уюрлари, на қўй сурувлари, на қишлоқлар, на одамлардан асар қолдирмасак. Уларнинг бизга нима кераги бор? Кўрарга кўзим йўқ уларни. Яланғоч қоялар, хилват балчиқзорлар етади бизга.

— Оқилона гаплар, — маъқуллайди Бўрон. — Унумсиз жойлар менга ҳам маъқул. Ҳеч ким менга осилмайди, тўрт томоним қибла. Ўзим хон, кўланкам майдон.

— Мен-чи? — Бўроннинг нуқул ўзини гапирётганидан безовта бўлиб сўради Хоруд. — Мен нима қиламан?

— Сен дамнингни оласан, уйқуни урасан. Асрлаб хизмат қилдинг, ахир.

— Ҳақ гап, — дейди мақтовдан талтайиб Хоруд, — ишни дўндириб қўйганман, энди мазза қилиб ётсам бўлади.

Унинг шодлиги ичига сиғмай яна жавабаси тутиб, узундан-узун қилтаноқ қўлларини самога чўзиб ўйинга тушади, юракларга ханжардек санчилувчи ашуласини ҳам давом эттиради.

Гарчанд бу иблисона ўйин — ғолибнинг ўйини, қўпол ашула — ғолибнинг ашуласи бўлса-да, ер-кўкда қутураётган Бўрон қўшоҳанг бўлиб қаҳқаҳа қилаётган эса-да, ер остининг ал-

лақаерларидан Наргизнинг бўғиқ овози барибир эшитилади. У куйламоқда эди. Жонбахш сеҳрли бу қўшиқ бирам нафис, бирам майин, бирам нозик эдики, қора кучлар тантанасини босиб янги ҳаётдан дарак берарди.

Жоним, йўлинг тошмиди,  
Чаман от йўлдошмиди?  
Бунча йироқлаб кетдинг,  
Кўргилигим ёшмиди?  
Ёшларим булоқ-булоқ,  
Бунча қилмасанг муштоқ.  
Кел ўргилай зор этма,  
Бунча кетмасанг йироқ.  
Кел ўргилай, зор қилма,  
Бунчалар бедор қилма,  
Бўрон, Хоруд қўлида  
Ёргинангни хор қилма,  
Эгилмайди Наргизинг  
Эгилмайди ёлғизинг.  
Эгилмайди золимга  
Сенинг ёруғ юлдузинг.

Тупроққа ўз вақтида қадалган барака уруғи кўчат ундиради, кўчат кўёшга интилиб шона беради, шона гул бўлиб очилади, гул япроқларини тўкиб яна ерга уруғ ташлайди. Ҳаёт дегани шу — дараю довоилар оша, саҳрою музликлар оша воҳадан воҳага кўчиб юрган бир карвон. Саҳронинг боши — учи бор, ҳаётники — йўқ. Ёмонликдан чиққан акс-садо ҳар қадам сайин заифлаша беради, бора-бора ўчиб йўқ бўлади. Яхшилиқдан яралган қўшиқ ва афсоналар воҳалар аро юрган карвонлар сингари авлодлар қалби ва хотирасидан жой олиб, абадиятга йўл солади.

Наргиз она Ер оғушида паноҳ топган эди.  
Наргиз қайтадан дунёга келмоқда эди.  
Наргиз куйламоқда эди.

Наргизнинг овозига бошқа гуллар — гул-қизларнинг овозлари келиб қўшилади, энг дадиллари эса аллақачон замин сийнасидан бошларини ҳам кўтарадилар. Умид ва ишонч қўшиқлари водий бўйлаб тарқалар экан, даставвал журъатсизгина бўлса-да, дам унда, дам бунда ялт этиб бўёқлар кўзга ташланиб, теварак-атрофга жон кира бошлайди.

Ғалаба кайфини суриб, паймонаси тўлиб, ажал рақсини қилаётган Хоруд саросимада базанглаб қолади.

— Бу қанақаси? — ранги қув ўчиб, жунжикиб сўрайди у.  
— Қаёқдан келяпти?

У, ўйин ва ашуласини қўйиб, шу ўртадаги бир дўнглик

панасига яширинади-да, алам билан қизлар ҳаракатини кузата бошлайди.

Бу аёвсиз қиргинга бор кучини сарфлаб қўйиб, энди силласи қуриб зўрга ўтирган Бўрон миқ этмайди.

Гуллар қўшнги Наргизнинг мислсиз ҳусни-жамолини, унинг ёрига чексиз садоқатини сано этмоқда эди. Гулларнинг сараси ҳам Наргиз, арзандаси ҳам Наргиз. Қизлар унга ҳавас билан қараб, унинг сабр-қаноатига тан берадилар, унинг сабот-матонатига қойил қоладилар. Куй тугагач, Наргиз дугоналаридан ҳол-аҳвол сўрай кетади.

Наргиз:

Дугоналар, омонмисиз, бормисиз,  
Жам бўлишиб очилиб, гулзормисиз?

Лола:

Ҳеч қандай куч бизни хазон этолмас,  
Бўрон, Хоруд муродига етолмас!

Атиргул:

Ёв чекинар, озод бўлур боғимиз,  
Озод бўлур, обод бўлур боғимиз!

Наврўзгул:

Қора кучлар гулистондан қувилсин,  
Гуллар барги шабнам билан ювилсин!

Наргиз:

Душман ўлсин, боғимиз обод бўлсин,  
Бирлашайлик, дўстларимиз шод бўлсин!..

...Бамбурни чорлаб, Бўрон билан олишиб мажоли қолмаган Наргиз ҳуш-беҳуш ётарди. У Бамбур қўшнгини эс-эс гўё йироқдан эшитган, лекин: "Ухлаётган, туш кўраётган бўлсам керак, ё Бамбур узоқларда куйлаган бўлса, акс-садо менга хунук ҳазил қиялпти",— деб ўйлаган эди. Юмуқ кўзлари орасидан у водий ёришаётганини иллаган, лекин, "Орзуларимиз тушларимизга кириб чиқади. Бўрон чақмоқни қояга ургандир, шундан кундузга ўхшаётгандир", — деб тушунган эди. У Лола билан Атиргулнинг Бамбурга айтган қутлов сўзларини эшитган, лекин: "Севган кишимиз ҳамиша дилимизда. Бу — хотирам садо", — деб гумон қилган эди.

У хўрсиниб чуқур "оҳ" тортиб юборди. Ана шу изтиробли нидо Гуллар боғини кўздан кечириб юрган Бамбур қулоғига етди.



Ҳижронзада Бамбур ўз Наргизини шу тариқа Бўрон раҳмсизларча қувратиб, супуриб ташланган хазонлар, хас-хашакка айланган майса ва чечаклар ичидан водий этагидан топди.

Боши узра эгилиб парвона бўлаётган Бамбурнинг илиқ нафасидан ўзига келиб Наргиз оҳишта қимирлаб қўйди-ю, қаҳрабозларига соя ташлаган узун-узун киприкли бодом қовоқларини зўрга кўтариб, Бамбурни — зор-зор бўлиб кутгани, ўз юрак армонлари соҳибини, азиз ёрини кўрди. Наргизнинг бу нигоҳининг тили жамики китоб, эртақ, афсоналар каломидан равшанроқ эди. Бамбур қўлларини унинг кифлига қўйди-ю, беозор бу қўлларнинг меҳригиёси жамики китоб, эртақ, афсоналар мажмуидан чуқурроқ маънони англапти.

Улар бир-бирларининг дийдорларига термилиб, сўзсиз ишқ тилида дардлашиб узоқ ўтирдилар, умрбод бирга бўлишга аҳду паймон қилдилар.

Ниҳоят, Бамбур Наргизни кўтариб олди-да, унинг маъсум заъфарон чехрасига ўзининг ҳижрон оловларида яллиғланган қайноқ юзини босди.

Шу он еру осмон гумбурлаб ҳаммаёқ ларзага келди-ю, зилзила сурони бошланди. Бироқ буларнинг ҳаммаси қутлуқ ғалаён эди. Зеро, шовқин босилгандан кейин ўлда-жўлда қўргошиндек осилиб ётган булут лахтаклари қувиб юборилганлиги, Бўрон билан Хоруд уфқдан нарига улоқтириб ташланганлиги, қабиҳ муҳит иллатлари тарқатиб юборилганлиги аён бўлди. Разолат губорларидан фориг этилган мусаффо осмоннинг ложувард гумбази устидаги кўшкига Офтоб чиқиб ўтирди ҳамда чарақлаб ҳар бир гулни, ҳар бир майсани, ҳар туп ниҳолни силаб-сийпалаб, водийни ўзининг олтин нурларига кўмиб юборди.

Наргиз Бамбур қўлларидан оҳишта тушди-да, улар биргалашиб дўст-ёрлар томон йўл олдилар.

Қушлар, булбуллар, гуллар шодликлари ичларига сиғмай, қизгин олқишларини, сонсиз мадҳияларини айтиб уларга пешвоз чиқиб келдилар. Қушлар чуғурлаб, эркаланиб уларнинг бошлари атрофида гирдикапалак бўлиб, булбуллар уларнинг севгисини куйга солиб муборакбод этдилар. Ўйноқи шаббодалар, ўзавларига тўлиб оқаётган жўшқин сойлар осуда гўлгула билан ўз байрам табрикларини йўлладилар.

Лола, Наргизнинг мунис дугонаси Лола улар истиқболига югургилаб чиқиб, пойларига ўзининг севинч ёшларини тўқди. Атиргул эса Наргизнинг бўйнига осилиб олди. Сариқгул, гўзал бинафшалар, яшид бахмал майсалар ҳам беқиёс яшнаб, қучоқлашиб кўришдилар.

Гўёки Наргиз ва Бамбур муҳаббати рамзи бўлиб, уларни шарафлаб Гуллар боғининг ўртасидаги харсангтош устига зеболикда танҳо, барноликда ягона — Наврўзгул очилди...

...Баҳорни — умр деб очаси, дейдилар. Эҳтимол, бу гап ҳасос қалб ижод аҳлининг ташбеҳидир. Баҳорни — ҳаётнинг узлуксиз давоми, дейдилар. Эҳтимол, бу гап пайдарпай ҳосил кўтаргувчи зироатчилар уйдирмасидир. Баҳорни — ҳаётнинг ўйғониш ва янгиланиш даври, дейдилар. Эҳтимол, бу гап табиатнинг мўъжизакор иқтидорини, мураккаб сир-асрорларини таҳлил қилувчи нуроний донишманд таъбиридир. Ҳаётнинг буюк ҳикмати унинг устиворлигида, унинг боқийлигида, ларза ва офатларидан омон чиқиб, уруғ ва томирлардан янгиланиб мутасил олға интилишида, юксалишидадир.

Гуллар боғига беҳисоб зийнатларини сочиб, бебаҳо неъматларини инъом этиб яна баҳор келди. Илгариги бир майса ўрнига ўнлаб майсалар сабза урдилар, илгариги бир япроқ ўрнига ғужум-ғужум янги япроқлар пайдо бўлди, илгари бир ғунча очилган жойда гуллар чаман бўлиб етилдилар. Улар табаррук тупроқнинг мўл-кўл озукасидан баҳра олиб, шафоатли қуёшнинг меҳрига қониб, қулф уриб яшнадилар.

Биллур шалолалар, шўх-шўх қўшиқ айтиб, водийни кесиб ўтган камарбаста сой тўлиб-тўлиб оқиб, жамики ўсимликларнинг шонасига шона, новдасига новда, ҳосилига ҳосил, ҳуснига ҳусн қўшиб, меҳнатсевар эл қалбини сарафроз этдилар.

Наргиз ва Бамбур муҳаббатини ёғдули ришталар билан йўрғаклаган, энди уларни мурод-мақсадларига етказган водий масъуд ва масрур бўлиб, бахтиёр келинчак шарафига ҳашаматли сўзана бўлиб безандики, ғофил учун у шунчаки рангоранг палак, оқил учун эса — табиат қўли билан табиат тилида битилган ҳаёт қиссаси, севги қўшиғидир.

#### *Савол ва топшириқлар*

1. Ш. Рашидов адабиётга қачон кириб келди ва қандай шеърӣй ғўпламларини эълон қилди?
2. Адибнинг қандай йирик насрий асарларини биласиз ва улар қандай мавзуларга бағишланган?
3. "Кашмир қўшиғи"да қора кучларни акс эттирувчи қандай мажозий тимсоллар яратилган?
4. Бамбур, Наргиз ва бошқа гуллар қандай хислатларга эга бўлганликлари учун Бўрон ва Хоруд ёвузлигини енгиб чиқишди?
5. Ҳаётингизда шундай тўсиқларга дуч келсангиз, Сиз нима қилган бўлардингиз?
6. Парчадаги "Дугоналар, омонмисиз, бормисиз?" деб бошланувчи гуллар қўшиғини ёд олинг.

## ШУХРАТ

(1918—1993)

*Мен ўтиб кетаман, сен кейин қолиб  
Ҳақимда рост сўзни айтиб юр, шеърим!*



Шухрат (Ғулумжон Аминжон ўғли Алимов) шеърӣй, насрий, драматик асарлари билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўша олган санъаткордир.

Шухрат 1918 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1936—40-йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил кўрди. 1941—44-йилларда немис-фашист босқинчиларига қарши урушда қатнашди. Урушдан кейинги йилларда асоссиз қатағон қилиниб, қамоққа олинди. 1955 йилдагина батамом оқланди ва шундан кейин республикаимиз газета ва журналларида, Ёзувчилар уюшмасида турли лавозимларда ишлади.

Шухрат бадий ижод майдонига 30-йилларнинг ўрталарида кириб келди. 1940 йилда шоирнинг "Меҳрол", "Орзу ва қасос" поэмалари босилиб чиқди. У 50-йилларнинг ўрталаридан эътиборан бадий ижоднинг турли жанрларида баракали ижод эта бошлади.

Шухратнинг "Сенинг севгинг" (1961), "Ишқингда ёниб" (1964) тўпламларидан ўрин олган шеърлари адабий танқидчилик ва кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонди. Шоирнинг "Кавказ дафтари", "Шинелли йиллар дафтари", "Дунай соҳиллари" каби туркум шеърларида уруш хотиралари, сафар таассуротлари, она диёр соғинчи сингари оҳанглар маҳорат билан ифода этилган.

Шухрат насрда ҳам барқамол ижод қилди. Унинг "Шинелли йиллар" (1958), "Олтин зангламас" (1965), "Жаннат қидирганлар" (1968) романлари халқимиз орасида машҳур.

Шухрат драматург сифатида ҳам танилган санъаткордир. Унинг "Беш кунлик куёв" (1970), "Қўша қаринглар" (1971), "Она қизим" каби пьесалари республика театрларида саҳналаштирилган ва томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Адиб умрининг сўнгги ўн йили оғир хасталикда ўтди, ammo

у сўнгги нафасига қадар ҳаётга бўлган меҳрини, иродасини йўқотмади, бетиним ижод билан машғул бўлди, гўзал лирик ва фалсафий шеърлар битди.

Ўзбек шеърляти, насри ва драматургиясини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Шуҳратга "Ўзбекистон Халқ ёзувчиси" фахрий унвони берилган эди.

Адибнинг айниқса "Олтин зангламас" романи кенг китобхоналар орасида тилга тушди. Машъум қатагон йиллари ҳаёти ҳақидаги дастлабки асарлардан бири сифатида бу роман ўзбек адабиётида муҳим ҳодиса бўлди. Унда ёзувчи 30- йиллар ва урушдан кейинги даврда муҳқиш қатагонларга дучор этилган ҳалол, имон-этиқодли кишиларнинг фожияли қисмати яасорат билан бадиий тасвир эта олди.

Романнинг бош қаҳрамони Содиқ исмли ҳалол, виждонли, тўғри сўз ўқитувчидир. У мактаб директори сифатида жуда фаол, аммо ўз атрофидагиларга нисбатан талабчан, қаттиққўл. Унинг ана шу хусусиятлари мактабдаги айрим дангаса, хулқи бузуқ, савияси паст ходимларга ёқмайди. Атрофда ҳеч сабабсиз "қама-қама"лар авж олган вазият бундайларга жуда қўл келади ва улар софдил Содиқни ҳам "чақув" билан қаматишга муваффақ бўлишади. Қуйида эълон қилинган парчада қатагон даври "жазо машинаси"нинг ишлаш усули жуда ишонарли тасвир этилган. Бирор инсонни бу "машина" комита тортиш учун у айбдор бўлиши шарт эмас эди. Унинг йўқ айбларини ҳам асослаб берувчи "воситачилар" ҳамиша тайёр эди, улар беғоналар эмас, балки Содиқ билан бир ҳаводан нафас олиб, бирга хизмат қилишиб юрган одамлар бўлиб чиқади. Келтирилган парчадаги Мирсалим, Шукуровлар худди ана шундай бадбин туҳматчилардир.

## ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

(Романдан боб)

### 3. Ишончга кирган туҳматчилар

Сўнгсиз ширин орзулар оғушида экан, назоратчи эшикни зарб билан очиб, "Кийин! Юр!" деганида қувончдан ичида "ана, уйга кетдим" деб апил-тапил кийинган Содиқ, сал ўтмай ўзини яна Чуханов кабинетига кўрди.

Терговчи ўз ўрнига ўтириб, стол тортмасидан оқ қоғоз олиб кўздан кечирди. Кейин бошини кўтариб, Содиққа қаради:

— Демак, иқроор бўлмоқчи эмассиз? Фойдаси бўлса давом эттираверинг, ўзингизга қийин.

Содиқ чурқ этмади. Терговчи ўз жойига бориб ўтирди. Телефон қилиб бир кишини ўз ўрнига вақтинча кириб туришга таклиф этди. Сал ўтмай у одам эшикда кўринди. Янги кирган лейтенант Содиқнинг саломига алик олиб, Чухановнинг ўрнига

ўтирди. У тунов кунни ҳам бир-икки кириб-чиқиб кетган эди. Шунда уни кимдир Пушкарёв деб чақирганда, фамилиясини билиб олган эди. У мулойим кириб, Чуханов билан қўл олиб кўришади-да, Содиққа юмшоқ назар ташлаб қўяди, саломига бош чайқаб алик олади.

Пушкарёв ҳозир ҳам Содиққа қараб бир-икки оғиз жуфтлади-ю, гапирмади. Яна қўлидаги китобини варақлади, қизиқ суратга кўзи тушди шекилли, мийғида кулиб қўйди. Кейин юмшоқлик билан унинг аҳволини сўради, кўнглини кўтарган бўлди.

Содиқ Пушкарёвнинг бу меҳрибонлигидан курортга бепул йўлланма олган кишидек қувонди ва айни вақтда хўрлиги келиб кетди. Инсоннинг кўнглини олиш, уни мамнун қилиш учун ахир кўп нарса керак эмас-да!

Пушкарёв буни тушунди, ўрнидан туриб келиб, юпатиш оҳангида гапирди:

— Хафа бўлманг, кераги йўқ.

У яна нимадир деб юпатмоқчига ўхшарди-ю, лекин журъат этолмагани кўриниб турарди. Содиқнинг фаҳмича, Пушкарёв бу ерда рўй бераётган баъзи ноҳақликларни ўз кўзи билан кўриб турибди, ичидан куяди, аммо бирор иш қилишга, бир иш қилиш эмас, ҳатто айтишга ҳам ожиз!

— Юрагингиз касал эмасми? — деди бир оздан кейин.

— Йўқ, — бош қимирлатиб жавоб қилди Содиқ.

— Унда ҳеч нарса қилмайди, ўтиб кетади, сал толиқибсиз.

Содиқнинг кўзи шу кичик суҳбатдан кейин чарақлаб очилди. Кўзига шу лейтенант дунёда энг меҳрибон киши бўлиб кўринди. Бошини кўтариб, Пушкарёвга қаради. Назарида жуда ўзгачадек бўлиб туюлган бу ёшгина оқ-сарикдан келган, кўзалари кўм-кўк, қошлари сезилар-сезилмас кул ранг, бурнининг учи биров чертиб қўйгандек тўмтоқ, энгаҳи учли, лаби чўғдек қизил экан. Бунақа оддий рус кишиларини у кўп кўрган. Улардан қанча-қанча ўртоқлари бор эди.

У Пушкарёвнинг кўзига термилиб қолди. Бу кўзлар унга ҳаёт ва истиқбол ваъда этарди, бу кўзлар умид ва ишонч бахш этарди. Бу кўзларда одамийлик ва ҳақиқат ёнарди.

— Сиз ҳам шу ерда ишлайсизми? — деди журъат қилиб Содиқ.

— Ҳа, — деди Пушкарёв ва кўзини китобдан олиб кулимсиради. Бу табассум Содиқда яна жасорат туғдирди.

— Сиз ҳам терговчимисиз?

— Буниси сир, — деди у яна кулиб, лекин салдан кейин қўшиб қўйди: — Сизча кимман?

— Билмасам.

— Мен ҳам терговчиман, албатта.

Содиқнинг фикри равшанлашиб, ўйлай кетди: Чуханов ҳам терговчи, бу ҳам терговчи. Иккаласи икки дунё. Биридан

кишининг кўнгли сув ичади, иккинчисидан эсанг тош қотади. Пушкарёвга ўхшаганлар бўлгани ҳолда нега Чухановлар бунақа иш тутади экан?

Содиқнинг Пушкарёвга раҳми келди. Унга ишлаш жуда қийин бўлса керак. Ахир унинг мана ҳозир Содиққа қилаётган раҳмдиллигини Чухановга ўхшаганлардан бирортаси кўриб қолса, индамай турмайди-да!

Пушкарёв китобни бир четга суриб қўйиб, Чуханов тез-тез кўздан кечириб турадиган папкани очди. Ҳар қоғозни ўқиганда юзи ўзгариб турди. Бу Содиқнинг делоси. У анчагина қалин, кепак рангидаги муқоваси уринган. Содиқ унинг ўз делоси эканини биринчи марта кўрганда ишонмаган, шунча материал қаёқдан йиғилади, деб ўйлаган, Чуханов муқовасини кўрсатиб, унинг фамилиясини ўқиб беришга мажбур бўлган эди. Барибир ҳали ҳам унинг ичидаги материалнинг ҳаммаси ўзига тааллуқли эканига ишонмайди.

Пушкарёв делони ўқийвериб зерикди шекилли, хўрсиниб ундан бошини кўтарди. Ўрнидан турди. Оғир қадамлар билан Содиқ ўтирган бурчакка келди.

— Ростингизни айтинг, советлардан норози бўлган йилларингиз бўлганми? Ҳеч жиноятга қўл урганмисиз?

— Мутлақо! Хаёлимга ҳам келмаган. Бунинг учун асос ҳам йўқ: бадавлат хонадондан чиқмаганманки, отамнинг Совет ҳукумати туфайли қўлдан кетган мулкани эслаб, хумори тутса; чет элда бўлганим йўқки, унинг усти ялтироқлигига учсам, ўшандай ҳаётни орзу қилсам; бирорта мафкураси бузуқ одамда ўқиганим йўқки, у мени йўлдан урган бўлса!

Содиқнинг астойдил куйиб-пишиб гапириши Пушкарёвнинг диққатини тортди. У тушундики, қаршисида уйқудан қолиб, ҳолдан тойиб ўтирган киши ҳаётга бефарқ қарайдиганлардан эмас, бундайлар комил ишонч билан яшайдикки, икки юзла-маликни билмайди.

Пушкарёв ана шу хулосаларни яна бир тасдиқлаб аниқлаб олмоқчи бўлгандек, Содиқни бошдан-оёқ кўздан кечирди, ҳорғин кўзига боқди, соқоли ўсиб кетган юзларидан нималардир излади. Кейин яна ўз жойига ўтиб, делони кўрди. Елкасини қисиб қўйди.

— Қизиқ, жуда қизиқ...

Шундан кейин орага узоқ жимлик чўкди. Анча ҳушёр торган Содиқ фикран бир неча марта уйига бориб келди, севган мактабини айланди, дарсга кирди, овга чиқди. Ширин орзулар оғушида маст бўлиб ўтирар экан, Чуханов кириб келди. Қўлида бир varaқ қоғоз. Пушкарёв чиқиб кетди.

Чуханов стулига ўтириб, Содиқни олдига чақирди.

— Мана бунга ўқиб, қўл қўйинг.

Содиқ Чуханов ўқиган қоғозни ўқиди-ю, устидан совуқ сув қуйилгандек ҳушёр тортди. Қоғоз унинг партия билетининг шаҳар партия комитетига топширилгани ҳақида эди.

— Үчдимми? — дея олди ўзини бу даҳшатли хабардан аранг ўнглаб Содиқ.

Содиқ ўз ўлимига ўзи аза очгандек, ҳўнграб йиглаб юборди, бу унинг умрида биринчи марта ҳўнграб йиғлаши эди.

Бир неча кун ўтгач уни яна терговчи чақирди.

Содиқ кириб борганда Чухановнинг хонасида Мирсалим ўтирганди. Содиқни кўриши билан сал безовталанди, лекин тезда ўзини ўнглаб, ютиниб олди. "Бу нима қилиб юрибди" — Содиқнинг миясига келган илк фикр шу бўлди. Хаёлида бунга жавоб топгунча, нечундир, юраги орқасига тортиб кетди.

Мирсалим қандайдир сохта ишшайиш билан ўрнидан кўзгалиб, саломлашган бўлди.

Содиқ ўтирар-ўтирмас терговчи сўз ташлади:

— Таниш бўлсанглр керак?

— Ҳа, бирга ишлардик, — деди Содиқ бўшгина. Мирсалим боши билан тасдиқлади.

— Таниш ҳам гапми, сирдошлар-ку. Қанча-қанча шишаларни бирга бўшатишган, — гапга аралашди Чухановнинг ёнида турган қорачадан келган, юзларига ҳуснбузар тошиб кетган новча ёш йигит. Содиқ бу йигитни билади. Фамилияси Сайдуллаев. Буни илк бор эшитганда, наҳотки фамилиясининг нотўғри эканини билмаса, асли Саъдуллаев-ку, деб кўнглидан ўтказган эди. Унинг талаффузидан Самарқанд шеваси яққол сезилиб турарди. У баъзан-баъзан кириб Чухановга кўмаклашади. Ҳатто бир кун Содиқ билан ёлғиз қолиб, "Бўйнингизга олинг-қўйинг-да, ўзингизни қийнаб нима қиласиз, сиз куч берган тўнка энди кўкармайди", деган эди. Шу-шу йигитни ёмон кўриб қолганди.

Чуханов "барвақт луқма ташладинг!" дегандек Сайдуллаевга қараб, аввалги юмшоқ товуш билан яна сўради.

— Бир-бирингизга шахсий адоватингиз йўқми?

Бошлаб Мирсалим жавоб берди.

— Йўқ.

— Хизматдаги баъзи бир тўқнашувларни ҳисобга олмасак, албатта, йўқ.

Содиқ шундай дейишга деди-ку, аммо ичидан совуқ ел ўтгандек бўлди. Юраги қандайдир кўнгилисизликни сезаётгандек ҳаприқиб кетди.

— Хизматда бунақа гаплар бўлади, адоватга кирмайди! — чўрт кесди Чуханов.

Ана шундан кейин Содиқ етти ухлаб, тушига кирмаган гаплар бошланди.

Мирсалим гувоҳликка келган экан. У Содиққа шунақа айбларни тақадик, унча-мунча одамнинг тилигача музлаб кетади. Содиқ ўз туғилган қишлоғида бир неча маслакдош кишилар билан советларга қарши ишлар қилган эмиш. Мақсади — ёшларни йўлдан уриш бўлган эмиш. Шу ниятда маориф

соҳасига кўчган, қамалган Болтақул унинг ўнг қўли экан. Ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида марказга кўчиб келган, Мирсалимни вербовка қилишга уринган, у ён босмаганидан кейин турли йўللار билан қиса бошлаганимиш.

— Ёлгон! Тухмат! — бардош беролмади Содиқ.

— Бақирманг! Қўл остингиздагиларга бақирадиган директорлик вақтингиз ўтиб кетган. Мен бу гапларни ўз оғзингиздан эшитганман.

Мирсалимнинг бу сурбетлигидан Содиқ яна тутақиб қетди:

— Тухматчи! Ғаламис! Бўҳтон қилгани уялмайсанми!

Уни Сайдуллаев қайириб ташлади.

— Совет кишисини ҳақорат қилманг, гражданин Кўчқоров.

Содиқ терговчиларнинг танбеҳига парво қилмай, ифвогарнинг ўзига ташланди:

— Сенинг-ку тилёғлама, ичидан пишганлигингни билардим, лекин юраги қора, ифлос ифвогарлигингдан беҳабар эканман. Майли, гапир, оғзингга сиққанча гапир, виждонсиз!

Чуханов ишнинг бузилиб кетишидан қўрқдимми, нима учундир, оғирлик билан орага тушди:

— Кўчқоров! Енгиллик қилманг! Ҳақиқат доим шунақа аччиқ ва залворли бўлади. Шуларнинг барчасини шу вақтгача ўзингиз тартиби билан айтиб беришингиз мумкин эди. Бировнинг оғзидан эшитиш ва фош бўлиш, албатта оғир! На-чора!

Мирсалим хизматлари эвазига мукофот олаётган одамдек бе-малол ўтирарди. Лекин қандайдир безовталиқ юзига шарпа солиб турарди. У Содиқнинг юзига боқмас эди: ё бардоши етмайди, ё тухматининг сезилиб қолишидан чўчирди. Содиқ эса, аксинча, унинг қарашини овлар, кўзини учратиб, ичига назар ташламоқчи бўларди, пайт пойларди. Охири бунга муяссар бўлди, унинг кўзини учратди: Мирсалим бир неча лаҳзага бардош беролди, холос! Содиқ, унинг бу беҳаёларча боқишидан ғаламислик, ифво, тухматчилик қон-қонига сингиб кетган, қотилликдан қайтмайди, кишилар бошига қора кун солишдан завқланади бу одам, деган ишончга келди. "Эҳ, аттанг, нега аввал билмаган эканман" деб ўкиниб қўйди.

Содиқ қанчалик қаттиқ туриб ўзини ҳимоя қилмасин, Мирсалим шунчалик безбетлик билан унга тухмат тошларини ёғдирар эди.

Содиқ бу ерда ҳақлигини исбот қилишга қурби етмаслигини билди. Иши судга ошса, ўша ерда узил-кесил ғалаба қозонишга умид боғлаб, ўзига далда бериб турганда яна бошқа бири пайдо бўлди. Бу бир вақтлар дарсга ичиб келгани учун Содиқдан дакки еган ўқитувчи Шукуров эди. У Мирсалимга ўхшаш сурбетларча гердайиб ўтирмаган, шартга-шарта гапирмаган бўлса ҳам, Мирсалимнинг айтганларини баъзан тўлдирди, баъзан тасдиқлади. Содиқни мактабдаги ҳалол ўқитувчиларни қувғин



қилиш, таъқиб остига олиш, талабалар орасида диний тарғибот олиб бориш (қалдирғочни Маккаий мукаррамадан келган деган, талоқ ҳақида одобсиз латифа айтиб берганмиш), маиший жиҳатдан бузилиб, ёш хотинга уйланиш, очилган хотин-қизларни таҳқирлашда айблади. (Ҳукумат хотин-қизларни эр-каклар билан тенг қиламан, деб бекор уринади, йигирмата хотиннинг ақли бир товуқниқича йўқ. Бир аёлнинг гийбати қирқта эшакка юк бўлади" деган эмиш.

— Қачон? Қаерда? — сўради ажабланиб Содиқ.

— Мактабда, коридорда. Мавжуда Абдурахмонова номзоди депутатликка кўрсатилганда.

Содиқ Шукуровнинг бу тухматидан ёқа ушлади: — Ё тавба! — салдан кейин ўзини тутиб олди, — Шукуров, сизнинг тухматчилигингизга эмас, ит еганини қусади-ку, лекин қўлингизга тарбиялаш учун ишониб топширилган болаларга жоним ачияпти.

Эсиз болалар! Эсиз тарбия!

— Сиз ўзингизнинг ғамингизни еяверинг, — уни чўқилади Сайдуллаев. Унинг кўкрагидаги Осоавиахим нишони қийшайиб, ўнг кўзи остидаги қора холи йилтиллаб кетди.

— Менинг виждоним пок. Итнинг тили теккан билан дарёнинг суви ҳаром бўлмайди. Ёлгоннинг оёғи қисқа, узоққа боролмайди, бир куни миси чиқади. Лекин сизларнинг бундай ғаламислар гапига ишонганингларга ҳайронман.

— Халқ душмани Болтақул сизнинг маслакдошингиз эканини унутманг! — чўрт бўлди Чуханов.

— У душман эмас!

— У сиздан кўра ақлли экан: ўзини қийнагани йўқ, ҳаммасини айтиб берди, — деди Чуханов.

"Наҳот шу гаплар тўғри бўлса! Болтақул душман, ўзи иқрор! Йўқ, мумкин эмас!" — деди ичида Содиқ ва яна ажабланди.

Содиқ гангиганча камерасига кириб келди. У мудҳиш тушдан уйғонолмаган одамга ўхшарди.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Шуҳратнинг ҳаёт йўли ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоирнинг шеърӣ тўпламлари ва айрим туркум шеърларининг номларини айтинг
3. Шуҳрат қандай санъат асарлари яратган?
4. У қандай романлар ёзган?
5. "Олтин зангламас" романида қайси давр воқеалари тасвир этилган?
6. Содиқни айбдор қилиш учун "жазо машинаси" ходимлари қандай усулларни қўллашди?
7. Терговчилар Чуханов ва Пушкирёв ўртасида қандай фарқ сездингиз?
8. Парчани ўқиб, Мирсалим ҳақида қандай хулосага келдингиз?
9. Ўқитувчи Шукуров Содиққа қандай "айб"лар қўйди?
10. "Айбсиз айбдор" мавзудаги ёзма иш режасини тузинг.



САИД АҲМАД

(1920 йилда туғилган)

### ИЛҲОМ ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

Яхши ёзувчиларимиздан Саид Аҳмаднинг "Уфқ" китоби бошқа анчагина романлар орасида ярқираб турибди. Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда туртинмасдан, диққати сусаймасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади.

Ўқишли китоб ёзиш, унинг ҳар саҳифасини, ҳар сатрини китобхонга манзур қилиш, китобхонни қувонтириш, унинг кўнглини топиш осон эмас. Бундай китобни ёзиш учун ёзувчининг маҳорати, китоб ёзишга ҳаваси, ҳатто енгиб бўлмайдиган хоҳиши ҳам кифоя қилмайди, буларнинг устига дард, ҳаёт берган илҳом, калла ва қалбдан бошқа ҳар қандай майда орзу-ҳавасни, ҳар қандай манфаат-ғаразни қувиб чиқарадиган йирик-юксак ғоя мавж урадиган илҳом керак. Илҳом билан маҳорат топишгандагина китоб ёзувчининг қалбидан кўшиқдай отилиб чиқади, китобхоннинг қалбида аксадо янграйди. Шунинг учун "китоб бадий жиҳатдан анча ишланган, лекин ғоявий жиҳатдан бўшроқ" ёки "ғоявий жиҳатдан пишиқ, лекин бадий жиҳатдан бироз оқсайди", деган танқидий "таҳлил"ни адабиёт баданидаги жароҳат дейиш мумкин. Бу жароҳат аста-секин бўлса ҳам, битиб бораяпти.

"Уфқ" кечаги кунимизнинг каттакон ва яхлит парчасидир. Бир мамлакат, бир халқнинггина эмас, бутун инсоният оламининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, одамларни, мамлакат бойлигини комига тортаётган буюк хунрезлик. Уруш бўлаётган жойларда харобалар орасидан, қурбонлар остидан қон сизиб оқаяпти. Мамлакат ичкарисиде пешона тери, кўз ёши, маҳрумият, қарғиш, наъра... "Уфқ" мана шу кунлардаги ўзбек қишлоғи ҳаётини тасвир қилади.

Бунда ёзувчининг "ошиб-тошиб" айтган "қўшимча" сўзлари юракка таъсир қилмайдиган, демак, ақлда из қолдирмайдиган "оташин" чекинмалари йўқ. Бу соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини

ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга, гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини "тошдан" қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир.

Китобда қимирлаган ҳар бир жоннинг қайғуси, қувончи, қилиш-қилимиши, муҳаббати, ғазаби, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзи рост: биров уруш касофатидан тор-мор бўлган муҳаббати харобаси устида кўз ёш тўкади; уруш бўрони кўз очирмаётган вақтда бировнинг қалбида муҳаббат гунчаси япроқ ёзади; ота аскарликдан қочган фарзандини отади ва шу билан бирга "хайрият ўқ тегмади" дейди; қишлоқдан қаҳрамон чиққанда бутун қишлоқнинг кўкраги кўтарилади, ҳар бир хонадонга файз киради, уруш касофати онанинг ўлимига сабаб бўлади; оддий одам меҳнат фронтида катта ташкилотчи бўлиб кетади; одамлар қўлидаги бир бурда ноннинг юмшоқ жойини жангчиларга илинади. Найман чўлларида душманга қарши яна бир меҳнат фронти очади.

Кишининг кўз олдига беихтиёр биринчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек қишлоқлари, фронтга эмас, фронтдан узоқ жойларда ишлаш учун сафарбар қилинган мардикорлар келади. Дод-фарёд, ғалаён, ўт қўйилган маҳкамалар устида бурқсиган тутун, мингбошиларнинг мажақланган қалласи, полиция ўқидан қонга беланган одамлар. Киши ўйлаб қолади: наҳот "Уфқ"даги одамлар ўша мардикорлар, ўша халқнинг авлоди бўлса!

"Уфқ"да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: "Биз — ўзбеклар!" дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан: "Ўзбек оғайним", деб атайди.

Саид Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам қўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, қўли келишганини кўриб, яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзу ушалиб келаётибди. "Уфқ" унинг илҳом ва маҳорат билан чалинган машқидир. Созанда баъзи пардаларга ортиқ нолиш бериб юборган бўлса, буни ҳаяжон натижаси дейиш керак.

*Абдулла Қаҳҳор, 1965.*

\*\*\*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи трилогия бўлиб, уч китобдан иборат. Булар "Қирқ беш кун", "Ҳижрон кунларида" ва "Уфқ бўсағасида" деб аталади. Биз қуйида таништирадиган парча иккинчи китоб — "Ҳижрон кунларида" қисмидан олинган.

Воқеа иккинчи жаҳон уруши йилларида Фарғона водийсида бўлиб ўтади. Асар бош қаҳрамони Икромжон урушдан бир

оёғидан ажраб, ногирон бўлиб қайтади. Лекин бу тиниб-тинчимас заҳматкаш "уруш инвалидиман" деб уйда ўтиришни сира истамайди. Тўқайзорни қуришиб, чўл ўзлаштираётганлар орасига келиб, қапада ётиб баҳоли-қудрат умум ишига улуш қўшади.

Икромжон ва унинг хотини Жаннат холанинг ягона ўғиллари бор — исми Турсунбой. У ёлғиз фарзанд бўлгани учун эрка-тантиқ ўсган, меҳнатни ёқтирмайди, ўзининг истаги, манфаатидан бошқа гами йўқ. У урушга кетган. Аммо Икромжондай мард кишининг бу тантиқ ўғли отасининг юзини ерга қаратди: у урушдан қочган. Қаердалигини Икромжон билмайди, лекин нобакор фарзанд номусида кечаю кундуз изтироб чекади.

Қочоқ Турсунбой узоқда эмас. У урушдан қочиб келиб, қишлоқ яқинидаги шундоққина ўзлаштирилаётган тўқайзор ичида яшириниб юрипти. Буни фақат унинг онаси — Жаннат холагина билади...

## ҚОЧОҚ

("Уфқ" романидан парча)

Жаннат хола энди чўлдан бир қадам ҳам бошқа ёққа жила олмасди. Унинг юраги шу чўлда. Тўқайга пинҳоний қатнаб юришига, чодирдан устара йўқолишига сабаб бор эди.

Турсунбой шу тўқайда. Унинг қамишлар орасида яшириниб юришини Жаннат холадан бошқа ҳеч ким билмасди.

Кеча Жаннат хола ўғлининг олдида борганда соқоли ўсиб кетганини, сочлари қулоқларидан осилиб ваҳший қиёфасига кириб қолганини кўрган эди. Шунинг учун ҳам у эрининг устарасини обориб берганди.

Икромжон қишлоққа кетди. Энди тушлик пайтида ҳам ўғлига овқат олиб борса бўлади.

Ҳамма шудгорга чиқиб кетган. Чодирлар олдида ҳеч ким йўқ. Жаннат хола шошиб ун чалиб қуймоқ солди-да, болтани қўлига олиб тўқайга қараб кетди.

Турсунбой қамиш қапа олдида тиззасини қучоқлаб дарвиш қиёфасида ўтирарди. У турган жойига одам қадами етмаган эди. У кўпдан бери биров билан гаплашмаган, дунёда нималар бўлаётганидан беҳабар эди. Совун етмаган бетлари кир, ҳам кўрпа, ҳам тўшак ўрнини босган тўнининг енглари титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди. Унинг бир вақтлар қизларни шайдо қилган қоп-қора кўзлари энди маюс, атрофга маъносиз боқарди.

Кеча саҳар пайтида осмони фалакда турна ўтди. Турсунбой шунда ҳам уйғоқ эди. Турна овози унга жуда кўп нарсаларни эслатиб кетган эди.

Турна қанотида бу чўлларга баҳор олиб келди-ю, аммо Тур-

Сунбойнинг қалбида уйилиб, муз битиб ётган қорни эритолмади. Унга баҳор келмади.

У ҳар куни тўқай кезиб, қамишлар орасида ишлаётган ҳамқишлоқларини кўриб ўтиради. Уларнинг бари таниш одамлар. Фақат биттаси бегона. Бу йигит ким бўлди экан?

Икки кун бўлди, Турсунбой Зебини шу йигит билан кўрди. Қум ёқасида у билан анча гаплашиб ўтирди.

Турсунбой Зебининг овозини ҳам эшитди. Эшитди-ю, ўзи овоз чиқазолмади. Агар ёлғиз учратолса эди, албатта, овқат келтиришни ялиниб сўрарди. Йўқ, ёлғиз учратолмаяпти. У кимдандир моховлар яшайдиган орол ҳақида эшитганди. Моховлар оролига ҳеч ким киритилмайди, ҳеч ким у ердан чиқарилмайди. Наҳотки, Турсунбой ҳам ўша моховлардек танҳо яшаса?

Унинг қамиш чайласи олдида ўрдаклар учади, яқингинасидан тўнғизлар ўтади. У бу жойда худди шулардек яшириниб яшашига, одамлар кўзига кўринмай яшашига мажбур.

У қачонгача шу хил яшашини билмасди. Бу тўғрида ўзидан сўрамасди ҳам. Мабодо, шундай хаёл бошига келса, ўзидан-ўзи қўрқиб кетарди. У нимандир кутарди. Нимани кутаётганини ўзи билмасди.

У кўпинча эртани эмас, тақдирини эмас, онасининг олиб келадиган овқатини кутарди. Шундан бошқа ҳаётдан илнжи қолмаганди.

Жаннат хола чайла олдига келганда Турсунбой қимирламай ўтирарди. У шошиб она қўлидан тугунчани олди-ю, ҳеч қасқа қарамасдан ўзини овқатга урди.

У бир умр овқат кўрмагандек пишиллаб, шалоплатиб қуймоқни еб бўлди. Ёғ бўлиб кетган қўлларини ялади. Унга қараб турган онанинг юрак-бағри эзилиб, кўзларидан мўлт-мўлт ёш юмаларди.

Турсунбой қўлларини тўнининг тагига артиб, онасига қаради.

— Шатталигимни дадам биладими? Унга айтма. Нақ тутиб беради.

— Даданг бир оёқдан ажраб келган.

— Биладан, биладан, — деди Турсунбой яна лабини ялаб.

— Тоғанинг ўғлидан қорахат келган, котини билдирмаяпти.

Турсунбой бошини эгиб қимирламай ўтириб қолди. У раиснинг ўгли билан ўртоқ эди. Иккови бирга ўқишган, бирга катта бўлишган эди.

— Азизхон қаҳрамон бўлди.

Турсунбой қўл силтаб тескари қаради. Бирдан бошини эгди-ю, узоқ сукутда қолди.

— Шунақа, болам. Сени ҳам шунақа қаҳрамон бўлади, деб ўйлаган эдик.

Турсунбой индамади. Бояги ўтиришида ўтираверди. Кейин бош кўтариб, маъюс деди:

— Бир пиёла аччиққина кўк чой бўлармиди-я!

— Қандоқ қилиб олиб келаман, биров билиб қолади. Сен шўринг қурғурга қумғон олиб келай десам, ўт ёқолмайсан. Ту-  
тунидан билиб қолишади.

Турсунбой ўрнидан туриб керишди. У керишганда тўнининг олди очилиб, яланғоч кўкраклари кўриниб кетди.

— Яктагинг ҳам кир бўлиб кетибди.

Бирдан ачимсиқ тер ҳиди келиб она димоғига урилди. У бурнини жийриб юзини тескари ўтирди.

— Кўйлак олиб келмапсан-да.

— Қандоқ олиб келаман. Даданг билиб қолса нима бўлади? Шу кунда ўзимнинг ҳам анча мазам йўқ. Безгак тутяпти. Дадангта билдирмаяпман. Билиб қолса қишлоққа тушириб юборади. Мен кетиб қолсам, ҳолинг нима кечади? Кечалари танам зирқираб оғривса ҳам тишимни тишимга қўйиб чидаяпман. Пешонам қурсин, бунча шўр бўлмаса.

Бола онанинг дардига парво қилмади. Ҳамон лабини ялаб бошқа ўйлар билан овора эди.

— Шунақа, болам, касалман. Ишқилиб толеинга ўлиб қолмай-да.

— Анови бола ким?

— Даданг бошлаб келган. Яхши ишлаяпти. Тиззаларимда дармон қолмади.

— Эртага овқатни кўпроқ олиб кел!

— Хўп, болам хўп. Ишқилиб, касалимни даданг билиб қолмасин-да, дарров қишлоққа жўнатворади.

—Этик топиб келмасанг, оёқларимни қамиш тилиб ташлади.

— Этикни қайдан оламан. Даданг бир пой этик кияди. Бир оёғи йўқ унинг. Бугун устарасини қидириб мени жуда қийна-  
ворди. Умримда қилмаган ишим. Қайчи опкелган эдим. Сочингни олиб қўяйми?

— Керак эмас. Этик топиб кел!

Она-бола узоқ гаплашолмадилар: Жаннат хола боласини қабрга қўйиб келаётгандек, юрагида оғир дард билан орқасига қайтди.

Турсунбой яна ёлғиз қолди. Яна қамишларнинг совуқ шитирлаши, яна бақаларнинг киши меъдасига тегадиган бир хил қуриллаши.

Тепада кўм-кўк осмон, атрофда қовжираган сап-сарик қамиш... Турсунбой онаси кетган йўлдан юриб ялангликка яқин келди. Атрофга аста разм солиб, секин қамишлар орасидан бош чиқарди.

Нотаниш бола ҳамон кетмон уряпти. Яланғоч бадани терлаб кетганидан янги ювилган самовардек ялтирайди. Марза четида икки қўлини белига қўйиб турибди. Бола унга қарамайди. Зеби хохлаб кулади.

Унинг кулгуси Турсунбойнинг қулоғига ўқдай ботди.

Зебининг бошидаги рўмолини шамол учиряпти, бўйнига ўраб ташляпти. Турсунбой унинг шу бўйинларига билагини ташлаган. Кулги тошиб чиқаётган лабларидан ўпган.

Қани энди шу кунлар қайтиб келса? Келармикин?

Шу топда уларнинг ораси икки юз метрча ҳам келмайди. Чақирса эшитади. Югурса етади. Аммо чақиришнинг ҳам, югуриб етишнинг ҳам иложи йўқ. Уларнинг ораси миллионларча километр, унга на юриб етиб бўлади, на учиб. Балки бир умр етиб бўлмас.

Зеби қумғондан сопол пиёлага чой қуйиб, йигитга олиб борди. Йигит бир дам кетмонини ерга ташлаб, қўлидан пиёлани олди. Зебига қараб-қараб симира бошлади.

Турсунбой тамшанди. Шўр қўлмак ичавериб Турсунбой чой таъминини унутаёзган эди. Шу топда унга Зебидан кўра қўлидаги қумғон аъло туюлиб кетди.

Тўқайнинг айлана жойидан Жаннат хола бир қучоқ илдиз орқалаб чиқди. У бетоблигидан илдизларни аранг кўтариб келарди. Орқасидаги юкдан мункайиб бурни ерга тегай-тегай дерди. Нотаниш йигит шудгордан югуриб чиқиб орқасидан юкни олди. Кампир қотиб кетган белини силаб, ерга ўтириб қолди. Турсунбой бу манзарани кўриб турарди. Шу топда унинг кўзига бу нотаниш бола ниҳоятда бадбашара, ниҳоятда ёвуз бўлиб кўринди.

Гўё онасининг меҳрини шу бола ундан тортиб олиб қўяётгандек. Уни онасидан бегона қилаётгандек туюлди.

Нотаниш бола илдиз бойламани елкасида азод кўтариб чодир тарафга қараб пилдираб кетди. Шудгорда Жаннат хола билан Зебихон қолди.

Турсунбой бир интилиш билан қамиш орасидан чиқди-ю, юраги дов бермай орқасига тисарилди.

Унинг кўксида Зебига нисбатан қандайдир аламли ўч ёнарди. Зебихон Жаннат холаги суяб марзага олиб чиқди. Капа олдидаги қамиш ғарамига ўтқизди. Қумғондан чой қуйиб тутди. Кампир қуруқшаб қолган лабларини пиёлага тутди-ю, негадир ичмай тўқай томонга қаради.

У қўлидаги чойни ҳам боласига илинарди. Турсунбой тугини ютди. У ўз онасини яхши биларди. Агар у шу топда унинг ёнида бўлганда, албатта қўлидан олиб шу чойни ичарди. Она бир қултум сувга зор бўлиб турган бўлса ҳам барибир олиб ичарди. Чунки онаси ўзи емай, унга едирган, ўзи ичмай, унга ичирган.

Йигит ўтинни ташлаб қайтиб келди. Жаннат холага нимадир деди. Кампир бошини сарак-сарак қилиб ўрнидан турди. Мункайганича чодир тарафга қараб кетди.

Зеби билан нотаниш бола орқасидан қараб қолишди. Зеби қамиш устида ётган фуфайкани олиб йигитнинг елкасига ташлаб қўйди.

Турсунбой титраб кетди. Қўллари муштга айланди. Тишлари гичирлади.

Тол шохига илинган темирни кимдир тош билан урди. Унинг залварли овози чўл бўйлаб янграб кетди. Ошпаз одамларни тушликка чақираётган эди. Зеби билан нотаниш йигит ўша ёққа қараб кета бошлашди. Йўлда Зеби йигитнинг билагига осилиб олди.

Бу манзарани Турсунбой ғазаб билан кузатиб қолди.

У очликни ҳам, танҳоликни ҳам унутди. Телбадек доврираб балчиқ кечиб, бўри уясидек совуқ чайласига кетарди.

Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу Зебидан кечмас эди. Шу танҳоликда ҳам кўнглининг бир чеккасида қачонлардир у билан топишиш илинжи яшарди. Энди у шу илинжидан ҳам маҳрум бўлганига ишонди. Зебихон унинг охирги илинжи эди. Унинг жарангли кулгилари ҳамон қулоқлари остида янграб турарди. Унинг санъат асаридек кўркем қомати кўз олдида турарди. Биринчи бор ўпгандаги лабида умрбод қолган тотли маза ҳамон уни тамшантиради.

Энди-чи? Энди бу гаплар бир хаёл, бир рўё бўлиб қолди.

Турсунбойни ҳаётда ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмади.

Турсунбой ҳиссиз ҳам яшай оларди. Йигитлик қасамидан кеча олган, она вужудини кемираётган дардни писанд қилмаган шармандаликда яшашга рози бўла олган йигитда яна қандай ҳис бўлиши мумкин?

Шуларнинг барига кўнган одам севгисиз ҳам яшаши мумкин. Турсунбой ана шундай бўлиб қолганди.

\*\*\*

Чўл баҳорини ҳеч қасрнинг баҳорига ўхшатиб бўлмайди.

Ҳозиргина яшнаб турган осмонни бир зумда қўрғошиндек булут ўрайди. Шатир-шутур ёмғир қуяди. Момақалдироқ еру кўкни ларзага солиб қалдирайди. Шамширдек ялтираган чақин чўлни олисларгача ёритади.

Ҳамма ўзини панага олади. Кўплар ёмғирдан қочиб улгурмаёқ, офтоб яна чарақлаб кетади. Танни яйратадиган бирам ғалати шабада эсади. У қирларда тўпиққа етиб қолган майсаларнинг тароватли исини олиб келади.

Чўл осмонида нури ишком бўлиб камалак пайдо бўлади. Бундай пайтда одамлар, бўри болалаяпти, дейишади.

Наймазликлар баҳорнинг ана шундай кунларини кечиришаётган эди. Уларнинг бу ерга келишганига икки ярим ойдан ошиб қолди. Шу пайтгача тўқайда аллақанча ерни шудгор қилиб қўйишди.

Ўз участкасини ағдариб бўлган Низомжон энди қўш от қўшилган сихмола кетида тинимсиз ер текислайди. Моланинг тароқ сихларига илашган қамиш илдизларини йигиб, ғарам



қилади. Унинг қўллари ишда, кўзи шудгорда, аммо хаёли Зебихонда эди.

Зебихон саккиз кун бўлди Зирилламага кетган. Қурт тут-япти. Жаннат хола ярим жон бўлиб ётиб қолган. У гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд. Икромжон бир оёқлаб шудгор кезади.

Жаннат хола шу аҳволда ҳам судралиб ишлаётганлар олдига келади. Гимирсиб уларга чой ташийди. Эри қанча койиса ҳам парво қилмайди. Икки кунгина ётади-да, яна қумғон кўтариб шудгорга келади, ё бўлмаса тўқайга кириб ўтинбоп илдиэ те-ради.

— Ўтиннинг сира зарурлиги йўқ. Пўк илдиэдан ўтин чиқмас, бу ўтиндан тутун чиқмас. Нима қиласиз илдиэ йиғиб?

Тўланбойнинг гапи унга кор қилмайди. Барибир илдиэ йиғиб келаверади.

Жаннат хола бутунлай ётиб қолишдан қўрқади. Ётиб қолсам, Турсунбойнинг ҳоли нима кечади, деб ташвишланади.

У бир ҳафтадан бери ўғлини кўргани йўқ. Турсунбой билан бундан етти кун олдин учрашганда:

— Болам одамлардан ажралиб чиқолмаяпан. Овқатингни зо-вур орқасига қўйиб кетаман,— деб тайинлаган эди.

Шундан бери икки марта овқат обориб қўйди. Ҳар борганда бўшаган товоқни олиб келарди.

Бугун ҳамма баробар шудгорга чиққан. Ҳар ер-ҳар ердан бўғиб, пол олишяпти. Уч кун ичида пол тортиб бўлишса, ка-налдан ариқ очиб келишади. Ҳамманинг далада бўлиши Жаннат холанинг айни муддаоси эди. У кечадан бери ўрнидан туролмай ётган бўлишига қарамай, вақтни ганимат топиб, чодир орқасига ўтиб қозон осди. Гўштсиз бўлса ҳам палов дамлади-да, эрининг келиб қолишидан қўрқиб дам едирмай сузиб олди. Қумғонда қайнаб турган сувни грелкага қўйиб, бир қафт кўк чой солди-да, мункиллаб орқа йўл билан тўқайга кетди. Белига бойлаб олган грелка пахтали нимчадан ўтиб биқинини куйдирарди. Аммо у мункайганича аламга тишини тишига қўйиб чидаб бо-рарди.

— Пешонам қурсин не кунларга қолдим.

У тўқай ичига кириб ташқаридан қараган кишининг назари тушмайдиган бўлгандан кейингина грелкани белидан олди. Тер-лаган экан, баҳор шабадаси танини яйратиб юборди. Кўйлак ёқаларини ечиб роҳатланди.

Жаннат хола кўн ўйлади. Боласининг, эрининг, ўзининг тақдири тўғрисида жуда кўп ўйлади, ўйнинг охири шу бўлди: «Бу хилда яшаб бўлмайди, энди бас! Турсунбойни инсофга келтириш керак. Эгилган бошни қилич кесмайди. Урушга борсин. Ўзини оқласин. Ягона йўл шу! Агар Турсунбой кўнмаса, уни ўзим тутиб бераман. Шундай қиламан!»

Онанинг қарори қатъий эди.

У Турсунбойнинг чайласига яқин борганда юраги ҳовриқиб

кетди. Боласи чайла олдида тиззасини қучоқлаб ўтирарди. Нега кўринмайди? Кампир шошиб чайла ичига бош суқди. Турсунбой қамиш устида кўзларини юмиб ётибди. Она қўрқиб кетди. Ўзини унинг устига ташлади. Турсунбой кўзини очди, унга аламли қаради.

— Сенга нима бўлди, болагинам?

Турсунбойда аллақандай шер кучи пайдо бўлди-ю, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Кейин дармонсизланиб яна ёнбошига йиқилди.

— Нима бўлди? Тобинг йўқми?

Турсунбой аранг жавоб берди:

— Бир ҳафтадан бери туз тотганим йўқ.

— Ахир икки марта овқат келтириб қўйгандим-ку?

— Бўш товоқдан бошқа нарса кўрганим йўқ.

Жаннат хола ҳар гал товоқни олгани борганда товоқ тупроққа қоришиб ётганини кўрарди. Бироқ, у ўғлининг феълени билганидан, ўзи шунақа, у ердаги чўпни бу ерга олиб қўймасди, деб қўя қоларди. Боланинг айби қачон онасига билинибди, дейсиз! Қанча хавф-хатарда пиширган овқати боласига буюрмаётган экан, уни итлар талашиб ейишаётган экан.

Жаннат хола рўмолга ўралган товоқни шошиб ўғлининг олдига қўйди. Турсунбой кир бўлиб кетган панжаларни баробар товоққа тиқиб, ғижимлаб оғзига соларди. Икки-уч ошамдаёқ товоқ бўшади. Она грелкадан сопол пиёлага чой қўйиб боласига тутди. Турсунбой ола туриб қўли қалтираб пиёлани тушириб юборди. Кўзлари олайиб она тиззасига бошини ташлади.

Баданидан ачимсиқ тер ҳиди келиб турган болани она бағрига босиб бошларидан силади.

Турсунбойнинг иситмаси баланд.

— Безгак тутяпти сени болам. Юр, юр, кетайлик. Сени олиб кетгани келдим.

Турсунбой жавоб ўрнига ингради.

Шу топда Жаннат холанинг кўзига дунё қоп-қоронғи бўлиб кетди. Ўз дардини унутди. Бошидаги рўмолини ечиб кўлмақдан хўллаб келиб, ўғлининг пешонасига босди. Боласи кўзини очмай ингради.

Жаннат хола ориқ бармоқлари билан ўғлининг юзларидан силаб, кўзларини бир нуқтага тикканча овоз чиқазмай йиғларди.

Орзулари шамолга учди. Ҳомилалиқдан то шу кунгача қилган умидлари тамом бўлди. Боласининг йўлга кирган кундаги қувонч, тили чиқиб, биринчи марта ая дегандаги олам салтанатига тенг шодликлар, дадаси опичлаб гузарга олиб чиқиб кетаётганда эшик олдида орқасидан қараб қолгандаги ҳеч нарсага тенг кўриб бўлмайдиган бахт, биринчи бор мактабга кузатганда оппоқ кўйлак, ғарч солиб тикилган этик кийиб

чопқиллаб кетаётгандаги тонгдек, ҳеч қачон кўрмаган тонг...  
Ҳаммаси, ҳаммаси она кўз олдидан бир-бир ўтаверади.

Турсунбой алаҳсирарди.

— Янги тўним қани, этигим... Зеби, Зеби! Зеби! Эшикни ким тақиллатяпти, очма! Олма пишиб қопти-ку. Келяпти, келяпти! Велосипедимга тегмасин! Этигимни торт! Ошингни смайман! Зеби қани!

Жаннат холанинг юрак-бағри эзилиб кетди. Нима қилсин? Нима қилса, боласининг дардига эм бўлади? Чорасиз! Унинг дардини енгиллаштиришга ҳеч қандай имкон йўқ. Боласи қувғин. Ҳамма эшик берк. Шу торғина тўқайдан бошқа макони йўқ унинг. Бу жой ҳам уни умрбод сақлаёлмайди.

Она икки қўлини осмонга кўтариб фарёд чекди.

— О, худо, менда шунча қасдинг бормиди!

Унинг ҳавога кўтарилган қўллари шалоплаб икки тиззасига тушди. У шу кўйи қанча ўтирганини билмайди. Атрофни қоронғилик босган, қамишлар шамолда совуқ гувуллайди. Ёнида ётган боласи ўқтин-ўқтин аянчли инграйди. Шу пайт олисдан кимнингдир, «Жанааат», деб қичқиргани эшитилди. Она ҳушига келиб қулоқ тутди. Ўша овоз яна бир неча бор такрорланди.

Жаннат хола ўрнидан турди. Қоронғида боласининг башараси кўринмасди. Яна ўтириб тимирскиланиб пешонасини топди. Ҳамон иссиқ.

Она икки ўт орасида қолди. Кетса, боласидан кўнгли тинчимайди. Ким билади, ҳоли нима кечади? Кетмаса, ҳозир уни қидириб келиб қолишади. Унда нима бўлади?

У боласининг пешонасидан қўлини олмай тураверди. Уни чақираётган овоз борган сари яқинлашаверди. Она шошиб чайладан чиқди.

Қамишлар орасидан бир неча жойда машғала кўринди. Ҳар тарафдан «Жаннат! Жаннат!» деган товушлар келарди.

Уни адашган, ё бўлмаса бирон фалокатга йўлиққан гумон қилиб, ҳамма барабар оёққа турган эди.

Жаннат хола жон ҳолатда шудгор олинган тарафга югура бошлади. У қамиш орасидан чиқиши биланоқ Низомжонга йўлиқди.

— Қаёқда юрибсиз, ая, тинчмисиз?

Жаннат хола унинг Низомжонлигини овозидан таниди. Нима дейишини билмай гулдиради.

Низомжон овозининг борича тўқайга қараб қичқирди.

— Келаверинглар! Жаннат аям бу ёқдалар!

У бир неча марта атрофга шундай деб қичқиргандан кейин машғалалар шу тарафга қараб кела бошлади. Биринчи бўлиб оқсоқланиб Икромжон келди. Бирпасда уни машғала кўтарганлар ўраб олишди.

— Қаёқда юрибсан?

Жаннат хола жавоб беролмади. Унинг кўзлари бежо. Фақат қўлларини муттасил силкитиб, тўқай тарафга қараб қичқирарди. Она ақлидан озган эди. Низомжон уни суяб чодир олдига келгунча терга пишиб кетди. Жаннат хола ҳамон тўқайга қараб қичқирар, унинг қўлидан чиқиб ўша ёққа югурмоқчи бўларди. Чодир ичига киришганда, у бирдан жимиб қолди. Қолдан тойиб тўшакка ўзини ташлади-ю, қимирламай шифтга тикилиб ётаверди.

Одамлар бирин-кетин тарқаб кетишди. Икромжон Жаннат холанинг оғзига чой тутди. У бошини сарак-сарак қилиб ичмади. Дармонсиз қўллари билан кўрпани бошига тортиб кўзини юмди.

У шу ётганча эрталаб ҳам кўзини очмади.

У ягона фарзандидан кўзини узолмай, унинг бахтини кўролмай, армон билан чодирда жон берган эди.

Эрта азонда Низомжон тоғага хабар бергани Зирилламага от чоптириб кетди. Тушга қолмай Икромжоннинг ёр-биродарлари грузовойда тобут билан етиб келишди. Чўл уфқи қизариб турган кеч пайтида марҳуманинг жасади солинган тобутни елкага олишди. Низомжон унга ўгил бўлиб, ҳасса тутиб, тобут олдига тушди.

Унинг ўз боласи тўқайда, қамишлар орасидан маросимни кузатиб турарди. У ким вафот топганини билмасди. Дадасининг тобут олдида бел боғлаб йиғлаб кетаётганини кўрди-ю, кўзлари бежо бўлиб кетди. Ахир у кунни билан онасини кутаётган эди. Унга овқат олиб келмоқчи эди. Нима бўлди? Наҳотки, ўлган бўлса? Энди, унинг ҳоли нима кечади? Энди унга ким овқат олиб келади.

Она фақат унга кийдириш, едириш учун она эди, холос. Она унинг фироқида, дардида адо бўлди. Боласи эса бу тўғрида ўйламасди.

Она, қазойим етиб оламдан ўтсам, болам ўз қўли билан қабрга қўяди, деб умид қиларди.

Боласи қабрга яқин келмай, бўрига ўкшаб тўқайдан хувук қараб турарди.

Она, болам орқамда қолади, чироғимни ёқади, деб ният қиларди. Боласи бундай ўйларни бошига келтирмасди. У туғиб катта қилган онасининг жасадини бегоналар елкада табаррук қилиб кўтариб кетаётганларини кўра туриб ҳам бир қадам олдинга жилмасди.

Қуёш қип-қизил чўғ бўлиб ботаётган чўл оқшомида ҳижронзада, аламзада, фарзанд доғида куйиб адо бўлган онани тупроққа қўйишди.

Ҳамманинг боши қуйи эгилган.

Икромжонни тоға суяб турарди. Низомжон қабр ёнида чўккалаб бош эгиб ўтирганича ҳамма кўзгалганда ҳам бошини кўтармади.

Офтоб ўчди. Уфқда оловли булутлар қолди. Низомжон бошини кўтарганда ялтираб турган парча булутлар куйган қоғоз чўғидек бирпасда ўчди. Чўл жим-жит бўлиб қолди. У ҳасрат-надомат билан битта-битта босиб чодир томонга юра бошлади.

Қишлоқдан келганлар грузовойга чиқиб олишган. Тоға Низомжонни кутиб турган эди, ёнига чақирди.

— Иним, чайлада ётма, кўрпа-тўшагингни кўтариб амакиннинг чодирига кел. Ёлғиз қолмасин,— деб тайинлади.

Низомжон унинг айтганини қилди. Чодирда фонарь ёқмай, Икромжон тиззасини қучоқлаганича қимираммай ўтирарди. Низомжон нима дейишини билмай бордон устига ўрин сола бошлади. Икромжон унга қайрилиб қарамади ҳам. Низомжон қаттиқ чарчаганидан ёнбошлаши билан ухлаб қолди. У эрталаб тонг қоронғисида уйғовди. Икромжон ҳали ўшандай қимираммай ўтирарди. Низомжон нима деб овутишни билмасди. Нима дейди? Бола бўлиб бировни юпатмаган. У Икромжоннинг ёнига тиз чўкиб, елкасига қўлини ташлади. Икромжон унга ўгирилиб қаради. Унинг оқ оралаб қолган соқолларида ёш томчилари титраб турарди.

Низомжон ўзини тутолмади. Хўнграб йиғлаб юборди.

Чодир тешигидан ёришиб кетган осмоннинг бир парчаси кўриниб турарди.

\*\*\*

Икромжон шовиллаб турган кимсасиз тўқай ичида анча узоқлаб кетган эди. Аксига у на бўри, на қуён, на ўрдак уролди. То у қўлтиқтаёққа суяниб мўлжалга олгунча ўрдак учиб кетар, қуён инига етиб бўларди. Тўқай яланглигида ўзини офтобга солиб ётган баҳайбат эчкэмар унинг қорасини кўрибоқ думи билан қамишларни шитирлатиб чайқатиб, пирпасда ғойиб бўлди.

Икромжон юра-юра чарчади. Милтиқни ерга қўйиб, чалқанча ётиб олди. Беғубор кўм-кўк осмонга тикилганча қимираммай ётаверди. Қаттиқ чарчаганидан кўзи илинган экан, нимадир шитирлатиб уйғотиб юборди. Икромжон бирон ҳайвон бўлмасин, деб сапчиб ўрнидан турди. У ёқ-бу ёққа аланглади.

Ундан ўн беш қадамлар нарида, қамишлар орасида бир одам осмонда учиб кетаётган ўрдакларга қараб турарди. Нотаниш киши унга орқасини ўгириб турганидан башарасини Икромжон кўролмади. Қўлтиқтаёғига осилиб ўрнидан турди. Нотаниш кишидан кўзини узмай энгашиб милтиғини олаётган эди, у чап томонга юра бошлади. Икромжон беихтиёр унга эргаша бошлади. Оёқ тагида қуруқ қамиш шитирлади. Нотаниш ўгирилиб орқасига қаради. Қаради-ю, қўрқувдан кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди. Икромжон уни танимади.

Сочлари ўсиб елкасига тушган, кийимларининг жулдири

чиққан, юзлари чивин чаққандан яра бўлиб кетган бу одам Турсунбой эди. У озиб, қорайиб, дармонсиаликдан аранг судралгандек юрарди.

Одам қиёфаси йиллар ўтиши билан, шароит таъсири билан ўзгариб кетиши мумкин. Фақат одамнинг кўзи ўзгармайди.

Икромжон унинг Турсунбойлигини кўзидан таниб қолди. Қичқириб юборди.

— Турсун!

Турсунбой қимирламади. Икромжон таёқ билан сакраб-сакраб олдига келаётган эди, Турсунбой яна нари кетди. Унинг бу ҳаракатлари худди аллақандай ёввойи ҳайвонларни эслатарди.

Чинакамига у ваҳшийлашиб қолган эди. Яқин олти ой биров билан гаплашмай, одамсифат ётиб-турмай, иссиқ татимай шу аҳволга тушган эди.

— Турсун, Турсунбой, болам! — деди жонқолатда Икромжон.

Турсунбой бу гал жойидан қимирламай туриб қолди. Икромжон бора солиб унинг бўйнига осилди. Қўлтиқтаёғи ерга тушди. Бир оёқлаб туриб унинг елкаларини силар, пешоналаридан ўпарди.

Бирдан димоғига қўланса ҳид урилиб, Турсунбойни бағридан қўйиб юборди-да, якка оёқлаб туриб қолди. Мувозанатини сақлаёлмамай орқасига чалқанча ағдарилиб тушди. Боласи уни тургазиб қўймади. Ўзи бир қўлига тиралиб, яна ўрнидан турди. Ўғлининг юзига қаради.

Турсунбойнинг юзига кўздан сув тегмаган. Бутун вужудидан ачимсиқ тер ҳиди буруқсаб турарди.

Икромжон бу ногаҳон учрашувдан тамомила эсанкираб қолган эди. Нима қилишини, ўғлига нима дейишини билмасди. У шу бир оёқлаб турганча жуда оз фурсат ичида кўп нарсаларни ўйлади. Кўп нарсаларни хотирига келтирди.

Хотинининг тўқайга илдиз теришга бориши шу бир неча минут ичида аён бўлди.

Икромжон бутун борлигини, бугунини, эртасини бағишлаган ёлғиз фарзандига қараб бирдан жирканди. Қошлари чимирилиб, пешоналари тиришди.

Унинг олдида ўз боласи эмас, бир йиртқич тургандек бўлди.

— Ўтир! — деб буюрди Икромжон.

Турсунбой итоаткорлик билан ерга чўккалади.

— Тўқайга қачон келдинг?

Турсунбойнинг тили гапга келмади. У гўё гаплашиш қобилиятини йўқотгандек, жавобга сўз ахтараётганга ўхшарди. Охири у қийнала-қийнала жавоб берди:

— Тўрт ой бўлди.

Турсунбой бошини эгиб ердан чўп олиб тишлаб ўтираверди.

— Онанг ўлди, — деди Икромжон.

— Биламан. Кўмишга олиб кетаётганларингда кўриб турган эдим.

Икромжон ўзини йўқотиб қўйди. Қаршисида ўтирган боласини ягона оёғи билан тепиб юборди. Турсунбой орқасига ағдарилиб тушди. У то ўрнидан тургунча Икромжон эмаклаб бориб бошига, юзига ураверди. Бола отасига мушт кўтаролмади. Унинг бундай қилишга дармони йўқ эди. Очлик ўз кучини кўрсатиб, уни ҳолдан тойдирган. Икромжон ҳамон унинг дуч келган жойига мушт соларди. У муштларди-ю, аллақандай хунук овоз билан бақирарди.

— Онанг қандоқ хотин эди! Қандоқ хотин эди! Номард! Она қабрга қўйилаётганда кўриб туриб ёнига боролмаган, оқпадар! Ўз қўли билан тупроққа қўйишдан қочган ярамас! Онанг қандоқ хотин эди-я! Сен жувонмаргга қандоқ меҳр қўйган эди-я! Сен уни ўлдирдинг! Ўзинг ўлдириб, яна ўзинг тупроққа қўйганларини томоша қилдингми? Ифлос!

Икромжон мушт уриб чарчади. Сўкиб овози бўғилди.

У Турсунбойнинг бўғизини қўлдан бўшатиб, башарасига қараб тулурди.

Мана сенга!

У бунга ҳам қаноат қилмай қўлтиқтаёғини унинг елкасига икки марта зарб билан урди. Турсунбой аламдан ингради. Орқаси билан судралиб нари кетди.

— Ёт-бегоналар тобутини елкага олиб кетаётганларини кўриб чидаб турдингми? Йўлинга термулиб кўр бўлган онага шуми мукофот? Алифдек қоматини сен букдинг, юзларига ажинларни сен солдинг, кўзларидан нурни сен ўғирладинг, шу ёруғ дунёни қоронғи зиндон қилдинг! Сен жувонмаргдан қандоқ умидлари бор эди онангинг. Сенинг ўрнинга ит боқсак бўлмасмиди? Елкамда кўтариб катта қилганман. Шу елкаларимда катта қилганман. Оғиримни енгил қиларсан, деб ўйлаган эдим. Мушкулумни осон қиларсан, деб ўйлаган эдим. Оқ сут берган онангни гўрга қўйишга ярамадинг. Онага вафо қилмаган бола, кимга вафо қилади. Юрт ишига ярамаган бола, қай ишга ярайди.

Икромжон унга қараб қаҳр-ғазаб билан қичқирарди:

— Хоин! Қочоқ! Номард! Ҳезалак! Ифлос! Ит! Тур ўрнингдан!

Турсунбой ўрнидан турди. Икромжон яна қўлтиқтаёғига осилиб қаддини ростлаб олди-да, унга буюрди:

— Юр!

Турсунбой қимирламади. Икромжонда қандайдир ҳеч тўхтатиб бўлмас куч пайдо бўлганди. Ҳозир у ҳар қандай ваҳший куч билан олишишга тайёр эди.

Турсунбой безовталиқ билан тутилиб сўради.

— Қаёққа?

— Қишлоққа. Юрт олдига. Сен ярамаснинг жазоингни юрт беради.

— Дада, дадажон!

— Дада дема. Сендек болам йўқ. Сени аллақачон ўлдига чиқазиб қўйганман. Кўзларинг ўйилсин, ўқрайган кўзларингни қузғунлар чўқисин! Юр, деяпман сенга!

Турсунбой унга ваҳима билан қараб қўйди-да, бирдан орқасига бурилди. Икромжон уни ушлаб қолмоқчи эди, силтаб ташлади. Икромжон ёнбоши билан йиқилди. У ўрнидан турганда Турсунбой анча нари кетиб қолган эди. Икромжон шошиб елкасидан қўштиғни олди. Тирсагини қўлтиқтаёқ чармига тираб туриб мўлжалга олди. Ўқ овози худди чўл устида аллақандай ваҳимали ҳайвон ўкиргандек бир неча дақиқа акс-садо бериб турди. Тутун тарқаганда Икромжон ўғлининг қамишларни қайриб ҳамон чолиб кетаётганини кўрди. Хайрият, тегмабди, деди. Яна милтиқни ўқлади. Бу гал болани мўлжалга олмади. Жаҳл билан дуч келган тарафга қараб тепкини босди...

\*\*\*

...Икромжон Турсунбойни учратган кундан бери тинчини йўқотган эди. Боласи экан-да, аҳволи нима бўлди, деб ўйлади. Унинг қилмишларини эслаб, қаҳр-ғазаб ичида қовурилганди. Ўша кундан бери тўқай кезиб уни излайди. Тополмайди. У энди Турсунбойни учратса, унинг дилига инсоф солмоқчи, авф сўратмоқчи. Жангга юборишларини, қонли урушда доғни ювишни сўрашга унатмоқчи.

У бу тонг ҳам тўқайга қараб кетди. Бу гал у милтиқ олмади. Оталик журъати билан уни кўндиришни ният қилган эди.

Гира-шира тонг ёришиб келаётган эди. Икромжон қамишлар орасида узоқ кезди. Овоз чиқариб ўғлини чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Бирдан қамиш қапага кўзи тушиб тўхтади. Секин бориб қапа ичига мўралади. Турсунбой тўзиб кетган тўнини бошига қўйиб қимирламай ётарди. Икромжон ажиб бир ҳаяжон билан тепасига келди. Энгашиб:

— Болам, болам — деб чақирди.

Аммо Турсунбой жавоб бермади. У ота дийдоридан, она меҳридан, ёр-биродарлар даврасидан олисда, чақирса овоз етмайдиган жойда қувган бўлиб, оламдан ўтган эди.

Икромжон совуқ танани бағрига босиб, қотиб қолган елкаларини силади. Пешоналаридан ўшди. Унинг кўз ёшлари Турсунбойнинг муздек совуқ юзларини ювди. Икромжон кимсасиз тўқай орасида аламларини, ичини куйдирган дардларини танидан чиқариб юборгудек бўлиб, ўкириб-ўкириб йиғларди.

Турсунбойнинг бари қилмишлари энди жони билан бирга танини тарк қилган эди. Энди у ёлғиз тана бўлиб ота бағрида қолган эди. Энди бу тана отаники эди. У ёшлик пайтларидегидек беозор ухлаётганга ўхшарди. Юзлари норасида



юзидек пок эди унинг. Йигирма бир йил ардоқлаб боққан, шамолни раво кўрмай жонига ўраб ўстирган боласи хоинликдан, қўрқоқликдан, она олдидаги ҳеч қачон ювиб бўлмайдиган гуноҳлардан пок бўлолмай, ота қучоғида бегонадек ётарди.

Икромжон йиғлади, йиғлади, йиғидан кўз ёшлари қуриди. Боласининг бошига хашак тўплаб ёстиқ қилди-да, уни аста ерга ётқизди.

Атрофда офтоб яшнапти. Янги попук чиқазган қамишлар ел билан ўйнашпти. Осмони заминда қайчиға ўхшаб турна қарвони қўй ҳайдаган чўпондек қуралаб ўтапти. Осмон шу қадар сўнгисми? Унинг ортида нималар бор? Бу зангори йўл қай томонга олиб боради? Қизиқ! Турналар қайға учаётганикин?

Икромжон телбага ўхшаб то турналар уфққа сингиб кетгунча қараб турди. Бирдан сесканиб яна ерда ётган боласига қаради. Тўнини ечиб устига ёпти-да, бир тиззалаб чўкка тушди-ю қўлтиқтаёғи билан ер ўя бошлади.

У ўғлига, ягона ўғлига гўр қазирди.

Боласи уйда умрини яшаб ўлса бўлмасмиди? Юрт иззат билан уни сўнгги йўлга кузатарди. Одамлар давра қуриб кўз ёш тўкиб қабрга қўярди. Энди у тўқайдан чиқолмай, шармандалик, юзи қоралик билан жон берди. Унинг гўри ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Гўри кетмон билан эмас, қўлтиқтаёқ билан қазиларди.

Икромжон ҳам алам, ҳам нафрат билан гўр қазирди. Баҳор селлари мағзи-мағзига сингар, ер қўлтиқтаёқ учига бир кафтдан илиниб чиқарди. Икромжон қора терга тушиб кетди. У қабрни тизза бўйи қазиганда ҳали офтоб ўчмаганди. У қаддини ростлаб яна осмонга қаради. Осмон тоза. Унда на қуш, на булут сузарди. Ёнига қаради. Унинг чопони тагида Турсунбой ётарди. Икромжон бир дам унга ҳасратли боқиб турди-да, яна ер ўйишга тушиб кетди.

Офтоб сўнди, уфқда қип-қизил шафақ ёнди. Қамишлар учи учаётган шам сўхтасига ўхшаб қолди. Икромжон қабрдан чиқиб, терлаб турган танидан яктагини ечди-да, Турсунбойни ўради. Аллақандай ғайритабиий куч билан уни икки қўллаб кўтарди-да, бир тиззалаб сурилиб қабр олдига келтирди.

Чўл устини аста қоронғилик босиб келаётган ёз оқшомида ота ўз боласини шонсиз, шарафсиз, маросимсиз қабрга қўйди. Лой аралаш тупроқ тортиди.

Ой синган қизил лагандек бўлиб бўзариб чиқди. У секин-секин ҳаволаниб терак бўйи кўтарилди-да, қимирламай осилиб қолди. Бирин-кетин юлдузлар кўзи равшанлаша бошлади. Осмони заминда арава орқасидан кўтарилган тўзондек бўлиб сомончи йўли кўринди.

Икромжон қабр тепасидан кетолмади. Ҳар гал ўрнидан туриб кетмоқчи бўларди-да, яна фарёд уриб ўзини қабр устига отарди.

Ой ёритиб турган тўқай яланглигида Икромжон қабрини кучоқлаб ётаркан, кимдир унинг елкасидан кўтарди.

— Дада, дада, туринг, кетамиз.

Низомжон кўпдан бери унинг аҳволини кузатиб турарди. Фарёдига чидаёлмай, охири зўрлаб бўлса ҳам олиб кетишга аҳд қилган эди.

— Юринг, юринг, кетамиз. Энди бас. Кетайлик.

Икромжон бош кўтариб унга қаради. Ҳеч нарса демай суд-ралиб бориб қўлтиқтаёғини олди-да, чайқала-чайқала олдинга тушиб кетаверди.

#### Савол ва топшириқлар

1. «Уфқ» романида қайси давр воқеалари тасвирланган?
2. Қочоқ Турсунбой тақдири Сизда қандай ҳиссиёт уйғотди: ачинишми ёхуд нафратми?
3. Икромжон ва Жаннат холадак яхши одамларнинг фарзанди шундай худбин бўлиб қолганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Турсунбойнинг худбинлигини, одобсизлигини кўрсатадиган сўзлари, ҳолат ва ҳаракатлари тасвирланган ўриларни кўрсатинг.
4. Онанинг фарзандига меҳрибонлиги, фидойилиги таъкидланган ўриларни қайта ўқинг, сизда бу муштиллар аёлга нисбатан қандай ҳиссиёт уйғотди? Онанинг телба бўлиб қолиши ва вафотида Турсунбойнинг айби борми? Икромжон нега ўғлига «Уни сен ўлдирдинг!» — дейди.
5. «Ўғли қочоқ» деб қишлоқда гап тарқалганда Икромжонда пайдо бўладиган ҳолатни қандай изоҳлайсиз? Йигитларнинг қаҳрамонлиги ҳақида гап чиқса, нега у ерга қарайди?
6. Ўғлини тўқайзорда учратган Икромжон қай ҳолатга тушди? Нима учун Жаннат холанинг ўлими ҳақида гап кетганда, у чидай олмай, Турсунбойни калтаклади?
7. Икромжон ўғлининг ортидан нимага отди? Нега кейин «Хайрият, тегмабди» деб ўзига таскин берди? Бу ўринда миллий характернинг қай жиҳати кўриниш беради?
8. «Қочоқ Турсунбой қисмати» мавзуида ёзма иш режасини тузинг.

## РОМАН ШАКЛЛАРИ

Адабиётда роман жанри эпик наср усулида ёзилганлиги, ҳаётни кенг қамровда кўрсатганлиги, кўп тармоқли сюжет чизиқларига эга бўлганлиги, бир эмас, балки бир қатор драматик, мураккаб тақдирлар қаламга олинганлиги, шунга кўра катта ҳажми билан бошқа насрий жанрлар — ҳикоя, қисса ва бошқалардан ажралиб туради. Роман қамровига, тузилишига ва ҳажмига кўра дилогия, трилогия, эпопея кўринишларида бўлиши мумкин.

*Роман-дилогия* — икки китобдан иборат бўлиб, ҳаётни анча кенгроқ қамраб олади. У катта бир давр оралигида бир қатор қаҳрамонлар тақдири билан таништириши мумкин. Масалан, М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедовнинг «Ота», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довоми» каби асарларини роман-дилогиялар дейиш мумкин.

*Трилогия* — уч китобдан иборат бўлиб, жамият ҳаётидаги катта бир даврни қамраб олади, дилогиядан кўра ҳам кўпроқ ва кенгроқ тақдирлар қаламга олинади, қаҳрамонлар сони ҳам шунга мувофиқ кўпроқ бўлади.

С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар», В. Яннинг «Чингизхон», «Ботухон», «Сўнгги денгизгача» асарлари роман-трилогия намуналаридир. Сиз юқорида парча ўқиган С. Аҳмаднинг «Уфқ» асари ҳам трилогия бўлиб, «Қирқ беш кун», «Ҳижрон кунларида», «Уфқ бўсағасида» номли учта романдан иборат.

Этибор берган бўлсангиз, асар нечта китобдан иборат бўлишидан қатъи назар, уларда ички бирлик, боғланиш бўлади. Уч китоб уч даврга, уч хил масалага ва қаҳрамонларга эга бўлса, бундай асар, табиийки, трилогия бўла олмайди. Бундан ташқари, дилогия ёки трилогияда қисмларни ўзаро боғлайдиган бир тақдир, барча китобларда иштирок этадиган бир ёки бир неча қаҳрамонлар бўлиши талаб этилади. «Фарғона тонг отгунча» дилогиясида Ғулумжон, «Самарқанд осмонида юлдузлар» трилогиясида Темур образлари барча китобларда марказий ўқ бўлиб ўтади. Худди шунингдек, «Уфқ» трилогиясида ҳам Икромжон образи барча китоблардаги воқеалар марказида туради.

Учдан ортиқ китобдан иборат бўлган романларни *тетралогия* деб аташ расм бўлган. Лекин бундай роман шакли кам учрайди.

Бу шакллар орасида *эпопея* деб аталмиш шакл ҳам мавжуд бўлиб, унинг ўз айрича талаблари бор. Эпопея романининг неча китобдан иборатлигига боғлиқ эмас. Масалан, рус адабиётида А. Серафимович исмли ёзувчининг «Тамир оқим» деб аталган, ҳажми бир қиссадек келадиган асарини эпопея деб аташади.

Эпопеянинг асосий белгиси ҳаётни бир катта оқим сифатида кўрсатиш, бош қаҳрамон эса бир-икки персонаж эмас, бутун халқ оммаси бўлиши кераклигидир. «Тамир оқим»да шу хусусият бор. Шу белгидан келиб чиққан ҳолда Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», М. Шолоховнинг «Тинч оқар Дон», М. Аветовнинг «Абай» романларини эпопея деб атайдилар.

### *Савол ва топшириқлар*

1. Романининг ҳажми ва қамровига кўра шакллари номларини санаб кўрсатинг.
2. Дилогия деб қандай романга айтилади? Мисоллар келтиринг.
3. Трилогия нима? Ўзбек ва жаҳон адабиётида қандай роман-трилогияларни биласиз?
4. Эпопея деб қандай асарга айтилади? Намуналар келтиринг.



АБДУЛЛА ОРИПОВ

(1941 йилда туғилган)

### ОНА САЙЁРА

Қаршимда ер шарин суврати турар,  
~~Салмони Қуванинг анорича бор.~~  
Тим қора осмонда порлаб кўринар,  
Шу жажжи сайёра кўркам, улугвор.  
Унга боқаману ушлайман ёқа,  
Наҳот шу кўрганим рост бўлса, наҳот?  
Наҳотки еримиз кичик бир соққа?  
Наҳотки биз шунга жо бўлсак, ҳайҳот!..  
Уммонлар кўринар қатра ёш мисол,  
Чигит увоғича келмас тоғлар ҳам.  
Қитъалар, денгизлар афтода бир ҳол,  
Бари бир нуқтага бўлиб олмиш жам.  
Набилар, расуллар, доҳийлар унда,  
Қабрлар, қасрлар тургандир қатор.  
Балки ҳув кўринган мовий тўлқинда  
Сув ичган гўдакнинг нафаси ҳам бор.  
Қулоққа чалинар отлар дупури,  
Сор бургут ўзини ўлжага урар.  
Шарқда чўпон ёққан гулханнинг нури  
Шимол сайёҳига кўриниб турар.  
Ана, Ҳимолайнинг бағрида бир қиз  
Елкада кўзаси — борар булоққа.  
Соҳилда учрашди икки қалб ёлғиз,  
Шивир-шивирлари келар қулоққа.  
О, она сайёра, курраи қутлуғ,  
Самодан сувратинг илк бора кўрдим.  
Ҳавойи бир хаёл сеҳри эмас, йўқ.  
Фарзанд меҳри билан мен боқиб турдим.  
Кун кеча эмасми, хислатинг санаб,  
Шеър ёзиб турардим сенга парвона,

Бу кун сувратингга сўзсиз босдим лаб,  
 Шу сенми, ёлгизим, шу сенми она...  
 Фалакда бир ўзинг турибсан ҳайрон  
 Наҳот сен бўлмасанг бунчалар танҳо.  
 Сийнангга ёпишган фарзандинг, инсон  
 Бева бағридаги етимдай гўё...  
 Қайга кетмоқдасан бунчалар шошиб?  
 Ором истайсанми кўкда овора?  
 Балки фарзандингни кўксингга босиб  
 Йиғлаб кетмоқдасан, она сайёра...  
 Фарзандларинг бордир сонсиз-саноқсиз.  
 Во ажаб, қадрингни гоҳида билмас.  
 Улар-ку қаршингда чангдай салмоқсиз,  
 Лекин бағрингга ҳам сиққувси келмас.  
 Осмон торлик қилган гала чумчуқдай  
 Макон талашади гоҳо бетартиб,  
 Сен-чи, меҳварингда айланасан тек,  
 Яхши-ю, ёмонни елкангга ортиб,  
 Сенинг юрагингда лахта-лахта қон,  
 Сийнанг нималардан бўлмаган пора.  
 Қайғу-ҳасратларинг барчаси аён.  
 О, бунча дардқашсан, она сайёра.  
 Сен ҳозир сувратсан, кўзим ўнгида  
 Эшита билмассан сўзимни балким.  
 Бир зумлик безовта ўйлар сўнгида  
 Яна рухсорингга тикиламан жим.  
Бир ёнда ложувард Баҳри Муҳит бор,  
Бир ёнда заъфарон Саҳрои Кабир.  
 Бир ёнда оқ сочли тоғлар пурвиқор  
 Сенинг толеингга ўқийди такбир.  
 Эллар тўзғиб ётар гул япроғидек,  
 Бир ён шоҳу гадо, бир ён дўст, ғаним.  
 Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек  
 Буюк ва бетимсол менинг Ватаним.  
 У менинг кўзимга ҳилолдай маҳваш,  
 Офтоб келар фақат унинг қошига,  
 О, она сайёра, бағрингни поклаш  
 Менинг ватанимнинг тушган бошига.  
 Унинг қучоғида ғамдан йўқ нишон,  
 У ерда тентимас иблис хаёли.  
 У ерда дўстликни улуғлаб инсон  
 Такаллум қилади қумри мисоли.  
 Йиллар ўтар, балким ўтар кўп замон,  
 Ер юзи чулғанар бахтта, чаманга,  
 Агар дардларингга бўлолса дармон,  
 Руҳим фидо бўлсин шундай ватанга  
 Мен ҳам бир ўғлингман, она сайёра,  
 Бағринг мен учун ҳам хоки пок бўлсин.  
 Толеинг абад бўлмасин қора,  
 Манглайинг оқ бўлсин, ярқироқ бўлсин.

...Қайси бир шоир ўз Ватани ҳақида шеър ёзмаган? Қайси бир китобхон Ойбекнинг «Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди» деб бошланган «Ўзбекистон» шеърини завқ билан қайта-қайта ўқимайди, дейсиз? Қайси бир китобхон Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеърини эшитиб завқланмаган дейсиз? Бироқ Абдулла Орипов на Ойбекни такрорлайди, на Ҳамид Олимжонни ва на Уйғунни. Ойбекда ўзбек халқининг бугунги куни билан кечаги ҳаёти солиштирилса, Ҳамид Олимжонда гўзал ўлка баҳор нафасига йўғрилган, ажойиб романтик оҳангда берилади. Уйғун эса Ватаннинг бугунги қудратига урғу беради. Абдулла устозларидан сабоқ олиб, уларни такрорламаган ҳолда, Ватани ҳақида жозибали шеър яратди. У шеърга қарийб минг йилларга тенг келадиган ўз юрти тарихини жойлайди...

Она-Ватан, ўтмишда жабрдийда, бугун бахтини қўлга олган халқ Абдулла шеърларининг асосий лейтмотиви. Бугина эмас, Ватан ҳақида фикр юритар экан, у баъзан ўзи туғилиб ўсган ўлка чегарасидан чиқади, бутун она сайёрага табиат мўъжизасининг улуғ вакили сифатида юксакликлардан қарайди, қараб Ҳимолай бағридаги «елкасида кўзаси, булоққа бораётган қиз»ни, «фарзандларини кўксига босиб қаёқларгадир шошилаётган» бутун ер шарини кўради. Бироқ, бу «Она сайёра»нинг юрагида лахта-лахта қон, «сийнаси пора», қаёққадир шошилади, унинг елкасида эса яхши-ю, ёмон—ҳаммаси бор. Аммо бу дардкаш курранинг шундай бир жойи борки, «офтоб ўша жойга келади, у ерда ғамдан нишона йўқ, иблисга макон йўқ».

Абдулла учун суратига қараганда «салмоғи Қува анорича келадиган», бироқ ўзига «чексиз уммонларни, осмонўпар тоғларни сизгидира олган», «елкасига яхши-ю ёмонларни ортиб қаёқларгадир шошаётган» ер курраси ҳам Ватан, тарихда қисматлари бир-бирига ўхшаб кетадиган Туманян юрти ҳам Ватан, ўзи туғилиб ўсган, илк бор юрагига ғулу солган, биринчи муҳаббат ҳижронини тотқизган Қарши кенгликлари ҳам Ватан... У Ватан маъносини кенг ва борлигича тушунади. У Ватанни қайси кенгликда қандай тасаввур қилмасин, у ҳар гал гўзаллик билан бирга ногўзалликларни ҳам кўради, баъзан ўша ногўзалликдан гўзаллик ахтаради ва ўша хунукликларга қарши инсон шижоатидаги гўзаллик мўъжизаларини топади.

Матёқуб Қўшжонов  
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

### Савол ва топшириқлар

1. Мазкур шеър фазогирларнинг учиш вақтида юқоридан олинган Ер шари суратидан таъсирланиб ёзилган. Шоир кўзи билан Ер самодан қандай бўлиб кўринар экан?

2. Она сайёрага «Фарзанд меҳри билан боқиб турган» шоирни қандай хаёллар чулғайди?

3. Осмон торлик қилган гала чумчуқдай

Макон талашади гоҳо бетартиб.

Сен-чи, меҳварингда айланасан тек

Яхши-ю ёмонни елкангга ортиб

сатрларини шарҳлаб беринг.

4. Шеър бошида, ўртасида, охирида шоирнинг ҳиссиётлари қандай ўзгариб туради? Парчалар ёрдамида изоҳланг.

5. Унинг қучоғида ғамдан йўқ нишон,

У ерда тентимас иблис хаёли.

У ерда дўстликни улуғлаб инсон

Такаллум қилади қумри мисоли.

Шоирнинг бу фикрларига қўшиласизми?

6. "Салмоғи Қуванинг анорича бор" ўхшатишида қандай миллий ранг бор? Юмалоқ ёрни яна нимага ўхшатишингиз мумкин?

7. Абдулла Ориповнинг Ватан мавзусидаги яна қандай шеърларини биласиз?

8. Шеърдаги ўхшатишларни кўчириб ёзинг.



## ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ

(1956 йилда туғилган)

Адиб 1956 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилган. 1978 йилда Тошкент давлат дорилфунуни журналистика факультетини битириб, аввал «Гулистон» ойнамасида ходим бўлиб ишлаган. Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилган.

Х. Султонов бир қатор ҳикоя тўпламларининг, шунингдек «Саодат соҳили», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Ажойиб кунларнинг бирида» каби қиссаларнинг муаллифидир.

### САОДАТ СОҲИЛИ

(Қиссадан парчалар)

Маълумки, улуғ ҳукмдор ва шоир Заҳриiddин Муҳаммад Бобур 1526 йилда Ҳиндистонни ишғол этиб, у ерда бобурийлар империясига асос солган эди. «Саодат соҳили» қиссасида тасвирланган воқеалар 1530 йилда — Бобур ўлиmidан бир неча ой олдин Агра шаҳрида бобурийлар саройида бўлиб ўтади.

...Тошкентлик олим Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий (тахаллуси — Ҳофиз Кўйкий) бир қатор Шарқ мамлакатларини айланиб, Бобур саройидаги бой кутубхонада мутолаа қилиш мақсадида азоб-уқубатлар билан Агра шаҳрига етиб келади. У ўз шогирди уста Биноқул билан сафарга бирга чиққан бўлиб, Биноқул йўл азобларини кўтаролмай, ҳалок бўлади.

Бобур Ҳофиз Кўйкийни очиқ кўнгил билан кутиб олади ва унинг кутубхонада ишлаши учун барча шароитларни муҳайё қилади. Олимни Боғи Нурафшон деб аталмиш боғнинг кунчиқар томонидаги хос ҳужралардан бирига жойлаштирадilar.

\*\*\*

Боғи Нурафшон — ер юзининг жаннати — сирли фароғат ва шукуҳга тўлиб шовиллайди.



Ҳофиз Кўйкий бу дилкаш масканга биринчи кунданоқ қизгин меҳр қўйди. У кун бўйи гоҳ кутубхонада, гоҳ ҳужрасида мутолаадан бош кўтармай ўтиради, оқшом тушиб, қош қорая бошлагач, адоқсиз боғ саҳнида хаёлкаш кезиб, ҳорғинликни буткул унутади.

Шундай оқшомларнинг бирида у Бобур Мирзога дуч келиб қолди.

Боғ этагида, азим шамшод ва дафна дарахтлари орасида қад кўтарган муаззам тоқи равоқда Бобур ёлғиз ўтирар эди. Умрининг сўнгги йилларида у саройидаги хушчақчақ сурон билан тўла базму томошалардан совинган, жон олғувчи ҳинд раққосаларининг ситамкор ишвалари ҳам, булбулигўё шоирларнинг шон-шухрат кўйида ўрганиб айтғувчи дилрабо байтлари ҳам энди кўнглига завқ бағишламас эди. У кўп вақтини кўздан ёнроқ хилват шу тоқи равоқда танҳо ўтказар, аҳён-аҳён, ҳуши келган чоғлардагина Юсуфийни чақириб, чоғир буюрар эди. Бундай пайтларда Боғи Нурафшонга теран сукунат чўқар, олампаноҳнинг дардманд, мискин кайфиятини сезган сарой аҳли, мулозимлар ун чиқармасликка тиришар эдилар.

Ҳофиз Кўйкий Бобурни қаттиқ хаёл оғушида кўриб, секин изига қайтмоқчи бўлди. У қизғиш қум сепилган йўлқадан мўъжаз хиёбонга бурилганида, ортидан Бобурнинг:

— Мавлоно, марҳамат қилгайлар! — деган сарқуш овози эшитилди.

Тоқи равоқда, қизил сандал оғочидан ишланган пастак хон-тахта устида олтин баркашда мунаққаш кўзачалар, нафис чинни пиёлалар тизилиб турар эди. Ҳофиз Кўйкий оҳиста таъзим қилиб, пойгакка тиз чўқди.

— Истироҳатму? — Бобур кўзаларини қисганча кулимсираб унга қаради.

— Ҳа, олампаноҳ, бу кун оқшом гоҳат латиф...

— Ҳа-ҳа... — Бобур бош ирғади. — Латиф, латиф...

Хийла вақт сўзсиз-садосиз қолдилар. Қуёш боғ ортида жимирлаб оқаётган Жамна сувига зар кокилларини ювмоқда эди. Ниҳоят, Бобур интиҳосиздек туюлган жимликни бузиб:

— Ўшнинг оқшомлари ҳам кўп сўлим, тароватли бўлур, — деди.

Ҳофиз Кўйкий бош ирғаб қўйди.

— Бу оламда мен кезмаган юрт кам қолди, — деб давом этди Бобур ўйчан оҳангда. — Не-не гўзал масканларни забт этмадим! Лекин ҳеч қайда Ўшдек латофатлиг бир вилоятни кўрмадим...

У хаёлга чўмганча тагин жим бўлиб қолди.

— У ерда бир устувор тоғ бор, Бароққўҳ дерлар. Мен Ўшни олганимда — тарих тўққиз юз иккида — тангри таоло инояти билан ушбу тоғнинг тумшугида бир айвонлик ҳужра солдим... Тамом шаҳр ва маҳоллат оёқ остида эди. Ҳануз ўша ҳужра

кўз ўнгимдан кетмайдир. Айниқса, шу кунлар... Қани эди, инон-ихтиёрим ўзимда бўлса-ю, беш кунлик гуноҳкор умрнинг қолганини ўша ҳужрада ўткарсам! — дея туйқусдан шивирлади Бобур.

Ҳофиз Кўйкий унга ҳайронлик билан қаради. Бобур гўё сўхбатдошини унутгандек паришон ўлтирар эди.

— Минг таассуфки, дард бор, дармон йўқ. — У оғир тин олди. — Салтанат шундай бир тилсим эканки, мавлоно, уни қўлда тутмоқ учун киши аввало қўлидаги инон-ихтиёридан халос бўлмоғи лозим экан...

Ҳофиз Кўйкий нима деярини билмай қолди.

— Мени «соҳибқирон», «етти иқлимнинг шамси аявори», «шаҳаншоҳи олам», деб кўкларга кўтардилар, — дея хасратли товуш билан сўзларди Бобур. — Лекин бирор кимса билмайдикки, мен ҳам асли шу ёғоч тахтга қарамман, мана шу ялтироқ тожга қулман... Илло, ҳар бир банда фақат оллоҳгагина қул эмас.

Олим бирдан қизаринди. Ахир, у ҳам Бобурни неча дафъа такор ва такор айна ўша сўзлар билан мадҳ этмаганмиди? Лекин азал-абад шундай бўлгач, унда не ихтиёр? Чиндан-да, мушкул муаммо бу: ахир ҳукмдорни инсон инсонни атаганидек, «биродар» ёхуд «оға», ёхуд «ини» деб атаб бўлмаса!..

Демак, бу сўзларни у ҳар сафар ботиний истеҳзо ва ижирганиш билан тинглар экан-да...

Ҳофиз Кўйкий ҳиндлар Бобурга «Қаландар шоҳ» дея ном берганликлари бежиз эмаслигини дафъатан англади.

— У юртлар энди бизга ҳаром... — Бобур қўлидаги пиёладан пайдарпай бода сипқарарди. — Олманинг сархилини ҳурт ермиш. Юрт бузғувчи, бадфёъл бойқуш шоҳларга қолди у вилоятлар... Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай. Йўқса, бирининг этини бири еб, юртини ғанимга берармиди?

Олимнинг вужудига симобдек титроқ югурди. «Аларнинг ақли бошидаги тожидан ҳаргиз ташқари чиқмағай...» Бобурнинг сармаст, аммо маънодор бу сўзлари унинг юрагида илҳом ўтини ёқди — шу бир жумла не вақтдан буён тўхтаб ётган асарига нажотбахш кўприк бўлиб тушуви муқаррар эди...

У олампаҳождан тезроқ ижозат олиб қўзғалиш истагида ўртана бошлади.

Яна сукунат чўқди. Ҳофиз Кўйкий на бу осойишта, дилбар сукунатни, на ўйга толган Бобурнинг хаёлини бузишга журъат этарди.

Бобур ботиб бораётган қуёшдан кўз узмай ўтираркан, бир пайт алланарса ёдига тушган каби эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Моли софир, эли кофир, йўл ёвуқ...

Ҳофиз Кўйкий бирдан сергак тортиб, Бобурга ялт этиб боқди.

— Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ, — дея бош чайқади Бобур ва жимиб қолди.

Ҳофиз Кўйкий лол қолган эди: карвонсарой, бахши-турк, чоғир... У фикрини йиғиб, нимадир дейишга оғиз чоғлади-ю, ботинолмади: суҳбатдошининг қиёфасидаги ҳорғин изтиробни кўриб, ҳозир ҳар қандай сўз ортиқча эканини пайқади.

— Мавлоно... — Бобур туйқусдан унга ўғирилди. — Сиз кўп мушкулотларни кечирган соҳиби ақлсиз. Мен сиздан яна бир сўроқ сўрасам майлими?

— Бош устига... — Олимнинг бирдан тили тутилди, сўнг журъатсизгина:

— Бош устига, олампаноҳ, — деди.

— Мана, сиз... Йўқ, оллоҳнинг ҳар бандаси гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд тушлар кўрур. Тушда кишига кўп биликсиз нарсалар аён бўлгусидир. Шундай эмасми, мавлоно? Аммо менинг... Не вақтларким, мен муттасил бир туш кўриб мазмунини англамоқдин ожизман. Тушлар баъзан яккаш бир йўсин манзара намён бўлур, ўша Фаркатда кўрганим — тошқин сой ҳудудсиз бир денгиз каби айқириб ётади. Сув бетини юпқа муз босган. Қўлимда асо, муз узра шитоб ила қайгадир елиб бораман, ҳар қадам қўйганимда оёғим остида муз қирс-қирс ушалар, муз ҳар қисирлаганда юрагим қалқиб-қалқиб кетар... На денгизнинг поёни бор, на йўлимнинг, ваҳм ичра қаро терга ботиб тентиб юраман. Саҳар чоғи хушим бошимдан учиб, не вақт ҳайрону паришон ўтираман. Сўнг аркони давлат, мунажжимлардан таъбир сўрайман. «Олампаноҳ, муборак назарингиз тушган ул қанора, иншооллоҳ, саодат соҳили бўлур», дейдилар...

Мағрибдан шамол турди. Гулларнинг боши эгилди. Қуёшнинг сўнги жилваси тоқи равоқнинг гулгун нақшларини яллиғлантирди.

— Саодат соҳили! — Бобур ёниқ бир хўрсиниш билан хитоб қилди. — Қайда у? Қай бахтиёр кимса унга етибдир?

Ҳофиз Кўйкий ҳануз сомеъ бўлиб ўтирар экан, лаблари беихтиёр шивирлади: «Дарҳақиқат, қайда у? Бу рубъи маскунда саодат истаган банда ҳеч вақт унинг чин дийдорига эришурмикан? Дунёни зир титратган жаҳонгирки унга етмаган экан!

Кўп алломалардан, уламои киромлардан сўроқладим: «Қайда у?» Кўнгил тингудек бир жавоб топмадим, — дея давом этди Бобур. — Гоҳ айтдиларки, у чоғир денгизнинг қирғоғида, гоҳ дедиларки, маърифат дарёсининг қанорасида... Гоҳ эса уқтирдиларки, савоб уммонининг сарҳадларида...

Ҳофиз Кўйкий дилидаги гап тилига қай йўсин қалқиб чиққанини билмай қолди:

— Саодат соҳили — ватанда, олампаноҳ...

Бобур бирдан ялт этиб қаради. Шоҳнинг сархуш кўзларида ногоҳ ўкинч кўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Ҳофиз Кўйкий гайришуурий тарзда унинг дилидаги битмас жароҳатга тиг тортганини пайқади-ю, ҳижолат чекиб ерга тикилди.

Уфқ қуёшни ўз бағрига дафн этди. Булутларнинг кўкси қонга тўлди. Олисдаги тоғлар унсиз фарёд чекди.

Ёруғ оламда бу фарёдни муаззам тоқи равоқда ўз хаёлларига гарқ бўлиб ўтирган икки кишидан бўлак бирор кимса эшитмади...

\*\*\*

...Бобур уни шу пайтгача ҳали бирор марта эрталабдан йўқламаган, оқшомларигина суҳбатга чорлар эди. Олим кутилмаган таклифдан таажжубланиб, сарой сари йўл олди.

Девонда Бобур негадир ёлғиз, аркони давлатдан ҳеч бир кимса кўринмас эди. Ҳофиз Кўйкий таъзим адо қилиб, кўрсатилган жойга ўлтираркан, Бобур унга синчков назар солиб:

— Устингиздан шикоятлар бор, мавлоно,—деди.

Ҳофиз Кўйкий азбаройи гангиганидан талай вақт тили калимага келмай қолди.

«Ё раббано! Қуруқ тухматдан ўзинг асра!»

Ниҳоят, юрак ютиб, бўғиқ овоз чиқарди:

— Ғофил қулингиздан не гуноҳ содир бўлибдир, олампаноҳ?

— Гуноҳ шулким,— деди Бобур қатъий оҳангда,— баковулларимиз сиздан қаттиқ ранжибдилар: тортган таомларидан лоақал луқма танаввул этмас эмишсиз. Шу гап чинми, мавлоно?

Ҳофиз Кўйкийнинг вужуди зириллаб бўшашди.

«Хайрият!»

— Ҳа, олампаноҳ,— деди у бош ирғаб.

— Сабаб? — деб сўради Бобур чимирилиб.

— Сабаб... Олампаноҳ, хотирингизга бад гумонлар келмасин, баковулларингизда ҳам, таомларда ҳам ҳеч бир айб йўқтур,— деди олим оҳиста тин олиб. — Алардан танаввул этмаслигимнинг боиси шундаким, мен тутмиш тариқат йўли бунга имкон бермайдир. Маълумингизким, мақомати нақшбандияга биноан, ўзганинг мийнатисиз, ўзганинг меҳнатисиз, ўз меҳнати билан топилган нарсагина кишига ҳалол саналур...

Бобур бирдан сўзсиз қолди, сукутга чўмди.

— Хўп, бу узрингизни инobatга олайлик,— деди у ниҳоят, ҳамдардона бир йўсинда. — Лекин сизнинг кўча-кўйларда сув ташиб, ер супуриб юришингиз ўз шаънингизга ҳам, бизнинг шаънимизга ҳам ярашмас. Оғзига кучи етмаган мардум айтмасмики, мусофир меҳмонини сиғдирмабдир, деб?

Ҳофиз Кўйкий ҳижолат чекиб кулимсиради:

— Кўнгил тўғри бўлгач, мардумнинг ҳар не гап-сўзи ҳеч эмасми, олампаноҳ?

Бобур яна узоқ ўйга толди.

— Хайр, майли, бироқ хизматингизга берилган мулозимларни жўнатиб юбормоқ на ҳожат эрди?

— Олампаноҳ...— деди олим қўлини кўксига қўйиб,— ўтиниб сўрайдирмен, бу ҳаракатларим зинҳор ношукурлик деб баҳоланмаса... Начора, бу нотавон банда мулозим сақламоққа қодир эмас. Мен — бир Оллоҳ қули, бас, ўзим қул бўлганим ҳолда, яна қай йўсин қул сақламоққа ҳаддим сиғсин?

— Нечук хотиримдан фаромуш бўлибтур? — дея бош тебратди Бобур. — Ахир «Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?! Шундай эмасми, мавлоно?

— Ҳаққаста рост, олампаноҳ.

Гап-сўз тутагандек, ҳар ким ўз фикр-ўйларига ғарқ бўлгандек эди. Бир пайт Ҳофиз Кўйкийнинг қулоғига аллақандай ҳасратли шиквакор шивир чалинди:

— Унда бизнинг аҳволимиз не кечур, мавлоно?

Олим бошини кўтариб, Бобурнинг мубҳам изтироб чеккан кўзларини кўрди, кўрди-ю, ботиниб қараёлмади.

— Лаббай, олампаноҳ?

— Бизнинг аҳволимиз не кечур? — Шоҳнинг сезилар-сезилмас таассуф оҳанги зоҳир овози аста титраб кетди.

Ҳофиз Кўйкий шошиб:

— Сизнинг йўриғингиз бўлак, олампаноҳ, — деди.

— Нечун, мавлоно? Ёинким, тангрига бандаликни бизга раво кўрмайсизми?!

Яна эзгин жимлик, яна безовта сукут...

— Гоҳи дамлар озодаваш дарвиш бўлгим келади,— дея но-гоҳ тилга кирди Бобур. — Барчасига этак силкиб, «Ҳайё ҳуйт!» деб оёқ етгунча кетсам, дейман... Мундин икки йил муқаддам Чандара отлиғ бир вилоятда бўлгон қаттиқ чопқиндан сўнг шу хаёл хотирамга бот-бот келадиган бўлиб қолди. Ул қаттол бир жанг эдиким, тўкилган қон дарё бўлиб, мурдалар эса ўшал дарёда хас-чўп бўлиб оққан эдилар. Тангри бизга яна бир бор иноят қилиб, қўлимиз баланд келган эди. Чопқиндан сўнг барча беклар базмга йиғилиб, зафар нашъасидан тўлиб-тошиб сўйладилар: ким филлар подасини талотўп этган, ким зарбзан палахмонларни ғанимнинг ўзига қараб ўқ отмоққа мажбур қилган... Мен эса бир сўз демай ўтирардим, паришон, афтодаҳол. Кўз ўнгимда содир бўлмиш қўрқинч бир жасорат ақлу хушдан тамом айирган эди: жувонгир қуршовида қолган қалъа девори остида ҳинду аскарлари навкарларимиз зарбидан бир-бир қирилиб битдилар, ахири, ўн беш нафар ёв аскари муқаррар бандалик хавфида қолди. Шу чоғ алардан бири ағдарилиб ётган ароба узра чиқиб, қилич яланғочлади, бошқа ўн тўрт нафари бир-бир келиб қилич тиғига бошларини тутиб бердилар...

Ниҳоят, қилич тутқон навкар қўйнидан дудама ханжар чиқариб, ўз кўксига санчиди... Аларнинг жасоратига сидқидилдан тонг қолдим. Ва сўнграқ гуноҳкор дилимга ситам кирди.

Ҳофиз Кўйкий қаршисида кўнгили ёриб истиғфор келтираётган музтариб бу кимсага ич-ичида Оллоҳдан шафқат ва мурувват тилар эди.

— Англадимки, бу ўлкада аларнинг ёлғиз жисмларини бўйсундира олар эканман, руҳларини итоат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас экан... Ва яна англадимки, алар ўз юртларидан тириклайин жудо бўлмоқдан кўра ўлимни афзал кўрдилар. Мен эса, не юз қаролиғким, ўзга юртни ўз юртимдан афзал билдим...

Бобурнинг мискин кайфияти олимга ҳам юқди. Тўсатдан олис тоғ этагидаги қишлоғини, китобларга тўла ҳужрасини бениҳоя соғинганини ҳис этди, ҳозироқ йўлга отлангиси келди.

— Қайтгим келади, мавлоно! — деди Бобур тўлиқиб. — Аммо имкон қайда? Сиз билан кўришганимдан буён ғариб бир хаёл туну кун тиним бермайдир: ул вилоятларни энди зўру зарб билан ола билмасман. Хайр, олайин ҳам. Лекин дастимдан шунча ситам кўрган она юртимга яна ситам ўтказаманми?!.. Йўқ, балки ўзга чора излаб кўрмоқ даркордир. Розимен, киндик қоним тўкилмиш юртга шоҳлик миннатидан халос бўлиб, қаландар либосида қайтай...

Яна дилгир сукуват ҳукм сурди. Бобур туйқусдан қуйи эгилиб, сирли товуш билан шивирлади:

— Мавлоно... Йўлга бирга отлансак, не дейсиз?

Ҳофиз Кўйкий Бобурдан ҳар не сўз кутса кутган, бироқ унинг бундай ногаҳоний кенгаш тилашини ҳаргиз хаёлига келтирмаган эди — эс-ҳушидан айрилгандек анграйиб қолди.

— Нечун жимсиз, мавлоно? — деди Бобур ўртаниб. — Сўйланг, бир сўз денг!

— Олампаноҳ... — Олим ночор тин олди. — Салтанат не бўлур?

Бобур паришон қўл силтади:

— Ҳа, салтанат... Не бўлса — Оллоҳдан! Шу салтанат минг и ур бўли оёғимга кишан бўлди, муродимга — гов. Лекин... У кучланиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди. — Лекин энди бир зўр билан жаҳд қилурмену, бу кишанни тилка-тилка этурмен!

\*\*\*

...Ҳофиз Кўйкий юраги увишиб ичкарига қадам қўяркан, остонада кўзлари қизарган, чеҳраси паришон Ҳумоюнга дуч келди. Четланиб йўл бераркан, енгил таъзим билан сўради:

— Қиблагоҳингизнинг сиҳатлари нечук?

Ҳумоюн ғамли кўзларини ерга тикди.

— Шукур,— деди бўғиқ овоз билан. Кейин ипак сал-ласининг печи билан кўзларини артаркан: — Киринг, — деди.

Ўртадаги баланд ўринда Бобур Мирзо ётарди. Ранглари синиққан, киртайган кўзларида интиҳосиз бир андуҳ...

— Саломатмисиз, олампаҳо?

Бемор сезилар-сезилмас бош ирғади, кўзларини шифтдан узиб, олимга қаради. Мавлоно Абулбақо унинг ёстиғини тўғрилаб қўйди-да, Ҳофиз Кўйкийнинг пойқадамига фотиҳа ўқиди:

— Омин, дард берган тангрим ўзи шифо берсин!

Хобгоҳ жим-жит бўлиб қолди. Ҳофиз Кўйкий икки кун муқаддам Бобурнинг ҳузурда Тошкентга қайтиш учун ижозат сўраганини эслади.

«Бемаврид бўлган экан», дея кўнглидан ўтказди афсусланиб.

Бобур бошини болишдан куч билан узиб, унга юзланди-да:

— Аҳволингиз нечук, мавлоно? — деб сўради.

— Оллоҳга минг қатла шукур, олампаҳо.

— Сафарингиз қарибди-да?

Олим қўлини кўксига қўйди:

— Зоти шарифлари ижозат этсалар...

— Ижозат этурмиз! — деди Бобур ички бир зўриқиш билан, сўнг мушкул бир вазиятда қолгандек, бошини ёстиққа ташлади. — Мавлоно, менинг сизни бунга чорламоқдин мақсадим... — Уни бирдан йўтал тутиб, сўзи бўлинди. — Мақсадим шулки, битмак орзусида юрган таснифларингизга ривож тиламақдир, холос. Биздан не кўмак лозим бўлса, зинҳор тортинмангиз.

— Қуллуқ, олампаҳо.

— Хотирингиздан фаромуш бўлмоғон эрса, илк бор суҳбат қурганимизда қалбаки алломалар хусусида сўзлаб, сизга ноҳақ ранж еткурган эдим, — деди Бобур. — Азбаройи ўшал кўзи очиқ, қалби басирларга қаҳрим туфайлидан... Аларнинг китоб кемиргувчи сичқонлардан не фарқи бор? Маърифат хазиначисининг чин қадрига ёлғиз сиздек аҳли фазлларгина ета олур. Бизни ҳам ўзингизга тенг кўриб, кўп мутаассир этиб эдингиз, билмам, не йўсин ташаккур айтурмиз... Китобдорга фармойиш берилур: кўнглингиз тилаган исмики китобни ўзингиз билан олмоғингиз мумкин.

Борлиғи ҳаяжондан титраган Ҳофиз Кўйкий қайта-қайта қуллуқ қилди.

— Бирор «сичқон»га емиш бўлгандан кўра, сиздек заршунос қўлига тушса, одамизодга кўпроқ нафи тегур...

Оғир жимлик чўқди. Муҳташам тилла қандиллардаги шам-ларнинг липиллаб ёнишигина сукунатга раҳн соларди. Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу ўнғайсизликдан яна Бобурнинг ўзи қутқазди.

— Кеча оқшом ғариб хаёлимга бир нимарсалар келиб, қоғоз қоралаб эдим, — дея заиф жилмайди у.

Барчада алланечук бир жонланиш содир бўлди:

— Олампаноҳ марҳамат этсалар...

— Табаррук битиклари номуборак қулоқларимизга сазовор кўрилса, бошимиз кўкка етурди...

Бобур бир зум ўйланиб қолди, сўнг ҳорғин кўзларини ёнидаги лавҳага тикди. Юсуфий ўрнидан илдам турди-да, лавҳа устидаги саҳтиён муқовали китобни Бобурга узатди. Бобур китоб қатидан букланган юпқа қоғоз олиб, тиззасига қўйди, бе-мажол лабларига нимпушти қизиллик югургандек бўлди:

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,

Ё баҳри иноятингда мустағроқ қил.

Ё раб, сенгадур юзим, қаро, хоҳ оқ қил...

Бобурни тағин қуруқ, қаттиқ йўтал тутди, нафаси бўғилиб, сўнгги мисрани куч билан базўр шивирлади:

Ҳар нав сенинг ризонг эрур, андоқ қил...

Рубойининг ажиб оҳангига сеҳрлангандек, ҳамма бир лаҳза тек қолди. Ниҳоят, бирин-кетин аъёнларнинг олқишлари эшитила бошлади:

— Хўп айтибдурсиз, олампаноҳ, бисёр гўзал!

— Ҳақ сўз, гоят хуштакаллум байтлар...

— Ошиқона гўзал лутф бўлибдир, олампаноҳ...

Бобур Мирзо оҳиста бош чайқади, ҳазин жилмайгандек бўлди. Синиққан чеҳрасида бир лаҳза алампнок таассуф ифодаси кўринди...

Бу дардли мисраларнинг «ошиқона лутф» эмас, балки су-ронли умри сўнгги манзил сари бораётган улкан музтариб қалбнинг келгуси насллар олдида беражак изтиробли ҳисоби, даврон ҳукми қаршисидаги маъюс ўкинчи эканини ёлғиз Ҳофиз Кўйкийгина ўз савқи табиийси билан англади.

Бобур буни сизди, миннатдор кўзлари олимга жовдираб боқди... Оламнинг қарийб ярмини қилич билан, қарийб ярмини қалам билан забт этган, бир оғиз каломига минг-минглаб одамларни мунтазир итоатда тутган, ҳамиша шаъну шавкат оғушида музаффар яшаган бу улўғ заковат соҳибини бундай маҳзун ва ғариб ҳолда кўрмоқлик гоят оғир эди — Ҳофиз Кўйкий мута-ассир бўлиб, беихтиёр нигоҳини олиб қочди...

Эрталаб беморнинг аҳвол-руҳияси хилий энгиллашди, аммо ҳамон дармонсиз эди. Ҳофиз бомдод намозидан сўнг у билан хайр-хўшлашиб, барча яхшиликлари учун қайта-қайта ташаккур айтди, Оллоҳдан шифо тилади. Хобгоҳда талай одам бор эди, бироқ Бобур мижжаларида йилтираган томчиларни ипак чорси билан артишдан истиҳола қилмади.



— Сизга нечоғли ҳавасим келишини билсангиз эди!

~~Унинг Ҳофиз Кўйкийга айтган сўнги сўзлари шу бўлди...~~

Карвон эндигина Ҳиндистон сарҳадида чиққанида кўпириб кетган чавқар отда Кобул сари елиб бораётган чопар орқадан кўчиб етди: «саодатманд» шоҳ — Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо оламдан ўтган эди...

### *Савол ва топшириқлар*

1. Асарнинг қаҳрамони Ҳофиз Кўйкий нима мақсадда Бобур ҳузурига ташриф буюрди?

2. Бобур олим билан биринчи суҳбатидаёқ ўзининг қандай армонини айтиб, афсус ва надомат чекади?

3. Бобур Кўйкийга тушида кўриб турадиган қандай манзарани ҳикоя қилади?

4. Олимнинг «Саодат соҳили (яъни бахт соҳили) — ватандадур, олампа-ноҳ» деган сўзлари нима учун Бобурга шунчалик таъсир қилди? Кўйкий бу сўзлар билан Бобурнинг қайси «битмас жароҳатига тиг тортиди»?

5. Бобур ҳинд аскарларининг қайси жасоратини кўриб: «Англадимки, бу ўлкада аларнинг ёлғиз жисмларини бўйсундира олур эканман, руҳларини ито-ат эттирмакка ҳаргиз қудратим етмас экан», деган хулосага келади?

6. Буюк империянинг ҳукмдори, истагани муҳайё, айтгани қонун бўлган Бобурнинг «Гоҳи дамлар озодаваш дарвиш бўлгим йелади. Барчасига этак силкиб, «Ҳайё хуйт» деб, оёқ еткунча кетсам дейман» деган сўзларини қандай изоҳлаш мумкин?

7. Ёзувчи Бобур даври тилининг руҳини қай даражада усталик билан етказди? Қуйидаги жумлани ўз сўзларингиз билан шарҳлаб беринг:

„Хотирингиздин фаромуш бўлмогон эрса, илк бор суҳбат қурганимизда қалбаки алломалар хусусида сўзлаб, сизга ноҳақ ранж еткурган эдим“.

Асардан шунга ўхшаш жумлалар ва афсуски, бугунги истеъмолда ишлатилмаётган гўзал сўз, атама, ибора ва лутфларни излаб топинг ва даф-тарга кўчиринг.

8. Ўқилган парча асосида „Ватан соғинчи“ мавзуида ёзма иш режасини тузинг.



ШАРОФ БОШБЕКОВ

(1951 йилда туғилган)

1999 ВАФОТ ЭТГАН

Шароф Бошбеков адабиётга 70- йилларнинг ўрталарида кириб келди. У адабиётнинг мураккаб жанрларидан бўлган драматургияда ижод қилади. Шу пайтгача адабнинг «Тақдир эшиги», «Тикансиз типратиканлар», «Эски шаҳар гаврошлари», «Эшик қоққан ким бўли?», «Темир хотин», «Тушов узган тулпорлар», «Чароғбонлар» каби пьесалари эълон қилинган ва уларнинг кўпчилиги саҳналаштирилган. Драматургнинг «Тушов узган тулпорлар» асари республикалараро кўрик-конкурс совриндори бўлган бўлса, «Темир хотин» комедияси ҳозирги кунгача томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

#### ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Бизнинг оиламизда ҳеч ким санъат ёки адабиёт билан шуғулланмаган. Ота-онам оддий хизматчи бўлишган. Мен ўқиган қишлоқ мактабида қизиқ бир қоида бор эди: чет тили ўқитувчиси йўқ бўлса, ўрнига ашула дарси ўтиларди, физика муаллими келмай қолса ҳам ашула айтардик. Адабиёт, кимё, ҳисоб, тарих дарслари ҳам кўпинча шу тарзда «ўқитиларди».

Билмадим, ё ўқитувчилар етишмасмиди, ё ашула муаллимимиз шунақа зўрмиди... Энди эсласам, ашула дарсини «Яллама ёримдан бошқасини билмайдиган бир амаки ўтар экан. Хуллас, ўн йил ашула айтдик. Энди бу овоз билан қаерга бориш керак? Артистликка-да! Шундай қилиб, Тошкент театр ва рассомлик санъати олийгоҳининг талабаси бўлиб қолдим.

Санъат оламига кириб келишимнинг тағин бир яширин, ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайдиган сабаби бор. Доим ичимда гашларим кўпу, лекин уни эшитадиган одамларнинг камлиги мени қийнаб келарди. Уй-хаёлимда фақат бир нарса чарх урарди — қайси касбни танласам, мени кўпроқ одам эшитади? Телевидение ва радио суҳандонларига ҳавасим келарди. Уларни миллион-миллион одам эшитади. Мени-чи? Уйдагилар, тўрт-

бешта жўралар-у, қўни-қўшнилар. Мендай одамга бу камлик қилади, албатта. Талабалик йилларимда суҳандонлик қилмоқчи ҳам бўлдим. Олишмади. Радиога овозим тўғри келмади. Телевизорга — башарам. Олийгоҳни битириб, Муқимий номли театрда актёр бўлиб ишлай бошладим. Аввалига шунча томошабин гапларимни эшитаётганидан маст бўлиб юравердим. Ўн йиллар ишлаганимдан кейин бирданига ақлим кириб қолди. Билсам, актёрлар ҳам ўзининг эмас, биров ёзиб берган гапларни гапираркан. Ҳафсалам пир бўлиб кетди ва ... ўзим уларга гап ёза бошладим. Бу ҳунар билан шуғулланадиганларни «драматург» дейишар экан. Драматург бўлса, драматург-да! Ана шу тариқа адабиётнинг сирли ва машаққатли оламига кириб келдим.

Олийгоҳга келиб, домлаларимиз мен исм-шарифини ҳам билмайдиган одамларнинг номларини алоҳида бир ҳурмат билан тилга олишаётганини сезиб қолдим. Қаранг, биз қишлоқда кетмон кўтариб юраверган эканмиз-у, бу ёқда Эсхил, Сенека, Софокл, Аристофан<sup>1</sup> деган алломалар бор экан. Замондан орқада қолиб кетибмиз деб, шуларнинг асарларини мутолаа қилишга тушдим. Қадимги юнон драматургиясидан тортиб дунё, Оврупо, ўрис драматургиясигача варақлаб чиқилди. Шу даражада жиддий киришилибдики, бу ёқда миллий санъат, миллий адабиёт деган нарсалар ҳам бор эканлиги хаёлдан сал фаромуш бўпти. Шунинг сабаби ўлароқ, илк асарларимда воқеалар, муносабатлар, вазиятлар (ситуациялар), бир дўстимнинг таъбири билан айтганда, «ўрисбашарароқ» бўлиб қолган эди. То «осмондан яна ерга қайтиб тушгунимча» жуда кўп тер тўкишга тўғри келди.

Ҳар бир ёзувчининг қандайдир ўзигагина хос жиҳати бўлади. Кимдир сюжет топишга уста, кимдир ноёб характерлар яратишга моҳир, бошқалари асар воқеаларини заргажона теришда тенги йўқ. Менинг энг яхши кўрган қуролим — юмор. Асар қандай жанрда ёзилмасин, воқеалар қанчалик жиддий, қаҳрамонларимнинг тақдири қай даражада фожеали бўлмасин, юмор, ҳазил-мутойиба, аския унсурлари, сўз ўйинларидан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қиламан, бу биринчидан, асарни ўқишли қилади, томошавийлигини оширади, иккинчидан, бошқа нуқсонларни «ёпиб» кетади. Масалан, «Темир хотин» асаримда айтиладиган «гап» жиддий, лекин вазият, қаҳрамонларнинг сўзи кулгили ёки аксинча бўлиши мумкин.

Кўпинча у ёки бу асарнинг қандай ёзилгани ҳақида сўрашади. Кимдир айтган экан, аввал тоза қоғоз оласиз, сўнг чапдан ўнгга қараб ёзиб кетаверасиз, деб. «Темир хотин» ҳам шундай ёзилган.

Жумладан, сиз қуйида ўқийдиган парча ҳам...

Шароф Бошбеков  
1991 й.

<sup>1</sup> Юнон антик адабиёти намояндалари.

## ТЕМИР ХОТИН

### (Жиддий комедия)

Иштирок этувчилар:

Қўчқор — тракторчи  
Аломат — робот  
Олимжон — олим  
Қумри — Қўчқорнинг хотини  
Салтанат — қўшни аёл  
Шарофат — қўшни жувон  
Сувон — мулла  
Туробжон — Қўчқорнинг ўғли

### Биринчи саҳна

Қишлоқдаги оддий, камтарона ҳовли. Тўғрида бир неча устунли пешайвон, ўнгда пастаккина кўча эшик, олдинроқда ёғоч каравот. Саҳнадаги ҳар жиҳоз, ҳар бир буюмда нимадир етишмайди: эшик-дераза ромларининг ярми бўялган, қолганининг ранги ўчиб кетган, ёғоч каравотнинг битта оёғи йўқ, кўрпа-ёстиқларга ямоқ тушган, пиёлаларнинг лаби учган ёки чегаланган, чойнакнинг жўмрагига тунука кийгизилган ва ҳоказо.

Пешайвон устунига Қўчқор арқон билан чандиб ташланган, усти-боши, афти-ангори бир аҳволда. Шу қўйи ухлаб қолган бўлса керак, аввал секин қимирлаб қўяди, сўнг кўзини очмай эснайди. Оёқ-қўлининг ўзига бўйсунмаётганига ҳайрон бўлиб, бир-икки чираниб кўради.

**ҚЎЧҚОР.** *(уй томонга)* Хў-ў, тирикмисан?.. *(яна чираниб кўради.)* Ечиб қўй дарров, хў!.. Қумри, деяпман! Жаҳлим чиқса нима бўлишини биласан-а? *(Ўзича)* Ие, бир бало бўлганми бунга?.. *(Бақириб.)* Охирги марта айтаяпман: агар ҳозир югуриб келиб, қўлимни бўшатмасанг...

Ичкаридан Қумри чиқади. У ўттиз-ўттиз беш ёшларда, лекин ёшига нисбатан анча катта кўринади.

**ҚУМРИ.** *(аразли)* Нима қиласиз?

**ҚЎЧҚОР.** Қўйвораман!

**ҚУМРИ.** *(хўрлиги келиб)* Нима?

**ҚЎЧҚОР.** Паттангни қўлингга тутқазаман!

**ҚУМРИ.** *(эрига бирпас таъна аралаш қараб туради-да, дордаги кийим-кечакларни йиғиштира бошлайди).* Ҳозир эридан патта сўраб ўтирадиган замон эмас.

**ҚЎЧҚОР.** Ие, бепатта кетавераман, де ҳали? Ҳеч бўлмаса битта қўлимни бўшатиб қўй, номард!

**ҚУМРИ.** Битта қўлингизни бўшатганим билан фойдаси йўқ.

**ҚЎЧҚОР.** Нега фойдаси бўлмас экан? Қашиниб оламан...

**ҚУМРИ.** Қаерингиз қичишяпти? Айтинг, ўзим қашиб қўяман.

**ҚЎЧҚОР.** *(бу гапни кутмаган эди, довдираб қолади)* Сенинг бўйинг етмайди...

ҚУМРИ. Ихтиёрингиз... (Кийим-кечакларни катта рўзгор сумкасига жойлай бошлайди.)

ҚҶЧҚОР. Менга қара, ўзинг боғладингми, ё битта-яримтаси қарашвордимми?

ҚУМРИ. (Йиғламсираб) Сизга бас келиб бўларканми!.. Бунақа вақтда трактор бўп кетасиз-ку?

ҚҶЧҚОР. Ким келди?

ҚУМРИ. Қишлоқнинг ярми келди. Бақириб дунёни бошингизга кўтардингиз. Олти киши аранг эплади-я! (Ичкарига кириб кетади).

ҚҶЧҚОР. Кўпчилик яхши-да, кўпчиликдан ўргилай... (Уй томонга бақириб). Сафар ҳам бормиди? А? Сендан сўраяпман, гарангмисан?!

ҚУМРИ. (Ичкаридан) Ҳа, бор эди.

ҚҶЧҚОР. Тагин ким чиқди?

ҚУМРИ. Нима фарқи бор?

ҚҶЧҚОР. Фарқи бор! Эртага кимдан узр сўрашимни билишим керак-ми? Э... бугун, деганим.

ҚУМРИ. Муҳиддин аканинг ўғли иккита ўртоғи билан армиядан отпусккага келган экан, аввал уч киши бўлиб ўшалар чиқишди. Ҳеч бўй бермадингиз.

ҚҶЧҚОР. Армия ҳам бас келолмади, дегин?

ҚУМРИ. (Бошқа кўйлак кийиб чиқиб) Кейин Муҳиддин ака билан Сафар акалар чиқишди.

ҚҶЧҚОР. Яна?

ҚУМРИ. Шу.

ҚҶЧҚОР. Олти киши дединг-ку!

ҚУМРИ. Мен ҳам сал-пал қарашвордим...

ҚҶЧҚОР. «Сал-пал»миш! Ечилмаётганидан ҳам билувдим, сенинг қўлинг текканини! Мол арқонлаб ўрганиб қолгансан-да, боғлаган тугунингни матрослар ҳам ечолмайди! Э, қарашмай кет!.. Бўпти, кечирдим, қўлни еч. (Қумри йўқ дегандай бош чайқайди.) Йўқ, мен кимман ўзи? (Бақириб) Қўчқорманми ё Қўчқормасманми? Қўчқорман! Қўчқор экан деб боғлаб ташлай-веради? А-а, шўри бор одам эканман ўзи... Ҳеч бўлмаса, сув олиб келиб бер, ичим ёниб кетяпти!

Қумри дастаси йўқ кружкада сув олиб чиқиб, ичириб қўяди.

Энди бир бошидан гапириб бер: ким нима деди, нима қилди... Йўқ, нима қилгани керак эмас, қилган иши бошидан қолсин! Ким нима деди?

ҚУМРИ. «Кўчқормас, ҳўкиз экансан...»

ҚҶЧҚОР. Учир овозингни (Типирчилаб.) Ҳозир, лекин...

ҚУМРИ. Вой, Муҳиддин ака шунақа дедилар-да, менга нега ўшқирасиз?

ҚҶЧҚОР. Муҳиддин ака дегин (Бирдан). Ўзининг кўзи уккиникига ўхшайди, билдингми? Кейин-чи?

ҚУМРИ. Сафар ака: «Бунга ҳеч ақл кирмади-кирмади-да»

дедилар, — на каттанинг гапине олади, на кичикнинг, то-вуқчалик ақли йўқ»...

ҚУЧҚОР. Ўзингдан қўшмай гапир!

ҚУМРИ. Вой ўзимдан қўшиб, нима?..

ҚУЧҚОР. Ҳа-а?

ҚУМРИ. «Хукумат ичманглар деб, қарор чиқариб қўйибди, бу аҳмоққа шуям таъсир қилмайди», дедилар.

ҚУЧҚОР. Ҳо-о, қарорни биларканларми? Ўзи саккизинчи синфда қолиб кетган! Чаласавод! Расми йўқ экан, деб газет ўқимайди! Сен-чи, сен. Шунча гапни эшитиб, қанақа қилиб чидаб турдинг? Эрингни шуларга талатиб қўявердингми? Э, сени хотин қилиб юрган менга минг раҳмат-е! Хўп, солдатлар нима дейишди?

ҚУМРИ. «Раз, два, взяли», дейишди.

ҚУЧҚОР. «Раз-два»миш! Нима армияда фақат иккигача санашни ўргатишадими? Юз-юз элликгача санамайдими, мен ўзимга келиб олмайманми! Сулайиб ётган боксчига ҳам ўнгача санашадику, шунчалик ҳам бўладими? Ҳа майли, Бўлар иш бўпти. Ке, ечиб қўй.

ҚУМРИ. Муҳиддин ака «пешингача ечманг, келин» деб кетдилар.

ҚУЧҚОР. Нима, пешингача мени офтобда қуритиб капчёнка қилмоқчимисан? (*Бечорасифат бўлиб*). Сен қуритмасанг ҳам худдо қуритиб қўйган ўзи — жасадни қара, шақир-шуқур суяк... Йўқ, бунақада пешинга бормайман, Қумри...

ҚУМРИ. (*ачиниб*). Ечолмайман, дадаси, междан хафа бўлманг... Қишлоқнинг оқсоқоллари тушлик пайти келамиз, бўлмаса думини ушлатмайди, деб кетишди...

ҚУЧҚОР. Нима, менинг думимни ушлашдан бошқа ишлари йўқ эканми? Кап-катта одамлар-а!..

ҚУМРИ. (*ичкарига*) Туробжон, бўла қол, болам!

ҚУЧҚОР. (*хотинининг бошқа кўйлак кийиб олганини энди пайқади*). Ҳа, йўл бўлсин!

ҚУМРИ. Кеча нима дедингиз?

ҚУЧҚОР. Нима дебмиз?

ҚУМРИ. (*Хўрлиги келиб*) Айтадиганингизни айтдингиз...

ҚУЧҚОР. Айтадиганимиз нима экан?

ҚУМРИ. Ҳали одамлар келса, тушунтириб беришади. Мен болаларимни олиб, оймларникига кетдим. Мактабдан чиқиб тўғри ўша ёққа боришади.

ҚУЧҚОР. Ие, жиннимисан, вей? Озгина шўхлик қилсак қилибмиз энди, йигитчиликда нималар бўлмайди.

ҚУМРИ. (*Йиғламоқдан бери бўлиб*) Бу шўхликларингиз ўн олти йилдан бери (*томоғини кўрсатиб*) мана бу еримга келган...

ҚУЧҚОР. Нолима, хў нолима! Бола-чақанг олдингда бўлса, еб-ичишдан каминг бўлмаса! Бундан ортиқ нима керак яна?

ҚУМРИ. Биров сизга «оч қолдим» деяптими?

ҚҰЧҚОР. Нега бўлмасам, «У еримга келган, бу еримга келган», деяверасан? Келган бўлса, келгандир...

Шу пайт беш-олти ёшлар чамасидаги Туробжон югурганича ҳовлининг нариги бетига ўтиб кета бошлайди. Дадасига кўзи тушиб, суюнчи олмақчидай, ҳовлиқиб ахборот бера бошлайди.

ТУРОБЖОН. Дада, биз-чи, бувимларникига кўчиб кетарканмиз! (Дадасининг боғлиқ турганига ҳайрон бўлиб). Ие, нима қилиб турибсиз, дада?

ҚҰЧҚОР. Ким?.. Менми?.. Ҳа, энди бувингникига кўчиб кетадиган бўлсак, уйни ташлаб кетамизми, орқалаб олиб кетамизда, ўғилтой. Ҳозир, бирпас нафас ростлаб олай, кейин «ё пирим» деб кўтарамизу, кетаверамиз.

(Туробжоннинг иши шошилинч шеклилли, дадасининг гапини охиригача эшитмай, югурганича чиқиб кетди).

ҚҰЧҚОР. Боланинг олдида шарманда қилдингку одамни!

ҚУМРИ. Мени элу юрт олдида шарманда қилганингиз-чи?

ҚҰЧҚОР. Ичган мен, сен нега шарманда бўласан?

ТУРОБЖОН. (қайтиб келиб, уйга қараганича). Кучингиз етмайди-ёв дада.

ҚҰЧҚОР. (маънос) Бу нима бўпти, ўғилтой, елкамиз қанақа юкларни кўтармаган...

ҚУМРИ. Бўла қол, болам. (Сумкани олиб, ўғлини етаклаганича). Яхшими-ёмон гап ўтган бўлса, хафа бўлманг, дадаси... (Кетади).

ҚҰЧҚОР. Кетсанг, ечиб кет, ҳў! Инсофинг борми, ўзи, қанақа одамсан? (Алам билан). Мастлигимда уриб, майиб-пайиб ҳам қилиб қўймаган эканман — жимгина уйда ўтирарди... (Атрофга чорасиз аланглайди. Асабийлик билан қандайдир куйни ҳиргойи қилади. Сўнг қўшни ҳовли томонга қичқиради.) Бозортой, ҳў, Бозортой! Бир турқингизни кўрсатиб юборинг, Бозортой-ҳо!

Девор оша Шарофат мўралайди.

ШАРОФАТ. Ҳа? Вой, ўлай...

ҚҰЧҚОР. Ҳалиги... Яхшимисиз, келин?

ШАРОФАТ. (Чўчиб) Раҳмат...

ҚҰЧҚОР. Шу десангиз... Бозортой уйдами?

ШАРОФАТ. Бозорвой акам икки қопгина бодринг олиб бозорга кетувдилар.

ҚҰЧҚОР. Ҳа-а... Уйда бўлса, тоққайчисини бериб турсин, девдим. Ишком жа тарвақайлаб кетипти...

ШАРОФАТ. Келсалар ўзларидан сўрарсиз, бўлмаса уришиб берадилар. (Ғойиб бўлади.)

ҚҰЧҚОР. Қурумсоқ! Энг яхши Жўраммиш яна! (Бир-икки чираниб кўради). Эҳ худо! Сенга нима ёмонлик қилувдим-а!.. (Яна типирчилайди, ҳавотирланиб тепага қараб кўяди). Босиб қолмасмикан?.. (Тўсатдан кўча томонга). Э, кетсанг, кетавер!

Онаси ўпмаганига уйланмасам, мен ҳам юрган эканман! (Алам билан) Ҳеч бўлмаса, кетаётганда қўлимни ечиб кетадиганига уйланаман...

Ташқаридан машинанинг келиб тўхтагани эшитилди. Кўп ўтмай Олимжон билан шофёр йигит одам бўйи келадиغان ёғоч яшиқни кўтариб киришади.

ОЛИМЖОН. Э-э, Қўчқор, ассалому алайкум! Мана тагин келдик-да. (Кўришмоқчи бўлиб қўл чўзади). Ие?.. Ким бунақа қилди?

ҚЎЧҚОР. Ким бўларди, бунақа бемаъни нарса фақат бизнинг хотиндан чиқади.

ОЛИМЖОН. Э-э, чатоқ бўпти-ку! Кетиб қолдилар, денг? Аттанг... Нега боғладилар ўзи?

ҚЎЧҚОР. Э, Олимтой, суриштириб нима қиласан, аввал қўлни ечсанг-чи! Кечадан бери онамни Учқўрғондан кўрдим!

ОЛИМЖОН. Ҳа-я... (Ечади, Қўчқорнинг белидан олиб каравотга ўтқазди) кечадан бери турибман, денг?

ҚЎЧҚОР. Вой, жоним-ей!.. Шу, хотин зотини ким ўйлаб чиқарган экан-а, Олимтой?

ОЛИМЖОН. (Кулиб). Бировни биров ўйлаб чиқарадими, қизиқчимисиз, Қўчқор ака.

ҚЎЧҚОР. Йўқ, шу хотинларни атайлаб биров ўйлаб чиқарган, боғлаб ташласин, деб!

ОЛИМЖОН. Хўш, соғлиқларингиз яхшими, Қўчқор ака?

ҚЎЧҚОР. Зур! Отдай! (Арқонга ишора қилиб) Ана, отга ўхшаб тикка туриб ухляямиз.

...ОЛИМЖОН. (ҳовлини кўздан кечириб). Ҳафа бўлманг-у, Қўчқор ака, лекин кеннойимга ҳам қийин-да. Аҳволни қаранг: ҳалиям ўчоқ, ҳалиям тезак ёқилади. Прогресс йўқ.

ҚЎЧҚОР. Нима - гресс?

ОЛИМЖОН. Прогресс.

ҚЎЧҚОР. Прогресс бор. Илгари тезак ёқиларди, ҳозир тезакни солярка билан ёқаямиз. Яхши ёнапти. Тўғри, овқатдан сал-пал ҳиди келади-ю, лекин ўрганиб кетар экан одам.

ОЛИМЖОН. (Қўчқорга ачингандай бош-оёқ қараб чиқиб.) Бир ҳисобдан сизгаям қийин — шунча бола-чақа... Саккизтамини?

ҚЎЧҚОР. (уҳ тортиб). Ҳа, қолгани шу. Бештаси пешонамга сиғмади, Олимтой...

ОЛИМЖОН. Ҳечқиси йўқ, Қўчқор ака, яқинда ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана, ҳозир «оилани планлаштириш» деган бир гап чиқиб турипти.

ҚЎЧҚОР. Нималаштириш?

ОЛИМЖОН. Планлаштириш. Менимча, шу яхши гап. Қўчқор ака. Тушунмадингиз-а. Бунинг маъноси шуки, яхши яшаш учун болани тўртта-бештадан оширмаслик керак.

ҚЎЧҚОР. Ие?.. Худонинг ўзи бериб турса нима дейсан?

ОЛИМЖОН. (кулимсираб). Ҳа, энди, худо бермайдиган қилинади-да.



**ҚҰЧҚОР.** (*гўё тушунгандай*). Ҳа-а, гап буёқда дегин? У... қанақа бўлади ўзи?

**ОЛИМЖОН.** «Оилани планлаштириш» деган гап бекорга чиққани йўқ. Ахир, не-не олиму фозиллар роса ўйлаб, ҳамма томонини ҳисобга олиб, кейин гапиришяпти. Мана, сиз ва сизга ўхшаганларнинг бола-чақа деб умри ўтиб кетмасин, булар ҳам одамга ўхшаб яшасин, деган гап бор бунинг тагида, билдингизми?

**ҚҰЧҚОР.** Йўқ, тагидаги гап яхши экан-у, лекин бошимизга қўйларнинг кунни тушмасмикан, дейман-да.

**ОЛИМЖОН.** Қайси қўйлар?

**ҚҰЧҚОР.** Сенинг ҳам эсингда бордир, бир пайтлар СЖКми, ПЖКми деган бир бало чиқувди. Қўйларни сунъий урчатиб, кўпроқ қўзи олиш учун-да. Кейин қўйнинг зоти айниди, қорақўлдан сифат қочди, ҳар хил касалликка чалинди. Шу туриб-туриб олимларингта ҳам тушунмай қоламан-да, Олимтой. Бир қарасанг, қўйларга қараб «кўп туғ» дейди, бир қарасанг, ўзбекка қараб, «кам туғ», дейди...

**ОЛИМЖОН.** Ана шунақа гапларни гапирманг-да Қўчқор ака! Сиз биласизми, ё юқоридагилар биладими? Гапингизни қаранг! Қўй қаёқда, ўзбек қаёқда?! Бу ерда гап халқнинг турмушини яхшилаш ҳақида боряпти. Ахир, ўзингиз мундоқ бир қаранг, айниқса қишлоқларимизда турмуш даражаси ниҳоятда паст. Чидаб бўлмайдиган даражада паст!

**ҚҰЧҚОР.** (*асабийроқ*) Паст дегин? Сенларнинг турмушларинг баянми? Давлат ўқитди, одам қилди, олим деган номинг бор, кўтар-да паст бўлса! «Пригрес-мригрес» қиласан бу ерга келиб олиб! Хотинларнинг қорнига осилгунча пахта терадиган машинани тўғрила!

**ОЛИМЖОН.** Нима, бизни ҳукуматнинг пулини шундоқ еб ётипти, деб ўйлаясизми? Биз ҳам қидираяпмиз, изланапмиз, ўйлаяпмиз.

**ҚҰЧҚОР.** Э, битта пахта терадиган машинани эллик йил ўйлайдими! Гоҳ рулини ўзгартирасанлар, гоҳ кабинасини, гоҳ ўтирғичини — бўлди! Биз «янги машина келар экан», деб дўшпимизни осмонга отиб юрамиз. Қарасак ўша-ўша — Холхўжанинг таёғи!

**ОЛИМЖОН.** Ана бу гапингизда жон бор. Машина масаласида ишимиз юришмаяпти. Лекин бу муаммони асосий мақсаддан келиб чиқиб, комплекс ҳал қилиш керак.

**ҚҰЧҚОР.** Нима-плекс?

**ОЛИМЖОН.** Комплекс. Асосий мақсад нима? Пахтани сифатли териб олишми? Ана шу мақсаддан келиб чиқиш керак. Машина қанақа шаклда бўлади — бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими яхши терсин. Мен бу борада бутунлай бошқа йўлдан кетаяпман, Қўчқор ака. Кўпроқ масаланинг эстетик томонига аҳамият бераяпман. Бир тасаввур қилинг-а: пахтазордан хотин-қизларнинг қувноқ қулгуси эшитилиб турипти! Қий-чув, ҳазил-ҳузул. Кечқурунлари қишлоқ кўчаларини тўлдириб қиз-жувон-

лар ўтишашпти! Кўриб кўз қувонади, дил яйрайди! «Тар-тар-тар» қилиб, кўчадан трактор ўтгани қаёқда-ю, қўнғироқдай овозлари билан кўнғилларни энтиктириб, қизлар ўтгани қаёқда! Фарқи борми? Шунинг учун мен пахта терадиган машина эмас, пахта терадиган биоробот устида ишляпман. Ташқи кўриниши одамдан фарқ қилмайди. Кўради, эшитади, гапиради! Хатти-ҳаракати, имо-ишоралари, гап-сўзи одамга максимум даражада яқинлаштирилган.

**Қўчқор.** Нима-симум?

**ОЛИМЖОН.** Максимум. Масалан, бошқарув блокига юмор ҳисси билан боғлиқ микросхема ўрнатилса...

**Қўчқор.** Нима-схема?

**ОЛИМЖОН.** Микросхема. Юмор ҳисси билан боғлиқ микросхема ўрнатилса, ҳазилкаш, қувноқ, бир оз шаддодроқ аёлга айланади. Лирик ҳисли микросхема ўрнатилса, аёлларга хос назокат, ибо пайдо бўлади.

**Қўчқор.** Нега аёлларга хос?

**ОЛИМЖОН?** Ие, боядан бери нима деяшман? Робот аёл шаклида бўлиши керак-да, бўлмаса, нима қизиғи бор? Кўряпсизми, бир ўқ билан икки қуённи урамиз: ҳам хотин-қизларимизни оғир қўл меҳнатидан ҳалос қиламиз, ҳам пахтазордан қиз-жувонларнинг кулгиси жаранглаб туради.

**Қўчқор.** Куладиямми?

**ОЛИМЖОН.** Бўлмасам-чи? Кулади, бақиради, шивирлайди! Бу — микросхемаларнинг характериға боғлиқ.

**Қўчқор.** Аҳ-ҳа... Хўп, ўша... аёл-роботларнинг ишдан кейин гаражга бориб ётадимми?

**ОЛИМЖОН.** Шунақа десаям бўлади. Лекин гараж ётоқхона типига қурилади. Энг асосийси, Қўчқор ака, бу роботлар арзонга тушади. Ёқилғи керак эмас, батареяларда ишлайди. Иккинчидан, уларни тинимсиз ишлатиш мумкин. Иссиқ демайди, совуқ демайди, кечасими, кундузими — ишлайверади!

**Қўчқор.** Ойлик ҳам сўрамайдими?

**ОЛИМЖОН.** Албатта-да! Фойдали иш коэффициенти жуда юқори.

**Қўчқор.** Нима-центи?

**ОЛИМЖОН.** Коэффициенти. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен яратадиган роботлар буйруқни сўзсиз бажаради. «Ғиди-биди» қилиб ўтирмайди. Масалан, «Ҳамма пахта теримига!» деб буйруқ берилса, ҳар қандай ишнини ташлаб далага чиқиб кетаверади!

**Қўчқор.** Ие, унда чиндан ҳам одамга ўхшар экан. Мана, биз ҳам «пахта теримига» деган гапни эшитишимиз билан ҳамма ишимизни йиғиштириб қўйиб, далага чиқиб кетамиз. Болаларимиз ўқишини ташлайди, хотинларимиз эмизикли боласини...

**ОЛИМЖОН.** Ана шунинг учун ҳам роботлар керак-да! Робот бунақа нарсаларни ўйлаб ўтирмайди. Мана, сиз ўйлаяпсиз. Болаларимизнинг ўқиши нима бўлади, дейсиз, аёллар ёш бола-

ларини қаерга қўяди, дейсиз. Роботга буни аҳамияти йўқ. Тушундингизми? У фақат ишлайди! Ишлайверади, ишлайверади, ишлайверади!

ҚҶЧҚОР. Биз ҳам ишлайверамиз...

ОЛИМЖОН. Лекин сиз — одамсиз! У — робот, тушун-яссизми, робот! Машина!

ҚҶЧҚОР. Ҳа-а, унда буни дуруст ўйлабсан, Олимтой. Лекин у машинанг қачон тайёр бўлади, туянинг думи ерга теккан-дами?

ОЛИМЖОН. Сиз, Қўчқор ака, олимларни жа ерга уравер-манг. Биз ҳам бир нималар қилиб юргандирмиз. Мана, мен етти йил умримни ана шу роботга бағишладим. Етти йил-а! Ниҳоят, Қўчқор ака, биринчи тажриба нусхаси тайёр бўлди. Лаборатория синовидан яхши ўтди, энди табиий шароитда, яъни далада синаб кўрамиз.

(Яшиқнинг атрофида ҳам ҳаяжон, ҳам фахр билан айланади). Олимжон яшиқнинг қопқоғини очган эди, у ерда қўғирчоққа ўхшаб кетадиган, ниҳоятда гўзал қиз қотиб турарди. Баданига силлиқ ялтироқ мато тортилган.

ҚҶЧҚОР. (ҳайратдан оғзи очилиб). Во-о... Нима бу?

ОЛИМЖОН. Қалай?

ҚҶЧҚОР. (худди ҳеч ким тополмаган топишмоқни топган боладай). Э-э, одамнинг бошини қотирасан-а! Магазиннинг ойнасига кийим кийгизиб қўядиган-ку бу!

ОЛИМЖОН. (хафа бўлиб). Етти йиллик меҳнатим бу! «Магазин-миш!»..

ҚҶЧҚОР. (Яқинроқ бориб тикилади, ушлаб кўради). Аломат, аломат!..

ОЛИМЖОН. Яшанг, Қўчқор ака! Қаранг, бунга ном топол-май юрувдим! Демак, «Аломат-1»! Э, бормисиз, Қўчқор ака!

ҚҶЧҚОР. Нега «бир»?

ОЛИМЖОН. Кейин «икки», «уч», «тўрт»лари ҳам бўлади-да! Бутун республика учун, биласизми бунақасидан қанча-қанчаси керак?

ҚҶЧҚОР. Ҳа-а... Худди тирикдай, тавба!.. Гапиради, дедингми, Олимтой?

ОЛИМЖОН. Ҳозир... (Дипломатидан гугурт қутисидек келадиган бир қанча юпқа пластинкаларни олади). Мана, ма-навилар — микросхемалар. Ҳаммаси ҳар хил мақсадда ишлатилади. (Роботнинг елкасидаги қопқоғни очиб). Мана бу ерига керакли микросхема ўрнатамиз, кейин мундай қилиб қопқоғни ёпиб қўямиз. Ана тайёр. Энди манави тугмачасини босамиз. Э, худо, шарманда қилма! (Босади). Аломат аввал кўзларини пирпиратиб қўяди, сўнг бир неча қадам олдинга юриб тўхтади.

АЛОМАТ. (Сохта табассум билан). Алло, алло! Вой ўртоқжон, ўзингмисан? Овозингни эшитадиган кун ҳам бор экан-ку! Бирам соғиндим, бирам соғиндим, ўлиб қолай деяп-ман!.. Ҳа, кеча-чи ўша сен айтган зормандани Муқаддаснинг

қулоғида кўрдим. Қулоқ ўлгур супрадай бўлгандан кейин ҳамма нарса ҳам ярашавермас экан-да, ўргилай!

ОЛИМЖОН. (ўчириб). Э, бу секретарь-машинисткаларники-ку... (Бошқа микросхема олиб). Бу нима экан? Кўрамиз... (Қўйиб тугмачани босади).

АЛОМАТ. (Жиддий)... шундай хулоса келиб чиқадики, халқ хўжалиги органлари ва режалаштириш ташкилотлари давлат режаларини ишлаб чиқишда республикамиздаги сув ресурсларини ҳисобга олишлари зарур.

ОЛИМЖОН. (Ўчириб) Буяммас... Шу, ёзиб қўйиш керак экан-да. (Бошқа схема ўрнатади).

АЛОМАТ. (аввал бир оз қитирлаб туриб, кейин жарангдор, лекин ғашга тегадиган даражада баланд овоз билан куйлайди). «Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик, яна ўйнай...» (Олимжон уни ўчиради. Қўчқорнинг ҳайратданми, қўрқувданми, оғзи очилиб қолган эди).

ҚЎЧҚОР. Олимтой, буям, ҳалиги... магнитофондай гап экан-да, қанақа касета қўйсанг, ўшанақасидан айтса-а?

ОЛИМЖОН. Ҳа, принцип деярли бир хил.

ҚЎЧҚОР. Нима-дип?

ОЛИМЖОН. Принцип.

ҚЎЧҚОР. Ҳа-а... Шералидан йўқми?

ОЛИМЖОН. Йўқ. Радиодан тажриба учун дуч келган ашуланинг икки сатрини ёзиб қўювдик-да (Яна схема ўрнатади).

АЛОМАТ. (кутилмаганда). Ҳа, оғзингдан қонинг келсин сенинг! Сочингни битталаб юлиб, бошингни копток қилиб қўяйми? Қирилибгина кет сен! «Ғинг» деб кўр-чи, нима қилар эканман!

ҚЎЧҚОР. (Эсхонаси чиқиб). Йў-йў, «ғинг»мас... Унақамас, ҳалиги.

АЛОМАТ. Э, қўнғизга ўхшаб ғинғилламай ўл!

ОЛИМЖОН. Гап қайтарманг, Қўчқор ака, гап қайтарманг!

АЛОМАТ. (Олимжонга). Вой, шўртумшуқ-ей, сен нега бурнингни тикасан?!

ОЛИМЖОН. (Шоша-пиша шартта ўчириб). Бу йигитларнинг ҳазили бўлса керак, доим бир бало қилиб юришади. Яхшиям комиссия-помиссиянинг олдида қўйиб юбормадик, шарманда бўларканмиз.

ҚЎЧҚОР. (ҳалиям ўзига келолмай). Шунақа ҳазилдан яна битта бўлса, Қўчқорвой аканг йўқ-да!. (Олимжон роботга бошқа схема ўрнатади.)

АЛОМАТ. (Одоб билан). Ассалому алайкум!

ҚЎЧҚОР. (қўрқа-писа). Ва... Ваалайкум...

ОЛИМЖОН. Сенинг исминг — Аломат. Тушундингми?

АЛОМАТ. Тушундим. Менинг исминг — Аломат.

ОЛИМЖОН. Бу киши — Қўчқор ака.

ҚЎЧҚОР. (аранг жилмайиб). Шундоқ, шундоқ...

АЛОМАТ. Қўчқор ака.

ҚЎЧҚОР. Лаббай?..

АЛОМАТ. Кўнглингизга келмасин-у, нега энди сизга ҳай-  
воннинг номини қўйишган, кўчқор деб?

ҚҶЧҚОР. Ие?..

АЛОМАТ. Қўчқор — қўйнинг эркагику.

ҚҶЧҚОР. Ҳалиги... нима дейди... Ҳа, энди, биз одамнинг  
эркагимизда, Аломатхон...

АЛОМАТ. Бизга нима хизмат бор, одамнинг эркаги?

ОЛИМЖОН. Аломат, «Қўчқор ака», де, «Қўчқор ака». Ту-  
шундингми?

АЛОМАТ. Тушундим. Хўш, нима хизмат бор, Қўчқор ака?

ҚҶЧҚОР. Хиз...мат йўқ. *(Каравотга ишора қилиб)*. Қани,  
буёққа ўтинг, Аломатхон... Кўрпачага ўтиринг, кўрпачага...

АЛОМАТ. *(Каравотнинг бир четига қимтинибгина ўтириб)*.  
Раҳмат яхши ўтирибман.

*(Ноқулай сукут)*.

ОЛИМЖОН. Бўлмаса, Қўчқор ака, сиз бемалол гаплашиб  
ўтираверинг, мен нарсаларимни жойлаштирай. Уша ҳужра  
бизники-да, а?

ҚҶЧҚОР. Ие, бўлмасам-чи! Ўзингизнинг уйингиз-да,  
Олимтой!

Олимжон йирма каравот, сумка ва бошқа анжомларини кўтариб ичкарига  
кириб кетади.

*(Анчадан кейин)*.

Ҳа-а... зап келибсиз-да... *(бироз довдираб)*, ичкарида муздай  
айрон бор, бир косагина олиб чиқайми?

АЛОМАТ. Айрон? Уни нима қиламан?

ҚҶЧҚОР. Ҳа-я, эсим қурсин... Хў-ўш... Ишларингиз  
яхшими ўзи?

АЛОМАТ. Қайси ишим? Ҳали ҳеч иш қилганим йўқ-ку!

ҚҶЧҚОР. Ҳа энди, гап-да... *(Бироз сукутдан сўнг)*. Оббо,  
Аломатхон-ей, шунақа денг? Ҳа-а, ишқилиб, омон бўлайлик...  
Бу, Олимтой жа ажойиб йигит-да лекин. Шу, денг, шаҳарда,  
қайсидир бир институтда ишлайди. Олим. Колхозимизда ўша  
институтнинг тажриба участкаси бор. Қирқ гектар, Қудрат  
кўёнчиқнинг бригадасига шундоқ туташиб кетган. Олимтой ҳар  
келганида бизникида туради. Уй кўп. Ўзимизнинг укадай гап  
бўлиб қолган. Яхши бола. Ҳа... *(бирпасдан кейин)*. Бугун денг,  
кеннойингиз билан сал гижиллашиб қолдик. Энди рўзгор экан-  
да, гоҳ ундай, гоҳ бундай... Болаларини олиб опасиникига  
кетиб қолди. Келади-да, қаёққа ҳам боради шунча бола билан,  
нима дедингиз? Ҳа, ўзингизнинг болаларингиз яхши юришиб...  
Ҳа-я... Йўқ, ўзи дуруст аёл. Энди жа сизчалик бўлмасаям  
хотин-да, ишқилиб. Лекин айтдим, олдидан ўтиб қўйдим-да,  
агар дедим, яхшиликча қайтмасанг, дедим, шартта бошқасига  
уйланвораман дедим. Тўғри-да, қаттиқроқ йўталсанг ҳам  
онасиникига кетиб қоладиган хотин кимга керак, нима  
дедингиз? Э-э, ҳаёт шунақа экан-да... Чой қўйворайми? Эҳ-  
ҳа... Сиз ҳам гапириб ўтиринг мундоқ, Аломатхон.

Аломат нигоҳини бир нуқтага қадаганича жим ўтирарди.

Олимтой лекин жа савоб иш қиляпти-да. Ракатопсин. Мана, хотин-халаж, бола-чақа олти ойлаб даладан бери келмайди. На дам олиш бор, на байрам бор, эртадан-кечгача — иш, иш, иш! Қор демайди, ёмғир демайди. Бу ёқда иссиқ қирқ бўлса, гўзанинг ичида эллик! Э, темир бўп кет-е, ҳалиям чидар экан одамзод! (*Хижолатли*). «Темир» деганимга хафа бўлманг тагин, оғзимдан чиқиб кетди-да... Олимтой шуларни кўриб чидолмади. Одамларнинг оғирини енгил қиламан, деб кечалари ухламайди. Ўзига-ўзи гапирадими-ей, бир балоларни чизади, ўчиради, йиртиб ташлайди, яна чизади. Қанақадир идораларга қатнайди, кимлар биландир жанжаллашиб, асаби бузилиб келади. Уйга келиб аламини яна ишдан олади. Э, ракатопсин (*Олимжон чиқади*).

Олимтой сени гапираяпман. Ҳеч тиниб-тинчимайдиган бола, дейман.

ОЛИМЖОН. (*Аломатга қараб*) Э, бу ўчиб қопти-ку. (*Аломатнинг елкасидаги блокни кавлаштира бошлайди*).

ҚҶЧҚОР. Ие, ўчиб қопти, деганинг нимаси?.. Мен шунча гапни кимга гапирдим бўлмасам! Бутун ўзбекининг дардини дастурхон қилиб ўтирибман. (*Қовоғини солиб*). Доим шу, бизга ўхшаган одам гапирса, ё ҳеч ким эшитмайди, ё эшитадигани темир чиқади...

ОЛИМЖОН. Шу блокни алмаштириш керак экан-да, қаердадир контакт бўлмаяпти.

ҚҶЧҚОР. Нима-такт?

ОЛИМЖОН. Контакт. Ўқтин-ўқтин тутиб қоляпти. (*Бошқа схема ўрнатади*).

АЛОМАТ. (*Ноз билан*) Унақа қараманг одамга... Бирам нигоҳингиз ўткир-ки!

ҚҶЧҚОР. (*Довдираб*) Ким. Менми?.. Йўқ... Қараганим йўқ... Мен томга қараяпман...

АЛОМАТ. Доим шунақа дейсиз, одамни хижолат қилиб кўйиб... Ёмонсиз, Қўчқор ака...

ҚҶЧҚОР. (*жонҳолатда*). Шунисини қўй, Олимтой, шунисини қўй, ука! Учирма, учирма!.. Аломатхон! Гапиринг, Аломатхон!.. Шунақа гапларингиздан гапиринг...

АЛОМАТ. Вой, анави кишимни... Нима дейман?

ҚҶЧҚОР. Майли нима десангиз ҳам, Аломатхон!.. Ишқилиб, овозингизни эшитсам бўлди!..

АЛОМАТ. Э, боринг-е...

ҚҶЧҚОР. Олимтой! Сен — худосан! Яратиб қўйганингдан айланай! Энди мундоқ ўтир.

ОЛИМЖОН. (*ўтириб*) Хўш?

ҚҶЧҚОР. Олимтой, жигарим! Гап мундоқ... Шу... (*Аломатга қараб қўйиб*) Аломатхоннинг олдиларида ноқулайроқ бўляпти-ку, а?

ОЛИМЖОН. Унда ўчириб қўямиз. (*Роботни ўчиради*).

Гапираверинг. (Қўчқор ўчдими-йўқми деб Аломатга тикилади, кейин унинг кўзи олдида қўлини уёқдан-буёққа ўйнатиб кўради. Аломат тек қотиб тураверади).

ҚҲЧҚОР. Гап мундоқ, Олимтой, укаммисан?

ОЛИМЖОН. Албатта.

ҚҲЧҚОР. Қиёматлик укаммисан?

ОЛИМЖОН. Ҳа.

ҚҲЧҚОР. Агар қиёматли ака-ука бўлсак... (Аломатга қараб қўйиб). Эшитмайди-а?

ОЛИМЖОН. Эшитмайди.

ҚҲЧҚОР. Агар қиёматлик ака-ука бўлсак, битта укалик қиласан, Олимтой.

ОЛИМЖОН. Хўш.

ҚҲЧҚОР. Биласан, кеннойинг кетиб қолди! Шу, десанг, хотинсиз уй-уймас-да. На кийинишингда тартиб бор, на иссиқ-совуғингда тайин бор, қидирган нарсанг топилмайди, падарита лаънат! Хуллас қийин-да. Шу, Аломатхон рўзгорга сал мундай... нима дейди... қарашиб турса-а, девдим-да, укам.

ОЛИМЖОН. Бемалол. Нима иш буюрсангиз, бажараверади.

ҚҲЧҚОР. Тўғри-ю... Лекин шу, десанг... (Аломатга қараб қўйиб). Эшитмайди-а? Шу десанг, уй ишларини-ку қилаверади, гап ундамас. Ишдан чарчаб келганингдан кейин мундоқ оёқни узатиб, дунёнинг паст-баландидан суҳбат қилсанг-а, ҳалигидака икки оғиз ширин сўз билан чой узатса, а, чарчоқлар ёзилиб, дилдаги ғуборлар фориг бўлармиди-и, деган гап-да бизники. Вей, яхши гапнинг гадосимиз, Олимтой!

ОЛИМЖОН. Майли, Қўчқор ака, қайтанга ишлаб тургани яхши, баҳонада мен ҳам у-бу камчилигини кўриб оламан. (Турмоқчи бўлади.)

ҚҲЧҚОР. (енгидан тортиб). Ўтир. Гап, Олимтой, Аломатхоннинг менга кўрсатадиган хизматида эмас, гап кўнгида. Битта овқат, сигир соғиш бўлса, кўшниям қилиб бериши мумкин. Лекин кечқурун ишдан келганингда пешвоз чиқиб, «Яхши келдингизми, дадаси», деса. Эрталаб ишга кетаётганингизда, «яхши бориб келинг», деса. А? Мана бу ишни Олимтой, кўшнинг қилиб беролмайди. (Илмоқли). Тушунаясанми?

ОЛИМЖОН. (бепарво) Хўп, дедим-ку, Қўчқор ака. Ишдан қочмайди, гапингиздан чиқмайди. Бемалол. (Турмоқчи бўлади).

ҚҲЧҚОР. Э, ўтир! Энди-и, Олимтой... (Аломатга қараб қўйиб). Эшитмайди-а? Энди-и, Олимтой, ўзингдан қолар гап йўқ. Буёғи — қишлоқчилик: биров у дейди, биров бу дейди — элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, хўп-ми! Йўқ, йўлга-да, ёлғондакамига!.. Шу, бир-иккита мўйсифидин чақириб, бир ошамгина ош билан фотиҳага ўхшаган гап қиворсак, а?

ОЛИМЖОН. Ие, ўйлаб гапиряписизми, Қўчқор ака? Нима, одамларга кулги бўлмоқчимисиз? Айтган чизигингиздан чиқмаса, ҳамма ишингизни қилса — сигир соғишми, кир ювишми, овқат-повқат, дегандай — фотиҳага бало борми! Э, тавба... Хўп, эрта

индин терим бошланади. Аломат сивовга чиқиши керак, унда нима бўлади?

**ҚҶЧҚОР.** Э, Олимтой терим нима бўпти? Аёл зотининг, вей, жони тошдан бўлади — уйниям эплайди, даланиям. Кўриб юрибмиз-ку.

**ОЛИМЖОН.** Биров, Эшитса нима дейди, Қўчқор ака, ўйляяпсизми?

**ҚҶЧҚОР.** Мен ҳам шуни айтаман-да. «Уйингизда бир заифа пайдо бўқопти, Қўчқорвой, ким бўлди у?» дейишса, нима дейман? Амманнинг қизи дейманми? Одамларнинг қайси бирига тушунтираман, бу шунақа, одам эмас, бу Олимтой яратган робот, деб? Битта мулла чақириб, йўлига никоҳга ўхшаган бир нарса қиворсак, бўлди юраверамиз, гап йўқ, сўз йўқ. Шу билан бир нима бўп қоладими?

**ОЛИМЖОН.** Ахир, бу одам эмас-ку, Қўчқор ака, темир-ку, нега тушунмайсиз?! Ичи тўла сим, пластмасса, пластмасса, яримўтказгичлар! Бу — машина. Эртага сивовдан ўтолмаса-ю, бузиб ташласам нима бўлади? Бир уюм темир қолади.

**ҚҶЧҚОР.** Ҳа, энди, бузманг-да, Олимтой. Шундай нарсани бузсангиз увולי тутиб, қўлгинангиз акашак бўлиб қолмайдами, мулла?! Э-э, етганлар бор, етмаганлар бор... Хўп де, Олимтой, дил кетди-да, энди. Сенга нима, бу бўлмаса бошқасини ясаб олаверасан, бизга ўхшаган сўққабошга қийин... *(Бечорасифат).* Ёлғизлик ёмон, Олимтой, буни бошига тушган биледи...

**ОЛИМЖОН.** *(Тоқати тоқ бўлиб).* Э, Билганингизни қилмайсизми! *(Туриб).* Мен идорага бориб келаман. *(Чиқиб кетади.)*

Қўчқор Олимжонни рухсат берди деб билиб, ўзида йўқ хурсанд. Секин Аломатнинг орқасига ўтиб, эҳтиёткорлик билан тугмачани босади. Аломат жонланади.

**ҚҶЧҚОР.** Зерикмай ўтирибсизми, Аломатхон?

**АЛОМАТ.** *(Ҳеч гап бўлмагандай).* Раҳмат.

**ҚҶЧҚОР.** Энди-и, Аломатхон, мана шу рўзгорнинг оғир енгили икковимизнинг бўйнимизда. Яхшисини ошириб, ёмонини яшириб дегандай, тебратаверамиз. Бирпас туриб, мулла Сувонни чақириб чиқаман, никоҳ ўқиб қўяди. Майлими?

**АЛОМАТ.** Нима ўқитсангиз ўқитаверинг, ихтиёрингиз.

## Тўртинчи саҳна

Уша ҳовли. Орадан икки кун ўтди. Аломат каравотда ўтирипти. Қўчқор тоғорада буғи чиқиб турган қайноқ сув олиб келиб, унинг қаршисига қўяди. Аломатнинг қўлларини кафтлари орасига олиб бирпас тикилиб, ўрнидан туриб, айвон шифтидаги қизил микроскемани олиб келади, ўрнатади. Аломат худди уйқудан тургандек ажабланиб атрофни кузатади. Сўнг Қўчқорга бошдан-оёқ расм солади.

**АЛОМАТ.** Нима қилаяпсиз, Қўчқор ака?

**ҚҶЧҚОР.** *(узрли)* Шу, десангиз, қўлингиз жа муздай-да...



Юзимни силасангиз темирга ўхшайди... (Аломатнинг қўлини тоғорадан чиқариб, юзига босиб кўради). Ҳали бор... (Яна сувага тиқиб кўяди). Хафа бўлмангу Аломатхон, шу, Қумрининг қўллари қадоқ босиб, ёрилиб кетган бўлсаям, бир нимаси бор эди-да... Ўша нима экан-а? Бўлмасам, бармоқларини кўсак тилиб, ғадир-будур қилиб ташлаган. Қўлидан доим кир совун аралаш таппи ҳиди келиб юради. (Хўрсиниб.) Лекин нимасидир бор эди... Кейин кўзингиз ҳам ғалати... Йўқ, узоқдан қарасам, дуруст, яқинингизга келсам, шишага ўхшайдими-ей...

АЛОМАТ. Кварц.

ҚЎЧҚОР. Нима-арц?

АЛОМАТ. Кварц. Кварцдан ясалган.

ҚЎЧҚОР. Ҳа-а... Шिशанинг бир тури-да, а! Жа совуқ нарса бўларкан, лекин... Биласизми, хафа бўлманг-у, Қумри билан, десангиз, жим ўтириб ҳам гаплашавардик. Ичимизда. Нима деётганини кўзидан билардим. Уям шундоқ қарарди-ю, ичимдагини топарди қурғур...

АЛОМАТ. Мен мақсадингизни, хоҳиш-истагингизни кўзингиздан билолмайман. Ташқи олам билан фақат манусоник методда алоқа қиламан.

ҚЎЧҚОР. Нима-сўник?

АЛОМАТ. Манусоник. Табиатдаги барча тирик мавжудот — ўсимлик, парранда-ю дарранда, шунингдек одам ҳам ўзидан электромагнит тўлқинлари тарқатади.

ҚЎЧҚОР. Мен ҳам-ми?

АЛОМАТ. Сиз ҳам.

ҚЎЧҚОР. (Маънос жилмайиб.) Қумри бўлса «сиздан фақат солярка ҳиди тарқалади», дерди. Қаранг, гапи ёлғон экан-да, а?

АЛОМАТ. Сиздан тарқалаётган электромагнит тўлқинларини қабул қиламан ва шунга кўра нима керак бўлса, ўша ишни бажараман.

ҚЎЧҚОР. (Тушунишга ҳаракат қилиб). Демак, биз ўзимиздан электромагнит тўлқинлари чиқарамиз, сиз уни қабул қиласиз. Бундан чиқди, сиз келгунингизча бекордан-бекорга электромагнит тўлқинлари чиқариб ётган эканмизда-а? Уни ҳеч ким қабул қилмаса...

АЛОМАТ. Мана, масалан икки кундан бери ишингизга овқат олиб бораман-а? Ҳеч қайси бригадада, қайси картада ишлаётганингизни сўраганманми? Йўқ. Овқатни оламан-у, тўппа-тўғри топиб боравераман. Электромагнит тўлқинлари менга йўл кўрсатади.

ҚЎЧҚОР. (маънос) Қумри ҳам адашмай топиб борарди... Унга нима йўл кўрсатар экан-а? Ёки, дейлик, ҳар куни кўчамиздан қанчадан-қанча трактор ўтади, болаларим бўлса менинг тракторимни овозидан танийди, югуриб чиқишади... Бўлмасам, унча-мунча механик ҳам тракторларни овозидан аж-

рата олмайди... Э, худо мен тушунмайдиган жумбоқларинг мунча кўп-а!..

АЛОМАТ. Тушунмаган нарсаларингизни сўранг, жавоб бераман.

ҚУЧҚОР. Мана, дейлик, мен нимадандир хурсанд бўлдим-а? Сиз ҳам менга қўшилиб хурсанд бўласизми?

АЛОМАТ. Йўқ, мен унда хотиржам бўламан. Негаки, бирон жойингиз оғриётгани йўқ, қорнингиз тўқ, ҳеч нима безовта қилмаяпти — демак, ҳаммаси жойида.

ҚУЧҚОР. Э-э, унда сиз ҳам ўзимизнинг маҳаллий ҳокимиятга ўхшаган гап экансиз-да. Улар ҳам на дардинга шерик бўлади, на хурсандчилигинга. Номи «маҳаллий» бўлгани билан, билмайман, нариги маҳаллага қарайдими... (Бирдан) Аломатхон, сиз йиғлоласизми?

АЛОМАТ. Йўқ.

ҚУЧҚОР. Аёл кишининг ҳар замонда йиғлаб тургани яхши... Енгил тортади. Эркакинг йўриги бошқа — уят бўлади. Мана, мен, сира йиғламаганман... (Ўйчан). Лекин уят бўлмаганида йиғлардим...

АЛОМАТ. Уят бўлмайди, йиғлайверинг.

ҚУЧҚОР. (Хижолатли). Э, қўйсангиз-чи, қизиқмисиз?

АЛОМАТ. Чиндан ҳам уят бўлмайди, нимага десангиз, мен уятни тушунмайман. Электромагнит тўлқинлари бўлса — бошқа гап. Мана, ҳозир сиз йиғига эҳтиёж сезаяпсиз — буни тушунаман. Бемалол йиғлайверинг, Қўчқор ака. Мен роботман-ку, темирдан ҳам уяладими одам?

ҚУЧҚОР. (бирпас ўйлаб туриб) Нима деб йиғлайман.

АЛОМАТ. Сўз ёзиб берайми?

ҚУЧҚОР. Йўғ-э, энди йиғлашни ҳам қоғозга қараб йиғласак, уят бўлар?

АЛОМАТ. Мен одамлар ҳақида бошқача тасаввурда эдим. Уларнинг эрки қўлида, нимани хоҳласа, шуни қилолади, деб ўйлардим. Наҳотки, хулосаларим нотўғри бўлса?

ҚУЧҚОР. Ҳалиям эркимиз қўлимизда.

АЛОМАТ. Нега бўлмаса йиғлолмаяпсиз?

ҚУЧҚОР. Энди, Аломатхон, дабдурустдан қийин-да... Бир сабаб бўлмаса...

АЛОМАТ. Сабаб топамиз.

ҚУЧҚОР. Қанақа қилиб?

АЛОМАТ. Гипноз қилиб.

ҚУЧҚОР. Нима-пноз?

АЛОМАТ. Гипноз. Қоида бўйича, гипноз фақат ёлгондан иборат бўлади. Масалан, тиши оғриб турган одамга «тишингиз оғримаяпти», деб ёлгон гапирилади.

ҚУЧҚОР. Йўқ, мен ёлгон гапга йиғламайман.

АЛОМАТ. Ахир ёлгон худди ростдай қилиб гапирилади-да! Ҳамма ишонади, ҳатто гапираётган одамнинг ўзи ҳам! Қани,

мундоқ ўтиринг-чи. Бошладик. Кўзимга қаранг... Бўшашинг... Ғўдайманг, бўшашинг, деяпман... Яхши...

**ҚУЧҚОР.** Қўйинг, нима кераги бор, барибир йиғламайман...

**АЛОМАТ.** Йиғлайсиз... (Қўлларини Қўчқорнинг боши узра ҳаракатлантириб). Йиғлайсиз... Чунки, жуда эзилгансиз... Юрагингизга қил сиғмайди... Ич-ичингиздан бир нима тошиб келаяпти... Ҳеч кимнинг раҳми келмайди, Биров дардингизга шерик ҳам бўлмайди... Ўз ёғингизга ўзингиз қоврилиб яшаяпсиз... Афт-ангорингизга бир қаранг, қирққа кирган қирчиллама йигитсиз-у, кўрган одам сизни элликка кирган деб ўйлайди. Қуриб-қақшаб бораяпсиз... Эсингизни танибсиз-ки, тинмай меҳнат қиласиз, лекин ҳеч бирингиз икки бўлмайди. Рўзгор, бола-чақа ташвиши дейсиз, афсуски, бу ташвишларнинг чеки йўқ. Эрталабдан кечгача чумолидай гимир-гимир қиласиз-у, роҳатини кўрмайсиз. Кийиб олган кийимингизга қаранг, енгил саноат етиштираётган ҳамма брак маҳсулот сиз ва сизга ўхшаганларга насиб қилади. Бу нима? Шу иссиқда ким нейлон кўйлак кияди?

**ҚУЧҚОР.** Магазинга келган экан, арзонгина деб...

**АЛОМАТ.** Ўзингизга бир ташқаридан қаранг, қайси замонда яшаяпсиз, ўзи? Кимга ўхшайсиз? (Эски кўрпачаларни кўрсатиб). «Пахтакорман» деб кўкрагингизга урасиз-у, кўрпангизга пахта тополмайсиз! Оёғингизга илиб олган калишингиз қаердан чиққан? Янгийўлданми, Тошкентданми?

**ҚУЧҚОР.** (Оёғини йиғиштириб). Калишмас, патинка...

**АЛОМАТ.** Бу дунёга келиб нима кўрдингиз, Қўчқор ака? «Икки марта Тошкентга борганман» деб мақтанасиз, одамлар «Оқ денгизу Қора денгиз» қилиб юришипти! «Ҳа, энди улар бошқача одамларда» дейсиз. Қанақа бошқача? Нимаси бошқача? Шу даражага етгансизки, бора-бора ундайларга ҳавас ҳам қилмай қўйгансиз! Ҳавас қилавериб чарчагансиз, ҳолдан тойгансиз!

**ҚУЧҚОР.** Нима қипти, эл қатори яшаяпмиз...

**АЛОМАТ.** Шундай деб ўзингизни оутасиз. Фурур, кадр-қимматингиз-чи? Мундоқ ўйлаб кўринг, бирон тирик жон сиз билан ҳисоблашадими? Йўқ, ахир! Тўй-маъракаларда пойгакда ўтирасиз. «Улуғлар»га тайёрланган дастурхонга яқинлашолмайсиз, иложи борича ўша томонга қарамасликка тиришасиз. Чунки «меҳнаткаш» деган мансаб билан тўрга чиқолмаслигингизни яхши биласиз! Шляпа кийиб, галстук таққан кетмондаста ҳам сизни ҳақоратлаши, таққирлаши мумкин! Алам қилмайдими?

**ҚУЧҚОР.** Ҳа энди, раҳбар бўлгандан кейин қойийди-да...

**АЛОМАТ.** Байрам куллари райондаги намоёнчида байроқча кўтариб ўтганингизга хурсанд бўлиб юраверасиз. Мажлисларда қўл кўтариш-у, чапак чалишни биласиз, бошқа ҳеч балони ҳал қилмайсиз! Кўпинча ўша мажлисда нима ҳал бўлаётганини тушунмайсиз!

**ҚҰЧҚОР.** (*таъсирланиб*). Гапингиз нотўғри. Аломатхон. «Хурмат тахта»сида суратимиз турипти...

**АЛОМАТ.** Энди бор умидингиз болаларингиздан. Уларни ўқитиб, «катта одам» қилмоқчисиз. Лекин уларингиздан «катта одам» чиқмайди. Даладан бери келмайдиган, чаласавод болалардан ниманиям кутиб бўларди? Буни биласиз. Яна «кўпга келган тўй», деб юраверасиз. Ахир умр ўтиб кетяпти-ку, Қўчқор ака!

**ҚҰЧҚОР.** (*Кўнгли тўлиб*.) Барибир йиғламайман... Яхши яшаяпмиз, билдингизми!...

**АЛОМАТ.** Йиғлайсиз... Ана, кўнглингиз тўлиб турибди... Лабингизни тишламанг, Қўчқор ака, фойдаси йўқ. Ахир, ёш кўздан чиқади, оғиздан эмас...

**ҚҰЧҚОР.** (*Йиғлагудек бўлиб*). Биров сизга ҳаётидан нолияптимми?

**АЛОМАТ.** Ҳамма гап шунда-да, нолимайсиз! Кўникиб кетгансиз. Яралар тошга айланган — оғриқ сезмайди. Дод солиб бақириш-ку, қўлингиздан келмас, ҳеч қурса инграб қўйишга ҳам қодир эмассиз, Қўчқор ака! Қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз билмайдиган аллақайси бурчакларида милтиллаётган ушоққина норозиликдан қўрқасиз, уни сезмасликка оласиз! Тўғри, қадр-қимматингиз ошқора ҳақоратланганда ўша милтиллаётган чўғ аланга олгандай бўлади ва сиз уни ароқ билан ўчиришга уринасиз. Дунёга ширакайф кўзлар билан қараб, таскин топасиз, лекин эртаси куни кайфингиз тарқаб, дунё яна асл ҳолига қайтади! Шунда йиғламоқдан ўзга чорангиз қолмайди... Кейин ўксиб-ўксиб йиғлайсиз...

**ҚҰЧҚОР.** (*Кўзларида ёш ўйнаб*.) Ёлғон!.. Ҳеч қачон йиғламаганман!..

**АЛОМАТ.** Йиғлагансиз. Фақат кўзингизнинг нариги томони билан йиғлагансиз. Кўз-ёшларингиз ташқарига эмас, ичкарига оққан. Мана, менинг ичим тўла темир-терсак, сизнинг вужудингиз эса фақат кўз ёшидан иборат. Лим-лим ёш...

**ҚҰЧҚОР** (*баралла йиғлаганича оёқ остидаги яшиқни зарб билан тепиб*). Э, падарига лаънат ҳаммасининг!!!

**АЛОМАТ** (*гипнозни тўхтатиб*). Нега унақа қиласиз. Қўчқор ака! Айтдим-ку, гапларимнинг ҳаммаси ёлғон, деб. Бу гапларга ишониш учун жуда гўл, калтафаҳм бўлиш керак. Наҳотки, сиз шунақа одам бўлсангиз.

**ҚҰЧҚОР.** Э, ёлғонингизнинг ҳам падарига минг лаънат! (*Ёш болага ўхшаб ғингишиб йиғлайди. Аломатнинг елкасидаги қизил микросхемани олади-да, қўшни ҳовли томонга отиб юборади*). Бозортой!.. Ҳў, Бозортой! Бир қараб юбор, оғайни, жуда керак бўп қолдинг!.. Бозортой, жон дўстим, бир қарагин икки оғизгина гапим бор! Сенга айтмасам, кимга айтаман, Бозортой, қадрдоним!..

**ШАРОФАТ** (*девор оша мўралаб*). Бозорвой акам икки қопгина бақлажон олиб, бозорга кетувдилар. Нима эди?

ҚҰЧҚОР (*ўша кўйи йиғлаб*). Зеркиб кетдим... Картасини олиб чиқса, бир-икки қўл «дуррак» ўйнардик...

ШАРОФАТ. Ҳа-а... Майли, келсалар, айтиб қўяман.

(*Қўчқор ҳамон ғингиб йиғлар, шу кўйи йиғлаганича Аломатга бошқа микросхема ўрнатади*).

АЛОМАТ (*куйлаб*). «Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик» (*Тўхтовсиз айтавери*).

Қўчқор анча вақт ҳовлида бемақсад санғиб юради. Аста-секин, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, унинг йиғиси Аломатнинг «Даврон сурайлик» ашуласи билан уйғунлашиб кетади.

## Парда

### Бешинчи саҳна

Учинчи кун. Эрталаб яна устунга боғлаб ташланган. Ҳовлида бошқа ҳеч ким йўқ. У ўзига келиб, атрофга разм солади. Нега бу аҳволда турганини фаҳмлагунча анча вақт ўтади.

ҚҰЧҚОР (*қийналиб*). Вой, жоним-ей... Кеча яна бўпти-да, падарига лаънат!.. (*Чақириб*). Аломат! Аломат, даяпман! (*Ҳўрлиги келиб*). Буям боғлаб ташлапти... Бу хотин зотининг ҳаммаси бир гўр экан. Мен аҳмоқ, бу робот-ку, одам эмас-ку, эси бордир, деб ўйлабман! (*Бақириб*). Аломат! Кимга айтаяпман, буёққа қара! Вой-ей, ичим ёниб кетаяпти... Қумри ҳеч бўлмаганда сув-пув бериб турарди... Э-э, кеча терим бошланган-ку, далага кетган... (*Чираниб кўриб*) Вой-вой-вой, Бу Қумридан ҳам қаттиқ боғлабди... Бозортой! Ҳў, Бозортой! Э, ҳар нарса бўл-е...

ШАРОФАТ. (*Девор оша*) Ҳа?

ҚҰЧҚОР. Бозортой уйдаи, келин?

ШАРОФАТ. Бозорвой акам тўрт қопгина турп олиб, бозорга кетувдилар. Нима эди?

ҚҰЧҚОР. Сўрамоқчи эдим... Кеча яна космонавтлар учибдими?

ШАРОФАТ. Хабарим йўқ.

ҚҰЧҚОР. Кеча радио «учди» дедими, «учиб қолди» дедими, ишқилиб, бир нима деди-да...

ШАРОФАТ. Иш кўп, ким радио эшитади, дейсиз... (*Ғойиб бўлади*).

Эшикдан оғир сумкани судраганича Туробжон келади.

ТУРОБЖОН. (*Сумкани ташлаб, югуриб келади*). Дада! Биз яна қайтиб кўчиб келяпмиз!

ҚҰЧҚОР. Ҳўилтой!.. Келдингми?.. Соғинтириб қўйдинг-ку, Ҳўилтой!

ТУРОБЖОН. Сиз нега бормадингиз, дада? Кутавсрдик, кутавсрдик...

**ҚҰЧҚОР.** Ким? Менми? *(Тепага қараб қўйиб изтиробли).*  
Елкамни босиб турган юк оғирлик қилди-да, ўғилтой!

Тугун кўтариб олган Қумри ҳовлига кириши билан эрини кўриб, қўрқиб кетади.

**ҚУМРИ.** *(Югуриб келиб).* Вой, шўрим... Вой, ўлиб қўя қолай!.. Ҳалиям боғлиқ турибсизми, дадаси?

**ҚҰЧҚОР.** Турибмиз — биз бир сўзли одаммиз.

**ҚУМРИ.** *(шоша-пиша арқонни еча бошлайди).* Одамлардаям инсоф қолмабди, ўлиб қоладиям дейишмайди!.. *(Йиғламсираб).* Бунақалигини билганимда ўзим ечиб кетардим. Вой, шўргинам қурсин-а! белингиз ҳам қотиб қолгандир, дадаси!

**ҚҰЧҚОР.** Қотмай-чи! Уч кундан бери Исо пайғамбарга ўхшаб турибман!

**ҚУМРИ.** Қишлоқнинг оқсоқоллари кап-катта одамлар-ку, деб мен эсини еган, ўшаларга ишонибман-да! Инсофсизлар!.. *(Эрининг белидан олиб).* Келинг, елкамдан ушлаб олинг... *(Суяб каравотга ўтқазади).* Қўрқитиб қўяй, деб бир-икки кунга кетувдим-да, дадаси, бунақа бўлишини ким билибди, дейсиз...

**ҚҰЧҚОР.** Болаларинг қани?

**ҚУМРИ.** Мактабда. Чиқиб тўғри шу ёққа келишади. Туробингиз кўчага чиқиб олиб, фақат сизни кутади. Қолганлариям «дадам-чи, дадам» дейверишиб одамни қон қилиб юборишди. Уларга қараб туриб, жаҳл қилмай мен ўлай, дедим-у, югуриб келавардим. Уч кун — минг кун бўпкетди... *(Йиғлайди).*

**ҚҰЧҚОР.** *(хотинига ғалати синчковлик билан тикилиб).* Аёл кишининг ҳар замонда йиғлаб тургани яхши... Менга қара-чи.

**ҚУМРИ.** Ҳа?

**ҚҰЧҚОР.** Кўзларинг нимадан ясалган, Қумри?

**ҚУМРИ.** Вой, у нима деганингиз?

**ҚҰЧҚОР.** Далага овқат олиб борганингда мени қанақа қилиб топардинг?

**ҚУМРИ.** *(Елка қисиб).* Билмасам... *(Эрининг қаршисига чўкиб).* Бирон нима бўлдим, дадаси?

**ҚҰЧҚОР.** Бўлди-да, Қумри, бўлди... *(Хотинининг қўлларини олиб, бирпас тикилиб туради, сўнг юзига босиб кўзларини юмади).*

**ҚУМРИ.** Вой, нима қилганингиз бу, Қўчқор ака, боладан уялсангиз-чи... Уч кун ўтиб ҳам кайфингиз тарқамадими? Туробжон, бор болам, кўчага чиқиб қара-чи, акаларинг келатимикан?

**ТУРОБЖОН.** Хўп, *(югуриб чиқиб кетади).*

**ҚУМРИ.** Нима бўлди ўзи, дадаси?

**ҚҰЧҚОР.** Шу, Қумри, ўқиган яхши экан-да, мана, масалан, мен кўп ўқийман.

**ҚУМРИ.** *(Кулимсираб).* Ростдан-а? Қачондан бери?

**ҚҰЧҚОР.** Биласанми, дунёда тирик жон борки, ўзидан элек-

тромагнит тўлқинларини тарқатади. Одам ҳам тарқатади. Сен билан мен ҳам. Бола-чақамиз ҳам.

ҚУМРИ. (*жилмайиб*). Хўш, кейин-чи?

ҚУЧҚОР. Нима кейин? Тарқатади, тамом.

ҚУМРИ. Ҳа, кўп ўқибсиз. Яхши экан, қисқагина.

ҚУЧҚОР. Электромагнит тўлқинларини-ку тарқатаёпмиз, лекин уни қабул қиладиган бошқа аппарат ҳам бўлиши керак, Қумри. Бўлмаса нима фойдаси бор, тарқатсак тарқатиб ётаверамиз-да. Ўша аппарат... Номи нима эди?.. Ҳалиги, каттакон... Олимтой бир бало девди-я... Локат... Локатор. Локатор! Ана ўша бўлиши керак! Мана, масалан, идоранинг тепасида нима бор?

ҚУМРИ. Колхознинг идорасини айтяпсизми! Ёввойи каптарлар бор, гала-гала бўлиб учиб юришипти.

ҚУЧҚОР. Байроқ бор! Ўқимаган. Ана ўша байроқнинг ёнига битта локатор ҳам ўрнатиш керак. Бўлмаса, ўзинг ўйлагин, мен электромагнит тўлқинлари тарқатаёпман... қирқ йилдан бери. Сен электромагнит тўлқинлари тарқатаёпсан... туғилганингдан бери. Эшмат тарқатаёпти, Абдурайим, Мама-райим тарқатаёпти — қабул қиладиган аппарат йўқ! Шунинг учун, Қумри, ҳар бир идоранинг тепасида локатор бўлиши керак. Битта байроқ, битта локатор! Битта байроқ, битта локатор. Ҳозир-чи... Фақат битта байроқнинг ўзи турипти... Э-э, дунё кўрган одаммиз-да, Қумри, биламиз. Икки марта ўша Тошкентинг таям борганман, керак бўлса!

ҚУМРИ. Хўп, сиз айтгандай бўлди дейлик, кейин-чи?

ҚУЧҚОР. Кейин... Кейин ҳеч адашмай ишлаётган жойингга овқат обориб беришадди. Ундан-бундан йўл сўраб ўтирмайди. Эшматвой қайси картада ишлаёпти, деб... Ўқимайсан-да, Қумри, ўқимайсан. Ўқишда гап кўп. Мен ўқийман...

ҚУМРИ. (*сохта жиддийлик билан*). Рост, ҳеч қўлингиздан китоб тушмайди. Вой, сиз билан гап сотиб ўтиришимни қаранг. Шунча кундан бери туз тотганингиз йўқ... Ҳозир бир нарса қивораман. (*Ошхонага кириб кетади*).

Ховлиққанича Олимжон югуриб киради, ранги ўчган, ҳовлини гир айланади, довдираб кимнидир қидиради.

ОЛИМЖОН. Қўчқор ака!.. Тамом, тамом!.. Ҳаммаси тугади!

ҚУЧҚОР. Нима тугади, Олимтой?

ОЛИМЖОН. Шўрим қуриб қолди, Қўчқор ака, шўрим қуриб қолди!...

ҚУЧҚОР. Мундоқ тушунтириброқ гапир, Олимтой, унақа кўкрагингга муштлаганинг билан биз тушунавермаймиз, бир оми одам бўлсак.

ОЛИМЖОН. (*Қўчқорнинг елкасига бош қўйиб*). Қўчқор ака, Аломатдан ажраб қолдик!..

ҚУЧҚОР. Ёпирай!.. (*Сал ўзига келиб*). Нега?.. Қачон?..

ОЛИМЖОН. Ҳозир... Борсам, картанинг бошида тутаб ётипти. Куйиб кетипти!..

ҚҰЧҚОР. (*Юзига фотиҳа тортиб*). Вой, бечора-ей... Умри қисқа экан.

ОЛИМЖОН. Етти йиллик меҳнатим, етти йиллик умрим барбод бўлди, ҳавога учди!..

ҚҰЧҚОР. Қўй, энди, бўлар иш бўпти. Ҳамманинг бошида бор савдо. Қўлимиздан нимаям келарди (*бир оздан сўнг*). Энди нима қиласан, Олимтой?

ОЛИМЖОН. (*пиқиллаганча*). Нима қилардим, соғ қолган қисмини олиб, запчаст қиламан...

ҚҰЧҚОР. (*туриб*). Бўлмаса мен одамларга хабар қилай.

ОЛИМЖОН. Нимасини хабар қиласиз?

ҚҰЧҚОР. Ҳа, энди, жаназа дегани кўпчилик билан-да, Олимтой.

ОЛИМЖОН. (*портлаб*). Вей, сиз сал жиннироқмисиз-а, жиннироқмисиз?! Ҳали никоҳ ўқитасиз, ҳали жаназа дейсиз!

ҚҰЧҚОР. (*айбдорларча*). Энди, тирик одамдай бўлиб қолувди-да...

ОЛИМЖОН. (*хужумга ўтиб*). Аломатнинг нимадан ўлганини биласизми?

ҚҰЧҚОР. Йўқ.

ОЛИМЖОН. Зўриқиб ўлди! Уни сиз ўлдирдингиз!

ҚҰЧҚОР. (*Ёҳа ушлаб*). Ёпирай!..

ОЛИМЖОН. Ҳа, сиз ўлдирдингиз! Кеннойим кетиб, жуда тўғри қилганлар, сизнинг чангалингизга тушган ҳар қандай аёл ҳам албатта нобуд бўлади! Сиз учига чиққан феодалсиз!

ҚҰЧҚОР. Нима-дал?

ОЛИМЖОН. Феодал! Мана шу уч кун ичида Аломат шўрликнинг бошига нималар ёғилмади! Нима азобларни кўрмади! Беаёв эксплуатация қилдингиз!

ҚҰЧҚОР. Нима-платация?

ОЛИМЖОН. Эксплуатация! Эрталабдан кечгача тиндирмадингиз-а! Бир минут дам олгани йўқ, бечора! Юв, тозала, тик, яма, супур! Бир чақирим наридан сув олиб келиб, кир ювади! Манави тезак ёқиладиган лаънати ўчоғингизда овқат қилади! Еб тўймайдиган очофат молларингиз бор: эрталабдан кечгача ўт бер, сув бер, ем бер! Хамир қоради, ситир соғади, куви пишади! Э, бу уйингизнинг иши тугамайди, ўзи! Бундан ташқари далага чиқади! Минг чаноққа минг эгилиб, пахта таради! Қирқ-эллик кило нарсани кўтариб, хирмонга олиб боради! Шунақаям қийнайди. Қўчқор ака! Бу дўзах азобларига қандай дош берсин, қандай чидасин?! (*Меҳр билан*). Ахир у темир-ку, Қўчқор ака, темир. Уни эҳтиёт қилиш керак. У ўзини ўйламайди, «қийналиб кетдим» дейдиган тили йўқ. Индамас экан деб эшакдай ишлатаверадими, ахир! «Пақ» этиб жони чиқиб кетгунча эзавериш керакми! Йўқ, сиз юраги тош одамсиз, Қўчқор ака!

ҚҰЧҚОР. Ҳеч ким меҳнатдан ўлмайди, Олимтой...

ОЛИМЖОН. Э, ана ўлди-ку! Яна нима керак сизга! Шун-



даям кўзингиз очилмадим, қанақа худо қаргаган одамсиз?! Сиз, Қўчқор ака, инквизиторсиз!.

ҚўЧҚОР. Нима-зитор!

ОЛИМЖОН. Инквизитор!

ҚўЧҚОР. Йўғ-е, Олимтой, инквизитормас, механизатор, де...

ОЛИМЖОН. Ҳамма замонлардаям инсон ақлу заковатининг маҳсули — буюк кашфиётлар сизга ўхшаган жоҳиллар туфайли барбод бўлган! Сиз тараққиётнинг душманисиз! (Бутун дунё, жаҳондан норози бўлиб чиқиб кетади).

Сукут. Қўчқор нима қиларини билмай, ўртада туриб қолади. Кейин аста-секин юриб, саҳна олдига келади.

ҚўЧҚОР. (томошабин узра узоқ-узоқларга тикилганча). Тавба... Аломатни мен ўлдирган эмишман. Унга бирон-бир ортиқча юмуш буюрганим йўқ, ўлиб кетай агар. Хўш, нима иш қилишти! Ҳали қаторлаштириб бола туққани йўқ, ксчалари уйқудан қолиб, бешик қучоқлаб чиққани йўқ, ҳар бир фарзанди билан минг бор касал бўлиб, минг бор соғайгани ҳам йўқ. (Ҳайрон). Битта ўзбек аёли нима иш қилса, шунинг ярмини қилди, холос...

Каттакон тоғорани аранг кўтариб Қумри чиқади.

ҚУМРИ. Ғўнғир-ғўнғир қилиб ким билан гаплашаяпсиз, даси?

ҚўЧҚОР. (томошабин томонга қараганча, ўта жиддий). Менми? Худо билан гаплашаяпман.

ҚУМРИ. (эрининг бу гапини ҳазил тушуниб). Ростдан-а? Хўш, худо сизга нима деди?

ҚўЧҚОР. (Томоғига алланарса келиб тикилгандай, ютиниб олиб). Эй, эси йўқ баҳдам, деди, шукроналар келтирки, хотинингни одам қилиб яратганман, йўқса у аллақачон запчаст бўлиб кетарди, деди...

Қумри бу гапга кулиб қўя қолади, сўнг одатдагидай уй юмушларига шўнғиб кетади. У то парда ёпилгунга қадар у-бу иш билан банд бўлади.

Қўчқор хаёлга ботинганча ўша кўйи томошабинга тикилиб тураверади.

Қаердандир, бошқа ҳовлидан бўлса керак, бизга таниш ўша бахтли иқбол ҳақидаги кўшиқ эшитади: «Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик. Иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайлик...»

## Т а м о м

### Савол ва топшириқлар

1. Драматургнинг ижодий йўли ҳақида маълумот беринг.
2. Комедияни ролларга бўлиб, маъно уруғларини жойига қўйган ҳолда ифодали ўқинг.
3. Асарнинг жанри нима учун «жиддий комедия» деб белгиланган? У сиз билган одатий комедиялардан нимаси билан фарқ қилади?
4. Комедияда Қўчқор образига эркин тавсиф беринг, бу образ ҳаётимми? Кеча-кундуз меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган бу заҳматкашнинг ҳаёти,

аҳволи шу меҳнатига қрашами, йўқми? Аломатнинг Қўчқорни гипноз қилиш жараёнида айтган гаплари тўғрими? Қўчқорнинг ўзи аҳволининг шунақа аянчли эканини билладими? Ҳозирги қишлоқларимизда ҳам минглаб Қўчқорлар шу тарада ҳаёт кечираётганини нормал ҳодиса деб буладими?

5. Қумри образини тавсифлаб беринг: асарнинг бош ғоясини очишда бу образнинг ролини изоҳланг. Қумри «темир хотин» ҳам чидамайдиган қандай юмушларни бажаради? Қишлоқлардаги минг-минглаб аёлларнинг аҳволини қандай қилиб енгиллаштириш мумкин деб ўйлайсиз? Сиз Қумри ёки Қўчқор ўрнида бўлганингизда қандай чора кўрган бўлардингиз?

6. Аломат образи сизда қандай таассурот қолдирди? Драматург қишлоқдаги ҳақиқий аҳвол ҳақидаги фикрларини беришда бу воситадан, яъни «темир хотин» образидан қандай фойдаланди? Аломат далада «куйиб» кетганда ачиқдингизми ёки кулдингизми?

7. Асардаги қайси саҳна қалбингизни ҳаяжонлантирди ва қайси ўрнида айниқса мириқиб кулдингиз?

8. Комедияда муаллифнинг ижодий топилдиғи бўлган қандай бадий деталларни кўрсата оласиз? Масалан: қўшниси Бозортойнинг ҳаммаша бозорда бўлиши, даҳшатли турмуш ҳақиқати айтилиб турганда «Иҳболимиз порлоқ экан даврон сурайлик» ашуласининг айтилиши, Қўчқорнинг тушунмаган сўзларини сўраб туриши, Аломатнинг куйиб кетганини эшитиб, «таъзия»га одам айтмоқчи бўлгани ва ҳоказо. Ўзингиз давом эттиринг.

9. Асарда муаллифнинг тил маҳорати ҳақида нима дея оласиз? Қўчқор тилининг ўзига хослиғи билан Олимжон тилини солиштиринг.

10. Охириги пардани синфда саҳналаштиришга уриниб кўринг.

## ХУРШИД ДАВРОН

(1952 йилда туғилган)



Шоир 1952 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, 1977 йилда Тошкент давлат дорилфунунини битирган бўлиб, ҳозирги кунгача «Камалак» нашриётида, Республика маънавият ва маърифат марказида хизмат қилган. «Қадрдон қуёш», «Шаҳардаги олма дарахти», «Тунги боғлар», «Учиб бораман қушлар билан», «Тўмариснинг кўзлари», «Болаликнинг овози» шеърӣ тўпламлари, «Самарқанд хаёли», «Соҳибқирон невараси» эсселарининг муаллифи.

### ПАДАРКУШ

Самарқанд шаҳрининг бир чеккасида  
Қабр бор — одамлар юз буриб ўтар.  
Унда Абдуллатиф ётар, дейдилар,  
Дейдилар: «Бу ерда падаркуш ётар».  
Билмайман, ростми бу,  
Билмайман, ёлгон,  
Аmmo бу қабрнинг қошига келсам,  
Бирдан совий бошлар томиримда қон,  
Бирдан тикилади бўғзимга ғуссам.  
Гўдаклар ўйнаса бу ерга келиб,  
Оталар қувади, оналар қарғар.  
Бу ер тинч, чечаклар ўсади кулиб;  
Қиш келса тўпланар бунда қарғалар.  
Йўлчилар ўтаркан баъзан ярим тун  
Дуолар айтади қўрқувдан абгор.  
Мен бўлсам, кимлигин англамоқ учун  
Шу қабр қошига келаман такрор.  
Мен уни ёдламоқ учун келмайман,  
Келмайман ёдига ўқий деб оят.  
Бу ғариб қабрнинг қошига мени  
Етаклаб келади ўзга ҳикоят.  
...Уч кеча Улугбек тушимга кирди,

Бир қўлда китобу, бир қўлда шамшир.  
 «Ўғлим қани? — деди, — китоб келтирдим»...  
 «Ўғлим қани? — деди, — Оҳ, уни яшир...  
 Яшир, ахир, ўғлим ўлдиролмайман,  
 Ўз гулимни ўзим сўлдиролмайман.  
 Ўз дилимни ўзим изтиробларга.  
 Ғаму ҳасратга тўлдиролмайман.  
 Сўрагин, қандай қўл урди бу ишга,  
 Алдади қай худбин ўйлар дилини,  
 «Отамни ўлдилинг!» — дея айтишга  
 Оҳ, у қандай мажбур этди тилини.  
 Сўра, билармиди: иши келмас ўнг  
 Кимки отаси-ю, оғасин сўяр.  
 Фирдавсий битгандек: олти ойдан сўнг  
 Салтанат тахтини бой бериб қўяр.  
 Сўра, билармиди: отасин сўйган  
 Юртни ўлдирмоққа қодир бўлишин,  
 Душманлар юборган жосусдан баттар  
 Хўрланиб, зорланиб итдек ўлишин.  
 Сўра, билармиди: ҳамиша номард  
 Отаси яратган боғни қуритар.  
 Ботирни яратар доим ўч ва дард.  
 Номардни ҳамиша қўрқув яратар.  
 Сўра, билармиди шаҳзода: номард  
 Отаси, онаси, боласин сотар,  
 Дилини, тилини, элини сотар,  
 Ё ортдан тиг санчар, ё ортдан отар.  
 Сўра, билмадими эрка фарзандим,  
 Билмаса билгани яхши, кеч эмас.  
 Уни бу дунёда, у дунёдаям  
 Отасидан бошқа ҳеч ким кечирмас.  
 Сўрагин, агар у жавоб бермаса,  
 Ёшлар оқизмагин асло кўзингдан  
 Қабрнинг устида чекмагин ғусса,  
 Ўзингдан сўрагин, сўра ўзингдан...»  
 Сўнг жимиб зулматнинг қўйнига кирди.  
 Мен унинг ортидан чопдим ҳаприқиб,  
 «Ўғлинг қани?» — дея дилим қичқирди  
 Унинг кўзларига боқишдан қўрқиб.  
 Ўша дам зулматдан келди бир садо:  
 «Бириси шаҳиддир, бириси қотил,  
 Учинчиси эса, учинчиси, воҳ,  
 Ҳамон ухлаб ётар, бу сенсан, ғофил!»  
 Мен шунда англадим уйғонмоқ керак,  
 Қорда унган гулдек тўлғанмоқ керак,  
 Адоқсиз тунларни ёритмоқ учун  
 Ўғиллар барчаси тўпланмоқ керак.  
 Аммо қичқирмайин қанчалар бўзлаб,  
 Товуш чиқармади бирор бир одам.  
 Гўё қулоғи кар, жонини кўзлаб

Юрганлар юртига айланмиш олам.  
Қанча бақирмайин дала-даштларда  
Хуркитиб толиқиб қўнган қушларни,  
Учратдим Самарқанд, Қўдон, Тошкентда  
Фақат тан қуллари — падаркушларни.  
...Ватаним, кўксинга сўнгсиз аламлар  
Оғусин қуйганлар кимлигини айт!  
Оролни қуритган ким? — деб одамлар  
Сўрашса, кўрсатай уни ўша пайт.  
Ерингни зўрлаган қай малъун кимса?—  
Билмасдан мен қандай ортимга қайтай.  
Тупроқни ўлдирган ким? — деб сўраса,  
Ўғлимга мен кимнинг номини айтай.  
Падаркушлар даври бўлди бу даврон,  
Диллар аламлару оҳларга тўлди,  
Дилингни ўлдирмоқ бўлган шум, нодон  
Ўғилларинг сенга ҳукмдор бўлди.  
Уларнинг кўксини тарк этди ғусса,  
Ғуссалар ўрнини олди нишонлар.  
Нишонлар тақди-ю, аслида эса  
Сенинг қўлларингга осди кишаилар.  
Боболар ҳикматин тили кесилди,  
Момолар сарвати қилинди ғорат.  
Эркин дарёларнинг йўли тўсилди,  
Нодонлар тарихинг қилди ҳақорат.  
Сени деб жонини берган ўғлонинг—  
Торобий мақбарин бузди падаркуш,  
Янги торобийлар чиқмасин, дея  
Тарихинг қайтадан тузди падаркуш.  
Падаркуш қор тушган пахтазорларга  
Қувди дили хаста болаларингни,  
Падаркуш ўт қўйди чаманзорларга,  
Ўзи «қул» бўлди-ю, сениям қулга  
Айлантирмоқ учун шаънингни сотди,  
Виждону имонни алмашди пулга,  
Ватан деса сўйди, эрк деса отди.  
Жоним, оғриқлардан чинқирган жоним,  
Эй, олис боболар нидоси — қоним,  
Эй, дардим, эй, ерим, эй сен, мозорим.  
Умримнинг озори — Ўзбекистоним.  
Сени жондан суйган, дардингда куйган  
Ўғилларинг номи аталди ҳаром.  
Кодирий отилди. Чўлпон отилди.  
Файзулла Хўжаёв қилинди бадном.  
Сени жондан ортиқ, жаҳондан ортиқ  
Кўрганларнинг дили оғриққа тўлди,  
Фитрату Бехбудий кўкрагида тие.  
Усмои Носир совуқ Сибирда ўлди.  
Куйма, падаркушлар зоти кўп десам,  
Марди йўқ уларнинг, ҳаммаси қўрқоқ.

Ватаним, сени деб юрганлар эса  
 Битта бўлганда ҳам улардан кўпроқ.  
 Ҳатто ёлғиз ўзи душманлараро  
 Қолсаям, бошини ёвга қилмас ҳам.  
 Сени деб жанг қилар Нажмиддин Кубро,  
 Ҳазрат Алишердек ўлимдан сўнг ҳам...  
 Самарқанд шаҳрининг бир чеккасида  
 Қабр бор — одамлар юз буриб ўтар.  
 Бунда Абдуллатиф ётар, дейдилар,  
 Дейдилар: «Бу ерда падаркуш ётар»,  
 Билмайман, ростми бу,  
 Билмайман ёлғон.  
 Аммо ғариб гўрнинг устига келсам,  
 Бирдан совий бошлар томиримда қон,  
 Бирдан тикилади бўғзимга ғуссам.  
 Биз уни кечирмай яшаймиз, ҳатто  
 Биздан сўнг келганлар кечирмас уни.  
 Бу дунёда Улуғбеккина  
 Кечира олади қотил ўғлини.

### *Савол ва топшириқлар*

1. «Падаркуш» (яъни «отасини сўйган») деганда шоир асар бошида кимни назарда тутяпти ва нима учун?

2. Нима учун Улуғбек шоирга (лирик қаҳрамонга) ўғилларининг

«Бириси шаҳиддир, бириси қотил,  
 Учинчиси эса, учинчиси, воҳ  
 Ҳамон уклаб ётар, бу «сепсан, гофил!» — дейди.

Бундан шоир нимани англади: шеърдан шу ўринни топиб, баланд овозда шиддат билан ўқинг.

3. Шоир ўз замонининг «падаркуш»лари деганда қандай зотларни назарда туттади? Қайси ишлари учун уларни «отасини ўлдирган» падаркуш билан тенглаштиради? Шеърдан шу ўринларни топиб, бирма-бир кўрсатинг. Масалан: «Оролни қуритган ким?» — падаркуш.

«Ерингни зўрлаган қай малъун кимса?» — замон падаркуши.

«Янги торобийлар чиқмасин, дея  
 Тарихинг қайтадан тузди падаркуш  
 Падаркуш қор тушган пахтазорларга  
 Қувди дили хаста болаларингни...»  
 Ватан деса сўйди, эрк деса отди» —

замон падаркушлари. Шу тариха давом эттиринг.

4. «Уларнинг кўксини тарк этди ғусса,  
 Ғуссалар ўринни олди нишонлар.  
 Нишонлар тақди-ю, аслида эса  
 Сенинг қўлларингта солди кишанлар...»

деганда шоир нимани назарда тутяпти?

5. Шеърда ўзбек халқининг қандай фидойи фарзандларининг номлари

тилга олинади? Уларнинг номлари сизга танишми, хизматлари нимадан иборат эканлигини биласизми?

6. Қуйидаги сатрларни ёзилган кўринишда, баланд овозда, чўзиқ оҳанг билан, товушни бироз титратиб ўқинг:

«Жоним, оғриқлардан чинқирган жони-им,  
Э-эй, о-олис бобо-олар ниҳо-оси қо-оним,  
Э-эй, дарди-им, э-эй, ери-им, э-эй, сен мосо-орим,  
Умримни-инг о-озори — Ўзбекистони-им!

Ушбу сатрларни талаб этилгандай ўқиб ёки эшитганда юрагингизнинг бир чети «жиз» этган, этингиз ғалати жимиллаганини сезган бўлсангиз, билингки, сиз нозик қалб эгасисиз ва шеърни тушунасиз. Агар шундай ҳиссиёт сезмангиз, шеърни яна бир неча қайта ўқинг.

7. Шеър шоирнинг аламли ниҳоларига тўла бўлса ҳам, асар сўнгида иложсизлик, маҳзун кайфият тугилмайди, аксинча, ўзингизда сергақлик, сафарбарлик, халқ тақдири учун жавобгарлик ҳисларини туясиз.

Шу нуқтаи назардан,

«Ватаним сени деб юрганлар эса

Битта бўлганда ҳам улардан кўпроқ...» сатрларини изоҳлаб беринг. Ўзбек юртининг истиқлолга юз бурганлиги бу иллатларнинг йўқолишига ва такрорланмаслигига гаров бўла оладими?

8. Шеърнинг «Ватаним, кўксингизда сўнгсиз аламлар» сатридан «Битта бўлганда ҳам улардан кўпроқ» сатригача ёд олинг.



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

(1928 йилда туғилган)

Чингиз Айтматов ижоди XX аср Марказий Осиё адабиётлари тарихида оламшумул воқеа бўлди десак, муболаға бўлмайди. Унинг «Юзма-юз», «Кизил дуррали сарвқоматим», «Бўтакўз», «Биринчи муаллим», «Момо Ер», «Алвидо, Гулсари!», «Оқ кема», «Эрга қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар» каби қиссалари, «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» романлари сўнгги давр жаҳон адабиёти хазинасининг дуру жа-воҳирлари бўлиб қолди. Ёзувчининг ҳаётни бу қадар теран билиши ва тасвирлаши сабабларидан бири унинг ўзи ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини бошидан ўтказганлиги билан ҳам изоҳланади. Бунга адиб таржимаи ҳолига қисқа назар солиб билса ҳам бўлади.

Чингиз Тўрақулович Айтматов 1928 йилнинг 12 декабрида Қирғизистонда — пойтахтдан анча узоқда — Талас водийсида тоғлар орасида жойлашган Шакар овулида дунёга келган. Унинг отаси Тўрақул Айтматов шу тумanning ўқимишли, ижтимоий фаол кишиларидан бири бўлган. У сталинча қатағон йилларида айбсиз ҳибсга олиниб, қатл этилган. Онаси Нағима опа қарамоғида қолган тўрт фарзанднинг энг кичиги Чингиз ўн уч ёшлик пайтида меҳнат қилишга мажбур бўлади. Бўлажак ёзувчи ўн уч ёшга кирганда машғум уруш бошланди. У ўқишни ташлаб қишлоқ кенгашида котиб, кейинчалик солиқ йиғувчи бўлиб ишлайди. Уруш даврида ёш Чингиз бошидан кечирган ва овулдошлари ҳаётида кузатган воқеалар кейинчалик «Юзма-юз», «Жамила», «Момо Ер», «Эрга қайтган турналар» қиссаларида ўз аксини топди.

1946 йилда Чингиз Айтматов саккизинчи синфни тугатиб, Жамбул зооветеринария ўқув юртига, уни аъло битириб, Қирғизистон Қишлоқ хўжалиги институтига киради ва зоотехниклик касбини эгаллайди. Унинг ижод билан шуғуллана бошлаши ҳам ана шу даврларга тўғри келади.



1956—1958 йилларда Ч. Айтматов Москвадаги олий адабиётчилар курсида ўқийди. Шундан сўнг «Қирғизистон адабиёти» ойномасида муҳаррир, кейинчалик «Правда» газетасининг Қирғизистондаги махсус мухбири бўлиб хизмат қилади. Журналистлик фаолияти ёзувчига ҳаётни теран ҳис этиш, даврнинг муҳим ижтимоий муаммоларни илғаб олиш, инсон руҳиятини, айниқса меҳнаткаш чорвадорлар руҳиятини чуқур англаб етишда катта мактаб вазифасини ўтади.

~~1958 йилда ёзилган «Жамила» қиссаси ёзувчига жаҳоншумул обрў ва эътибор келтирди. Ҳозиргача бу асар жаҳон халқларининг 40 дан ортиқ тилларига таржима қилинган. Бу асарни ҳур севги ҳақидаги гўзал кўшиқ деб аташ мумкин.~~

Ёзувчининг шундан кейин яратган асарларининг қаҳрамонлари ўзларининг бой маънавий олами, гўзал хулқат, фидойилиги, ҳалоллиги билан ажралиб туради. Шуниси диққатга сазоворки, Ч. Айтматов қаҳрамонларининг аксарияти ёшлар. «Биринчи ўқитувчи», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопайтган Олапар» каби қиссаларда яратилган ҳаёт чорраҳасида ўз тўғри йўллариини излаб талпинаётган ақлли, иродали ёш йигит-қизларнинг тақдирлари китобхонни ҳаяжонга солмай қолмайди.

Шу пайтгача асосан қисса жанрида дунё китобхонлари қалбини ром қилиб келган ёзувчи сўнгги даврда роман жанрига мурожаат этади. Адиб мўлжаллаган ижодий ният — ҳаётни кенг қамровда олиш, катта, драматик, баъзан фожиали, мураккаб тақдирлар яратиш — худди шу шаклни тақозо этади. Адибнинг «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» романлари ана шу тариха вужудга келди.

Чингиз Айтматовнинг қаҳрамонлари —ўта оддий одамлар. Булар темир йўл хизматчилари Эдигей Жонгилдин ва Қазангап, ўқитувчи Абутолиб Қуттибоев, унинг садоқатли рафиқаси Зарифа, фарзандлари Собитжон, Ойзода ва бошқалар. Улар ўзларининг кундалик оддий ҳаёти ташвишлари ичида кўрсатилади. Ёзувчи истеъдодининг кучи шундаки, у ана шу оддий одамларнинг ички буюклигини маҳорат билан очиб беради. Китобхон бу оддий инсонларнинг қувонч ва ташвишларига, интилиш ва орзуларига, кураши ва яратувчилик меҳнатига шерик бўлиб кетганини сезмай қолади.

«Асрга татигулик кун» романи воқеалари асосан бизнинг кунларда Қозоғистоннинг Сариўзак чўли орқали ўтадиган «Бўронли» деб номланган олти уйли темир йўл бекатида бўлиб ўтади. Бутун ҳаёти оддий темирйўлчи бўлиб ўтган Қазангап исмли қария вафот этган. Уни авлод удумларига асосан қутлуқ Она Байит қабристонига олиб бориб кўмиш керак. Бу маросимнинг бошида турган Қазангапнинг қиёматли дўсти Бўронлик Эдигей (у асарнинг бош қаҳрамони) қабристонга боргунча бўлган бир кунлик масофада ўз дўсти билан бирга бошидан кечирган салкам бир асрлик ҳаётини кўз олдида қайта жонлантиради. (Асар номи ҳам шунга ишора қилади.)

Жумладан, унинг хотирасида жонланган воқеалардан бири Она Байит қабристонини нима учун қутлуғ жой саналиши ҳақидаги афсонадир.

## НАЙМАН ОНА ҚИССАСИ

«Асрга татигулик кун» романидан

Она Байит қабристонига етишга яна икки соатча вақт бор эди. Сариўзак сари йўл олган дафн маросими карвони ҳамон бир маромда борар, туясига миниб олган Эдигей Бўрон олдинда, Қоранор ҳам аввалгидай ҳормай-толмай катта-катта қадам ташларди.

Ортда — тиркалма аравали трактор. Аравада марҳум Қазангап, унинг ёнида куёби — қизи Ойзоданинг эри ёлғиз ўзи гўш этмай, сабр-тоқат сақлаб ўтирар, уларнинг ортидан эса «Беларусь» экскаватори келар эди. Ёнда эса тўшдор малла ит Йўлбарс гоҳ олдга йўртиб ўтиб, гоҳ орқада қолиб, гоҳида аллақандай муҳим нарсани кўргандай бир зум тўхтаб қолиб, ўз ишининг кўзини билгансиб, ҳамон аввалгидай бамайлихотир эр-гашиб келарди.

Қуёш найзага келиб, борлиқни қиздира бошлади. Буюк Сариўзак даштининг бепоён қир-адирларидан ўтиб борганингиз сари яна уфққача туташиб кетган янгидан-янги кимсасиз, чексиз кенгликлар кўз ўнгингизда гавдаланарди. Сариўзак даштининг боши-кети кўринмайди. Бир замонлар бу ерларда жўнганг деган бадкирдор келгиндилар яшаганлар. Улар Сариўзак ерларининг қарийб ҳаммасини босиб олиб, узоқ йиллар мобайнида ўз қўлларида сақлаб турганлар. Бу ерларда яшаган бошқа кўчманчи халқлар яйловлар ва қудуқлар учун ўзаро таллашиб, икки ўртада мунтазам равишда уруш давом этиб келган. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келиб, енганлар ҳам, енгилганлар ҳам шу атрофда яшаб қолаверган, бироқ голиб келганларининг ерлари ортиб, мағлубларининг ерлари эса камайиб бораверган. Елизаровнинг айтишича, Сариўзак манзилгоҳ қуриб тирикчилик қилиш учун ҳар қанча жанг жадалга арзигулик жой эди. Негаки, ўша замонларда бу ерларда баҳорда ҳам, кузда ҳам ёғин-сочин мўл-кўл бўларди. Ўт-ўланлар ҳар қанча мол-қолу қўй-қўзиларга етиб ортарди. Ўша кезлари бу ерларга турли томонлардан савдогарлар қатнаган, савдо-сотик ишларининг авжи баланд бўлган. Бироқ кейинчалик бу ерларнинг иқлими ўзгариб кетади. Дезарли ёғин-сочин бўлмай, қудуқларнинг суви қуриб, яйловлардаги ўт-ўланлар қувраб, қайта чиқмай қўяди. Ана шунда Сариўзакдаги халқлар ва қабилалар ҳар томонга булутдай тарқаб кетишади, ҳайдар кокилли жўнганглар эса бутунлай йўқ бўлишади. Улар Эдил дарёси — у вақтларда Волга дарёси шундай аталарди — бўйларига бориб, ўша томонларда ном-нишонсиз ғойиб бўлишган. Уларнинг қаёқдан келиб, қаёққа кетганини ҳам ҳеч ким билолмаган. Миш-мишларга қараганда, жўнганглар қарғишга учрабди — қишда музлаб қолган Эдил дарёсидан тўп-

тўп бўлиб ўтаётганларида бирдан муз ёрилиб, ҳаммаси мол-қолларни билан биргаликда муз остига чўкиб кетишибди...

Сариўзакнинг туб қозоқларигина ўша замонларда ҳам ўз ерларини ташлаб кетишмади, улар янгидан қудуқ қазиб, сув чиқаришга муваффақ бўлдилар. Лекин Сариўзак даштининг энг гуллаб-яшнаган даври урушдан кейинги йилларга тўғри келади. Сув ташувчи машиналар пайдо бўлди. Битта сув ташувчи машина — агар унинг ҳайдовчиси бу жойларни яхши билса — олис яйловлардаги уч-тўртта турар овулни бир йўла сув билан таъминлай олади. Сариўзакдаги яйловларнинг ижарачилари — шу атрофдаги областларнинг колхоз ва совхозлари энди Сариўзак чўлида боқиладиган чорва молларининг доимий қишлови учун базалар ташкил этиш ҳақида ўйлаб қолишди ва бундай бинолар қуриш учун қанча маблағ сарфланишини хомчўт қилиб кўришди. Яхшиямки, улар ошиқмаган экан. Биров билиб, биров билмай, секин-аста Она Байит мазори атрофида почта қути деган номсиз шаҳар пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам уни: Почта қутига кетибди, Почта қутида бўлибди, Почта қутидан сотиб олдим, Почта қутида кўриб қайтдим ва ҳоказо, деб айтадиган бўлишди... Почта қути кундан-кунга ўсиб, кенгайиб, обод шаҳарга айланди, унга чет кишиларнинг кириши эса ман этиб қўйилди. Асфальтланган йўлнинг бир учи космодромга олиб боради, иккинчи учи темир йўл бекати билан туташади. Сариўзакнинг янги, индустриал қурилиши мана шу кезлардан бошланди. Бу томонларда ўтмишдан фақат туянинг қўш ўрқачини эслатувчи Эгизактепа дўнглигига жойлашган Она Байит қабристонигина қолган эди. Қадим замонларда марҳумни Она Байит мазорига дафн этиш учун шунақа олис жойлардан келишардики, баъзан одамлар қоқ чўлда тунаб қолишарди.

Лекин шунча ташвиш тортиб келганларига қарамай, Она Байит кўмилган марҳумнинг авлодлари аждоқларимизни эъзозлаб жуда азиз, муқаддас жойга қўйдим деб фахрланиб юришарди. Бу ерга элда иззат-ҳурмат топган, узоқ умр кечириб, кўпни кўрган, сўзи, иши билан шуҳрат қозонган энг мўътабар одамлар қўйиларди. Елизаров буларнинг ҳаммасини биларди ва шунинг учун ҳам Она Байитни Сариўзакнинг юраги, деб атарди.

Мана бугун ўша жойга Бўронли бекатдан чиққан, туя-трактор аралаш, ит ҳамроҳлигида ғаройиб дафн карвони яқинлашмоқда эди.

Она Байит қабристонининг ўз тарихи бор. Ривоятга кўра, ўтган замонларда Сариўзакни босиб олган жунгжанглар асирга тушган жангчиларга нисбатан беҳад шафқатсизлик қилар эканлар. Улар кези келиб бундай тутқунларни қўшни ўлкаларга қўл қилиб сотиб юборишаркан. Бу эса тутқуннинг омади келгани ҳисобланаркан. Чунки сотиб юборилган қўл эртами-кечми, бир кун ўз ватанига қочиб келиши мумкин экан-да. Жунгжангларнинг қўл остида тутқун бўлиб қолганларнинг эса шўри қуриркан. Улар маҳкумнинг бошига терикалпоқ тортиш йўли билан даҳшатли бир тарзда қийнаб, унинг хотирасини йўқотар эканлар. Одатда бундай жазога жангда асир тушган ёш

Йигитлар гирифтор бўлишарди. Аввалига жўнгжанглар тутқуннинг сочини дастлаб ўнгидан, сўнгра тескарисидан тақир қилиб ташлашади, сартарошлик маросими тугагач, жўнгжангларнинг чапдаст қассоблари каттакон бир туяни сўйиб, терисини шила бошлайдилар. Улар биринчи навбатда, энг қалин ва энг оғир бўлган бўйин терисини ажратиб бўлакларга бўлишар, ҳовури чиқиб турган ёпишқоқ терини шу захотиёқ ҳозирда сувувчилар киядиган қалпоқча сингари, тутқуннинг янги қирилган тақир бошига кийгизиб қўйишарди. Мана шу — тери қоплаш дейлади. Бундай қийноққа дучор этилган қул ё даҳшатли азобларга дош беролмай ўлиб кетар, ё хотирасидан умрбод маҳрум этилиб, ўтмишини эслай олмайдиган қулга — манқуртга айлланиб қолар эди. Битта туянинг бўйин териси беш-олтита қалпоққа етади. Қалпоқ қоплагандан сўнг ҳалокатга маҳкум этилган ҳар бир қул, қийналганда бошини ерга тегиза олмасин учун, бўйнига ёғоч бўйинтуруқ боғлашарди. Шу алфозда уларнинг юракни эзувчи, қулоқни қоматга келтирувчи беҳуда дод-фарёдлари эшитилиб қолмасин, деб одамлардан йироққа, сувсиз, емишсиз, кимсасиз яйдоқ далага, оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда жазирама офтоб тигига элтиб ташлар эдилар. Бу қийноқлар бир неча кун давом этарди. Керакли жойларга соқчилар қалин қўйилиб, асирларнинг қабиладошлари уларни қутқаришга келиб қолишса, ўтказмаслик учун чора-тадбир кўриб қўйилган эди. Бироқ қутқазилган уринишлар жуда кам бўларди, чунки очиқ далада қилт этган шарпа дарҳол сезилиб қоларди. Бунинг устига, жўнгжанглар фалончини манқурт қилишибди, деган хабар тарқалганда, тутқуннинг энг яқин биродарлари ҳам уни қутқазилганга ёки пул эвазига қайтариб олишга уринмаёқ қўярдилар, негаки, бу ўша одамнинг қуруқ жасадинигина қайтариш деган сўз эди.

Фақат биргина найман волидаси — ривоятларда Найман она номи билан машҳур бўлиб кетган аёлгина ўз ўглининг бу тахлит аччиқ қисмати билан муроса қила олмади. Сариўзак афсонаси шу ҳақда. Она Байит — Онаизор макони қабристонининг номи ҳам шундан келиб чиққан.

Далага ташланган асирларнинг кўпи Сариўзак қуёши тигида даҳшатли қийноқларга дош беролмай ҳалок бўлган. Беш-олти манқуртдан битта ёки иккитасигина тирик қолган. Бошқалари эса очликдан эмас, ҳатто ташналикдан ҳам эмас, каллага қопланган терининг қуёш иссиғида қовжираб, қоқ мияни чидаб бўлмас даражада сиқини натижасида жон таслим қилар эдилар. Олов пуркаб турган қуёш остида териқалпоқ шафқатсиз равишда торайиб, қулнинг қирилган бошини темир чамбарак сингари жингиртоб қилиб қисарди. Орадан бир кун ўтиши билан жабрдийдаларнинг тақир бошида соч ниш ура бошлайди. Осиёликларга хос тикондай тик дағал сочлар баъзида хом терини тешиб чиқади, кўп ҳолларда эса, чиқишга йўл тополмай яна қайтадан қайрилиб, бош терисига қараб ўсарди ва аввалгидан ҳам баттар азоб берарди. Сўнгги синов давомида тутқунлар эс-ҳушларини буткул йўқотар эдилар. Орадан беш кун ўтгачгина жўнгжанглар келиб, тутқунлардан қай бири

тирик қолганини кўздан кечирарди. Ақалли битта тутқун тирик қолган бўлса ҳам, мақсадга эришилган ҳисобланарди. Бундай қулни қийноқдан бўшатиб, сув бериб, аста-секин кучга киритиб, оёққа турғизишарди. Бироқ у энди барибир одам саноғидан чиқарди, зўрлаб эс-ҳушидан жудо этилган қул — манқуртга айланарди, худди шунинг учун ҳам бундай қуллар ўнга соғлом тутқундан кўра қимматроқ турарди. Ҳатто шундай қонун-қоида ҳам бор эдики, ўзаро тўқнашувларда ўлдирилган битта манқурт учун бошқа эркин тутқунга нисбатан уч баробар ортиқ ҳақ ундириб олинарди.

Манқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, боғлиқ кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. Ўзининг инсоний қадр-қимматини идрок этолмаган манқурт хўжалик ишлари нуқтаи назаридан бир қанча афзалликларга эга эди. У нотавон ва забонсиз бир маҳлуқ бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткор ва беозор. Қочаман-қўяман деган ҳаёл унинг тушига ҳам кирмайди. Қулдор учун энг даҳшатли нарса — қулларнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган. Ёлғиз манқуртгина бундан мустасно, исён кўтариш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт. Бундай тушунчалар унга бегона! Унга соқчи қўйишга, айниқса бузуқ ниятли киши сифатида ундан гумонсирашга ҳожат йўқ. Манқурт худди ит каби фақат ўз эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ. Унинг фикри-зикри қорин тўйғазишда, шундан бошқа ташвиши йўқ. Аммо ўзига топширилган ишни ўйламай-нетмай, ўлар-тириларига қарамай, муқаррар бажо келтиради. Манқуртлар одатда энг паст, энг оғир ишларни бажаришга мажбур этилар ёки бўлмаса, уларга энг зерикарли, энг машаққатли, овсарларча сабр-тоқат талаб этиладиган машғулотлар топширилар эди. Кимсасиз Сариўзак яйловларидаги туялар подасидан бир қадам ҳам нарига жилмасдан, якка-ю ёлғиз яшашга маҳкум этилган манқуртгина бундай азоб-уқубатларга чидай олиши мумкин эди! Биргина манқуртнинг ўзи бундай олис жойларда бир қанча туячиларнинг ўрнини боса олар эди. Бор-йўғи нияти — қорни тўйса. Шунда у қишин-ёзин демай, ёлғизлик азобиغا ҳам, бошқа ҳар қандай маҳрумликларга ҳам парво қилмай, тинимсиз ишлайверади. Хўжайиннинг амри манқурт учун ҳам фарз, ҳам қарз. Унинг ўзига эса, хўрагу, дашти биёбонда музлаб қотиб қолмаслик учун кифоя қиладиган уст-бош бўлса бас. Бўлак ҳеч нарсани талаб қилмайди.

Инсоннинг фазилати, яратилганда бирга яратилиб, ўлганда яна ўзи билан бирга кетадиган ва бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган бирдан-бир ноёб фазилати — хотираси, ақли-дроки бўлса-ю, уни тағ-томири билан юлиб олсалар, ахир, бу қандай ёвузлик, қандай бедодлик? Ундан кўра тутқуннинг қалбини поралаб, истаганча зиён-заҳмат етказиб, ўлимга маҳкум этишлари ёки бўлмаса бир йўла бошидан жудо этишлари юз чандон яхши эмасми? Ўзларининг мудқиш тарихида хиёнэткор сифатида шуҳрат қозонган кўчманчи

жўнганлар энг муқаддас нарса — инсоннинг муқаддас инсонийлик моҳиятига ҳам чанг солдилар. Улар қулларни жонли хотирадан маҳрум этиш йўлини ўйлаб топдилар, бу билан бани одам зотига ақл бовар қиладиган ва бовар қилмайдиган ёвузликлар орасида энг қабиҳ жиноятга қўл урдилар.

Балки, шу боисдандир, манқуртга айлантирилган, ўглининг ғам-ғуссаси оловида қоврилган Найман она шундай фикр қилди:

«Бўталоғим, сени хотирангдан жудо этаётганларида, бошинга кўринмас териқалпоқ ўрнатиб, эс-ҳушингдан ажратаётганларида, ёнғоқ чақадиган қисқичдек бошинга кийдирилган туятери аста-секин қуриб-қовжираб бош чаноғини жингиртоб қилиб сиқаётганида, даҳшатли қўрқувдан кўзларинг косасидан ирғиб чиққанида, Сариўзак даштининг дудсиз оташи остида ўлим талвасаси билан олишиб, лабингни ҳўллашга ҳам еру кўкда бир томчи сув тополмай, ташналик азобида қоврилаётганинда, ҳатто борлиққа ҳаёт бахш этувчи хуршиди олам сенга сўқир, бало-қазо бўлиб, дунёдаги жамики юлдузлар қаро зулмат бўлиб кўрингандир?»

Тулпорим, жон азобидаги юракни ўртовчи оҳу фарёдинг саҳро узра фалакка кўтарилганда, илондай тўлганиб, бақириб-чақириб куну тун тангрига илтижо қилганинда, нажотсиз кўкдан мадад кутганинда, азоб-уқубат ичра нафасинг хиппа бўғилганида, огиз-бурнинга сув келиб аъзойи баданингдан тер чиқиб, ўша бадбўй ҳидга булганиб ётганинда, мўр-малахдай пашшалар тўдасига ем бўлиб эс-ҳушингни йўқотганинда бу дунёда барчамизни яратиб қўйиб, сўнгра унутиб қўйган тангрига жон-жаҳдинг билан лаънат ўқидингми?

Тулпорим, қийноқлардан майиб-мажруҳ бўлган ақл-идрокинга мангу тун чойшаби ёпилаётганда, хотиранг ришталари зўрлик билан юлиб-ситиб олиниб, ўтган умринг билан сени боғлаб турувчи халқлардан, жон талвасасида ўзининг ҳарён уриб она нигоҳини, ёз кунлари қирғоғида сен ўйнаб юрган тоғ жилғасининг шовуллашини унутаётганинда, шуурингни парчалаб, хотирангдан ўз номингни, отангинг номини ўчириб ташлаётганларида, атрофингда сен билан униб-ўсган одамларнинг чеҳралари сўнаётганида ва сенга уялиб-ийманиб табассум қиладиган маҳбубанинг жамоли қоронғилашаётганида, хотирасизлик жарига қулар экансан, ўз вужудида ҳомила пайдо этишга журъат этиб ва шу мудҳиш кун учун сени ёруғ дунёга таваллуд топтирган оназорингга лаънатлар ёғдиргандирсан?!..

Бу воқеа Осиёнинг кўчманчи жанубий сарҳадларидан сиқиб чиқарилган жўнганлар шимол сари ёпирилиб келиб, Сариўзак даштирини узоқ вақтгача эгаллаб, босиб олган ерларини кенгайтириш ва аҳолини қўлликка солиш мақсадида туб халқлар билан тинимсиз уруш олиб борган замонларда юз берган эди. Дастлабки пайтларда улар тинч аҳоли устига тўсатдан бостириб келганлари туфайли Сариўзак атрофида яшовчи кўп сонли кишиларни, шу жумладан аёлларни ва болаларни асир туширадилар. Қўлга тушган тутқунларнинг эса ҳаммасини қўлликка маҳкум этадилар. Бироқ келгиндиларнинг босқинчилик

ҳаракатига қарши кураш тобора кучая боради. Аёвсиз тўқнашувлар бошланади. Жўнганларнинг Сариўзакдан кетадиган сиёҳи сезилмасди, бильакс, улар чорва учун кенг-мўл яйловлари бўлган бу манзилга тиш-тирноқлари билан ёпишиб олдилар. Маҳаллий қабилалар эса ўз ерларини йўқотишни истамас, эртами-кечми боқинчиларни бу ердан ҳайдаб чиқаришга ўзларини ҳақли ва бурчли ҳисоблашарди. Алқисса, бундай катта-кичик жангларда гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли устун келиб туради. Аммо бундай урушлар орасида осойишта дамлар ҳам бўларди.

Осойишта дамларнинг бирида найманликларнинг юртига карвонда мол ортиб келиб қолган савдогарлар чой ичиб, гурунлашиб ўтираркан, ўзлари кўриб шоҳиди бўлган бир воқеани гапириб беришади. Айтишларича, Сариўзак даштининг жўнганлар томонидаги қудуқлар ёнидан бамайлихотир ўтиб бораётганларида йўлда каттакон туялар подасини ўтлатиб юрган бир навқирон чўпонга кўзлари тушиб қолади. Савдогарлар у билан гаплашмоқчи бўлиб оғиз очганларида чўпоннинг манқурт эканини пайқаб қоладилар. Сиртдан қараганда, чўпон соғлом йигитга ўхшар, бошидан нямалар кечгани ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Балки у ҳам қачонлардир бошқалар сингари эслихушли, сўзамол бўлгандир. Ун гулидан бир гули очилмаган, мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган, келбати келишган, аммо икки оғиз гаплашмоқчи бўлсанг, худди кеча туғилганга ўхшайди, бояқиш на ўзининг, на ота-онасининг исмини билади: жўнганлар уни қандай кўйга солишганини, уруғ-аймоқлари кимлигини ҳам унутиб юборган. Бирон нарса сўрасанг, лом-мим демайди, фақат «ҳа» ва «йўқ» деган жавобни беради доим бошига бостириб кийилган телпагидан қўлини туширмайди. Гуноҳ эканини билишса-да, жисмоний майиб-мажруҳларни ҳам одамлар мазах қилишади. Шундай манқуртлар ҳам бўлар эмишки, уларнинг бошига кийдирилган туя териси баъзан бош териси билан бирга қўшилиб ўсар эмиш ва ҳоказо, ҳоказолар хусусида сўз юритиб кулишади. Бундай манқуртларни, кел, бошингни буғлаб юмшатамиз, деб қўрқитишса, гуё бундан ортиқ жазо йўқдек, кўзлари қинидан чиқиб кетар экан. Асов от сингари депсиниб, бировнинг қўлини бошига яқинлаштирамас экан. Бу хил манқуртлар туну кун, ҳатто ухлаганда ҳам телпагини ечмас экан... Аммо лекин, суҳбатни давом эттиришарди меҳмонлар, манқурт ғирт аҳмоқ бўлса ҳам ишига пухта экан — токи биз унинг туяларидан ўзиб кетмагунимизча кўз-қулоқ бўлиб турди. Карвончилардан бири ўша манқуртни мазах қилмоқчи бўлиб сўради:

— Борар еримиз олис. Сендан кимга, қайси сулувга, қайси юртларга салом айтайлик? Айтавер яширмай. Эшитяпсанми? Балки, номингдан рўмол тортиқ қилайликми?

Манқурт йўловчига тикилганча узоқ вақт индамай турди-да, сўнг:

— Мен ҳар куни ойга тикиламан, ой эса менга тикилади. Аммо биз бир-биримизнинг овозимизни эшитмаймиз... У ёқда кимдир ўтирибди...— деди гўлдираб.

Гурунг пайти ўтовда савдогарларга чой қуйиб ўтирган бир аёл ҳам бор эди. Бу Найман она эди. Сарйўзак афсонасида у шундай ном билан қолди.

Найман она йўловчи меҳмонларга сир бой бермади. Бу хабарни эшитиб, ногоҳ даҳшатга тушганини, ранги-рўйи ўзгариб кетганини ҳеч ким сезмади. У савдогарлардан ёш манқурт тўғрисида яна нималарнидир сўраб-суриштиргиси келар, аммо худди мана шу нарса — яна ҳам кўпроқ нарсани билишдан ваҳимага тушарди. Найман она тилини тийди. Яраланган қушининг чинқироғи сингари қалб тугёнини ичига ютди... Бу орада суҳбат мавзуи ўзгариб, турмушда нималар бўлмайди, деганларидай бечора манқурт ҳақидаги ҳозиргина гаплашиб ўтиришган воқеани бутунлай унуттишди. Найман она бўлса бутун вужудини қамраб олган қўрқувдан ўзини тинчитишга, қўлларининг титроғини босишга ҳаракат қиларди. У энди кўпдан бери оқара бошлаган сочларига ташлаб юрадиган қора рўмолини манглайи узра юзига тушириб олган эди.

Савдогарларнинг карвони кўп ўтмай ўз йўлига равона бўлди. Ўша кеча тонг отгунга қадар турли ўй-хаёллар оғушига чўмган Найман она Сарйўзак даштидаги ўша манқурт чўпонни топиб, унинг ўғлими, йўқми эканига ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигини англади. Она кўнглини аллақачонлардан бери жанг майдонида қолган ўғлининг бедарак кетгани гаш қилиб келар эди, энди ўша гумон қайта кўзгалиб, уни даҳшатга сола бошлади... Бундай қийноқлару азоб-уқубатлардан бир умр гам чекиб, гумонсираб, хавотирланиб юргандан кўра, албатта, ўғлини бир эмас, икки бор кўмгани яхши эмасми?

Унинг ўғли Сарйўзак томонларда жўнганлар билан бўлган жангда шаҳид бўлган эди. Эри ундан бир йил муқаддам ҳалок бўлган Найман элида маълум ва машҳур киши эди у. Кейин ўғил отасининг ўчини олиш чун биринчилардан бўлиб жангга отланади. Бу элат одатида ҳалок бўлганларни жанг майдонида қолдириб кетиш номус саналади, қариндош-уруғлари жангчининг жасадини олиб кетишлари лозим. Бироқ бунинг иложи бўлмади. Ўша катта жангда қатнашганлардан кўпгина киши душман билан рўбарў келиб жангга киришганида Найман онанинг ўғли от ёлини қучоқлаганча йиқилганини, жанг суронидан чўчиган от уни олиб қочганини кўришган экан. Шунда йигит эгардан қулайди-ю, бир оёғи узангидан чиқмай, ўзи отнинг ёнида осилиб қолади. Бундан баттар хуркиб кетган от жон-жаҳди билан унинг жонсиз танасини чўл ичкарисига судраб кетади. Водариғ, от ғаним томон суриб кетади. Олатасир қиёмат кўпганига, ҳар бир жангчи кураш майдонида бўлиши лозимлигига қарамай, қочиб бораётган отни ва марҳумнинг жасадини зудлик билан қўлга киритиш учун қабиладошларидан икки киши отларни йўрттириб кетишади. Аммо шу пайт жўнганларнинг сой ичида пистирмада турган бир неча ҳайдар кокилли суворийлари қийқиришганча, йўлни кесиб чиқишади. Найманлардан бири шу заҳотиёқ камон ўқиға учиб ҳалок бўлади, иккинчиси эса оғир яраланиб ортга қайтади, сафдошлари ёнига



аранг етиб келиб шу ерда қулайди. Шу воқеа сабаб бўлиб, урушнинг ҳал этувчи энг қулай пайти жўнганларнинг ён томонидан зарба беришга шайланиб турган гуруҳлари пистирмада яшириниб ётганини вақтида сезиб қолишади. Найманлар қайта саф тузиб, яна жангга кириш учун шошилишча равишда чекинишади. Албатта, бундай қизгин жанг ичида Найман Онанинг ўғли — ёш жангчининг нима бўлганини суриштириб ўтиришга ким ҳам фурсат топибди, дейсиз. Отида чошиб келиб, ўз сафига аранг қўшилган ҳалиги ярадор найман йигитнинг кейинчалик онага айтиб беришича, ўглини судраб кетаётган отни қувлаб бораётганларида от номаълум томонга бурилиб кетиб, дарҳол кўздан ғойиб бўлган...

Жангчининг жасадини излаб найманлар неча кунлаб дала йўлларини кезиб чиқдилар. Бироқ на марҳумнинг жасадини, на олиб қочган отини, на тушириб қолдирган қурол-яроғини, на бошқа бирон белги-аломатни топа олдилар. Унинг ҳалок бўлгани ҳеч кимда шубҳа қолдирмаган эди. Боринки, ярадор бўлган тақдирда ҳам орадан ўтган кунлар орасида чўлда сувсизликдан ёки бўлмаса, қон кетишидан ҳалок бўлиши муқаррар. Ёш биродарларининг кимсасиз Сариўзак чўлида дафн этилмай қолиб кетгани аломатидан ҳасрат-надомат чекдилар. Бу ҳаммага иснод эди. Найман она ўтовидан овоз чиқариб йиғлашган хотин-халажлар эрлари ва оға инилари шаънига таъна тошларини ёғдирдилар:

— Унинг кўзларини қузғунлар чўқиди, шоқоллар гўштини бурдалаб кетди, энди сизлар қайси юз билан эл орасида бош кўтариб юрасизлар.

Уша кундан бошлаб Найман она учун еру кўк хувиллаб қолди. Тўғри, уруш қурбонсиз бўлмайди, буни она ҳам яхши тушунади, бироқ ўглининг жасади кўмилмасдан жанг майдонида қолиб кетгани унга сира ҳам тинчлик бермасди. Аччиқ қайғу, поёни йўқ ўй-хаёллар она қалбини поралар эди. Чексиз дард-андуҳини енгиллаштириш учун кимга айтиб, кимга зорлансин, ғам-андуҳини енгиллаштириш учун парвардигордан бўлак кимга ҳам илтижо қилсин...

Ўглининг ўлимини ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилмагунча, бундай мудҳиш хабарлардан қутулиб, жони жой топмас эди онанинг. Ушанда тақдирга тан беришдан бўлак чора қолмаган бўларди. Ўглининг оти ҳам дом-дараксиз кетгани кўнглини баттар хижил қиларди. От ҳалок бўлмаган, балки ҳуркиб қочган. У уюрдаги отлар сингари эртами-кечми, бир кун узангига осилиб қолган чавандоз жасадини судраб қадрдон жойига қайтиши керак эди. Шунда қанчалик даҳшатли бўлмасин она ўглининг жасади устида дод-фарёд қилиб, ўпкаси тўлгунча йиғлаб, кўнглини бир оз бўшатиб олган бўларди. У ўз қисматидан, бахти қаролигидан нолиб, юзларини тирноқлари билан юмдалаб тангрини лаънатлар эди. Ўглининг дараги чиққанида-ку, эртаю кеч ич-этини еб, гумонсираб кўнглида совуқ шубҳани кўтариб юрмаган бўларди. Худодан узоқ умр бергин, деб илтижо қилиб ўтирмасдан, орзу-умидларидан бир

йўла маҳрум бўлган ҳолда ўлимга тайёр туриб берган бўларди. Бироқ ўғлининг жасади топилмади, оти қайтиб келмади. Ҳар қандай йўқотиш бора-бора эсдан чиқарилгани сингари бу воқеа ҳам, вақт ўтиши билан уруғ-аймоқлари хотирасидан кўтарилди бошлади. Фақат у — ёлғиз онаизоргина бесару омон, бетоқат кутарди. Уй-хаёллар гирдобиди онанинг фикри чувалгани-чувалган. Отни қандай жин урди, эгар-жабдуқлари, қурол-яроғлари қаерда қолдийкин? Ақалли шулар топилганда ҳам ўғлининг аҳволи не кечганини тахминлаб англаб оларди. Ахир, жўнганлар Сариўзак даштининг бирон ерида қолдан тойган отни ушлаб олган бўлишлари мумкин. Яхшигина эгар жабдуқли, яна бунинг устига ўз оёғи билан келган тулпор нақд ўлжа-ку. Ундай бўлса узангида оёғи илиниб келган ўғлининг жасадини ганимлар нима қилишди — ерга кўмишдимми ё чўл даррандаларига емиш бўлдими? Борди-ю ҳали ўлмаган, фалакнинг гардиши билан тирик қолган бўлса-чи? Чала ўлик йигитни улар ҳалок қилишган ёнки яйдоқ далага қуруқ жасадини ташлаб кетишган бўлишса-чи? Ё... агар...

Гумон-шубҳаларнинг чеки йўқ эди. Сайёҳ савдогарлар чой ичишиб ўтиришганида, Сариўзакда учраган ёш манқурт ҳақида гап очиб Найман онанинг ўртанган юрагини баттар ўртаб, ярасига туз пепишганини ўзлари ҳам пайқашмаган эди. Она қандайдир фалокатни сезиб, юраги орқасига тортиб кетди. Уша манқурт менинг ўғлим бўлиб чиқса-я, деган ҳадик борган сари кучайиб унинг ақлу ҳушини, бутун вужудини тобора чуқурроқ, тобора кучлироқ чирмаб ола бошлади. Уша манқуртни излаб топиб, ўз кўзи билан кўриб, унинг ўз пушти-камаридан бўлган ўғли эмаслигига ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигига кўзи етган эди.

Найманлар ёзлик манзил қурган тоғ этагидаги адирларда жилгалар жилдираб оқади. Найман она сувнинг жилдираб оқишига туни билан қулоқ тутди. Онанинг исёнкор руҳига ва муножотига увчалик ҳамоҳанг бўлмаган сув нималарни шивирлаётган экан? Қалб таскинга муҳтож. Хайҳотдай гуңсоқов Сариўзак чўли сари равона бўлиш олдидан шошқин сувнинг мусиқасини тўйиб-тўйиб тинглашга орзуманд эди. Кимсасиз чўлга якка-ёлғиз бориш хавф-хатарли эканини она биларди, аммо шунга қарамай ўйлаган ниятини бирор кимсага айтишни, кўнгил ёришни истамасди. Барибир, дардинга дардманд бир кимсани тополмайсан ҳам. Ҳатто энг яқин кишилари ҳам унинг бу ниятини маъқулламаган бўларди. Аллақачонлар ўлиб кетган ўғлини излаб чиқиш на ҳожат. Мабодо аллақандай тасодиф туфайли ўғли ўлмай, манқуртга айлантирилган тақдирда ҳам, уни қидириб, пораланган юракни қайта поралаш на ҳожат?! Чунки манқурт аввалги одамнинг шунчаки ташқи қиёфаси, зоҳирий кўринишидан иборат, холос...

Уша кунни йўлга тушиш олдидан Найман она ўтовдан бир неча бор ташқарига чиқди, узоқ вақт тун қаърига тикилиб, атрофга назар ташлаб қулоқ осиб, ўй-хаёлларини бир ерга жамлаб олишга ҳаракат қилди. Ярим кеча. Мусаффо осмон тепага

келган ой қир-адирларни бир текисда оппоқ сутга чайиб олгандай нур таратиб турибди. Қир-адирларнинг ёнбағирларига сочилиб кетган оқ ўтовлар шовқин солиб оқаётган шўх жилғалар бўйига тунаш учун келиб қўнган қушлар галасини эслатади. Овулнинг этагига жойлашган қўй қўралари ва ундан нарида жилғалар бўйида ўтлаб юрган от уюрлари томондан итларнинг хуриши, одамларнинг гангур-гунгур овозлари эшитилиб турарди. Ҳаммадан ҳам овулнинг бериги томонидаги қиз-жувонларнинг бир-бирига жўр бўлиб куйлашидан Найман онанинг юраги жиз этиб кетди. Ўзи ҳам бир вақтлар туллари мана шу қизлар сингари ўлан айтарди... Янглишмаса, келин бўлиб тушганидан бери улар ҳар йил ёз мол-жони билан шу ерга кўчи келишарди. Бутун умри шу ерларда ўтган. Оилада одам сони кўплигидан улар бирданига тўртта ўтов тикишарди — бири ошхона, бири меҳмонхона, иккитаси ётоқхона бўларди. Кейин эса — жўнганлар истилосидан сўнг ҳувиллаган уйда ёлғиз ўзи қолди...

Мана энди эса у ҳам бу ёлғиз ўтовдан бадар кетмоқда... Кеча оқшомдаёқ сафар жабдуқларини бут қилди. Егулик ва ичгулигини ғамлади. Айниқса, сувни мўлроқ олди. Сариўзакнинг чўлида қудуқ топилай қолгудай бўлса дегандай, ҳар эҳтимолга қарши икки мешни тўлдирди. Кеча оқшомдаёқ совлиқ туя Оқмояни шай қилиб қозикқа боғлаб қўйган эди. Умиди-ишончи ҳам, бирдан-бир ҳамроҳи ҳам ўша. Оқмоянинг куч-қувватига-ю, йўрғасига ишонмаганда Сариўзакдек соқов чўлга йўл олишга журъат эта олармиди? Оқмоя икки бор болалагандан сўнг ўша йили қисир қолиб, обдан дам олган. Унинг айни авжи кучга тўлиб, минишга қўл келиб турган кезлари эди. Озгин, чайир оёқлари узундан келган, товонлари юмшоққина, қариллиги оғир юкдан ҳали толиқмаган, қўш ўркачи, камондек эгилиб келган бақувват бўйнию боши келишмили, капалакнинг қўш қанотидек дириллаб, енгил елиб, йўл-йўлакай ҳавони сипқариб бораётган Оқмоя бебаҳо туя бўлиб, унинг бир ўзига бутун бир уюрни алиштирса арзир эди. Бундай йўрға туя айни авжи кучга тўлганида, ундан насл олиш мақсадида ҳамёнини аямаган кишилар четдан излаб келишарди. Найман она қўлидаги сўнгги хазина, бор бисотидан қолган ягона ёдгорлик эди бу туя. Қолган бойликларининг кули кўкка совирлиди. Топган-таянганини қарзга тўлади, урушда ҳалок бўлган фарзандларининг қирқию, йиллик маърака ошларига сарфлади... Мана, ҳозир ғам-ғуссага тўлиб, ўзини қўярга жой тополмай, тонг отиши билан излаб чўлга чиқмоқчи бўлиб турган ўғлининг ҳам сўнгги маъракасини ўтказди, ўтказгандаям яқин-атрофдаги Найман уруғларининг барчасини чақирган ҳолда, каттагина қилиб ўтказди.

Найман она эрта тонгда ўтовдан чиқди. Чиқди-ю остона ҳатлаганича эшикка суяниб, уйқуга чўмган овулга нигоҳ ташлаб, ўйлиниб туриб қолди. Ҳозир у мана шу қадрдон овулни ташлаб йўл тортади. Ҳали ҳам аввалги қадди-қоматини, гўзаллигини йўқотмаган Найман она олис сафарга жўнаётган кишилар

сингари белини маҳкам боғлаб олган эди. Оёғида ўкчали этик, эғнида чалвор, кўйлагги устидан енгсиз камзул кийиб, устига чакмон ёпиниб, бошини оқ рўмол билан маҳкам танғиб олган. Модомики, ўғлимни тирик кўриш насиб қилармикан, деган умидда йўлга чиққан эканман, мотам либоси кийишга на ҳожат, мабодо умидим рўёбга чиқмаса, кейин ҳам ўла-ўлгунча қора рўмол ўраб юришга улгураман-ку, деб ўйлади она. Ҳаёт уринишлари она қалбига ўз муҳрини босиб улгурган эди. Субҳи ҳозик шу лаҳзаларда қайғу-алам чекавериб ҳасратда доғ бўлган онанинг оқ оралаган сочларию юзларидаги чуқур ажинларини яшириб турганди. Она кўзларига ёш олиб, оғир хўрсинди. Бошида бундай савдолар борлигини ўйлаганмиди, билганмиди? Бироқ у дарҳол ўзини қўлга олди, «Ашҳади анлоилаҳа оллоҳу» деб пичирлаганча калима қайтарди. Сўнг туяси томон шаҳдам одимлаб бориб, уни чўктирди. Оқмоя жаҳли чиққанидан эмас, балки шунчаки, одатга кўра секин бақириб қўйди-да, бемалол кўкрагини ерга бериб чўкди. Найман она хуржунларини иккала ўрқач оралиғига орта солиб, ўзи ҳам дарҳол туянинг устига чиқиб ўтириб олди ва қани, бўлақол, дегандай уни ниқтаб қўйди. Туя у ён-бу ён кўзгалиб тура бошлаганда Найман она гўё қанот боғлаб заминдан учиб кетгандай бўлди. Узоқ сафарга йўл олаётганларини Оқмоя энди тушунди...

Найман онанинг овулдан чиқиб кетаётганини узатишга чиқиб, уйқуси очилмай эснаб турган қайнсинглисидан бошқа ҳеч ким сезмади. Она унга кеча оқшомдаёқ турқунлари — қизлик кезларидаги қариндош-уруғлариникига меҳмонга кетаётганини, агар у ердан зиёратга бораётганлар билан учрашиб йўли тушиб қолса, бирга-бирга қипчоқлар манзилига, ҳазрати Яссавий мақбарасини зиёрат қилиб келишга бормоқчи эканини айтган эди...

Найман она одамлар сўраб-суриштириб бошини қотирмасин деб барвақтроқ йўлга чиққанининг сабаби ҳам шунда эди. Овулдан узоқлашиб бораркан, Найман она Сариўзак дашти томон бурилди, уни олдиндан гира-шира кўзга ташланган тун, чексиз чўл кенгликлари кутарди...

...Оқмоя неча кундан бери Буюк Сариўзак даштининг қир-адирларию сойликлари бўйлаб пишқирганча, бир маромда йўртиб борарди. Найман она ҳамон уни қайноқ қумлар устидан қичаб, қамчилаб ҳайдашда давом этарди. Улар йўлда дуч келиб қолган бирорта қудуқ бошида кечаларигина тўхташарди. Тонг отиши билан яна оёққа туриб қат-қат ястаниб кетган Сариўзак адирларини кезиб, катта туялар тўдасини излашарди. Ҳалиги савдогарларнинг айтишларига қараганда, улар туячи манқуртни Сариўзак чўлининг худди мана шу қисмида олис-олисларга чўзилиб кетган Малақумдичоп жарлиги этагида кўришган. Найман она худди мана шу манқуртни излаётган эди. Мана икки кундирки, она жўнганларга йўлиқиб, атрофга олазарак бўлиб

<sup>1</sup> Оллоҳдан ўзга оллоҳ йўқ.

қараб, Малақумдичоп жарлигининг у ёқ-бу ёғини айланиб юрар, аммо у қаёққа кўз югуртирмасин, қаерни изламасин, фақат чексиз дашти-биёбонларга, алдоқчи саробларга дуч келарди, холос. Бир сафар шундай саробга дуч келиб алданди, олисдан мачитларию қалъа деворлари билан муаллақ ҳолда элас-элас кўринган шаҳарга кўзи тушиб у томон йўл олди ва илон изи сўқмоқлардан ўтиб, йўл босса ҳам мўл босди. Ўғлим балки ўша шаҳарда, қуллар бозорида учраб қолармикан, деб умид қилган эди, бояқиш. Қанийди, шундай бўлса, ўғлини Оқмоёга мингаштириб оларди-да, Найман яйлови қайдасан, деб дарҳол жўнаб қоларди, қани шунда уларга етиб олишсин-чи... Чўли азимда ёлғиз юравериб ҳолдан тойган кўзига сароб кўринган эди.

Аслида Сариўзак чўлларида одам зотини излаб топиш амримаҳол, бу ерларда одам қум заррасидай гап. Аммо катта майдонда каттакон уюр ўтлаб юрган бўлса, уни кўрмасдан бўлармиди, албатта. Аввало битта-иккита туянинг қораси чалинса, сўнг қолганлари кўзга ташланади. Уюр топилдими, туячи ҳам топилди, деган сўз. Найман онанинг кўзлаган умиди шу эди.

Бироқ ҳали ҳеч нарсадан дарак йўқ. Вақт ўтган сари Найман она хавотирлана бошлади, уюрни бошқа томонларга ҳайдаб кетишмаганмикин ёки жўнганлар бу туяларни кўтарасига сотиш учун Хива ёки Бухоро бозорларига ҳайдаб кетишмаганмикин? Агар улар шунчалик олис ерга кетишган бўлса, ҳалиги туячи яна қайтиб келармикин ёинки туя билан қўша сотилиб ном-нишонсиз кетармикин?.. Ўғлимни тирик кўрсам, манқурт бўлса ҳам, ақлдан озиб ҳеч нимани эслай олмайдиган меров бўлиб қолган бўлса ҳам майли, ўша чўпон ўғлим ишқилиб жони омон бўлса, бас... Шунга ҳам минг қатла шукур — соғинчу гумонлардан жони бўғзига келган онанинг овулдан чиқиш олдидаги биргина умиди шу эди. Бироқ она Сариўзак сари ичкарилаб, ҳалиги карвон тортган савдогарлар биз туячи манқуртни шу ерда кўрдик, деган мўлжалга яқинлашиб борар экан, ўғлимнинг ўрнига овсар ва мажруҳ бир кимсага дуч келиб қолсам ҳолим не кечади, деб дили хуфтон бўлаверди. Шунда у яна худодан ёлвориб сўрадики, агар ундай бўлса, ўша манқуртнинг ўғлим бўлиб чиқмасдан бошқа бир бахтиқаро гумроҳ бўп чиққани маъқул, ўшанда мен ҳам: «Ўғлим энди йўқ, у ўлган экан», деб тақдирга тан берган бўлардим. Ҳозир эса онанинг нияти ўша манқуртни бир кўриш, фарзанди эмаслигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг яна ортга қайтиш эди, шунда шубҳа-гумонлардан эзилиб, азоб чекиб юрмайди, тақдир яна нимани раво кўрган бўлса, шукрона айтиб яшайверади... Соғинчдан тутдек тўкилган юрак бунга ҳам бардош бера олмади, дашти биёбонни кезиб юриб, нима бўлса ҳам, бирон кимсани эмас, балки ўз дилбандини топиш иштиёқи она қалбини чулғаб олган эди...

Мана шундай минг хил ўй-хаёллар ва шубҳалар оғушида бо-

раркан, она ясси қум тепаликларидан ошаётиб ногаҳон кўп сонли туялар уюрини кўриб қолди: кўнғир туста кириб семириб кетган юзлаб туялар майда буталару янтоқларнинг учларини кемириб, кенг майдонда ўтлаб юришади. Найман она Оқмоясига қамчи босиб, чоптириб кетди. Уюрни излаб топганидан қувончи ичига сиғмай нафаси бугзига тиқилди. Аммо шу заҳотиёқ манқурт қилиб қўйилган ўглини кўришни эслаб, қўрққанидан аъзойи бадани музлаб кетди. Сўнг юраги яна қувончга тўлди ва шу билан не аҳволга тушганини ўзи ҳам англамай қолди.

Мана туялар ўтлаб юрибди, аммо туячи қаерда экан? Ҳар ҳолда, шу атрофда юргандир. Шу пайт яйловнинг чеккасида одамнинг қораси кўринди. Олисдан унинг кимлигини таниб бўлмасди. Туячи узун таёғига суянган ҳолда ортидаги юк ортилган туясининг тизгинини ушлаб, қош устига бостириб кийган телпаги остидан онанинг яқинлашиб келаётганини бамайлихотир кузатиб турди.

Найман она туячига яқин келиб уни таниди-ю, туясидан қандай тушганини билмай қолди. Йиқилиб тушдими, сурилиб тушдими — шу топда онага бунинг аҳамияти йўқ эди!

— Ўғилгинам, қароғим! Сени изламаган жойим қолмади! — деб ўгли томон талпинди. — Мен сенинг онангман!

Бирдан она аҳволни тушунди. Тушунди-ю, депсиниб қичқирганча йиғлаб юборди. Алам ва даҳшатдан лаблари дириллаб, шунча уринса ҳам ўзини қўлга ололмасди. Йиқилиб тушмаслик учун лоқайд ўглининг елкасига ёпишиб олиб, қачонлардан бери хавф солиб турган, энди эса уни босиб тушган тоғдай ғам юки остида эзилиб фарёд чекар, кўз-ёшлари селдай оқарди. Она бўзлаб йиғлар экан, кўз-ёшлари орасидан, ҳўл бўлиб чаккаларига ёпишиб қолган бурулма соч толалари орасидан, юзларини чанг билан булаган қалтироқ бармоқлари орасидан фарзандининг таниш қиёфасига боқар, унинг ўзига нигоҳ ташлашини орзиқиб кутар ва мени таниб қолар, деб умид қилар эди. Ахир, туққан онасини таниб олиш қийин эмас-ку!

Бироқ онанинг келгани унга гўё ҳар доим ёнида юргандай, заррача таъсир қилмади. У ҳатто онадан кимсан, нега йиғла-япсан, деб сўрамади ҳам. Маълум лаҳзалардан сўнг туячи онанинг қўлини елкасидан суриб ташлаб, устида юк бор туясини етаклаганча одимлаб кетди: у шўхлик қилиб бир-бирлари билан ўйнашаётган бўталоқлар уордан узоқлашиб аж-ралиб кетмасин, деб туялар тўдасининг нариги чеккаси томон йўл олган эди.

Найман она букчайиб ўтириб қолди, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади ва шу ўтиришда юзини чангаллаганча бош кўтармай узоқ қолиб кетди. Сўнг бор кучини тўплаб, ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб, ўгли томон юра бошлади. Манқурт ўгли ҳеч нимани кўрмагандай, билмагандай, пинагини бузмасдан, бостириб кийиб олган телпаги остидан маъносиз ва лоқайдлик билан қараб турарди. Чўл шамолида қорайиб, дағаллашиб кетган юзида хиёл жилмайиш пайдо бўлди. Аммо кўзлари дунёни тарк этган кишининг кўзларидай лоқайд боқарди.

— Утир, гаплашамиз,— деди оғир хўрсиниб Найман она. Улар ерга чўкдилар.

— Мени танияпсанми? — сўради она?

Манқурт йўқ дегандай бошини чайқади.

— Отинг нима?

— Манқурт,— деди у.

— Сени ҳозир шундай деб аташади. Аввалги отинг эсингдами? Асли исмингни эслаб кўр-чи.

Манқурт жим қолди. У ҳақиқий исмини эшлашга ҳаракат қилаётганини, қийналганидан қаншари устида мунчоқдек тер томчилари пайдо бўлиб, кўз ўнгини туман қоплаганини она кўриб турди. Аммо қарбисиди қандайдир тўсиқ пайдо бўлди-ю уни ениб ўтишга қўрби етмади...

— Отангинг отини биласанми? Ўзинг кимсан? Эл-юртинг қаерда? Қаерда туғилганингни биларсан ахир?

Йўқ. Манқурт ҳеч нимани тушунмасди, ҳеч нарсани эслай олмасди.

— Ҳали шунчалик аҳволга солишдими сени! — дея пичирлади она.

У нажотсизликдан лаблари титраб, ғам-ғуссаю қаҳр-ғазабдан ўзини тия олмай яна қайтадан ўксиниб-ўксиниб йиғлади, тинчланишга беҳуда уринар эди, холос. Онанинг оху-фигонига манқурт пинагини ҳам бузмади.

— Ердан маҳрум этиш мумкин, мол дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш ҳам мумкин, — дерди она ўз-ўзича гапириб,— бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан, бунга кимнинг қўли борди экан?! Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бу ёвузликни қандай раво кўрдинг? Ер юзиди усиз ҳам ёвузлик каммиди?

Она манқурт ўғлига қараб туриб, қуёш, худо ва ўзи тўғрисида тўқиган машҳур марсиясини айтди. Сариўзак воқеалари ҳақида гап очилиб қолганда, билган кишилар, ҳанузга қадар Найман онанинг ўша сўзларини бир-бирларига ривоят қилиб айтиб юришади...

Шунда она манқурт машҳур марсияни бошлади, билган кишилар бу сўзларни ҳозирга қадар эслаб юришади:

Тулубин келиб искаган,

Бўтаси ўлган бўз мояман...

Она қалбидан отилиб чиққан дод-фарёд оҳанги кимсасиз, ҳад-худудсиз Сариўзак чўлини ларзага солгандай янграб турди...

Бироқ бу нола-фарёд манқуртнинг тўпиғига ҳам чиқмади. Шунда Найман она сўраб-суриштиришлар билан эмас, балки ақлини ковлаш, қитиқлаш билан эс-ҳушини ўзига келтирмоқчи бўлди.

— Сенинг отинг Жўломон. Эшитдингми? Сен Жўломонсан, отангинг оти — Дунанбой. Отангни эслай олмайсанми? Ахир, у сени болалик чоғингдан камон отишга ўргатган. Мен сенинг

онангман. Сен эса менинг ўғлимсан. Сен найман уруғидансан, тушундингми? Сен наймансан...

Онасининг ҳамма гапларини ўғил аввалгидай мутлақо лоқайдлик билан эшитди. Она гўё деворга гапираётгандай эди. Оңанинг сўзлари карнинг қулоғига азон айтгандай гап эди.

Найман она манқурт ўғлидан сўради:

— Бу ерга келганингда қадар нималар бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди ўғил.

— Кечасимиди ё кундузимиди?

— Ҳеч нарса, — деди у.

— Ким билан гаплашгинг келади?

— Ой билан. Бироқ бир-биримизнинг гапимизни эшитмаймиз. У ерда кимдир ўтирибди.

— Яна нимани истагинг келади?

— Хўжайинимнинг бошидаги сингари кокил қўйишни.

— Қани, бери кел-чи, бошингни бир кўриб қўяй, улар нима қилиб қўйишганини, — деб она унга томон талпинди.

Манқурт шартга тисарилиб, ўзини олиб қочди, бошидаги телпагини чангаллаган бўйича қайтиб онага боқмади. Бош ҳақида ҳеч қачон сўз очиш мумкин эмаслигини она энди тушунди.

Шу пайт олисда туя минган кишининг қораси кўринди. У шу ёққа томон келаётган эди.

— Бу келаётган ким? — сўради она.

— У менга овқат олиб келяпти, — деди ўғил.

Найман она ташвишга тушди. Бевақт пайдо бўлиб қолган бу жўнгжангнинг кўзига чалинмаслик учун тезроқ ғойиб бўлиши керак эди. У туясини чўктириб, дарҳол миниб олди.

— Сен унга ҳеч нарса айтмагин. Мен тезда қайтиб келаман, — деди Найман она.

Ўғли лом-мим демади. Унинг парвойи палак эди. Ўтлаб юрган туялар орасидан қочиб бораётган Найман она хато иш қилиб қўйганини тушунди. Бироқ вақт ўтган эди. Оқ туяга миниб бораётган онани жўнгжанг кўриб қолиши мумкин эди. Оқмоясини стаглаб ўтлаб юрган туялар орасидан беркиниб яёв жўнаган маъқул эди.

Яйловдан хийла олислаб кетгач, Найман она четларида эрман-шувоқлар ўсиб ётган жарликка кириб борди-да, Оқмояни чўктириб кузата бошлади. Гумони тўғри чиқди, пайқаб қолган экан. Кўп ўтмай, туясини йўрттириб келаётган ҳалиги жўнгжангнинг қораси кўринди. У найза ва ўқ-ёй билан қуролланган эди. Жўнгжанг, ҳалиги оқ туя миниб олган қаёққа ғойиб бўлди, дегандай атрофга аланглаб қарар эди ҳайратланиб. У қайси томонга қараб юришини билмай, гангиб қолган эди. Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа туя чоптириб ўтди. Ниҳоят, жарликка жуда яқинлаб келди. Яхшиямки, Оқмоянинг тумшуғини рўмол билан боғлаб қўйиш эсига келган экан. Акс ҳолда, у бўкириб ёки пишқириб юбориши ҳам мумкин эди. Найман она жарлик ёқасидаги эрман орасига яшириниб олган жойидан жўнгжангни энди аниқ кўра бошлади. У бароқ туя устида атрофга олазарак



бўлиб қарарди, кўпчиб кетган юзлари жиддий тусда, бошидаги қора қалпоғининг иккала учи тепага қайрилиб кетган, гўёки қайиқни эслатарди. Бошининг орқа томонидан эса бир ўрам қоп-қора ҳайдар кокили ялтираб осилиб турарди. Жўнганг узангида тик туриб, найзасини ўқталганча кўзларини чақчайтириб атрофга назар ташларди. Бу одам Сариўзакни босиб олиб, қанчалаб аҳолини қул қилиб ҳайдаб кетган, онанинг оиласига ҳам чексиз кулфатлар келтирган ганимлардан бири эмасми? Мана шу қутурган йиртқич ёвга қарши ёлғиз она — қурол-яроғсиз аёл нима ҳам қила оларди? Инсонни хотирасидан маҳрум этишдек шафқатсизлигу, ваҳшийликка уларни қайси турмуш, қайси воқеа-ҳодисалар мажбур этди экан, деб ўйларди ожиз қолган она ўзича...

Жўнганг у ёқ-бу ёққа зир югуриб ҳеч нимани учратмагандан сўнг тезда ортга, туялар тўдаси томон қайтди.

Кеч кириб қолган эди. Қуёш ботган бўлса ҳам осмонни оловлантириб турган шуъласи алламаҳалгача дала юзини ёритиб турди. Сўнг бирдан қош қорайиб, борлиқни тун зулмати қоплади.

Найман она бу тунни танҳо ўзи бечора манқурт ўғли яқинида даштда тунаб ўтказди. Ўғлининг ёнига боришга чўчиди, ҳалиги хавфсираб қолган жўнганг кечаси уюр олдида қолиши ҳам мумкин.

Ўғлини қулликда ташлаб кетмай, бир амаллаб бирга олиб кетишга қарор қилди она. Ўғли манқурт бўлса ҳам, майли, ҳеч нимани тушуниб, англаб етмаса ҳам майли, кимсасиз чўлда, жўнгангларнинг туясини боқиб хор бўлиб юрганидан кўра ўз уйида, ўз одамлари орасида яшагани яхши эмасми? Она қалби шунини истарди. Бошқалар тақдирга тан бериб кетиши мумкин бўлган ҳолга она сира ҳам кўна олмасди. У ўз қони ва жонини, кўз қорачигини қулликда қолдириб кетишни сира-сира истамасди. Балки боласи ўз ерида ҳушига келиб, болалик кезларини эслаб, барча кўрган-кечирганларини қайта тиклаб олар, дея умид қиларди.

Эртасига эрталаб Найман она Оқмоёга миниб яна йўлга тушди. У бу ердан хийла узоқлашиб кетган эди. Излаб, айланма йўллардан эҳтиёткорона ўтиб, узоқ йўл босди. Туяларни кўргандан кейин ҳам жўнганглардан биронтаси кўриниб қолмасин, деб узоқ вақт кузатиб турди. Ҳеч кимнинг йўқлигига кўзи етгач, ўғлининг отини айтиб чақирди.

— Жўломон! Жўломон! Омонмисан?

Ўғли бурилиб қараган эди, она қувончидан бақириб юборди, аммо шу заҳотиёқ, ўғли шунчаки, овоз чиққан томонга қараганини пайқаб қолди.

Найман она ўғлининг хотирасини тиклашга яна уриниб кўрди.

— Отинг нима, эслаб кўр-чи! — дея ялиниб-ёлвориб ишонтиришга ҳаракат қиларди у. — Отангнинг оти Дўнанбой, билмайсанми уни? Сенинг исминг манқурт эмас, Жўломон. Байманларнинг яйловига кўчиб бораётганимизда йўлда тутилгансан. Шунинг учун отингни Жўломон қўйганмиз. Сен

тугилганинда биз ўша ерда қолиб уч кеча-ю, уч кундуз тўй-томоша қилганмиз. — Бу гаплар манқурт ўғлига заррача таъсир этмаётганини билса ҳам, барибир она унинг сўнган хотирасидан нимадир йилт этиб кўриниб қолар, деган умидда беҳуда уринарди. Аммо у деворга гапираётгандай эди. Шунга қарамай, ўтган-кетганлардан гапириб, ҳадеб ўзиникини такрорлайверди.

— Отинг нима, эслаб кўр! Отангинг оти Дўнанбой!

Сўнг она ўзи билан олиб келган таомлардан едириб-ичириб бўлгандан сўнг, алла айта бошлади.

Алла манқуртга маъқул келгандай бўлди шекилли, қулоқ солиб тинглаб ўтирди. Қорайиб, униқиб кетган юзига қандайдир илиқлик югургандай бўлди. Шунда она ўглини бу ердан — жўнгжангларнинг измидан ўз тугилиб ўсган қадрдон ерига бирга олиб кетишга кўндиришга киришди. Манқурт эса туяларни қолдириб, қаёққадир бош олиб кетишни миясига сингдира олмади, йўқ, хўжайиним туялардан бир қадам ҳам жилмайсан деб буюрган, шунинг учун уюрни ташлаб бирон ёққа кетмайман...

Чиқмаган жондан умид деганларидай, Найман она барбод этилган хотира эшигини очиб киришга қайта-қайта ҳаракат қиларди:

— Эслаб кўр-чи, кимнинг ўғлисан? Отинг нима? Отангинг оти Дўнанбой!

Ўғлини ҳушига келтириш учун беҳуда уринаётган она ордан қанча вақт ўтганини ҳам пайқамай қолди, шу маҳал уюр чеккасидан яна ўша жўнгжанг туя миниб келаётганини кўриб, эси чиқиб кетди. Бу сафар жўнгжанг жуда яқин келиб қолганди, юриши ҳам жуда илдам. Найман она тезда Оқмоёга мина солиб, қочиб қолди. Бироқ яйловнинг нариги томонидан яна бир жўнгжанг туя йўрттириб онанинг йўлини кесиб чиқди, шунда Найман она туясида уларнинг ўртасига қараб солди. Бедов олға томон елдай учиб кетди, ордан таъқиб остига олган жўнгжанглар бақиришиб-қийқиришиб, найзаларини силтаб, дағдаға қилганча уни қувлаб боришарди. Бироқ Оқмоёга етмоқ қаёқда? Уларнинг ҳарсиллаб чарчаб қолган туялари орқада қолиб кетди. Оқмоё бўлса тобора қизишиб, нафасини ростлаб, Найман онани ўлимдан қутқарганча Сариўзак чўллари бўйлаб қушдай учиб борарди.

Ҳазабланган жўнгжанглар қайтиб келгандан сўнг манқуртни роса дўппослаганини она билмасди. Аммо дўппослагани билан манқурт нимани ҳам биларди. У ҳадеб бир гапни такрорларди.

— У сенинг онанг бўламан, деб айтаяпти.

— Ҳеч қанақа онанг эмас у! Сенда она йўқ! Бу ёққа нима учун келганини биласанми? Биласанми?! Телпагингни сидириб олиб, бошингни қайноқ сувга солгани келган! — деб баттар қўрқита бошлашди жўнгжанглар шўрлик манқуртни.

Бу сўзларни эшитиб, манқуртнинг қорамтир юзлари бўздай оқариб, кўкариб кетди, қўллари билан телпагини чангаллаб бўйинини елкалари орасига қисиб, худди йиртқиқдай ола-кула атрофга қарай бошлади.

— Сен қўрқмагин! Мана буни ушла! — деб жўнгангнинг каттаси манқуртга ўқ-ёй тутқазди.

— Қани мўлжалга ол-чи! — кичик жўнганг қалпоғини осмонга отди. Ўқ қалпоқни тешиб ўтди. Ўқ-у, — ажабланди қалпоқ эгаси. — Қўлида хотира сақланиб қолибди!

Уясидан чўчитиб учириб юборилган қуш каби Найман она Сариўзак чўлларига оёғи куйган товуқдай елиб-югурарди. Энди нима қиларини, нимага умид боғлашини билмасди. Жўнганглар энди нима қилишаркин? Утовдаги туяларни, манқурт ўглини она етиб бора олмайдиган бошқа ерларга, ўзларининг катта ўрдаларига яқин жойга ҳайдаб кетишармикин ёки уни қўлга тушириш учун пайт пойлаб ётишармикин? Минг хил хаёлларга ғарқ бўлган она боши қотиб, пастқам йўллардан ўтиб бориб, яйлловни синчковлик билан кузатаркан, ҳалиги иккита жўнганг уюрни ташлаб кетиб бораётганини кўрди-да, қувониб кетди. Улар ўнгу сўлига қарамасдан ёнма-ён кетиб боришарди. Найман она узоқ вақт кўз узмай турди, қачонки уларнинг қораси кўринмай қолгач, ўгли томон йўл босиб қандай бўлмасин, уни ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлди. У ким бўлса ҳам майли, тақдир бошга шундай қора кунларни солиб, душманлар шунчалик таҳқир этган экан — бу унинг айби эмас. Майли, овсар бўлса ҳам ўглини қулликда, асоратда қолдириб кетмайди. Босқинчилар тутқун этилган фарзандларимизни майиб-мажруҳ қилганларини, хўрлаб, ақддан оздириб, нотавон бир аҳволга солиб қўйганларини найманлар кўриб қўйсин-да, ғазабдан, ор-номусдан қўлга қурол-яроғ олсин. Гап босиб олинган ерда эмас. Ер ҳаммага етиб ортади. Аммо лекин, жўнгангларнинг ёвузлигини сира ҳам кечириб бўлмайди, уларнинг хиёнаткорлиги етти ёт қўшни бўлиб ҳам яшаш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди...

Она ўгли томон борар экан, шу кечасиёқ бу ердан кетиш зарурлигини унга қандай қилиб тушунтирсан экан, деб йўл-йўлакай ўйлар эди.

Қош қорая бошлади. Қанчалаб ўтган ва ўтиши лозим бўлган сон-саноқсиз тунлар сингари ложувард — қизғиш шуўлага чулганган тагин бир тун сойликлару водийлар узра буюк Сариўзак саҳросини босиб кела бошлади. Оқмоя катта уюр томон бекасини елдириб борарди. Ботаётган қуёш шуўлалари қўш ўркак ўртасида ўтириб олган она қиёфасини баралла кўрсатарди. У жиддий тусда, юзларининг қони қочган ҳолда ҳушёр тортиб, хавотирланиб ўтирарди. Сочлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, ғам-ғуссали кўзига эса Сариўзак хуфтони сингари ғам-ташвиш чўккан эди... Мана, у уюрга ҳам етиб бориб, ўтлаб юрган туялар орасидан ўтиб кузата бошлади. Бироқ ўгли кўринмасди. Туяси эса тизгинини чувалантириб судраганича бемалол ўтлаб юрарди. Нима бўлди экан унга?

— Жўломон! Қулуним Жўломон, қанисан? — деб чақира бошлади Найман она.

Қилт этган жон кўринмади, ҳеч қандай овоз эшитилмади.

— Жўломон! Қаердасан? Бу мен, онанг бўламан! Қаердасан? Она ташвиш ичида атрефга олазарак боқар экан, манқурт

Ўгли туясининг соясига беркиниб, тиззалаб ўтирганича камонни таранг тортиб мўлжалга олаётганини пайқамай қолди. Фақат у қуёш нури кўзини қамаштираётгани сабабли қулай вазиятни кутаётган эди.

— Жўломон! Болагинам! — деб чақирди она ўглини, бирон ҳодиса юз бермадимикан деб ташвишланиб. Сўнг эгарда ўтирганча ўгирилиб қараган эди, ўзини мўлжалга олиб турган ўглига кўзи тушиб қолди. Шу заҳотиёқ Оқмоёни буриб чап бермоқчи бўлган ҳам эдики, визиллаб келган ўқ унинг чап қўлтигининг остига санчилди. Она: «Отма!» дейишга улгурди, холос.

Бу ўлим зарбаси эди. Найман она икки букилди ва Оқмоёнини бўйнига ёпишганча шилқ этиб тушди. Лекин ундан олдинроқ бошидан оқ рўмол учиб кетди, ҳавода қушга айланиб чирқирай бошлади: «Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр. Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой! Дўнанбой! Дўнанбой!...»

Ушандан бери Сариўзак дашти тепасида ҳар куни кечаси Дўнанбой деган қуш учиб юради, дейишади. Ўша қуш йўловчига дуч келиб қолса: «Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Эслаб кўр! Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой!...» деб садо чиқарар экан.

Шундан бери Найман она дафн этилган ўша жой Сариўзак музофотида Она Байит қабристони — Онаизор макони деб аталади...

\*\*\*

Эдигей соқолини селкилатиб осмонга қараркан, фалакда парвоз қилиб юрган калхатга кўзи тушди. «Оққуйруқ улкан экан, — дея ўйлади ўзича. — Эҳ, қани калхатга айланиб қолсам, ким йўлимни тўса оларди, бемалол учиб бориб, Она Байит мақбарасига кўнардим!...» Шу пайт олдинда, яқинлашиб келаётган машинанинг овози эшитилди. «Келяпти! — дея хурсанд бўлиб кетди Эдигей Бўрон. — Ишқилиб, ишимиз ўнгидан келсин-да!» — «Газик» кўтарма говнинг ёнига шитоб билан келди-да қоровулхона эшиги олдида таққа тўхтади. Қоровул машинанинг яқинлашишини кутаётганди. У шу заҳотиёқ қадинни ғоз тутиб, «Газик»дан тушган қоровуллар бошлиғи лейтенант Тансиқбоевга честь берди-да, бўлиб ўтган воқеалардан хабардор қилди:

— Ўртоқ лейтенант, сизга маълум қиламанки...

Аммо қоровуллар бошлиғи ишора билан уни тўхтатди, соқчи сўзининг ярмида қўлини чаккасидан тушираркан, кўтарма говнинг нариги томонида турганларга ўгирилди.

— Бегона одамлар шуларми? Ким мени кутяпти? Сизми? — сўради у Эдигей Бўронга қараб.

— Биз, бизмиз, қароғим, Она Байитга етолмай қолдик. Қандай бўлса ҳам ёрдамнингни аяма, қароғим, — деди Эдигей кўкрагидаги орденларига ёш офицернинг кўзи тушишига ҳаракат қилиб.

Лейтенант Тансиқбоевга бунинг ҳеч қандай таъсири бўлмади,

у шунчаки йўталиб қўйди, кекса Эдигей яна қайта гапиришга оғиз жуфтлаганда эса совуққина оҳангда:

— Ўртоқ бегона одам, менга рус тилида мурожаат қилинг. Мен ҳозир хизматдаман, — тушунтирган бўлди у чағир кўзлари устидаги қора қошларини чимириб.

Эдигей Бўрон уялиб кетди:

— Э-э, узр, узр. Хато қилган бўлсам, кечир мени, — деди-ю ўзини йўқотиб, гапирмоқчи бўлган гапини ҳам эсидан чиқариб жим қолди.

— Ўртоқ лейтенант, илтимосимизни баён қилишимизга рухсат беринг, — ҳижолатдан қутқариш учун мурожаат қилди Эдилбой Дароз.

— Баён қилинг, фақат қисқача, — огоҳлантирди қоровуллар бошлиғи.

— Бир дақиқа. Бундан марҳумнинг ўғли ҳам хабардор бўлсин. — Эдилбой Дароз Собитжон томонга ўгирилди. — Собитжон, ҳой Собитжон, бу ёққа қара!

Аммо нари-бери юриб турган Собитжон ўзини четга олиб, лоқайдлик билан қўл силкиб қўйди.

— Ўзларинг гаплашаверинглар.

Эдилбой Дароз хижолат тортганидан қизариб кетди.

— Кечирасиз, ўртоқ лейтенант, у ишнинг бунақа бўлиб турганидан хафа. Қариямиз марҳум Қазангапнинг ўғли шу. Унинг куёви ҳам бирга келган, ҳув ана ўтирибди.

Куёв бола ўзини чақиринишяпти деб ўйладими, тиркалма аравадан туша бошлади.

— Майда-чуйда гапларнинг менга кераги йўқ. Масаланинг моҳиятини айтинг, — деди қоровуллар бошлиғи.

— Яхши!

— Қисқа ва тартиб билан сўзланг.

— Яхши. Қисқа, тартиб билан сўзлайман.

Эдилбой Дароз бўлган воқеани: ким эканликларини, қаердан келаётганликларини бир бошдан гапириб берди. У гапираётган пайтда Эдигей лейтенант Тансиқбоевнинг юзига синчков разм солиб, ундан бирон-бир яхшилик чиқмаслигини сизди, у кўтарма говнинг нариги томонида, шунчаки бу бегона кишиларнинг арзини тинглаш учунгина қулоқ солиб турарди. Эдигей буни пайқаб, юраги орқасига тортиб кетди. Қазангапнинг ўлими билан боғлиқ ишларнинг ҳаммаси — йўлга чиқиш тарадудди, марҳумни Она Байитга қўйиш зарурлигини айтиб ёшларни кўндиргунча она сути оғзидан келгани, ўзининг бутун ўй-хаёллари, Сариўзак тарихи билан боғлиқ бўлган барча воқеа-ҳодисалар мана шуларнинг барчаси бир лаҳзада Тансиқбоев олдида фойдасиз, чақага ҳам арзимайдиган нарсага айланди-қолди. Эдигей эзгу ниятлари барбод этилиб ҳақоратлангандай бўлди. Кечагина ароққа шарбат қўшиб ичиб, худолару, радио билан бошқариладиган одамлар ҳақида сафсата сотиб, бўронликларни ўз билимдонлиги билан қойил қолдирмоқчи бўлган кўрқоқ Собитжоннинг айни пайтда ўзини четга олиб, лом-мим демай туришини кўрган Эдигейнинг бир йиғлагиси ва бир

кулгиси келди! Қоранорнинг попукли ёпиқ ёпиб беҳуда ясатилганлигини кўриб ҳам хўрлиги келди — кимга ва нимага кераги бор эди унинг! Она тилида сўзлашни хоҳламаган ёки бундан чўчиган кимса, лейтенантча Тансиқбоев Қоранор устидаги маросим жиҳозларининг қадрига қаяқдан етсин! Қазангапнинг бечора пиёниста куёви кечадан бери оғзига бир томчи ичкилик олмай, шақирлаган тиркалма аравада марҳумнинг ёнида бўлиш мақсадида келарди, энди эса қабристонга ўтказиб юборишар, деган умидда тобутнинг ёнига ўтиб турди — буни кўриб Эдигейнинг бир йиғлагиси ва бир кулгиси келди. Ҳатто мана шу малла ити Йўлбарсни кўриб ҳам Эдигейнинг бир йиғлагиси ва бир кулгиси келди. Ахир, ит нима учун ўз эркила уларга эргашди, нима учун чидам билан уларнинг яна йўлга чиқишларини кутиб ўтирибди. Хўш, бу ишларнинг итга нима даҳли бор? Балки, бояқиш ит хўжайинининг шундай аҳволга тушишини олдиндан ҳис қилиб, шундай пайтда ёнида бўлиш учун келгандир. Ана, кабиналарда тракторчи ёш йигитлар Қалибек билан Жумагали ўтирибди — энди уларга нима дейди?

Хўрланиб, юрак-бағри эзилган Эдигей ғазабга тўлиб, юрагида қони жўшиб кетаётганлигини ва унга эрк бериш гоятда хавфли эканлигини яққол сезгани ҳолда ўзини ирода кучи билан бостиришга, аламини ичига ютишга ҳаракат қиларди. Йўқ, ўзини қўлга олмасдан бошқа иложи йўқ эди, чунки унинг ёнида тиркалма аравада ҳали дафн этилмаган ўлик ётарди. Кекса кишининг ўкириб-бақириб овоз солиши одатдан эмасди. У шу дақиқаларда қалбида нималар кечаётганини сиртига чиқармасликка интилиб, тишини-тишига қўйиб турарди.

Эдигей кутганидай Эдилбой Дароз билан қоровуллар бошлиғининг суҳбати ана-мана дегунча, орқасига бурила бошлади.

— Ёрдам беролмайман. Зона ичкарасига кириш бегона кишилар учун қатъиян ман қилинган,— деди лейтенант Эдилбой Дарознинг сўзини тинглаб бўлгач.

— Бундан хабаримиз йўқ, ўртоқ лейтенант. Билганимизда шунча ердан келиб овора бўлармидик? Ҳамонки, овора бўлиб келган эканмиз, катта бошлиғингиздан илтимос қилинг, марҳумни кўмишга рухсат берсин. Ахир, уни қайтариб олиб кетолмаймиз-ку.

— Мен бу ҳақда хабар қилганман. Қандай баҳона билан бўлмасин, ҳеч ким ичкарига киритилмасин, деган кўрсатма олдим.

— Баҳона деганинг нимаси, ўртоқ лейтенант? — ҳайрон бўлди Эдилбой Дароз. — Баҳона қидиришининг нима ҳождати бор? Итимиз адашибдими, бунинг нима қизиғи бор бизга? Ўлик бўлмаганда, шунча йўлга овора бўлиб келиб юрармидик?

— Сизга яна бир бор айтяпман, ўртоқ бегона одам, бу ёққа ҳеч ким қўйилмайди.

— Бегона деганинг нимаси,— дея кутилмаганда сўз қотди шу пайтгача индамай ўтирган пиёниста куёв. — Ким бегона экан? Биз бегонамизми? — деди у заҳил юзи қизариб, лаблари кўқарганча.

— Ҳа-я, қачондан бери биз бегона бўлиб қолдик? — Уни қувватлади Эдилбой Дароз.

Одоб чегарасидан чиқмаслик учун пиёниста куёв овозини баянлатмади, фақат ўзининг рус тилини ёмон билганлигидан тутилиб, сўзларини тўғрилаб давом этди:

— Бу бизнинг Саригузак қабристонимиз. Саригузак халқи одамларини шу ерга дафн этишга ҳақлимиз. Бир замонлар Найман она бу ерга кўмилганида ёпиқ зона бўлади, деб кимнинг хаёлига келибди, дейсан!

— Мен сизлар билан баҳслашиб ўтирмакчи эмасман, — деди қатъий лейтенант Тансиқбоев. — Айни пайтда, қоровуллар хизматининг бошлиғи сифатида яна бир карра айтаманки, қуриқланаётган зона территориясига ҳеч ким, ҳеч қандай сабаб билан киритилмайди!

Ҳамма жимиб қолди.

«Ишқилиб, ўзимни тутиб тураин-да, уни сўкиб юбормасам бўлгани!» — деди Эдигей Бўрон ўз-ўзига қасам ичгандай бўлиб. У бир лаҳза кўкка қараркан, яна узоқда оҳиста учиб-айланиб юрган ўша калхатга кўзи тушди. Бу гал ҳам эркин, кучли қушга ҳаваси келди ва ниҳоят: «Энди булар иш бўлди, қайтиб кетишга тўғри келади, зўрлик билан иш битмайди», деган қарорга келди. Калхатга яна бир назар ташлаб оларкан, лейтенантга деди:

— Ўртоқ лейтенант, майли, биз қайтиб кетамиз. Аммо каттангиз генералми, ундан каттароқми, айтиб қўйинг — нотўғри қиляписизлар! Мен бир кекса солдат сифатида айтяпман — бу ишларинг нотўғри.

— Нима тўғри-ю, нима нотўғри — юқоридан берилган буйруқни муҳокама қилишга менинг ҳаққим йўқ. Яна бундан кейин билиб қўйишларингиз керак, — буни айтиб қўйиш менга буюрилган: қабристон тугатилиши лозим кўрилган!

— Она Байит-а? — ҳайратланди Эдилбой Дароз.

— Ҳа. Агар у шундай деб аталса.

— Нима учун? Мозор кимга халақит берапти? — ғазабланди Эдилбой Дароз.

— У ерда янги микрорайон қурилади.

— Баракалла! — дея қўлларини ёзди Эдилбой Дароз. — Нима, сизларга бошқа жой қуриб қолдим, ер етишмаяптими?!

— Лойиҳада шундай кўзда тутилган.

— Менга қара, сенинг отанг ким ўзи? — сўради Эдигей Бўрон лейтенант Тансиқбоевга тикилиб қараганча.

Лейтенант ҳайратта тушди.

— Буниси нимага керак бўлиб қолди? Ишингиз нима?

— Ишим шуки, сен бу гапни бизга айтмасдан, мозоримизни бузмакчи бўлганларга тушунтиришинг керак эди. Ёки сенинг ота-боболаринг ўлмаганими ёки ўзинг ҳеч қачон дунёдан ўтмайсанми?

— Ишга бунинг ҳеч қандай тегишли жойи йўқ.

— Яхши, бўлмаса, ишдан гаплашайлик. Унда кел, ўртоқ лейтенант, сизларда ким энг катта бошлиқ, ўшанга айт, арзимни тингласин. Мен энг катта бошлиққа шикоятимни

айтишга рухсат беришларингни талаб қиламан. Айтгинки, кекса фронтчи, сариўзаклик Эдигей Жонкелдининг унга айтадиган икки оғиз гапи бор!

— Мен бу ишни қилолмайман. Нима қилишим белгилаб қўйилган.

— Сен нимани ҳал қилоласан? — яна гапга аралашди пиёниста куёв. — Бозордаги мелиса ҳам сендан яхшироқ муомала қилади.

— Бебошликни бас қилинг! — деди қаддини ғоз тутиб, ранги ўчиб қоровуллар бошлиғи. — Бас қилинг! Мановини симтўсиқдан олиб ташлаб, йўлни тракторлардан бўшатинг.

Эдигей билан Эдилбой Дароз пиёниста куёвнинг қўлтиғидан олиб, бир чеккага, йўлдаги тракторлар томонга тортишди. У бўлса энди орқасига ўгирилганча қичқиради:

— Сенга йўл ҳам етмайди, ер ҳам! Тупурдим сендайларга...

Шу пайтгача оғзига мум солиб, бир чеккада у ёқдан-бу ёққа хомуш юриб турган Собитжон энди ўзини кўрсатиб қўйгиси келди:

— Қалай? Дарвозага етганда, орқаларингга тепишдимми? Шундай ҳам бўлиши керак эди! Она Байит, деб роса учиб қўндиларинг! Мана сизларга Она Байит! Мана энди калтакланган итдек бўлдиларингми?

— Ит деганинг ким ўзи? — дея жаҳлдан аранг ўзини босиб турган пиёниста куёв Собитжонга ташланди. — Агар орамизда ит бўладиган бўлса, ўша сенинг ўзингсан, аблаҳ! Анови ит нимаю, сен нима? Яна мақтанганига ўлайми, мен давлатнинг одами, давлатнинг одами деб! Сен умуман одам эмассан!

— Сен пиён, тилингни тий! — қичқириб пўписа қилди Собитжон постдагилар ҳам эшитсин деб овозини баландлатиб, — мен уларнинг ўрнида бўлганимдами, сендек муттаҳамни шу гапларинг учун оборадиган жойимга олиб борардим, токи арвоҳинг ҳам қайтиб келмайдиган қилиб! Сенлардан жамиятга нима фойда, сенга ўхшаганларни йўқотиш керак!

Шу гапларни айтиб бўлиб, Собитжон орқасига ўгирилди, бу билан сенга ҳам, ёнингдагиларга ҳам тупурдим, дегандек бирдан фаоллашиб қаттиққўл бошлиқлардек баланд овозда тракторчиларга бақира бошлади:

— Сенлар нега анграйиб турибсизлар? Қани, тракторларни юргизинглар-чи! Қандай келган бўлсак, шундай кетамиз. Жин урсин! Қани ортга бур! Етар энди! Сенларнинг гапингга кириб аҳмоқ бўлганим қолди!

Қалибек тракторни ўт олдириб, секин йўлга бура бошлади, шу пайт пиёниста куёв тиркалма аравага сакраб чиқиб, марҳумнинг ёнидан яна ўз жойини эгаллади. Жумагали бўлса Эдигей Бўрон ўз Қоранорини экскаватор чўмичидан ечиб олишини кутиб турарди.

Буни кўра-била туриб, Собитжон яна қичқирди:

— Сен нега қараб турибсан? Ўт олдири, ҳечқиси йўқ, орқага бур! Ўлганни кўмиш шунақа бўларкан-да, э-э! Бошда айтган эдим-а! Бас! Етар энди! Уйга ҳайда!



Эдигей Бўрон туяга миниш учун ерга чўктириб, жабдуқлаб уни ўрнидан турғизганча, трактор кутиб турмасдан келган йўлдан анча илгарлаб кетди. Уларни биринчи тракторнинг кабинасига ўтириб олган Собитжон шошилтирган эди...

\*\*\*

— Етар шунча хўрлик! — деб қизишиб кетди Собитжон ушланавериб мижиғи чиқиб кетган галстугини тортқилаб. — Ўзим кўмаман бекатга олиб бориб, гап тамом.

— Сабр қил, Собитжон! Бу сенинг отанг, ҳеч ким буни инкор қилмайди. Аммо бу дунёда фақат ёлғиз сен ўзинг яшайсан-ку. Сен, ҳар қалай, ўзингдан каттанинг гапига қулоқ сол. У ерда нима бўлганини ўзинг кўрдинг. Ҳеч қайсимиз бундай бўлиб чиқишига айбдор эмасмиз. Сен бошқа нарса ҳақида ўйлаб кўргин. Қаерда кўргансан, ўликни ўз уйига қайта олиб келишганини? Бунақаси ҳеч замонда бўлмаган. Бу бизнинг шаънимизга доғ бўлиб тушади...

— Мен тупурдим буларнинг ҳаммасига,— эътироз билдирди Собитжон.

— Ҳозир сен шундай дейсан. Жаҳл устида нималар дейилмайди. Аммо эртага уялиб қоласан. Яна бир ўйлаб кўр. Уят ўлимдан қаттиқ, иснодни ҳеч нима билан ювиб бўлмайди. Уйдан олиб чиқилган ўликни яна қайтариб олиб келмайдилар, ахир!

Шу пайтда Эдилбой Дароз экскаватор кабинасидан тушди, пиёниста куёв ҳам тиркалма аравадан тушиб келди, экскаваторчи Жумагали ҳам нима гаплигини билиш учун яқинлашди. Эдигей Бўрон Қоранор устида уларнинг йўлини тўсиб турарди.

— Гапга қулоқ солинглар, йигитлар,— деди у. — Одамзоднинг урф-одатларига қарши борманглар, табиатга қарши зид иш қилманглар! Мозордан ўликни орқага қайтариш ҳеч қачон бўлмаган иш. Кимники кўмишга олиб кетилдими, кўмиб келиниши керак. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Мана, Малақумдичоп жарлиги. Бу ҳам бизнинг еримиз, Сарнўзак ерлари! Мана шу Малақумдичопни таянч билган Найман она марсия айтиб, зор қақшаб йиғлаган. Эдигей қарияларингнинг гапига қулоқ солинглар. Қазангапнинг қабри шу ерда бўлсин. Майли, мени ҳам шу ерга кўмингиз. Худо хоҳласа, ўзларинг кўмасизлар. Ўтиниб сўрайман сизлардан буни. Ҳозир эса ҳали кеч эмас, вақт бор-ку, ана у ерга, жарнинг тепасига марҳумни дафн этамиз!

...Тракторлар қўзғала бошлади. Улар жарлик тепасидан пастга тушгунча Эдигей Бўрон Қоранорнинг жиловидан ушлаб, Собитжон ёнида борди. У ичини тирнаётган нарса ҳақида Собитжон билан ёлғиз гаплашиб олмоқчи эди.

— Гапимга қулоқ сол, Собитжон, мана қўлимиз ҳам бўшади, энди бир нарсани гаплашиб олишимиз лозим. Қабристонимиз она Байит борасида энди нима қиламиз? — савол оҳангида деди у.

— Нима ҳам қилардик? Бош қотириб ўтиришнинг ҳожати

йўқ, — деди Собитжон. — Лойиҳа лойиҳа-да. Уни лойиҳа бўйича йўқ қилишади, бор гап шу.

— Ман бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим. Унда ҳар қандай ишга қўл силтаб, ташлаб кетаверса бўлади. Мана бугун эса уни кўмдик. Бийдай далага кўмдик, дилга таскин берадиган биргина нарса — нима бўлса ҳам ўз қадрдон ерига дафн этдик. Саводинг бор, областда ишлайсан, худога шукур, истаган кишинг билан тиллаша оласан. Ҳар хил китоблар ўқигансан...

— Бундан нима фойда? — унинг гапини бўлди Собитжон.

— Гап шундаки, эртагаёқ бу ернинг бошлиғига биргалашиб борсак, у билан гаплашишимга ёрдам берсанг, бу шаҳарчанинг энг каттаси бордир-ку, ахир. Она Байитни ер билан яксон қилишларига йўл қўйиб бўлмайди! Ахир бу ерда тарих ётибди.

— Буларнинг бари эски чўпчаклар, тушунсанг-чи, Эдике. У ерда оламшумул, коинотга доир масалалар ҳал этилади, биз бўлсак қандайдир бир қабристон хусусида шикоят қилиб борамизми? Бунинг кимга кераги бор? Улар учун бу — тфу! Барибир, бизни у ёққа киритишмайди.

— Бормасак, қўйишмайди-да. Агар талаб қилсак киритишади. Агар иложи бўлмаса, бошлиқнинг ўзи келмасмикан. У тоғ эмаски, ўрнидан қўзғалмаса.

Собитжон Эдигейга газабкорона назар ташлади.

— Бу бемаъни гапингни қўй, қария. Мендан эса умид қилма. Шахсан менга бунинг ҳеч қандай кераги йўқ.

— Ҳа-а, шундоқ демайсанми? Гап тамом. Чўпчаклар эмиш?...

— Сен нима деб ўйлагандинг? Оёгини қўлига олиб югуриб қолади, деб ўйлагансан-да, мени! Хўш, менинг оилам, ишим, бола-чақаларим бор. Нимага энди шамолга қарши чоптиришим керак? Бу ердан қилинган битта қўнғироқ туфайли орқамга бир тепиб ишдан ҳайдасинларми? Э, йўқ, раҳмат!

— Раҳматинг ўзингга буюрсин, — деди Эдигей Бўрон ва жаҳл аралаш қўшимча қилди: — Орқамга бир тепиб ишдан ҳайдасинларми, дедингми? Бундан чиқди, сен фақат орқанг учун яшаб юрган экансан-да!

— Сен эса нима деб ўйладинг? Худди шундай! Бу сенга осон. Ким бўпсан? Ҳеч ким. Бизлар эса орқамиз учун яшаймиз. Оғзимизга ширинроқ луқма тушсин, деб шундай яшаймиз.

— Э, ҳа! Илгарилари бош учун эъозлашарди, бундан чиқди, энди орқаларинг учун эъозлашар экан-да.

— Қандай истасанг, шундай тушунавер. Бироқ аҳмоғингни топиб бўпсан.

— Тушунарли. Гап битта! — унинг гапини чўрт кесди Эдигей Бўрон. — Отангнинг маъракаларини ўтказ, худо хоҳласа, сен билан бошқа учрашмаймиз.

— Шундай қилишга тўғри келади, — юзини буриштирди Собитжон.

Шу гапдан кейин ажралишиб кетишди. Эдигей Бўрон туяга миниб олгунча тракторчилар моторни юргизиб, кутиб туришди. Аммо Эдигей уларнинг иложи борича тезроқ боришларини, маъ-

ракада одамлар кутиб қолишганини, ўзининг эса туяда истаган йўл билан секин-аста боражагини айтди.

Тракторчилар жўнаб кетишди. Эдигей жойидан қимирламай, бундан буён қандай йўл тутиш кераклигини ўйларди.

Энди у содиқ ити Йўлбарсни ҳисобга олмаганда, Сариўзак даштида танҳо ўзи қолган эди. Ит, аввало, кетаётган тракторчилар ортидан чопди, сўнгра эгаси билан уларнинг йўли бир эмаслигини англаб, ортига қайтди. Аммо Эдигей унга эътибор бермади. Мабодо ит уйга қочиб кетганида ҳам чол буни сезмаган бўларди. Юрагига қил ҳам сиғмасди. Собитжон билан ораларида бўлиб ўтган гапдан сўнг юрагини эзаётган, руҳий тушкунликка солган қалб туғёнини босолмасди.

Эдигей Бўрон ўкинарди, у билан гаплашгани учун қаттиқ ўкинарди — сўзларини елга совурди. Маслаҳатлашишга ва ёрдам сўрашга арзийдиган одаммиди Собитжон? Саводли, маълумотли, ўзига ўхшаганлар билан осон тил топишади, деб умидвор бўлганди-да. Турли курсларда, институтларда таълим олган бўлса нима қилибди? Эҳтимол, уни ҳозир қандай бўлса, шундай бўлиши учун ўқитишгандир, қайлардадир Собитжоннинг бошқа биров эмас, айнан Собитжон бўлиб етишиши учун кўп меҳнат сарф қилган иблисдек ўткир ақл соҳиби бордир. Ахир, Собитжоннинг ўзи радио орқали бошқариладиган одамлар ҳақидаги бемаъни бир нарсани бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берган эди-ку. Шундай вақт яқинлашиб келаётганмикин?! Уша кўринмас ва ҳар нарсага қодир куч буларни аллақачон радио орқали бошқараётган бўлса-чи...

Эдигей чол бу ҳақда ўйлаган сари, зилдай хаёллардан баттар хуноби ошди, боши берк кўчага кириб бораверди.

— Сен манқуртсан! Ҳақиқий манқурт! — Собитжондан нафратлайиб ва ачиниб ичидан шивирлади у.

#### Савол ва топшириқлар

1. Чингиз Айтматовнинг болалик ва ёшлик йиллари қайси даврга тўғри келди ва қандай кечди?
2. Ч. Айтматовнинг номини дунёга танитган асарлари номларини санаб кўрсатинг.
3. Ёзувчининг қайси асарларида ёшлар асосий қаҳрамонлар саналади?
4. «Асрга татигулик кун» романи воқеалари қаерда ва қачон бўлиб ўтади? Асарнинг етакчи қаҳрамонлари кимлар? Роман қандай нохуш воқеа билан бошланади?
5. Найман она ҳақидаги афсонада тасвирламишича, қандай одамни «манқурт» деб аташаркан?
6. Афсонадаги Найман онанинг манқурт ўғли Жўломон билан кейинги парчада тасвирланган лейтенант Тансиқбоев, Қазангапнинг ўғли Собитжон ораларида яқинлик борми? Бор бўлса, бу яқинлик нималарда кўринади?
7. Шу тариқа афсона реал ҳаёт ҳақиқатини очишга қай даражада хизмат қиляпти?
8. Ўзбек халқ эртаклари ва дostonларида ёки бўлмаса ҳаётда шунга ўхшаш «манқуртсимон» қаҳрамонлар ёки кишиларни учратганмисиз? Хотирасини — ўз ўтмиш тарихини, миллатини, тилини, урф-одатлари, она-онасини унутган «манқурт» бўлиб қолмаслик учун инча-лар қилиш керак деб ўйлайсиз?
9. «Найман онанинг «манқурт» ўғли» деган мавзуда ёзма иш режасини тузинг.



## СЕРГЕЙ ЕСЕНИН

(1883—1929)

Жўшқин лирик ва чинакам халқона шоир Сергей Есенин ижоди рус адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. У шўро даври талаблари қуошқонига тушмаган ва тушишни истамаган, эркатой ва танги, аммо мислсиз иқтидорли шоир эди. Ўз даври ва муҳитида Есенинга тенг келадиган шоир йўқ эди.

Рязан шаҳри атрофидаги Константиново қишлоғида таваллуд топган Сергей Есенин умрининг охирига қадар деҳқон-шоир, рус қишлоғи ҳаёти ва табиат куйчиси бўлиб қолди. Қишлоқ ҳаёти романтикаси, оддий деҳқоннинг ўй-хаёллари, турмуш тарзи, орзу ва умидлари Есенин шеърятининг образлар дунёсини ва ҳатто тасвир воситаларини белгилаб берди.

Есенин ҳаёти ва ижодининг бевосита Ўзбекистон билан боғланидиган ўринлари ҳам йўқ эмас. 1924—25-йилларда шоир Марказий Осиё ва Кавказорти минтақасида саёҳатда бўлган ва жумладан, қисқа бўлса-да, Тошкентда ҳам яшаган (Тошкентда Есенин тўхтаб яшаган уй бугунги кунда шоирнинг музейига айлантирилган). Есениннинг машҳур «Форс тароналари» деб номланган шеърлар туркуми ана шу жанубий улкаларга саёҳат чоғида яратилган. Шоир қирғиз чўлларида, озар юртида — Бокуда узоқ меҳмон бўлган. Унинг «Анна Снегина» номли машҳур поэмаси Ботуми шаҳрида ёзилганлиги ҳам маълум. Ўзбек китобхонини Есенин ижоди билан ошно қилишда йирик шоиримиз Эркин Воҳидовнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Жумладан, Есениннинг «Форс тароналари» туркум шеърлари шу даражада гузал таржима қилинганки, уларни ўзбек шоирининг асарлари деб ҳам уйлаш мумкин. Икки шоирнинг ҳаётни поэтик идрок қилиш тарзи, образлар дунёси, услуби ўртасидаги яқинлик таржиманинг мана шундай муваффақиятли чиқишини таъминлаган. Есениннинг сиз қуйида ўқийдиган шеърини ҳам ўзбек тилига Э. Воҳидов ўгирган.

## ГҮДАКЛИҚДАН МАЪЛУМ ҲАР ОДАМ

Гўдакликдан маълум ҳар одам,  
Бола бошдан, деган гап — тўғри.  
Мабодо мен шоир бўлмасам,  
Бўлар эдим: безори, ўғри.  
Жиккаккина шум бола эдим,  
Тенгдошларим ичра қаҳрамон.  
Қайтар эдим кўчадан доим  
Бурним пачақ, усти бошим — қон.  
Қўрқиб кетган онам қошида  
Дердим тутиб ўзимни маҳкам:  
— Ҳечқиси йўқ, қоқилдим тошга.  
Эртагача қолмас ўрни ҳам!  
Йиллар ўтди, кетди болалик,  
Ниҳоя йўқ армонларимга.  
Ёшликдаги жўшқин оловлик  
Кўчди шеъру дostonларимга.  
Болалигим кетди борини  
Сатрларга қолдириб бутун.  
Шеърларимда шум, безорининг  
Хислатлари акс этар бугун.  
Болалигим ҳамон қолмаган,  
Ҳамон баланд ўтли кўкрагим.  
Болаликда бурним қонаган,  
Бугун эса — қондир юрагим.  
Мендан кулган тўда қошида  
Дейман тутиб ўзимни маҳкам:  
— Ҳечқиси йўқ, қоқилдим тошга.  
Эртагача қолмас ўрни ҳам...

### *Савол ва топшириқлар*

1. Шеър сизда қандай таассурот қолдирди?
2. Шеърни ёд олинг.
3. Шеърда шоирнинг болалик феъл-атвори ва улғайгандаги ҳолатида фарқ сезасизми? Қандай?
4. «Гўдакликдан маълум ҳар одам», «Бола бошдан» мақол ва маталларини қандай тушунасиз? Шу мақолларга маънодош мақолларни биласизми?
5. Шеърни ифодали ўқишда биринчи мартаба «ҳечқиси йўқ» деб бошла-надиган байтнинг дадил, жарангдор айтилишини ва сўнги такрор учраганида сўниқ паст овозда, зўрга тутиб бўладиган кўз ёши ўрнидаги мунг оҳангида айтишни унутманг.



## РОБИДРАНАТ ТҲОКУР

(1861—1941)

*О, Ҳиндистон, онажон, қўшиқ-  
ларим сен учун...  
Юрагимиз сеники — ўзга бизда  
нима бор?  
Р. Тҳокур*

Жаҳон адабиёти тараққиётига салмоқли таъсир ўтказган таниқли Ҳинд адаби, мутафаккири, шоири, композитори, педагоги Робиндранат Тҳокур 1861 йилнинг 7 майида Калькутта шаҳрида бадавлат ўқимишли хонадонда дунёга келди. Робиндранатнинг отаси миллий мустақилликка интилган, мустамлакачилик зулмига қарши бўлган етук кишилардан эди. Шу боис у фарзандларини миллий мактабларга бериб, уларнинг Ҳинд маданияти билан танишишларига, ўзларининг миллий тарихларини билиш ва уни севиб қолишларига жиддий эътибор берди. Тҳокурлар хонадони ҳур фикрли ижодкорлар тез-тез тўпланиб турадиган жой эди. Шу сабабли ҳам Робиндранатда ижодга ҳавас, ўзлигини таниш ва ифодалашга иштиёқ жуда эрта уйғонди.

Инглиз тилини ҳам пухта ўрганиб олган Р. Тҳокур 1878 йилда Англияга ўқишга келди. Салкам икки йил давомида инглиз адабиёти ва у орқали жаҳон адабиёти ҳамда санъати намуналари билан кенг танишади.

Ўзининг мерос мулки бўлмиш қишлоқда қашшоқ, эзилган, унутилган деҳқонлар билан бирга яшай бошлаган адиб ҳаётнинг қанчалар адолатсиз тартиблар асосига қурилганини, мустамлакачилик зулми барча чегаралардан чиқиб, Ҳинд халқининг инсоний ҳуқуқлари топталаётганлигини ўз кўзи билан кўрди. Бу ҳол уни миллий мустақиллик учун курашчилар сафига тортди. Р. Тҳокур шу тариқа миллий озодлик ғояларининг ифодачисига айланди.

Унинг дастлабки асарлари шеърий йўл билан битилганди. 1881 йилда шоирнинг «Оқшом қўшиқлари» тўплами нашр этилди. Бу китоб ёш шоирнинг номини шеърхонлар орасида машҳур қилди ва унинг поэтик асарлари шу йилдан бошлаб кетма-кет чоп этила бошлади. Унинг «Гитанжали» шеърлар тўплами аввал Ҳинд тилида чоп этилди. Кейинчалик шоирнинг

ўзи уни инглизчага ўтирди. Лондонга 1912 йилда борганда китобнинг инглизчага таржима қилинган нусхасини ўгли метро-да вагонлардан бирида қолдириб кетади. Яхшиямки, таржима солинган портфель топилади ва ундаги шеърлар шу йилиёқ Англияда нашр қилинади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Тўқурга Нобель мукофоти берилади. Эзгулик йўлидаги энг буюк бадний кашфиётларга бериладиган бу мукофот инсоннинг эрки, унинг ҳурлиги, бахти тараннум этилган Робиндранат Тўқур шеър-ларига берилиши жуда қонуний ҳол эди.

Р. Тўқурнинг ижодий қамрови жуда кенг. У ҳинд ҳикоя-навислигининг энг истеъдодли намоёниси сифатида ҳам машҳур. Адибнинг шундай романлари борки, дунёдаги асосий тилларнинг жуда кўпчилигига ағдарилган. Адиб насрий асар-ларида инсоннинг эркин Рухи ва ўқимишли Ақли турли йўсинда тараннум қилинади. Ўзини таниган, ўзига ҳурмати ба-ланд, ўз халқи учун, миллати учун қайишадиган, иродаси кучли, руҳи эркин, ақли ўткир шахслар унинг қаҳрамонлари. Ёзувчи ҳинд халқини озод кўришни истайди. Лекин унинг таъсирида халқнинг озодлиги ҳар бир ҳинднинг гафлатдан, дан-гасалиқдан, жаҳолатдан, лоқайдликдан озод бўлишига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Халқини маърифатли кўришни истаган адиб ўз қишлоғида мактаб очади. Ўзи дарсликлар яратиб, ўз ҳисобидан бу мактаб-да халқнинг фарзандларини ўқитади. 1921 йилда эса ўз ҳисобидан дорилфунун ташкил этади. Тўқурнинг дорилфу-нунида фақат ҳинд миллатига мансуб бўлган ёшлар эмас, балки бошқа миллат ва халқларнинг ёшлари ҳам таълим олишади.

Робиндранат Тўқурнинг ҳинд ижтимоий тафаккури, ма-данияти тараққиётидаги ўрни шу қадар улканки, уни ҳақли равишда «Ҳиндистоннинг виждони» деб аташади. Унинг ватан-парварлик ва миллий ғурур куйланган «Жанганамана» қўшиғи озод Ҳиндистон республикасининг давлат мадҳияси сифатида жарангламоқда.

Р. Тўқур 1941 йилнинг 7 августида вафот этди.

Тўқурнинг ижоди ўзбек адибларига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Шу боис ХХ асрнинг бошларидаёқ унинг бир қатор асарлари ўзбек тилига ўтирилган. Абдулқамид Чўлпондай буюк шоиримиз у ҳақда мақолалар битган. Бугунги ўзбек ўқувчилари учун ҳам, умуман, ўзбек миллати учун Тўқур асарларининг гоёси, бадний қиммати ўз аҳамиятини йўқотмайди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Р. Тўқур воёга етган онла муҳити ҳақидаги маълумотларга эътибор беринг.

2. Шоир шеърлатига хос хусусиятларни матнга асосланиб аниқланг. Унинг шеърларини Нобель мукофотига сазовор қилган жиҳатлар тўғрисида тўхталинг.

3. Тўқурнинг ижтимоий фаолияти ҳақидаги маълумотларга эътибор беринг. Бу фаолиятнинг мақсади нимадан иборат бўлган деб ўйлайсиз?

4. Тўқур ижоди ва ўзбек адабиёти ўртасидаги муносабатга доир маълумотларга диққат қилинг.

## НУР ВА СОЯЛАР

(Ҳикоя)

### I

Бу уйнинг фақат кўчага қараган бир хонаси ғиштдан қурилган, унинг икки томонидан бошланиб кетган эски ғишт девор ҳовлини тамом иҳота қилиб, ҳовлидаги бошқа лойшувоқ ҳужраларни ҳам ўз ичига олади. Ярим яланғоч бир йигитчанинг диванда ўтиргани деразадан кўриниб туради, у қўлидаги китобни ўқишга берилиб, чап қўлидаги хурмо япроғи билан баъзи-баъзида ўзини елпиб чивинларни ҳайдайди.

Йўл-йўл сорийга ўралган бир қизча кўчада — дераза қаршисида у ёқдан бу ёққа ўтар ва сорийсининг этагига солиб олган олхўридан битта-битта олиб ер эди. Қизчанинг юз ифодасидан унинг диванда ўтириб китоб ўқиётган йигитча билан ошналиги кўриниб турибди. У бир амаллаб йигитнинг диққатини жалб қилиш ниятида, аммо ўзининг сокин бепарволиги билан, гўё олхўри ейиш билан банду, йигитчани пайқамандай кўринишга тиришарди.

Бахтга қарши, қунт билан ўқиётган йигитчанинг кўзлари анча заиф бўлиб, узоқни яхши кўролмаганидан, қизчанинг сокин бепарволиги унга ҳеч таъсир қилмади. Афтидан, қизча буни биларди, шунинг учун бирпасдан кейин, у ёқдан-бу ёққа беҳуда юриш, сокин бепарволик ўрнига, олхўри данакларини ишга сола бошлади. Кўрга ишинг тушса, ўз қадру гурурингни сақлаб қолишинг қийин!

Бир неча данак, гўё тасодифан бориб, ёғоч эшикка тиқиллаб текканда, йигитча бошини кўтарди. Муғомбир қизча буни пайқаб, этагидаги олхўрилардан пишганларини ажрата бошлади. Йигитча кўзларини қисиб қарагач, қизни таниди: кейин китобни қўйди-да, дераза олдига келиб, табассум билан қизни чақирди.

— Гирибала!

Гирибала зўр бериб олхўри сараларди. Бу машғулотга қаттиқ берилгандай бўлиб, уйдан оҳиста узоқлаша бошлади.

Кўзлари заиф йигитча қизнинг бу қилиғи жинояти учун берилган жазо эканини дарров англади-да, югуриб кўчага чиқди.

— Ҳой, Гирибала, ўзи нима гап, бугун менга олхўри бермайсанми?

Гирибала унга эътибор бермай, бир олхўрини олиб диққат билан кўздан кечирди-ю, совуққонлик билан эмоққа киришди.

Бу олхўрилар Гирибалаларнинг боғидан бўлиб, йигитчанинг ҳар куни оладиган совғаси эди. Ким билади, балки бугун Гирибала бу одатини унутгандир, ҳар нечук, унинг ҳаракатлари олхўрини фақат ўзи учунгина келтирганини очиқ кўрсатиб турарди. Ундай десак, нега у олхўрини бировнинг эшиги олдига келиб ейди, масаланинг бу томони равшан эмасди. Йигитча қизнинг олдига келиб, қўлидан ушлади. Дастлаб Гирибала



эгилиб, қўлини бўшатишга уриниб кўрди, ammo бирдан кўзлари жикқа ёшга тўлиб, олхўриларни ерга ташлади-да, йигитнинг қўлидан чиқиб қочиб кетди.

Кечга томон оқ момикдай булутлар осмон уфқига тўпланиб қолди, дарахт япроқларида, ҳовузларда, ёмғирда ювилган табиатнинг ҳар бир заррасида ботаётган қуёшнинг нурлари чақнаб турарди. Панжарали дераза олдида яна ўша қизча турибди, хонада эса, яна ўша йигитча ўтирибди. Ammo энди қизчанинг этагида олхўри, йигитчанинг қўлида китоб йўқ. Дарвоқе, бу орада бошқа баъзи ўзгаришлар ҳам рўй берган эди.

Бу гал ҳам қизчанинг нима мақсад билан бу ерда айланиб юрганини айтиш қийин. Ҳар ҳолда унинг ҳаракатларидан хонада ўтирган йигит билан гаплашиш ниятида экани кўринмас эди. Қизча эрта билан ташлаб кетган олхўриларим ўсиб чиқмадимикан деб кўргани келган бўлса керак, унинг юриш-туришларига қараб фақат шундай тахмин қилиш мумкин.

Олхўриларнинг ўсиб чиқмаганига бош сабаб шуки, улар ҳозир ерда эмас, диванда — йигитчанинг олдида эди, қизча бир нималарни қидиргандай бўлиб, аҳён-аҳёнда ерга эгилганида, йигитча ўзича кулиб, жиддий қиёфада, меваларни иштаҳа билан бирин-кетин еб битирмоқда эди. Мана бир неча данаклар гўё тасодифий равишда бориб қизчанинг ёнига тушди, ҳатто оёғига ҳам тегди. Гирибала ўзининг парвосизлиги учун йигитча ўч олаётганини англади. Ахир шу яхши ишми! Шўрлик қизча жажжи юрагининг гурурини босиб, ярашиш учун баҳона қидириб юрганда, унинг оғир йўлига яна гов солиш ноинсофлик эмасми? У бу гал йигитни хафа қилмай деб келган эди! Уятдан қизчанинг юзлари қип-қизариб кетди, қочиш учун баҳона қидира бошлади, худди шу пайт йигитча чиқиб келиб қўлидан ушлади. Қизча қўлини ажратиб олишга уринса ҳам, бу сафар йиғламади. Аксинча, қизариб, бошини ўша бераҳм йигитчанинг орқасига яшириб, қаҳқаҳа уриб кулиб юборди; сўнгра, гўё зўрликка бўйсуниб, панжарали зиндонга кираётган асирадек уйга кириб кетди.

## II

~~Ах~~ Бутун қишлоқ аҳолиси бир-бирига душман гуруҳларга бўлинган, бир-бирларига қарши иғво тарқатадилар ва шакарқамиш экадилар, чақимчилик қиладилар ва жут экадилар. Фақат Шошибушон билан Гирибалагина фалсафа ва адабиёт урганиш билан машғул.

Бу дўстлик ҳеч кимни таажжублантормас ва қизиқтирмас эди, чунки Гирибала ўн ёшлик қизча бўлиб, Шошибушон яқиндагина санъат магистри ва ҳуқуқ бакалаври унвонини олган. Улар қўшни эдилар.

Гирибаланинг отаси Хоркумар бир вақтлар ўз қишлоғида ижарага ер олиб деҳқончилик қиларди, ammo кейин қўли танг келиб, бисотида бор нарсани сотди-да, ўз хўжайинига ноиб бўлиб ишга кирди; хўжайини сира қишлоқда яшамас эди. Хоркумарнинг қишлоғи ўзи ер ижараси йиғиб юрадиган вилоятда, шу сабабли у ўз уйидан узоққа боролмасди.

Санъат магистри унвонини олганда Шошибушон ҳуқуқ фанидан ҳам яхши имтиҳон берди, лекин ҳеч қандай иш билан машғул бўлмади. Ҳеч ким билан ортиқча иноқ ҳам бўлмади; мажлисларга қатнашса ҳам, бирор марта икки оғиз сўзлаган эмас. Кўзи заифроқ бўлганидан, баъзан оналарини танимай қоларди — у кўзларини қисиб қарарди, одамлар эса, буни нописандлик нишонаси деб ҳисоблар эдилар.

Шошибушонни ишлашга мажбур этиш учун қилинган ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермагач, отаси уни қишлоққа келтириб, хўжаликка қарашиб туришни топширди. Шошибушон қишлоқ аҳолисидан кўпгина мазаммат ва таъналар эшитди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди: Шошибушон осойишталик, тинчликни яхши кўрарди, шунинг учун уйланишни ҳам хоҳламасди. Қизлари балоғатга етиб, ўзларига юк бўлиб қолган ота-оналар эса унинг уйланишига майли йўқлигини манманлик деб, шўрликнинг бу «айбини» сира кечирмасдилар.

Қишлоқда у билан муомала қиладиган бирдан бир одам Гирибала эди. Гирибаланинг акалари мактабда ўқирдилар; мактабдан қайтгач, эси паст сингиларига ернинг шакли қандай, ер каттами, қуёш каттами? — дегандай саволлар берар эдилар. Қизча буларга нотўғри жавоб берганда, дарғазаб бўлиб унинг хатосини тузатардилар. Кўзга ташланиб турадиган нарсалар қуёшнинг ердан катталиги ҳақидаги фикрга зид келарди, аммо Гирибала жасорат қилиб баъзан бу ҳақда ўз тушунчаларини баён этганда, акалари янада кеккайиб:

— Сен нима деясан? — дердилар. — Бизнинг китобда шундай деб ёзилган ахир, сен бўлсанг...

Босма китобларда шундай ёзилганини эшитгач, шўрлик Гирибала қаттиқ зарба егандай жим қолар, унинг учун бошқа далиллар керак бўлмасди.

Қизча акалари сингари ўқишни ўргангиси келарди. Баъзан у ўз хонасида ўтириб, китобни очар, алланималар деб гапирар, ўзини ўқиётгандай кўрсатиб, тез-тез китоб варақлар эди.

Гирибала акаларидан, ўқишни ўргатинглар, деб илтимос қилди, аммо акалари буни эшитишни ҳам хоҳламадилар. Унга фақат Шошибушон ёрдам қилди.

Биринчи даврда Шошибушон қизчага сирли ва тушуниб бўлмайдиган туюлди.

Темир панжарали деразалари кўчага қараган кичик хонада ёш бир йигит диванда ўтирар, унинг атрофида китоблар қалашиб ётарди. Гирибала ташқаридан дераза панжарасига осилиб, ўқишга ортиқ берилган бу ғалати одамга таажжуб билан боқар, китобларнинг кўплигини кўриб, бу одам менинг акаларимдан ҳам билимдонроқ бўлса керак, деган хулосага келарди. Шошибушон китоб варақлар, қизча бўлса, жим туриб, унинг билим чегараларини аниқлаш учун беҳуда уринарди.

Бора-бора Шошибушон бу қизчага эътибор қила бошлади. Бир кун у ёрқин муқовалик бир китобни очиб, қизчага қаради:

— Гири, бери кел, сенга суратлар кўрсатаман!

Гири дарҳол қочиб кетди.

Аммо эртасигаёқ йўл-йўл сорий кийиб яна дераза олдига келди-да, ўқитган йигитга жимгина тикилиб тура берди. Шошибушон уни яна чақирди, қизча сочларини силкитиб яна қочиб кетди.

Уларнинг ошналиги шу тариқа бошланган эди, аммо ошналикнинг кейин қайси йўл билан дўстликка айланганини, қачондан бери қизчанинг Шошибушон диванидаги китоблар орасидан ўзига муҳим жой олганини ҳикоя қилиш учун, махсус тарихий текшириш ўтказишга тўғри келади.

Гирибала Шошибушондан ўқишнигина эмас, ёзишни ҳам ўргана бошлади. Бу ўқитувчи ўзининг кичкина шогирдига ўқиш, ёзиш ва грамматикани ўрганиш билан қаноатланмай, унга улуғ ёзувчиларнинг асарларини таржима қилиб бериб, булар ҳақида қизчанинг фикрини сўраб эди десак, ҳамманинг кулиши аниқ. Булардан қизгина бирор нарса англади, йўқми — буни худо билади, аммо ўқитувчининг бу қадар жонбозлиги қизчага жуда ёқиб тушгани шак-шубҳасиз. Англашилган ва англашилмаган нарсалар унинг болалик тасаввурда бир-бирига қўшилиб, гўзал лавҳаларни бунёдга келтирарди. У жим туриб, кўзларини катта очиб, диққат билан тинглар, аҳён-аҳёнда ўринсиз саволлар берар ёки бирдан мавзудан четга чиқиб, гапга тушиб кетарди. Шошибушон бундай ҳолларда қизчанинг гапини бўлмас, улуғ асарлар ҳақида кичик танқидчининг фикрларини эшитиб, бениҳоя мамнун бўларди. Бутун қишлоқда унинг дилидагини англайдиган бирдан-бир одам шу қизча эди.

Гирибала Шошибушон билан танишганида 8 яшар эди, ҳозир 10 га кирди. Бу икки йил мобайнида у инглиз ва бенгал алифбосини ўрганиб, бир қанча бошланғич мактабларни ўқиб чиқди. Шошибушон бўлса, ўзининг қишлоқда ўтказган икки йиллик умрини ёлғизликда ўтди деб шикоят қилолмас эди.

Гирибаланинг отаси Хоркумар билан Шошибушоннинг муносабати яхши эмас эди. Хоркумар бу магистр ва бакалаврнинг олдига дастлаб ҳар хил даъволар ва суд процесслари муносабатлари билан маслаҳатга келиб юрди, аммо бакалавр бу хил ишларга қизиқмай, ноибга ўзининг ҳуқуқ бобида ҳеч нарса билмаслигига очиқдан-очиқ иқроор бўлди. Хоркумар буни фақат баҳона деб ўйлади. Шундай қилиб икки йилча вақт ўтди.

Бир куни ўзар бир ижарачининг адабини бериб қўйиш зарурати туғилиб қолди. Ноиб у ижарачини ноҳўя ҳаракатлари учун судга бермоқчи бўлиб, шу ҳақдаги ариза қандай бўлиши лозим деган мазмундаги саволлар билан Шошибушонга ёпишиб олди. Шошибушоннинг ноибга маслаҳат бермагани-ку майли-я, аммо у қандайдир осойишталик ва қатъият билан Хоркумарга шундай сўзлар айтдики, бу сўзларни унга ёқиб тушади деб ўйлаш асло мумкин эмас!

Хоркумарнинг ижарачига қарши бошлаган ҳамма даъволари ўзининг зарарига ҳал бўлди. Жиғибийрони чиққан ноиб, рақибларимга Шошибушон ёрдам қилган деб, нима бўлса ҳам, йигитчани қишлоқдан чиқариб юбориш пайига тушди.

Шошибушоннинг экин майдонларида сигирлар юра бошлади, кимдир ловияларига ўт қўйди, ерларининг увати ҳақида низо-лар пайдо бўлди. Шошибушоннинг ижарачилари ижара ҳақи тўлашдан бош тортдилар ва ҳатто, устидан ёлгон махфий ха-барлар ёзмоқчи бўлдилар; охири иш шу даражага бориб етдики, агар кечроқ кўчага чиққудай бўлса, ўзини калтаклаб, уйига ўт қўймоқчилар, деган овозлар ҳам тарқалди.

Осойишталикни яхши кўрадиган ювон Шошибушон охири Калькуттага кетишга қарор қилди. У жўнай деб турганда, қишлоққа округ судьяси келиб қолди. Унинг югурдаклари, хизматчилари, полициячилари, итлари, отлари ва отбоқарлари бутун қишлоқни ларзага келтирди. Болалар йўлбарс орқасидан кузатиб борган чиябўри галасидек, қизиқиш ва қўрқув билан судья тушган ҳовли атрофида тўдалашиб юрардилар.

Ноиб жаноблари меҳмондорчиликка кетган харажатларнинг ортиги билан қайтишини эслаб, суд раисини товуқ, тухум, ёғ ва сут билан таъминлаб турди. Ноиб жаноблари фавқулодда тиришқоқлик билан суд раисига озиқ-овқатни керагидан ортиқ етказиб берди, аммо бир кун эрта билан суднинг фарроши келиб, соҳибнинг итларига тўрт шер<sup>1</sup> ёғ талаб қилганда Хоркумарнинг тоқати тоқ бўлди. Агар соҳибнинг итлари маҳаллий итлардан кўра кўпроқ ёғни уялмай ҳазм этсалар ҳам, ҳар ҳолда бу қадар ёғ уларнинг саломатликларига зиён қилади, деб фаррошни қуруқ қайтарди.

Фаррош бориб ўз хўжасига: мен ноибнинг олдига бориб итлар учун қаердан гўшт сотиб олиш мумкин деб сўрасам, у кўпчилик олдида паст тоифага мансублигимни ташаббуҳ қилиб ҳайдади, нописандлик қилиб, ҳатто сизга ҳам тил теккизди, деди.

Соҳиблар<sup>2</sup> учун брахманларнинг<sup>3</sup> тоифави<sup>1</sup> гурури тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол эди, бунинг устига ноиб унинг фаррошини ҳақорат қилган, бунга суд раиси чидаш олмади, дарҳол «ноиб қақирилсин» деб буйруқ берди.

Ноиб титраб-қақшаб, калима ўгириб соҳибнинг эшигига келди. Оёқ товушлари эшитилганда суд раиси ташқарига чиқди.

— Нега сен менинг фаррошимни ҳайдаб юбординг? — деб қичқириб сўради у ажнабий талаффуз билан.

Хоркумар таъзим қилиб, шошилган ҳолда, ўзининг ҳеч вақт бу хил безбетликка йўл қўймаслигини айтди; тўғри, дастлаб 4 шер ёғ беришга кўнмаган бўлса ҳам, кейин тўрт оёқлиларига эзгулик қилиш ниятида мазкур нарсаларни топиш учун кишилар юборган.

Соҳиб, кимни, қаерга юбординг, деб сўради.

Хоркумар оғзига келган биринчи исмни айтди. Соҳиб ино-

<sup>1</sup> Шер — оғирлик ўлчови — 900 граммга тенг

<sup>2</sup> Соҳиб — жаноб олийлари, инглизларга қилинадиган мурожаат.

<sup>3</sup> Брахман — хиндларнинг энг олий табақа номи.

батли кишиларга бу масалани аниқлашни топшириб, ноибни ўз уйида олиб қолди, юборилган одамлар кечқурун келиб, ҳеч кимни ҳеч ёққа юборган эмас экан деб хабар қилдилар. Энди суд раисиди ноибнинг сўзлари ёлгон, фаррошнинг гаплари тўғри эканига шак-шубҳа қолмаган эди.

Суд раиси ғазаб билан қичқириб, фаррошга буюрди:

— Қани, қулоғидан чўзиб, уйдан чиқазиб юбор!

Фаррош фурсатни бой бермай, атрофга тўпланган халқнинг кўз олдиди соҳибнинг буйругини бажарди.

Бу ҳақдаги хабар дарҳол қишлоққа таралиб кетди. Ҳақоратланган Хоркумар уйига келгач, томоғидан овқат ҳам ўтмай, ўйлидай чўзилиб ётди. Хоркумарнинг лавозими унга кўпгина душманлар ортирган эди, бу хабар уларни жуда мамнун этди. Аммо Калькуттага жўнашга ҳозирланган Шошибушон бу хабарни эшитганда ғоят дарғазаб бўлиб, туни билан ухлай олмади.

Эрта билан у Хоркумарнинг уйига келди. Хоркумар Шошибушоннинг қўлидан ушлаб ўпкаси тўлиб йиғлади.

— Ҳақорат даъвоси билан суд раисини жавобгарликка тортиш керак. Мен сенинг ҳимоячинг бўламан.

Соҳибни судга бериш ҳақидаги фикрни эшитиб, ноиб кўрқиб кетди. Хоркумар ўйлаб кўриш учун фурсат сўради. Бироқ ўзининг хўрлангани ҳақидаги овоза ҳамма ерга таралиб, душманлари ўз қувончларини яширмай юрганларини билгач, у ортиқ чидаб тура олмай, Шошибушондан ёрдам сўраб келди.

— Бабу, менинг эшитишимча, сен Калькуттага кетишга қарор қилибсан. Бу фикрингдан қайт. Қишлоқда сендай бир одамнинг бўлиши бизларни руҳлантиради.

### III

Ҳамиша одамлардан яшириниб юрган Шошибушон бугун судга келди. Шошибушоннинг гапларини эшитиб бўлгач, суд раиси уни ўз кабинетига чақириб, шундай деди:

— Шоши бабу, шу ишни овоза қилмай, ўзаро ҳал қила қолсак яхши бўлсамизми?

Шошибушон заиф кўзларини қисган ҳолда столда ётган қонулар тўпламининг муқовасига диққат билан назар ташлади.

— Мен ўз ҳимоям остидаги одамга бундай маслаҳат бера олмайман. У халқ орасида ҳақоратланган. Шундай бўлгач, қандай қилиб бу ишни «овоза қилмай» ҳал этиб бўлади?

Қисқагина суҳбатдан соҳиб шуни билдики, бу камгап, кўзлари заиф одамни ўз йўлига киритиши осон эмас экан.

— Ол райт<sup>1</sup>, бабу, кўрамиз, қани бундан нима чиқар экан.

Суд бўладиган кунни белгилаб, раис чиқиб кетди. Бу орада у заминдорга шундай деб ёзди:

«Сенинг ноибинг менинг хизматкорларимни ҳақорат қилди. Бу билан у менга ҳурматсизлик кўрсатди. Унга муносиб чоралар кўришинга ишонаман».

<sup>1</sup> Ол райт — яхши (инглизча).

Заминдор Хоркумарни чақириб келтирди. Хоркумар ҳам заминдорга бўлиб ўтган воқеани батафсил сўзлаб берди. Буни эшитиб заминдор жуда газабланиб кетди.

— Ахир, гапни чўзиб ўтирмасдан фаррошга 4 шер ёғни бериб юборсанг бўлмасмиди? Нима, бу билан қашшоқ бўлиб қолармидинг?

Хоркумар ўзининг янглишганини сизди, дарҳақиқат, бундан у ҳеч зиён кўрмас эди. Ўз айбига иқроор бўлиб деди:

— Кўриниб турибдики, мен шу кун чап ёнимдан турган эканман. Шунинг учун шундай аҳмоқлик қилибман.

— Сенга соҳиб устидан шикоят қилишни ким маслаҳат берди?

— Марҳаматлим, мен шикоят қилмоқчи эмас эдим. Бу менинг ҳамқишлоғим Шошининг иши. Унинг суд ишларида ҳеч қандай тажрибаси йўқ, бу ғавғони менинг розилигимсиз шу бола қўзғади.

Заминдор Шошибушондан қаттиқ хафа бўлди: бу янги чиққан ишсиз адвокат ном чиқариш учун ҳар қандай олди-қочдига тайёр! У, иш дарҳол тўхтатилсин, деб ноибга буйруқ берди.

Хоркумар совғага бир неча мева-чева олиб, округ суди раисининг ҳузурига кирди. Соҳиб устидан шикоят қилиш менинг таъбимдаги иш эмас, бу ҳалиги она сути оғзидан кетмаган ҳамқишлоғим адвокат Шошибушоннинг иши, у менга ҳеч нарса демасдан, ўзича, шундай беҳуда ишни бошлаган, деди. Соҳиб буни эшитиб, Шошибушоннинг хатти-ҳаракатидан бениҳоя дарғазаб бўлиб, ноибнинг узрларидан тўла қаноат ҳосил этди. У, гарчи аччиқ устида ноибга жазо беришни буюрган бўлсам-да, ҳозир ўз қилмишимдан афсусланыпман, деди.

Округ судининг раиси ва хизматкорларига келтирган совғасини бўлиб бергач, Хоркумар маҳаллий суд раисини кўриш учун унинг олдида борди. Шошибушоннинг юзсизларча ҳаракатини эшитган суд раиси бундай деди:

— Мен ҳам таажжубда қолдим. Мен ҳамиша ноиб бабу ақлли одам деган фикрда эдим, тўсатдан менга: у киши бу ишни бости-бости қилишга рози эмас, ишни судга бериш ниятида, дедилар. Мен ўз қулоқларимга ишонмадим. Энди менга ҳамма нарса тушунарли...

Охири у ноибдан, Шоши конгресс аъзоси эмасми, деб сўради. Хоркумар, киприк қоқмай: «ҳа» деб жавоб берди.

Соҳибнинг ўзига хос тушунчасида бу ишларнинг моҳияти равшан эди: булар бари конгресснинг қўли билан қилинган! Конгресс агентлари яширинча, ҳар ерда игво қилиб, жанжал чиқаришга имконият қидириб юрадилар, сўнг буни газетада босиб ҳукумат билан жанжаллашадилар. У ўзига бир зарб билан бу фитначиларнинг ҳаммасини бир ёқли қилишга етарли ҳуқуқ бермагани учун ҳинд ҳукуматини жуда заиф ҳисоблар эди. Аммо конгрессчи Шошибушоннинг номини дилига тугиб қўйди.

Шошибушон Хоркумар иши юзасидан ҳаракат бошлаб, катта китоблардан шу ишга доир йўл-йўриқ излаганда, фикран ўз нутқини машқ қилар, гувоҳларни такрор сўроққа чақирар, ҳаяжон билан титраб, терга пишган ҳолда, ўзини суд мажлисида, кўп халқ орасида тўла ғалабага эришгандай ҳис этарди, ёш шоғирди эса ҳар куни белгили бир вақтда унинг эшигига келиб турарди. Биринчи кунларда Шошибушоннинг қандайдир суратсиз, ваҳимали китоб ўқиётганини кўрди. Илгари у қандай китоб ўқимасин, ундан бирор нарсани Гирибалага тушунтиришга уринарди. Наҳотки, энди шунча кўп катта, қора китобларда унинг учун икки оғиз сўз топилмаса! Наҳотки бунинг сабаби китобларнинг катталигида-ю, унинг кичиклигида бўлса!

Дастлаб ўқитувчининг диққатини жалб қилиш учун ашула айтди, сўнг хат ёзди, охири ёзганларини тебрана-тебрана бор товуши билан қичқириб ўқиди, ҳеч қандай натижа чиқмади. Қизча катта қора китобдан жуда ҳам хафа эди. Бу китоб унга қандайдир бадбуруш, бераҳм, ёвуз маҳлуқдай туюлди. Унинг тушуниб бўлмайдиган ҳар бир саҳифаси Гирибалага сўзсиз нафрат билан қараган қандайдир ёмон одамнинг башарасидай кўринарди. Агар бирор ўғри шу китобни ўғирлаб кетса, уни мукофотлаш учун Гирибала аясининг сандиқчасидан бутун ширинликларни олиб чиққан бўлар эди. Шу китоб нобуд бўлсин деб қиз бечора не-не дуолар билан худоларга мурожаат қилмади. Аммо худолар унга қулоқ солмадилар, шунинг учун мен ҳам бу дуоларнинг мазмунини ўқувчиларимга сўзлаб ўтиришни лозим кўрмадим.

Шунда хафа бўлган қизча уч кунгача ўқитувчисининг олдига бормасликка қарор қилди. Кейин, кўрган чораларининг натижасини аниқлаш мақсадида яна борди, албатта, бу бориш тамом бошқа иш билан эди. Йўлда яширинча Шошибушоннинг деразасига қаради: энди Шошибушон ёнида қора китоблар йўқ эди. Ўзи хона ўртасида туриб, қўлларини чўзиб, деразанинг темир панжарасига мурожаат этиб, чет тилда нутқ сўзларди. Эҳтимол, у ўз нутқи судларнинг юрагини эритадими-йўқми деб темирда синаб кўраётгандир. Ҳаётни фақат китобдан ўрганган Шошибушон агар қадим замонларда Демосфен, Цицерон, Барк, Шеридан каби нотиқлар ўз нутқлари билан мўъжизалар кўрсатган бўлсалар, сўз ўқлари билан адолатсизликни тор-мор этиб, зўравонликни фош этган, такаббурни ерга қаратган бўлсалар, бизнинг замонда ҳам имкондан ташқари ҳеч нарса йўқ-ку, деб ўйлар эди. У ўзининг кичкина қишлоқчадаги уйида ўтириб, мансаб майидан маст бўлган бу инглизни бутун дунё олдида уялтираман, уни ўз қилмишларидан пушаймон бўлишга мажбур этаман деб ўйларди.

Шундай фикрларга шўнғиб кетган Шошибушон ўша куни Гирибаланинг келганини сезмади. Қизчанинг этагида олхўри йўқ эди — у олхўри данакларининг таъсирига ишонмай қўйди. Энди Шошибушон бепарволик билан: «Гири, бугун олхўри йўқми?» деб сўраганда, бу гап қизчага худди масхаралагандай

туюлиб: «Бор-э» деб, қочиб кетарди... У орқасига қарамай, ўз изидан бирор киши келяптими-йўқми, шунинг билишга тиришарди. Кетидан ҳеч ким келмаётганини сезгандан кейин ҳам, бир нарсага умид қилгандай, яна орқасига қайрилиб қаради, ҳеч кимни кўрмагач, хўрлик ва алам шиддатидан тўзғиб кетган дарслигини йиртиб-йиртиб, ўзининг сўнгги умидлари билан бирга ерга ташлади. Агар шу топда Шошибушондан ўрганган билимларини қайтариб бериш йўли топилса, уларни ҳам йигитнинг эшиги олдига олхўри данакларидай иргитиб кетарди. Қизча Шошибушон билан кўришгунгача у ўргатган ҳамма нарсаларни эсдан чиқаришга қаттиқ қарор қилди. У ҳолда, ўқитувчи ундан сўрайди, у эса бирортасига жавоб қайтара олмайди. Ҳа, биттасигаям, биттасигаям. Ушанда у йигит ўзининг қандай ёмон иш қилганини пайқайди!

Аламидан Гирибаланинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ҳамма нарсани унутганини билиб Шошибушоннинг хафа бўлишини ўйлаганида, қизчанинг эзилган юраги бирмунча тинчланди, аммо Шошибушоннинг айби билан келажакда нодон бўлиб қолишини ўйлаганида, бахтсиз Гирибаланинг ўзига раҳми келарди.

Осмонда булутлар сузарди. Ёмғир фасли бошланганда, бу хил булутларни ҳар куни кўриш мумкин.

Гирибала йўл бўйидаги дарахт орқасига бекиниб йиғлаб юборди. Кунига қанча қизлар шу хилда сабабсиз кўз ёши тўкадилар. Бунда диққатга сазовор ҳеч нарса йўқ.

## V

Шошибушоннинг юридик изланишлари ва нотиклик машқлари нечун беҳуда бўлиб чиққани ўқувчиларга маълум: судга берилган шикоят тўсатдан қайтариб олинди. Хоркумар ўз вилоятига фахрий судья этиб тайин қилинди. Энди у кир чакмон кийиб, ёғи чиқиб кетган салла ўраб, тез-тез судга борар, шунинг билан бирга ҳар гал, соҳиб ҳузурига кириб, унга таъзим қилиб чиқишни тарк этмасди.

Бир неча кундан кейин Шошибушоннинг қора, катта китоби Гирибаланинг қарғишига учради — уйнинг қоронғу бурчагига ташлаб қўйилган, устини чанг босиб, эсдан чиқиб кетган эди. Ахир Гирибала қаерда, бу мудҳиш китобга бўлган эътиборсизликдан қувонадиган қизча қаерда?

Уша куни Шошибушон қонун тўпламини ёпиб қўйгач, Гирибаланинг кетиб қолганини фаҳмлади. У хаёл суриб, сўнгги кунларда қизчанинг қилган ҳаракатларини эслади, ушанда у қизчага қайрилиб ҳам боқмаган эди. Қизча эса дастлаб ўзини йўқотаёзди, лекин кейинча, сорийсидан игна-ип олиб, бошини эгиб, гулларни бирин-кетин игна тиза бошлади, у бу ишни жуда секин қилса ҳам, охири тугатди. Шошибушон бўлса, ҳануз ўқиш билан машғул эди. Қиз ғоятда хафа бўлиб, гулларни диванда қолдириб чиқиб кетди. Йигитча бу хил бепарволик қизнинг иззат-нафсига текканини фаҳмлаб қолди. Қизча унинг олдига кирмай қўйди, фақат аҳён-аҳёнда уйи ёнидан ўтиб қоларди, холос. Охири қизча бутунлай келмайдиган бўлиб



қолди — бунга ҳам анча вақт бўлди. Қизчанинг иззат-нафси бу қадар эътиборсизликка бардош бермаслиги муқаррар эди. Шошибушон чуқур уф тортиб, гўё бир нарсани йўқотгандай деворга суянди. Энди унинг кичкина шоғирди йўқ эди, ўқишга бўлган ҳар қандай ҳаваси ҳам йўқолди.

Шошибушон Гирибала оғриб-нетиб қолмадимикан деб қўрқди. Эҳтиёт билан суриштириб, хавотирининг ўринсиз эканини билди. Гирибалани яқинда эрга берадилар, шунинг учун уйдан чиқиши мумкин эмас.

Дарслик китобини йиртиб, лой кўчага ташлаб келган кунининг эртасига, Гири сорийси этагига ширинликлар солиб, шошилиб уйдан чиқди. Ҳаво димлигидан туни билан ухламай чиққан Хоркумар илк саҳардан белигача яланғоч бўлиб олиб, ҳовлида ўтирган эди.

— Сен қаёққа кетяпсан, — деб сўради у Гиридан.

— Шоши амакимникига.

— Нима қиласан Шоши амакингникида, бор уйга кир! — Шундан кейин уни сўка бошлашди: кап-катта қиз, яқинда эрга тегати-ю, уятни билмайди. Ана шундан кейин, унга кўчага чиқишни ман қилдилар.

## VI

Гирибаланинг тўйида сурнайлар чалинган куни, тантананага таклиф этилмаган Шошибушон қайиқда Калькуттага томон сузиб кетди.

Хоркумар ўз шикоятини қайтиб олгандан бери Шошибушонни кўрарга кўзи йўқ эди. У Шоши мендан нафратланади, деб қаттиқ ишонарди. У ўзи тасаввур этган бу нафратнинг минглаб нишонларини Шошибушоннинг кўзларида, юзларида, хатти-ҳаракатларида кўрди. У ўзининг бир вақт хўрланганини қишлоқ аҳолиси аллақачон унутган, фақат Шошибушонгина эслаб юради, деб ҳисоблар, шунинг учун йигитчанинг кўзига қаролмасди. Шошибушон билан учрашганда ўнғайсиз ҳолатда қолар, шу билан бирга, йигитчадан ғазабланарди. У Шошини қишлоқдан кеткизаман деб аҳд қилди. Бундай одамни ўз уйидан чиқиб кетишга мажбур қилиш оғир иш эмас. Ноиб жаноблари тез фурсатда ўз муродига ета қолди. Бир кун Шоши қайиққа китоблари билан бир неча темир сандиқни юклади. Уни бу қишлоққа боғлаб турган бирдан-бир ип шу кунги тўй туфайли узилди. У илгари бу нозик ип қалбига нақадар маҳкам ўраб олганини тасаввур этмас эди. Қайиқ дарё соҳили бўйлаб юриб, таниш дарахтларнинг учлари кўздан ғойиб бўла бошлади, тўй мусиқаси борган сари заифлашарди, бирдан йигитнинг кўнгли бузилиб, нимадир томоғини сиқиб келди, чакка томирлари тез-тез ура бошлади, назарида бутун олам алдоқчи саробдай кўринди.

Қайиқ оқим бўйлаб кетган бўлса ҳам, қарши томондан эсан қаттиқ шамол йўлни оғирлаштиради. Шу пайт дарёда бир воқеа юз бериб Шошибушон саёҳатининг тўхтатилишига сабаб бўлди.

Яқинда темир йўлни қўшни кентлар билан боғлайдиган янги

пароход йўли очилган эди. Пароход парраклари билан сувни тўлқинлантириб, пишқирганча оқимга қарши сузиб келарди. Унда янги пароход йўли бошқармасининг раиси ёш соҳиб ва бир қанча пассажирлар бўлиб, бирмунчаси Шошибушоннинг ҳамқишлоқлари эди.

Қандайдир савдогар қайиғи пароходни қувиб ўтишга интилиб, гоҳ ўзиб кетар, гоҳ ортда қоларди. Қайиқчи бу мусобақага ҳаддан ташқари қизиқиб, биринчи елкан устига иккинчисини, иккинчисининг устига учинчисини кўтарди. Шамолнинг тазйиқидан узун лангар олдинга қараб эгилди. Қайиқ кесиб ўтган баланд тўлқинлар унинг ёнларига келиб урилар, қайиқ эса, сувликни тишлаб чопган отдай тез кетар эди. Дарё бир оз қайрилиб оққан ерда қайиқ пароход йўлини кесиб ўтиш учун шиддат билан илгари ҳаракат қилди, пароходдан ўзиб кетди. Панжарага тирсагини тираб турган соҳиб бу мусобақани зўр қизиқиш билан кузатиб борар эди. Қайиқнинг юриши тезлашиб, пароходдан жиндек ўтганда, бирдан соҳиб милтиғини олиб, шишиб турган елканни нишонга олиб отди. Елкан йиртилиб, баркас тўнтарилди. Пароход дарёнинг қайрилишида гойиб бўлди. Бошқарма раиси нега бундай қилди, буни айтиш қийин. Биз, бенгалликлар, инглизларнинг нимадан қувонишларини сира англай олмаيمиз. Эҳтимол, у ҳинд қайиғининг мусобақадаги ғалабасига чидамагандир; балки шишган елканнинг бир лаҳзада бурда-бурда бўлиб кетиши унинг учун бир ҳаловатдир, балки дадил кемачининг ўйинини бирдан бузишда, унинг бир неча жойидан тешилишида бирор иблисона лаззат бордир, билмадим. Аммо бир нарса шубҳасиз: инглиз бу ҳазил учун ўзига ҳеч нарса бўлмаслигига қаттиқ ишонади ва тўғриси айтганда, қайиқ эгасини ҳам, командани ҳам одам қаторида санамак эди.

Соҳиб милтиқни отгач, қайиқ ғарқ бўлганда, Шошибушон ҳодиса рўй берган жойда бўлиб, ҳамма ҳодисани ўз кўзи билан кўрди. У ағдарилган қайиқ олдига дарҳол сузиб бориб, қайиқчи ва эшкакчиларни ҳалокатдан қутқарди. Фақат бир кишини қутқазиб бўлмади, у фалокат юз берган чоғда қайиқ айвончаси остида зирavor янчиб ўтирган экан.

Шошибушоннинг томирларида қон қайнаб кетди. Адолат фавқулодда секин ҳаракат қилади, у худди катта ва мураккаб машина: ҳамма «гарафдор» ва «қаршиларни» ўлчаб, далиллар тўплайди ва тўла совуққонлик билан жазо беради, унда одам юрагидай юрак йўқ. Аммо Шошибушоннинг назарида жазо билан ғазабни бир-бирдан айириб қараш тўқликни очликдан, хоҳишни қаноатдан айириб қараш каби ғайритабиий бўлиб кўринади. Кўп жиноятлар борки, улар томошабиндан тезда бирор чора кўришни талаб этади, акс ҳолда, у томошабин, ўз қалбида яширинган самовий жазога гирифтор бўлади. У ҳолда адолатга ишониб ўзини тинчитиш кишини уқубатли андишага солади. Бироқ адолат машинаси ҳам пароход бошқармаси раисини Шошибушондан узоққа олиб кетди. Жамиятнинг бу воқеада нима фойда қилганини билмайман, лекин Шошибушоннинг раисини, пассажирларини, шубҳасиз, кучайтирди.

Шоши ўзи халос этган кишилар билан қишлоққа қайтди. Қайиқ юксиз ётарди. Уни чиқариб олиш учун кишилар юборди ва қайиқчига бошқарма раиси устидан шикоят қилишни таклиф этди.

Қайиқчи рози бўлмади.

— Қайиқ-ку ғарқ бўлди, нима, мен энди ўзимни ҳам ғарқ қилайми? — деди у. — Аввало, бунинг учун пул тўлаш зарур, сўнгра, ишни ташлаб, емоқ, ухламоқни унутиб, судма-суд юриш керак, бундан ташқари, соҳибга қарши бошланган бу ишнинг нима билан тамом бўлишини бир худодан бўлак ҳеч ким билмайди.

Охири Шошибушоннинг адвокатлигини, суд харажатларини унинг ўзи тўлашга тайёрлигини ва ҳамма фактлар унинг фойдасига ишлаб, суд қайиқчининг кўрган зиёнларини тўлашга ҳукм чиқариши муқаррарлигини билгандан кейин, қайиқчи рози бўлди. Бироқ Шошибушоннинг пароходда келган ҳамқишлоқлари судда гувоҳлик беришга рози бўлмадилар. Улар Шошибушонга бундай дедилар:

— Жаноб, биз ҳеч нарсани кўрганимиз йўқ, биз пароходнинг бошқа томонида эдик, сувнинг шариллаши ва машинанинг пишқиришидан милтиқ товушини эшитганимиз ҳам йўқ.

Юрагида ватандошларини лаънатлаб, Шошибушон бошқарма раиси устидан ўзи шикоят қилди.

Гувоҳларга эҳтиёж ҳам сезилмади. Бошқарма раиси милтиқ отганига иқрор бўлди. У бундай деди: осмонда қатор турналарни кўриб, нишонга олдим. Пароход ғоят тезлик билан юриб, милтиқ отилган пайтда дарёнинг қайрилиб оқадиган ерига келиб қолган эди. Бинобарин, қаргани ўлдирдимми, турнани олдимми ёки қайиқни ғарқ қилдимми, билолмадим. Ҳавода ва ерда ов тўлиб ётганда, ҳеч бир ақли бутун одам, гарчи бир ўқ чорак пайса турса ҳам, уни бекорга ҳайф қилиб, ифлос латтага отмайди.

Соҳиб оқланди ва сигарет тутунини бурқситиб, карта ўйнаш учун клубга кетди. Зиравор янчиб турган одамнинг ўлигини ҳодиса юз берган жойдан тўққиз миль нарида, тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган жойдан топиб олдилар. Шошибушон кўнгли бузилган ҳолда қишлоғига қайтиб келди.

## VII

Шошибушон нарсаларини йиғиштириб, яна Калькуттага жўнади. Калькуттада унинг ҳеч қандай иши йўқ, сирасини айтганда, боришга ҳам эҳтиёж йўқ эди. Бинобарин, у темир йўл билан эмас, дарё билан жўнашга қарор қилди.

Саёҳат бошланганда, ёмғир сувида ювилган дарахтлар қуёш нурида порлаб турардилар, бироқ тезда булут тўпланиб, ёмғир ёға бошлади. Қайси томонга боқманг, ҳамма нарса қайғули ва чиркин.

Ёмғир бўшашмади. Қайиқ айвончасида ўтириб безор бўлган Шошибушон поезд билан кетишга қарор қилди. У бир дарё

иккинчи дарёга қуйиладиган жойда қайиқни қирғоққа боғлаб, овқат қидириб кетди.

Оқсоқ одам чуқурга тушиб кетар экан, бунга фақат чуқур айбли эмас, оқсоқнинг оёғи ҳам ҳамиша чуқурга қараб тортади. Ўша куни Шошибушон буни жуда яхши исбот қилди.

Икки дарёнинг қуйиладиган ерида балиқчилар тўр солиб, уни қирғоқ яқинидаги бамбук дарахтига боғлаб қўйган эдилар. Фақат бир жойдагина қайиқ ўтиши учун йўл қолган эди. Балиқчилар узоқ вақтлардан бери шу йўсинда балиқ овлаб, шунга муносиб солиқ тўлардилар. Бахтга қарши, бош полиция амалдорига, бирдан худди шу йўлдан сузиб ўтишга тўғри келибди. Унинг қайиғини узоқдан кўрган балиқчилар қичқириб, тўр солинганидан огоҳлантириб, йўл кўрсатдилар. Аммо соҳибнинг қайиқчиси кишилар яратган тўсиқлар билан ҳисоблашиб ўрганмаган, у қайиқни тўппа-тўғри тўрга қараб бурди, тўр сувга ботиб, қайиқ унинг устидан ўтди, бироқ эшкак илиниб қолди. Уни ажратиш учун бироз вақт ва ҳаракат зарур эди.

Соҳибнинг қаҳр-ғазаби жўш уриб, қайиқни тўхтатишга фармон берди. Унинг юзидаги ғазабни кўрган балиқчилар тумтарақай бўлиб қочиб кетдилар. Соҳиб ўз эшкакчиларига, тўрни қирқиб ташланглар деб буюрди. Улар етти-саккиз рупия турадиган тўрни бир нафасда кесиб, бурда-бурда қилиб ташладилар. Соҳиб ғазабини бир даража босиб, балиқчиларни тутиб келишни буюрди. Полициячилар қочган балиқчиларни тополмай, дуч келган тўрт одамни тутиб келдилар. Улар соҳибга ёлвориб, қўйиб юборишни сўрадилар ва ҳеч нарсадан хабарлари йўқлигини сўзлаб, уни ишонтиришга уриндилар. Полиция бошлиғи асирларни олиб кетишни буюрди. Шу пайтда кўзларида кўзойнак, устидаги кўйлакнинг тугмаларини солишга ҳам улгурмаган Шошибушон туфлисини шапиллатиб, ҳансираганча, соҳибнинг қайиғи олдига чопиб келиб, қалтираган овоз билан деди:

— Тўрни кесишга ва бу тўрт одамни қийнашга сизнинг ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ!

Катта амалдор унга ҳинд тилида кўпол жавоб берди. Шу пайтда Шошибушон қайиққа сакраб тушди-да, соҳибга ташланиб, уни ёш боладай, жиннидай дўппослаб кетди. Сўнгра нима бўлганини у эсламайди. Кўзини очиб ўзини полиция участкасида кўрди, у ердаги муомалалардан унинг маънавий қаноат ҳосил қилиши ёки жисмоний енгиллик ҳис этиши эҳтимолдан узоқ эди, деб гапиришга эҳтиёж бўлмаса керак.

## VIII

Шошибушоннинг отаси адвокат ёллаб, ўғлини кафилга олишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг суд жараёнига доир ташвишлар бошланди.

Тўрлари қирқиб ташланган балиқчилар Шошибушон яшаган округда истиқомат қилиб, ўша заминдорга муте эдилар, улар бахтсизликка учраганда Шошибушоннинг олдига қонунга доир

маслаҳатлар сўраб келардилар. Соҳиб тутиб кетган тўрт киши ҳам Шошибушоннинг танишлари эди.

Шоши ҳамқишлоқларини чақириб, уларни шу можарога гувоҳ тариқасида кўрсатиш ниятида эканини айтди. Улар ҳаддан ташқари қўрқиб кетдилар: ахир уларнинг оилалари, болалари бор, борди-ю полиция билан жанжаллашиб қолсалар, уларни бу балодан ким қутқазди?

Ахир ҳар кимнинг биргина жони бор! Тўғри, улар зарар кўрдилар, бироқ ҳозир уни қайтариб бўлмайди. Шунини кўра-била туриб, гувоҳлик бериш эса гирифторм бўлишнинг ўзгинаси.

— Жаноб, сен бизни катта мусибатга дучор қилдинг,— дер эди улар.

Узоқ чўзилган гап-сўзлардан кейин, улар бўлган ҳақиқатни батамом сўзлаб беришга рози бўлдилар.

Хоркумар бир иш билан судга бориб, соҳибларга салом бериш ниятида идорага кирганда, полиция бошлиғи кулиб туриб, унга:

— Ноиб бабу, эшитишимча, сенинг ижарачиларинг полицияга қарши ёлгон гувоҳлик берар эмишлар! — деди.

Ноиб қўрқиб кетди.

— Қандай, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Бу ифлос тоифанинг болалари жуда ҳам юзсиз-да!

Судда адвокат Шошибушонни ҳимоя қила олмагани тез фурсатда газетадан маълум бўлди.

Балиқчилар бирин-кетин туриб, полиция бошлиғи тўрни кесгани йўқ, бизларни чақириб отларимизни ёзиб олди, холос, дедилар.

Бугина эмас, Шошибушоннинг бир неча ҳамқишлоқлари, биз ўша кунини тўй муносабати билан дарёда саёҳат қилиб, воқеа юз берган жойнинг яқинига бориб қолган эдик. Шошибушоннинг бирдан полиция соҳибига ташланиб, уни бекордан-бекорга урганини ўз кўзимиз билан кўрдик,— дедилар.

Шошибушон, ўзи таҳқиқлангач, қайиққа тушиб соҳибни урганига иқдор бўлди. Лекин бунинг бош сабаби соҳибнинг тўрни кесиши ва айбсиз тўрт балиқчини қамашини эди.

Бундай шароитда Шошибушон устидан чиқарилган ҳукми адолатсиз деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ҳукм қатъий бўлиб, Шошибушон бир неча хил жиноятда айбланган эди: бировни уриш, қайиққа бостириб кириш, полициянинг қонуний ҳаракатига қаршилик кўрсатиш ва ҳоказо... Ҳар қайсисининг исботи учун етарли далиллар бор эди.

Шошибушон севиқли китобларини кичик уйда қолдириб, беш йил муддатни турмада ўтказишга мажбур эди. Унинг отаси Олий судга муурожаат қилмоқчи бўлганда, Шошибушон қатъий қаршилик кўрсатиб, бундай деди:

— Турмага борганим тузук. Темир занжирлар ёлгон сўзламайди, турма деворидан ташқаридаги «озодлик» эса мени алдаб, мусибатларга гирифторм қилди. Агар одамлар ҳақида сўз бораркан, шунини айтиш керакки, турма тор бўлганидан у ерда ёлгончилар, қаллоблар, ҳимматсиз ва номард кишилар озодликдагига нисбатан анча оз.

Шошибушон қамалганидан кейин тез орада отаси ўлди. Унинг бошқа ҳеч кими қолмади. Тўғри, бир акаси бор эди, аммо узоқ вақтлардан бери марказий вилоятларда ишлайди. У ерда уй солиб, бола-чақалик бўлиб кетган, ватанига қайтишни ўйламайди. Шошибушоннинг бу ердаги ҳамма мулкларини ноиб Хоркумар турли ҳийла-найранглар билан ўзлаштириб олган эди.

Тақдирнинг хоҳиши билан Шошибушон турмада бошқалардан кўпроқ азоб-уқубат чекди. Нима бўлса-да, уқубатли беш йил ўтиб кетди.

Яна ёмғиргарчилик даври бошланган эди. Шошибушон озиб-тўзиб, кўнгли чўккан ҳолда турмадан чиқди. У озод бўлди. Турма деворларидан ташқарида унинг шу озодликдан бошқа ҳеч нарсаси, ҳеч кимсаси йўқ эди. Жамиятдан ҳайдалган, уйсиз, ёлғиз Шошибушонга бу кенг дунё бошпанасиз бир биёбондек туюлди...

1894 й.

#### Савол ва топшириқлар

1. Шошибушон билан Гирибала ўртасидаги муносабатларнинг болаларча самимийлигига эътибор беринг. Гирибаланинг ўзига яраша «шум»ликлари тасвирланган ўринларни кўрсатинг.
2. Шошибушоннинг табиатига хос сифатлар ҳақида ўйлаб кўринг. Унинг қишлоқдагиларга ёқмай қолиш сабабларини тушунтиринг.
3. Нима учун Шошибушон қишлоқдан кетмоқчи эди, унинг қишлоқдан кетолмай қолишига нима сабаб бўлди?
4. Одамови, осойишталикни истайдиган Шошини суд раисига қарши иш кўзгашга нима мажбур қилган деб ўйлайсиз? Сизни Шошибушоннинг ҳаракатлари ишонтирдими?
5. Хоркумарнинг Шошини илгаридан ҳам баттар ёмон кўриб қолиши сабабини тушунтиришга урининг. Ахир Шоши Хоркумарнинг шаъни учун курашган эди-ку?
6. Пароходдан ўзиб кетган елканли қайиқни инглиз нима учун отди деб ўйлайсиз? Ҳимоя матнига таянган ҳолда шунга жавоб топинг.
7. Шошибушоннинг ҳамқишлоқлари, жабр кўрган кишилар не сабабдан одамнинг ўлимига сабабчи бўлган инглизнинг устидан арз қилишни истамдилар?
8. Ҳикояда шундай жумлалар бор: «Оқсоқ одам чуқурга тушиб кетар экан, бунга фақат чуқур айбли эмас, оқсоқнинг оёғи ҳам ҳамиша чуқурга қараб тортади». Езувчи нима демоқчилигини тушунтириб беринг.
9. Полиция бошлигини Шоши нима учун дўшмандлади? У тўғри қилдими?
10. Тўрлари қирқилиб, катта зарар кўрган ҳамда бекордан-бекорга ушлаб кетилган балиқчилар нима учун инглиз полиция бошлигининг ёнини олиб, Шошибушонга туҳмат қилди деб ўйлайсиз?
11. Шошибушоннинг ватандошлари билан сизнинг ватандошларингиз тақдири ўртасида ўхшашлик бор деб ўйлайсизми?
12. Сиз Шоши сингари йўл тута олармидингиз? Унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўра оласизми?
13. Бизнинг юртимизда ҳам инглизлар ҳиндларга қилган адолатсизликларга ўхшайдиган муносабатлар бўлганми?
14. Сиз Шошибушон ватандошларининг кўрқоқликларини оқлай оласизми?
15. Ҳикоянинг «Нур ва соялар» деб номланиш сабабини изоҳлаб беринг.

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикасининг Дав- лат мадҳияси . . . . .	3
Муқаддима . . . . .	4

### ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

„Алпомиш“ достони . . . . .	7
-----------------------------	---

### ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДАН

Сайфи Саройи. „Исо мўъжи- заси“ . . . . .	28
Ҳайдар Хоразмий. „Бўз тўқувчи кампир ва базоз ҳикояти“ . . . . .	30
Алишер Навоий . . . . .	35
„Қаро кўзум“ . . . . .	38
„Кеча келгумдир дебон“ . . . . .	40
„Мени мен истаган...“ . . . . .	41
„Шоҳнинг мунглир мушавваш- лар бида“ . . . . .	41
„Нўширавонул-одил ҳикояти“ . . . . .	43
„Кўрлар ва фил ҳикояти“ . . . . .	45
Машраб . . . . .	48
„Сенсан севарим...“ . . . . .	50
Мураббаълар . . . . .	52
Шермуҳаммад Мунис . . . . .	54
„Шеър ул тиғи дудам- дурким...“ . . . . .	55
Амирий . . . . .	57
„Лаб уюр такаллумга...“ . . . . .	59
Зокиржон Фурқат . . . . .	60
„Сурмадин кўзлар қаро...“ . . . . .	62
„Кашмирда“ . . . . .	63
Анбар Отин . . . . .	65
„Алифбо“ . . . . .	65

### XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАН

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек. „Навоий“ романини қандай ёздим . . . . .	71
„Навоий“ (романдан боблар) . . . . .	73
Тарихий роман ҳақида . . . . .	94
Комил Яшин . . . . .	96
„Нурхон“ (Беш пардали мусиқали дра- мадан парча) . . . . .	98
Усмон Носир . . . . .	103

Усмон Носир ҳақида сўз . . . . .	103
„Нил ва Рим“ . . . . .	104
Эрк мадҳияси . . . . .	106
„Монолог“ . . . . .	108
Мақсуд Шайхзода . . . . .	110
„Мирзо Улугбек“ (фожиадан парчалар) . . . . .	111
Буюк инсон фожиаси . . . . .	129
Фожиа (трагедия) жанри ҳақида . . . . .	133
Миртемир. „Сурат“ (лирик қисса) . . . . .	135
„Сурат“ достони ҳақида . . . . .	142
Шароф Рашидов . . . . .	145
„Кашмир қўшиғи“ (Қиссадан парчалар) . . . . .	146
Шухрат . . . . .	155
„Олтин зангламас“ (Романдан боб)	
3. Ишонча кирган туҳматчи- лар . . . . .	156
Саид Аҳмад	
Илҳом ва маҳорат самараси . . . . .	162
„Қочоқ“ („Уфқ“ романидан парча) . . . . .	164
Роман шакллари . . . . .	178
Абдулла Орипов. „Она сайёра“ . . . . .	180
Камялақдек сержило . . . . .	182
Хайриддин Султонов. „Саодат соҳили“ (қиссадан парча) . . . . .	184
Шароф Боббеков. Ўзим ҳақимда . . . . .	194
„Темир хотин“ (жиддий ко- медиядан парчалар) . . . . .	196
Хуршид Даврон. „Падаркуш“ . . . . .	219

### ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИДАН

Чингиз Айтматов . . . . .	224
„Найман она қиссаси“ („Асрга татигулик кун“ романидан) . . . . .	226
Сергей Есенин . . . . .	252
„Гудакликдан маълум ҳар одам...“ . . . . .	253
Робиндранат Тўқур . . . . .	254
„Нур ва соялар“ (ҳикоя) . . . . .	256

**АКРАМ КАТТАБЕКОВ, ВАҲОБ РАҲМОНОВ**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**

8-синф учун

(Дарслик-мажмуа)

Тўлдирилган ва тузатилган  
3-нашри

Тошкент „Ўқитувчи“ 1997

Таҳририят мудири *Х.Ҳайитметов*  
Муҳаррир *М.Аҳмедов*  
Бадий муҳаррир *З.Абдурасулов*  
Техник муҳаррир *Ш.Бобохонова*  
Мусахҳиҳ *П.Аъзамова*

ИБ 7155

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 12.09.96. Бичими 60 x 90<sup>1</sup>/16. Тип қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 17,0. Нашр т.16,72. Шартли кр.отт.17,5. 248000 нусхада. Буюртма № 372.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 13-90-96.

Оригинал-макет „Ўқитувчи“ нашриётининг компьютер бўлимида техникавий ва дастурий воситалар асосида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй, 1996.

**Мактаб кутубхонаси жамғармасига киритилган. Бепул.**